



YURISPRUDENSIYA

HUQUQIY ILMIY-AMALIY JURNALI

2021/4



ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

- | | | | |
|-----------------------|--|------------------------|--|
| Н. Салаев | – Бош муҳаррир, илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор, ю.ф.д., профессор | Д. Хабибуллаев | – Тошкент давлат юридик университети “Фуқаролик процессуал ва иқтисодий процессуал ҳуқуқи” кафедраси мудири, ю.ф.н., профессор |
| И. Рустамбеков | – Бош муҳаррир ўринбосари, ўқув ишлари бўйича проректор, ю.ф.д., профессор | Н. Имомов | – Тошкент давлат юридик университети “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси мудири, ю.ф.д., профессор |
| Б. Пулатов | – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси профессори, ю.ф.д. | М. Баратов | – Тошкент давлат юридик университети “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси профессори, ю.ф.д. |
| М. Миракулов | – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия ҳарбий-техник институти бошлиғи биринчи ўринбосари, доцент, ю.ф.д. | Г. Тулаганова | – Тошкент давлат юридик университети “Суд, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва адвокатура” кафедраси профессори, ю.ф.д. |
| Д. Миразов | – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия ҳарбий-техник институти “Соҳавий ҳуқуқий фанлар” кафедраси бошлиғи, ю.ф.д., профессор | Х. Каримов | – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси “Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонунлар устидан назорат” кафедраси бошлиғи, ю.ф.д. (PhD) |
| У. Мухамедов | – Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғининг ўринбосари - юридик техникум директори, ю.ф.д., профессор | Н. Рахмонкулова | – Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети “Халқаро хусусий ҳуқуқ ва фуқаролик ҳуқуқи фанлари” кафедраси доценти, ю.ф.д. |
| С. Гулямов | – “Халқаро хусусий ҳуқуқ” кафедраси профессори, ю.ф.д. | Б. Мусаев | – Тошкент давлат юридик университети Таълим сифатини назорат қилиш бўлими бошлиғи, ю.ф.д., профессор в.б. |
| О. Окюлов | – Тошкент давлат юридик университети “Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси профессори, ю.ф.д. | Р. Кучкаров | – Тошкент давлат юридик университети “Умумтаълим фанлар” кафедраси доценти, ф.ф.н. |
| М. Ахмедшаева | – Тошкент давлат юридик университети “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” кафедраси профессори, ю.ф.д. | Ҳ. Салоева | – Тошкент давлат юридик университети Таҳририй-нашриёт бўлими бошлиғи, масъул муҳаррир |
| У. Тухташева | – Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори ўринбосари, ю.ф.д., профессор | | |

МУАССИС: ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

“Юриспруденция” ҳуқуқий илмий-амалий журнали

“Юриспруденция” правовой научно-практический журнал

“Jurisprudence” legal scientific-practical journal

“Юриспруденция” ҳуқуқий илмий-амалий журнали Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2020 йил 22 декабрда 1140-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий аттестация комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.

Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик университетида тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва кўпайтириш муассис рухсати билан амалга оширилади.

Сотувда келишилган нархда.

ISSN 2181-1938

© Тошкент давлат юридик университети

MUNDARIJA

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY
HUQUQ. MA'MURIY HUQUQ.
MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

- 5 **ЭРГАШЕВ ИКРОМ АБДУРАСУЛОВИЧ**
Солиқ низоларини муқобил ҳал этишнинг
ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш
масалалари
- 12 **ЙЎЛДОШЕВ АЗИЗЖОН ЭРГАШ ЎҒЛИ**
Ўзбекистонда жамоатчилик муҳокамаларини
ҳуқуқий тартибга солишнинг долзарб масалалари
- 25 **АБДУВАЛИЕВ МАҚСУДЖОН
АБДУРАШИД ЎҒЛИ**
Ўзбекистонда қурилиш соҳасини тартибга
солувчи ҳуқуқий асосларнинг вужудга келиши
- 34 **РАҲИМОВ ДИЛМУРОДЖОН
ҒУЛОМЖОН ЎҒЛИ**
Давлат фуқаролик хизматида меритократия
тамойилини қўллашнинг ташкилий-ҳуқуқий
масалалари

12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI.
TADBIRKORLIK HUQUQI.
OILA HUQUQI.
XALQARO XUSUSIY HUQUQ

- 42 **USMONOVA MUNISKHON YULDOSH QIZI**
Definition and classification of voidable
transactions
- 50 **ХУДАЙБЕРГЕНОВ БЕҲЗОД
БАХТИЁРОВИЧ**
Ғарбда тўловга қобилиятсизлик (банкротлик)
ҳуқуқи ривожланиши ва асосий принциплар
шаклланиши
- 66 **ЖОЛДАСОВА ШАҲНОЗА БОТИРОВНА**
Чет эл ҳуқуқи нормалари ҳамда чет эл
ҳуқуқига ҳавола этиш тушунчаси ва моҳияти

12.00.07 – SUD HOKIMIYATI.
PROKUROR NAZORATI.
HUQUQNI MUHOFAZA QILISH
FAOLIYATINI TASHKIL ETISH.
ADVOKATURA

76 **БАКАЕВ ШАХРИЁР БАХТИЁРОВИЧ**
Маъмурий суд иш юритуви тушунчаси ва
мазмун илмий-назарий таҳлили

12.00.08 – JINOYAT HUQUQI,
HUQUQBUZARLIKLARNING
OLDINI OLISH. KRIMINOLOGIYA.
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI.

83 **НАЖИМОВ МИРАТДИЙИН
ШАМШЕТДИНОВИЧ**
Оилага ва ёшларга қарши жиноятлар учун
жавобгарлик белгиланган жиноят қонуни
нормаларининг ривожланиш тарихи

12.00.09 – JINOYAT PROTSESSI.
KRIMINALISTIKA,
TEZKOR-QIDIRUV HUQUQ VA
SUD EKSPERTIZASI

92 **НИЯЗОВ МАКСУД КАДАМОВИЧ**
Опыт зарубежных стран по реализации
требований допустимости доказательств
при производстве по уголовным делам

102 **ПРИМОВ БАХТИЁР ОЛИМ ЎҒЛИ**
Дастлабки терговда ахборот-коммуникация
технологияларини қўллашнинг процессуал-
ҳуқуқий асослари

12.00.11 – PARLAMENT HUQUQI

111 **АББОСХОНОВ ТОИРХОН ХАСАН ЎҒЛИ**
Парламент фаолияти учун ахборот-таҳлилий
маълумотномаларни тайёрлашнинг ўзига
хос хусусиятлари

UDC: 336.225.6

ORCID: 0000-0002-3924-5182

СОЛИҚ НИЗОЛАРИНИ МУҚОБИЛ ҲАЛ ЭТИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Эргашев Икром Абдурасулович,
Тошкент давлат юридик
университети мустақил изланувчиси,
доцент, юридик фанлар бўйича
фалсафа доктори (PhD),
e-mail: ikromabdurasulovich@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада солиқ низоларини муқобил ҳал этиш ҳуқуқий механизмларининг назарий ва амалий жиҳатлари ёритилган. Бунда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган солиқ низоларини ҳал қилишга доир нормалар тизимли таҳлил қилинган, бу борада хорижий давлатлар тажрибаси қиёсий ўрганилган, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган, таҳлил қилинган соҳадаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар билдирилган. Шу билан бирга, мамлакатимизда солиқ соҳасида юзага келадиган солиқ низоларини муқобил ҳал этиш ҳамда солиқ соҳасида юзага келиши мумкин бўлган келишмовчиликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар таҳлил қилинган. Бугунги кунда мамлакатда солиқ маслаҳати соҳаси тизимли ва босқичма-босқич шаклланаётганлиги алоҳида таъкидланган. Шу қаторда, солиқ тўловчилар учун бирдек адолатли, шаффоф солиқ тизимини яратиш ва солиқ низоларини муқобил ҳал этиш тизимини халқаро стандартларга мослаштириш, шунингдек, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириш мақсадида амалга оширилаётган кенг кўламли тизимли ишлар ўрганилган.

Калит сўзлар: солиқ органлари, солиқ тўловчи, солиқ низоси, Солиқ маслаҳати, Солиқ маслаҳатчилари ташкилоти, солиқ маслаҳатчиларининг реестри, келишмовчилик.

ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПРАВОВЫХ МЕХАНИЗМОВ АЛЬТЕРНАТИВНОГО РАЗРЕШЕНИЯ НАЛОГОВЫХ СПОРОВ

Эргашев Икром Абдурасулович,
доктор философии (PhD),
самостоятельный соискатель, доцент
Ташкентского государственного
юридического университета

Аннотация. В данной статье описаны теоретические и практические аспекты правовых механизмов альтернативного разрешения споров. Проведены системный анализ норм альтернативного разрешения налоговых споров, установленных Налоговым кодексом и иными нормативно-правовыми актами Республики Узбекистан, сравнительное изучение зарубежного опыта в данной сфере, проанализированы существующие проблемы, разработаны рекомендации по их решению, даны предложения по совершенствованию законодательства

в анализируемой сфере. Вместе с тем проанализирована проводимая в нашей стране работа по альтернативному разрешению налоговых споров, а также предупреждению, выявлению и устранению возможных споров в налоговой сфере. Отдельно отмечено, что на сегодняшний день сфера налогового консультирования в стране формируется системно и поэтапно. Также проанализирована масштабная систематическая работа, проводимая по созданию справедливой, прозрачной налоговой системы для налогоплательщиков и приведению системы альтернативного разрешения споров в соответствие с международными стандартами, а также по усилению защиты прав и законных интересов налогоплательщиков.

Ключевые слова: налоговые органы, налогоплательщик, налоговый спор, налоговая консультация, организация налоговых консультантов, реестр налоговых консультантов, разногласия.

ISSUES OF IMPROVING THE LEGAL MECHANISMS FOR ALTERNATIVE RESOLUTION OF TAX DISPUTES

Ergashev Ikrom Abdurasulovich,

Tashkent State University of Law,

Independent Researcher,

Associate Professor, Doctor of Philosophy

(PhD) in Law

Abstract. The author of this article describes the theoretical and practical aspects of legal mechanisms for alternative dispute resolution. The aim of conducting current scientific research is to have thoughtful systematic analysis of the norms of alternative resolution of tax disputes established by the Tax Code and other regulatory legal acts of the Republic of Uzbekistan. Conjointly, author attempts to carry out a comparative study of foreign experience by analyzing actual problems existing in this area along with their recommendations for their solution and introduced proposals for enhancing legislation. At the same time, has been analyzed the works, that carried out in our country on the alternative resolution of tax disputes, as well as on the prevention, identification and elimination of possible disputes in the tax area. Separately noted, that today the sphere of tax consulting in the country is being formed systematically and in stages. Additionally, author of this article analyzed the large-scale systematic work carried out to create a fair, transparent tax system for taxpayers and bring the system of alternative dispute resolution in line with international standards, as well as to strengthen the protection of the rights and legitimate interests of taxpayers.

Keywords: tax authorities, taxpayer, tax dispute, tax consultation, organization of tax consultants, register of tax consultants, disagreements.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси мамлакатимизда солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасида юзага келадиган муносабатларда солиқ органлари ҳужжатлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят бериш ҳуқуқини кафолатловчи муҳим расмий ҳужжат ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси солиқлар ва йиғим-

ларни белгилаш, жорий этиш ва бекор қилиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлашга доир муносабатларни, шунингдек, солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатларни тартиби солади.

Бугунги пандемия шароитида солиқ тизимини такомиллаштиришнинг асосий нуқтаси солиқ интизомини мустаҳкамлаш муаммоси бўлиб, унинг ҳолати унинг муҳим таркибий қисми – солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича жисмоний ва

юримдик шахсларнинг мажбуриятлари тўғри бажарилиши билан белгиланади.

Шундан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, солиқ тўловчиларга ёрдам бериш, уларнинг бу борадаги солиқ ҳуқуқий маданияти ва билими даражасини оширишга кўмаклашиш, улар билан мунтазам равишда иш олиб бориш орқали солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган турли солиқ низолари ва келишмовчиликларнинг олдини олиш мумкин.

Солиқ низоси тушунчасига бевожита Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида таъриф берилмаган бўлса-да, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 21 февралдаги 16 ва 2019-09-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши томонидан солиқ низоларини кўриб чиқиш регламентида белгиланган бўлиб, унга кўра, солиқ низоси — солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасида (бундан буён матнда тарафлар деб юритилади) юзага келадиган солиқ солиш объектларини аниқлаш, солиқ солинадиган базани ҳисоблаш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкалари ҳамда солиқ имтиёзларини қўллаш билан боғлиқ келишмовчиликлардир.

Д.А. Шинкарьок солиқ низосига қуйидагича таъриф беради: «Солиқ низоси асосини ўзаро келишмовчилик ташкил этиб, бу келишмовчилик муайян юридик фактлар асосида, масалан, солиқ органларининг қонун ҳужжатларига зид бўлган акти, қарори, ҳаракат ёки ҳаракатсизлигини баҳолаш натижасида солиқ тўловчи (солиқ агентлари) ва ваколатли давлат органлари ўртасида юзага келадиган келишмовчилик [1].

С.М. Миронова солиқ низосига томонларнинг келишувига кўра ёки ваколатли давлат органлари рухсати билан солиқ ҳуқуқи нормаларини қўллаш жараёнида давлат ва солиқ тўловчилар ҳамда солиқ ҳуқуқий муносабат бошқа иштирокчиларининг манфаатлари қарама-қаршилигини акс эттирувчи солиқ ҳуқуқий муносабат сифатида таъриф берган [2].

С.В. Овсянников солиқ низосини қуйидагича белгиланган: солиқ низоси иштирокчилари сифатида бир томонда ваколатли давлат органлари, бошқа томонда эса солиқ ҳуқуқий муносабатнинг бошқа иштирокчилари бўлиб, солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш ҳамда солиқ ҳуқуқий нормалар ва ваколатли давлат органи қарорларини тўғри қўллаш жараёнида улар ўртасида келиб чиқадиган юридик низо [3].

Солиқ низосига Д.Б. Орахелашвили томонидан қуйидагича таъриф берилган: солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш жараёнида тарафлар ўртасида уларнинг ўзаро ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, шунингдек, уларнинг талабларини амалга ошириш бўйича келишмовчилик [4].

Э.Н. Нагорная [5], С.А. Ядрихинский [6], И.В. Цветков [7], И.А. Гончаренко [8] ҳамда С.А. Коваленколар [9] тарафлар ўртасида солиқлар ва йиғимларни тўлаш жараёнини тартибга солиш ҳамда солиқ қонун ҳужжатларини ижро этиш жараёнида тез-тез учраб турадиган тортишувлар, тартиб бузишларни суд арбитражи орқали ҳал этиш, солиқ тўловчилар ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш масаласини ўз илмий ишларида асослаб берган.

Бизнинг фикримизча, солиқ низоси – солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини амалда қўллаш жараёнида пайдо бўладиган солиқ органларининг ҳужжатлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)дан солиқ тўловчи (солиқ тўловчининг вакили)нинг норози бўлганлиги натижасида юзага келадиган келишмовчиликдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги “Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3802-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида”ги 812-сон қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши ташкил этилган.

Мазкур Кенгашга солиқ низоларини кўриб чиқиш натижаларидан норози бўлган солиқ тўловчи, солиқ агенти ва (ёки) солиқ тўловчининг вакили Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бошқармаси томонидан аввал кўриб чиқилган солиқ низолари бўйича мурожаат қилиши мумкин.

Шу билан бирга, қўзғатилган жиноят ишлари доирасида ўтказилаётган солиқ текширувлари ҳамда солиқ тўловчи солиқ низолари бўйича давлат солиқ хизмати органлари қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилган ҳолларда солиқ низолари мазкур кенгаш томонидан кўриб чиқилмайди.

Умуман олганда, солиқ низолари солиқ тўловчи ва солиқ органлари ўртасида муайян моддий ҳуқуқ нормаларини турлича қўллаш ва талқин этиш борасида турли фарқларнинг мавжудлиги натижасида келиб чиқади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, солиқ низоларининг қуйидаги турларини келтириш мумкин:

солиқ текширувлари давомида юзага келадиган низолар;

молиявий санкцияларни ундириш бўйича низолар;

солиқ қарзини ундириш бўйича низолар; солиқ декларациялари, солиқ ҳисоботларини тақдим этиш мажбурияти бўйича низолар;

солиқ имтиёزلаридан фойдаланиш билан боғлиқ низолар;

солиқ органларининг ҳужжатлари ва улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида юзага келадиган низолар.

Солиққа оид низоларни судгача кўриб чиқишнинг ўзига хослиги солиқ органи томонидан низони кўриб чиқиш якунига етказилганидан сўнг ҳам уларни тартибга солиш жараёнларини давом эттириш имкониятининг мавжудлигидадир.

Ушбу ҳолатда солиқ тўловчи солиқ органлари ҳаракатлари нотўғрилиги юзасидан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга [10].

Низоларни судгача ҳал этишнинг энг кенг тарқалган усулларида бири бу медиациядир.

Медиация шундай жараёнки, бу учинчи, мустақил томоннинг ёрдами билан ўзаро манфаатли низоларни ҳал қилиш усулларида бири ҳисобланади.

Солиқ медиацияси солиқ назорати чораларини амалга оширишда солиқ тўловчига ёрдам беришнинг янги усули сифатида намаён бўлмоқда.

Солиқ медиацияси қонунчилик даражасида мустақамланмаган бўлса-да, солиқ низолари бўйича медиацияни қўллаш солиқ низоларини ҳал этишнинг устувор йўналиши сифатида долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Медиация жараёнида эришилган ечим ижро этишни талаб қилмайди. Бу воқеачиликнинг ижобий жиҳатидир, яъни ихтиёрий ижро ҳар бир томоннинг манфаатлари ҳамда талаб ва таклифларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Бунда, албатта, медиация тартибида солиқ органи иштирокида ўз позициясининг расмий баёноти талаб қилинмайди.

Асосийси, воситачиликда қабул қилинган қарор томонларнинг манфаатларини рўёбга чиқаришга қаратилган бўлади. Демак, солиқ органи бюджетга маблағ олишдан, солиқ тўловчи эса солиқлар тўғри ҳисобланишидан манфаатдор. Агар ушбу манфаатлар ўртасида мувозанат топилса, суд қарори талаб қилинмайди.

Ўз навбатида, қайд этиш лозимки, солиқ маслаҳати давлатнинг янги солиқ сиёсатини самарали амалга оширишнинг профессионал институти ҳамда солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш масалаларида солиқ тўловчиларнинг ишончли ёрдамчиси сифатида самарали ишлар олиб бормоқда.

Таъкидлаш лозимки, солиқ маслаҳати солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг юридик ва жисмоний шахсларга (бундан буён матнда мижозга (ишонч билдирувчига) деб юритилади) шартнома асосида солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш борасидаги фаолиятидир.

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 20 мартдаги “Солиқ маслаҳати соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 55-сонли қарорининг 1-бандига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги солиқ маслаҳати соҳасидаги ваколатли давлат органи ҳисобланади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси билан солиқ маслаҳатчилари ташкилотларига:

давлат солиқ ва божхона хизмати органлари билан муносабатларда солиқ тўловчининг манфаатларини ифодалаш;

солиқ ҳисоботини солиқ тўловчи номидан солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали электрон ҳужжат тарзида тақдим этиш;

давлат солиқ хизмати органларининг талабномаларида кўрсатилган, аниқланган тафовутларнинг асосномаси сифати-

да ҳулосаларни солиқ тўловчи номидан давлат солиқ хизмати органига тақдим этиш бўйича қўшимча ҳуқуқлар берилди.

Қайд этиш лозимки, белгиланган тартибда малака сертификатини олган жисмоний шахс солиқ маслаҳатчиси ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда мавжуд солиқ маслаҳатчилари реестридаги маълумотларга кўра, айти пайтда атиги 142 та солиқ маслаҳатчиси фаолият олиб бормоқда [11].

Мазкур реестр маълумотларидан ҳулоса қилиш мумкинки, бу борадаги ишлар кўлами пастлиги ҳамда солиқ маслаҳатчилари солиқ тўловчиларнинг ишончли ёрдамчиси сифатида етарлича шаклланмаганлигини кўрсатиб турибди.

Бу борада хорижий мамлакатлар тажрибасига назар ташласак, солиқ маслаҳатчилари хизматларидан фойдаланиш бўйича эҳтиёжларини таққослаш мумкин. Масалан, Европа ва АҚШнинг ривожланган мамлакатлари ўртача статистик коэффициентга эга: мамлакатда ишлайдиган солиқ хизматларининг 10 ходими учун 11 та солиқ маслаҳатчиси, Австралияда ҳар 18 миллион кишига 18000 солиқ хизмати ходими ва 21000 солиқ маслаҳатчиси тўғри келади.

Аслида, ушбу йўналишда мамлакатимизда ҳам дастлабки қадамлар ташланди. Хусусан, давлат томонидан тартибга солиш, солиқ маслаҳатчиларини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, улар касбининг ҳуқуқий мақоми ва нуфузини мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 сентябрда “Солиқ маслаҳати соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4846-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга кўра, 2021 йил 1 январдан Молия вазирлигининг қуйидаги функциялари Ўзбекистон Солиқ маслаҳатчилари палатаси ўтказилди.

солиқ маслаҳатчисининг малака сертификатини олиш учун малака имтиҳонларини ўтказиш;

солиқ маслаҳатчисининг малака сертификатини бериш, қайта расмийлаштириш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва уни бекор қилиш;

солиқ маслаҳатчиларини ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш дастурларини тасдиқлаш;

солиқ маслаҳатчиларининг реестрини юритиш.

Шуни таъкидлаш лозимки, солиқ бўйича маслаҳат бериш ягона шартнома билан белгиланадиган фаолият туридир. Шундан келиб чиқиб, солиқ маслаҳатчиси бу солиқ тўловчининг молиявий манфаатларини ҳимоя қиладиган шахс ҳисобланади.

Шу билан бирга, маслаҳатчи нафақат ўз мижозини ҳимоя қилиши ва солиқ тўловларини оптималлаштириши, балки солиқларни тўғри ва ўз вақтида тўлашга ёрдам бериши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келишимиз мумкин:

солиқ тўловчиларнинг солиқ органлари билан ўзаро муносабатларида шаффофликни таъминлаш ҳамда солиқ маслаҳати соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, солиқ маслаҳати соҳасини ривожлантириш мақсадида “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги қонунни тубдан қайта кўриб чиққан ҳолда, янги таҳрирда-

ги “Солиқ маслаҳати тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш;

солиқ ҳуқуқбузарликларининг олдини олишнинг энг муҳим воситаси сифатида кенг консалтинг тармоғини жорий этишни ҳар томонлама ва ўзаро икки йўналишда амалга ошириш;

солиқ низоларини ҳал қилиш механизмининг такомиллаштириш мақсадида ахборот алашинувини кўпайтириш, фуқароларга солиқ бўйича маслаҳат беришни ривожлантириш, реклама ва ахборот фаолияти, медиа каналлардан фойдаланиш тизимини ривожлантириш;

“солиқ маслаҳатчи – солиқ тўловчининг ишончли ёрдамчиси” тамойили доирасида Ўзбекистон Солиқ маслаҳатчилари палатаси томонидан солиқ маслаҳатчилари иштирокида тарғибот-ташвиқот тадбирларини ташкил этиш лозим. Бу солиқ тўловчиларда солиқ маслаҳатчиларининг ишончли ёрдамчи сифатида шаклланишига эришиш, ишлар самарадорлигини ошириш ва келгусидаги режаларни белгилаб олишга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, ижтимоий муносабатлар ривожига мутаносиб тарзда солиқ қонунчилиги нормалари такомиллаштирилар экан, бу орқали солиқ тўловчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланади, солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг олди олинади ва мамлакат иқтисодиётининг барқарор тараққий этишига эришилади.

REFERENCES

1. Shinkarjuk D.A. Dosudebnoe uregulirovanie nalogovyh sporov : finansovo-pravovoe issledovanie. Dis. kandidata juridicheskikh nauk [Pre-trial settlement of tax disputes: financial and legal research. Dis. candidate of legal sciences]. 12.00.14. Omsk state University named after F.M. Dostoevsky, no. 61 08-12/963. 2008, 163 p.
2. Mironova S.M. Mehanizm razresheniya nalogovyh sporov v Rossijskoj Federacii: finansovo-pravovoj aspekt. Avtoref. dis. kand. jurid. nauk [Mechanism for resolving tax disputes in the Russian Federation: financial and legal aspect. Abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences]. Saratov, 2006, p. 9.

3. Ovsjannikov S.V. Nalogovye spory v arbitrazhnom sude: obshhaja harakteristika [Tax disputes in the arbitration court: general characteristics]. Pravovedenie – Jurisprudence, 1996, no. 3.
4. Orahelashvili D.B. Ponjatie nalogovyh sporov i otdel'nye napravlenija ih razreshenija v Rossijskoj Federacii. Dis. kandidata juridicheskix nauk [The concept of tax disputes and certain areas of their resolution in the Russian Federation. Dis. candidate of legal sciences]. 12.00.14. Moscow, 2004, 185 p. RSL OD, 61:04-12/1423.
5. Nagornaja Je.N. Nalogovye spory: sootnoshenie grazhdanskogo i nalogovogo zakonodatel'stva [Tax disputes: correlation of civil and tax legislation]. Ed. 2nd, rev. and additional. Moscow, Yustitsinform Publ., 2003.
6. Jadrihinskij S.A. O pravozashhitnoj funkcii nalogovyh organov [On the human rights function of tax authorities]. Juridicheskaja nauka i praktika – Legal science and practice, 2018, no. 14 (3), pp. 32-39.
7. Cvetkov I.V. Prakticheskie aspekty dejatel'nosti jurista po zashhite prav nalogoplatel'shhika v sudebnom porjadke [Practical aspects of the activities of a lawyer to protect the rights of a taxpayer in court]. Moscow, 2000.
8. Goncharenko I.A. Mehanizm razreshenija nalogovyh sporov v Velikobritanii i ES. Avtoref. dis. kand. jurid. nauk [Mechanism for resolving tax disputes in the Russian Federation: financial and legal aspect. Abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences]. Moscow, 2001.
9. Kovalenko S.A. Nalogovye spory: ponjatie i osnovanija vozniknovenija [Tax disputes: concept and grounds for occurrence. Nalogovye spory: teorija i praktika – Tax disputes: theory and practice. 2004, no. 9, pp. 13-16.
10. Saprykina I.A. Processual'nye normy nalogovogo prava. Avtoref. dis. kand. jurid. nauk [Procedural rules of tax law. Abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences]. Voronezh, 2009, p. 3.
11. Reestr nalogovyh konsul'tantov. Palata nalogovyh konsul'tantov [Register of tax consultants. Chamber of Tax Advisers]. Available at: <http://pnk.uz/ru/consulting/reestr/?page=5/>.

UDC: 347.471(042)(575.1)
ORCID: 0000-0002-5821-2714

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМОАТЧИЛИК МУҲОКАМАЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Йўлдошев Азизжон Эргаш ўғли,
Тошкент давлат юридик университети доценти в.б.,
юридик фанлар номзоди,
e-mail: a.yoldoshev@tsul.uz

Аннотация. Мақолада жамоатчилик муҳокамалари тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ва уларни қўллаш амалиёти, ушбу соҳадаги хорижий амалиёт ва илмий қарашлар тадқиқ этилган. Ўрганиш жараёнида бундай муҳокамалар очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш, улар иштирокчиларининг таклифлари ва фикрларини ҳисобга олишда ҳамда ушбу соҳани ҳуқуқий тартибга солишдаги бошқа муаммолар мавжудлиги аниқланган. Муаллиф жамоатчилик муҳокамаларини нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари баробарида, давлат органлари томонидан ўтказиш амалиётини тадқиқ қилган ва “жамоатчилик муҳокамалари” таърифини тўлиқроқ очиқ беришга ҳаракат қилган. Мақолада қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамалари жамоатчилик муҳокамаларининг бир тури эканлиги ва бунда онлайн технологиялардан фойдаланиш самарадорлиги асослаб берилган. Тадқиқотда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамалари йўлга қўйилганлиги ушбу жараённинг атрофлича тартибга солинганлиги билан боғланади. Шу асосда бошқа ижтимоий аҳамиятга эга масалалар юзасидан жамоатчилик муҳокамаларини ўтказишни ҳуқуқий тартибга солиш борасида тавсиялар ишлаб чиқилган. Муаллиф бу борада мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш умумий қоидаларини ишлаб чиқиш, шу жумладан, жамоатчилик муҳокамаси иштирокчилари таклифларига давлат органлари томонидан жавоб беришни таъминлаш бўйича амалий тавсияларни илгари сурган.

Калит сўзлар: жамоатчилик муҳокамаси, онлайн муҳокама, ижтимоий аҳамиятга молик масалалар, умумхалқ муҳокама, таклифларни инобатга олиш.

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ ОБЩЕСТВЕННЫХ ОБСУЖДЕНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

Йўлдошев Азизжон Эргаш ўғли,
кандидат юридических наук,
и.о. доцента Ташкентского государственного
юридического университета

Аннотация. В статье исследованы акты законодательства об общественных обсуждениях и практика их применения, зарубежный опыт и научные источники в данной сфере. В ходе исследования выявлены проблемы обеспечения открытости и публичности общественных обсуждений, учета предложений и мнений их участников и другие проблемы правового регулирования данной сферы. Автор исследовал практику проведения общественных

обсуждений неправительственными организациями, органами самоуправления граждан и СМИ, а также государственными органами и стремился уточнить понятия «общественные обсуждения». В статье обосновывается, что всенародное обсуждение законопроектов является разновидностью общественного обсуждения, а также эффективность использования в этом онлайн-технологий. Регулярность общественного обсуждения проектов нормативно-правовых актов в исследовании связывается с детальным регламентированием данного процесса. На основе этого разработаны рекомендации по правовому регулированию общественных обсуждений по другим вопросам, имеющим общественное значение. По итогам исследования автором выдвинуты практические рекомендации по разработке общих правил проведения общественных обсуждений, в том числе обеспечению предоставления государственными органами ответа на предложения участников обсуждения.

Ключевые слова: публичное обсуждение, онлайн-обсуждение, общественно значимые вопросы, общенародное обсуждение, рассмотрение предложений.

CURRENT ISSUES OF LEGAL REGULATION OF PUBLIC DISCUSSIONS IN UZBEKISTAN

Yuldoshev Azizjon Ergashevich,
PhD in Law, Associate professor
of Tashkent State University of Law

Abstract. The article studies the problems of ensuring the openness and publicity of public discussions, taking into account the proposals and opinions of their participants and other issues of legal regulation of this area. In the study, legislative acts and practices of their application, foreign practice and scientific views in this area were studied, and sociological surveys were conducted. The author investigated the practice of holding public discussions by non-governmental organizations, citizens' self-government bodies and the media, as well as state bodies, and sought to clarify the concept of "public discussions". The article proves that the nationwide discussion of bills is a kind of public discussion, and the effectiveness of using online technologies in this process. The regularity of public discussion of draft legal acts in the study is associated with a detailed regulation of this process. With this in mind, recommendations were developed on the legal regulation of public discussions on other issues of social importance. Based on the results of the study, the author put forward practical proposals for the development of general rules for conducting public discussions, including the provision by state bodies of replies to the proposals of the participants in the discussion.

Keywords: public consultations, online consultations, socially significant issues, people discussion, consideration of proposals.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9-моддасида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилиши белгиланган. Ушбу қоида ижросини таъминлаш жараёнида жамоатчилик муҳокамаси институти шаклланди ва ривожланмоқда. Бундай муҳокамалар ҳуқуқий асосларининг такомиллашуви баробарида, қонун ҳужжатларида унинг шакллари, субъектларини

белгилашдаги фарқлар ва бошқа ноаниқликлар кўзга ташланмоқда. Мавжуд камчиликларни бартараф этиш бу борадаги амалиёт ва қонун ҳужжатларини уйғунлаштириш ҳамда жамоатчилик муҳокамаларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибининг янада такомиллаштириш заруратини тақозо қилмоқда.

2018 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-474-сон Қонуннинг 9-моддасида илк бор жамоатчилик муҳокамасига "ижтимоий аҳамият-

га молик масалалар, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини оммавий муҳокама қилиш” таърифи берилди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар давлат органлари қарорларининг бир тури [1, 338-б.] ҳамда уларнинг ижтимоий аҳамиятга, яъни оммавий манфаатларга молик масалалардан бири эканлиги, шунингдек, бугунги кунда уларнинг лойиҳалари баробарида амалдагилари ҳам жамоатчилик муҳокамасига қўйилишини инобатга олган ҳолда, ушбу таърифдаги “шунингдек” ва “бошқа қарорларининг лойиҳалари” сўзлари тегишинча “жумладан” ҳамда “бошқа қарорлари ва уларнинг лойиҳалари” сўзларига алмаштирилса, ушбу таъриф холисроқ бўларди.

Шу билан бирга, 2018 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-474-сон Қонунда жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш ҳуқуқига фақат нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситалари эгалигини кўрсатиш билан кифояланиб бўлмайди. Чунки бундай муҳокамаларни 2014 йил 25 сентябрдаги ЎРҚ-376-сон Қонунга мувофиқ ижтимоий шериклик доирасида давлат органлари фуқаролик жамияти институтлари билан биргаликда ёки бошқа қонун ҳужжатларига кўра ўзлари алоҳида ўтказиб келмоқдалар. Шунингдек, блогерлар ва бошқа шахслар ижтимоий тармоқларда тули масалалар юзасидан жамоатчилик муҳокамаларини ўтказмоқдалар. Ушбу ҳолатни 2018 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-474-сон Қонунда акс эттириш қонун ҳужжатларидаги қарама-қаршиликларни бартараф қилади.

Юқоридагилардан ўтказиш субъектига қараб давлат органлари, ижтимоий шериклик субъектлари ва улар биргаликда ўтказадиган жамоатчилик муҳокамаларини ажратиш мумкин. Ушбу муҳокамаларни ўтказиш фуқароларга ахборот тарқатишга бўлган ҳуқуқи [2, 48-б.] ҳамда оммавий

ишларни бошқаришда иштирок этиш учун берилган имконият бўлса, давлат органлари зиммасига юкланган мажбуриятдир. Шу туфайли хорижий давлатларда фуқароларни ёки оммавий жалб қилиш (citizen (public) involvement, engagement) жараёнини ҳуқуқий тартибга солиш ва такомиллаштириш масалалари давлат сиёсатининг марказида туради [3, 51-б.].

Материал ва методлар

Бугунги кунда жамоатчилик муҳокамаларига оид меъёрлар қонун ҳужжатларида белгиланган. Жамоатчилик муҳокамалари амалиёти, жумладан, бу борадаги қонун ҳужжатларини қўллашга оид маълумотлар Интернет тармоғи, оммавий ахборот воситалари ҳамда миллий ва хорижий илмий нашрларда мавжуд. Бу маълумотларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижасида мамлакатимизда жамоатчилик муҳокамалари, асосан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари бўйича ўтказилиши, уларда таклиф ва тавсияларнинг камлиги аниқланди. Ушбу муаммолар сабабларини аниқлаш учун, яъни муаммовий-мақсадли методни қўллаб, Интернет тармоғи ва оммавий ахборот воситаларининг контент таҳлили ўтказилди, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ўрганиш расмий-юримдик метод қўлланилди, бу борада миллий ва хорижий тажриба қиёсий таҳлил қилинди. Шунингдек, тадқиқотда лингвистик таҳлил, статистик, мантиқий, тизимли, ижтимоий ва бошқа методлар қўлланилди.

Тадқиқотнинг концептуал асосларини делибератив демократия назарияси ташкил қилади. Хорижий давлатларда жамоатчилик муҳокамалари, асосан, маслаҳатлашувлар дейилиб, уларга делибератив демократия ўзаги сифатида қаралади [4, 504-505-б.]. Шу жиҳатдан маслаҳатлашувларни келишув [5] ва бошқа шаклларда турли масалалар бўйича ўтказишнинг ҳуқуқий, назарий ва ташкилий асослари такомиллашиб бормоқда [6-8]. Масалан, бундай муҳокамаларни ўтказиш Таиланд

қироллиги Конституциясининг 77-модда-
сида мустаҳкамланган [9]. Ўзбекистонлик
тадқиқотчилар томонидан ҳам ғояларни
биргаликда муҳокама қилиш, ахборот ал-
машинуви, ўзаро ишонч, ахборот тизи-
мининг кенгайиши инновацион ривож-
ланишнинг тамойиллидан бири сифати-
даги қараш эътироф этилиб, уни рўёбга
чиқаришга оид амалий таклифлар ишлаб
чиқилмоқда [10, 56-б.].

Жамоатчилик муҳокамаларини самара-
ли ўтказиш мақсадида бугунги кунга келиб
қатор тамойиллар ишлаб чиқилган [11].
Мавжуд тамойилларни умумлаштирган
ҳолда, уларни давлат органлари, жамоалар
ва инсонлар ўзаро ишончини мустаҳкам-
лаш, қонунга асосланган, кенг қамровли
маслаҳат ўтказиш, инсонлар тажрибаси ва
билимларини эътироф этган ҳолда, ҳоки-
мият ваколатларини биргаликда амалга
ошириш, аниқ ва самимий мулоқот қилиш,
алоқаларни ривожлантириш каби раҳ-
барий қоидалардан иборат эканлигини
кўриш мумкин. Бунда жамоатчилик муҳо-
камалари ахборот очиқлигидан бошлани-
ши ва унинг самарадорлиги ҳаққоний ах-
борот беришга боғлиқлиги эътироф эти-
лади [12; 48]. Ушбу тамойиллар жамоат-
чилик муҳокамаларини ҳуқуқий тартибга
солиш истиқболларини белгилайди.

Тадқиқотлар натижалари

Ўзбекистон қонунчилигида “жамоат-
чилик муҳокамалари” жумласи илк бор
2000 йил 14 декабрда қабул қилинган
«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғриси-
да»ги 160-II-сонли қонунда қўлланилди.
Ушбу Қонуннинг 16-моддасида норма-
тив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари-
ни жамоатчилик муҳокамасига қўйиш
мумкинлиги белгиланган эди. Муҳока-
ма шакллари, тартиби ва натижаларини
расмийлаштириш меъёрлари эса 2012 йил
24 декабрда янги таҳрирда қабул қилинган
ушбу Қонуннинг 20-моддасида мустаҳкам-
ланди. Қайтадан қабул қилинган мазкур
Қонунда мавжуд жамоатчилик муҳокама-

лари тўғрисидаги меъёрларнинг кўпчи-
лиги сақланган ҳолда “Норматив-ҳуқуқий
ҳужжатларнинг жамоатчилик муҳокама-
си” деган 24-модда киритилди. Бироқ бун-
дай номланган моддада фақат қонунчилик
ҳужжатлари лойиҳалари онлайн муҳока-
масини ўтказиш тартибининг белгилани-
ши эътирозлидир.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси-
нинг онлайн муҳокамасида барча хоҳлов-
чиларнинг иштирокини таъминлаш им-
кони бўлса ҳам, жамоатчилик муҳокама-
сининг бошқа шакллари инкор қилиб
бўлмайди. Бундай шакллар Ўзбекистон
Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси томонидан қонун лойиҳалари-
нинг жамоатчилик муҳокамасини ўтка-
зишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги
Низомнинг 9-бандида кўрсатилган [13].
Ушбу бандга кўра, қонун лойиҳасининг
жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш қу-
йидаги шаклларда ташкил этилиши мум-
кин:

мажлислар, конференциялар, учрашув-
лар, семинарлар, давра суҳбатлари ва суҳ-
батлар ўтказиш;

босма нашрларда эълон қилиш,
шунингдек, телекўрсатувлар ва радио-
эшиттиришлар ташкил этиш;

қонун лойиҳасини Интернет жаҳон ах-
борот тармоғига жойлаштириш.

Шу билан бирга, юқорида келтирилган
шакллар қаторига Ўзбекистон қонунчи-
лик ҳужжатларида ҳам, илмий мулоқотда
ҳам, қонун лойиҳалари умумхалқ муҳока-
масининг киритилмаслиги эътирозлидир.
Бундай ҳолатни қонун лойиҳаларининг
умумхалқ муҳокамаларини ўтказиш тар-
тиби алоҳида қонунда белгиланиши билан
оқлаб бўлмайди. Чунки 2018 йил 12 апрел-
даги ЎРҚ-474-сон Қонуннинг 9-моддасига
кўра, жамоатчилик муҳокамаси бошқа ах-
борот-коммуникация технологияларидан
фойдаланган ҳолда ва оммавий ахборот
воситалари орқали ўтказилиши мумкин.
Шу туфайли оммавий ахборот воситала-

рида қонун лойиҳаларининг онлайн муҳокамаларини умумхалқ дейишга [14] қўшилиш мумкин. Ушбу ва бошқа ҳолатлар 2000 йил 14 декабрдаги 166-II-сон ва 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон қонунларга тегишли ўзгартишларни киритиш заруратини кўрсатади.

Мамлакатимиздаги айрим тадқиқотчилар қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасига қўйилиши қонунда ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда халқнинг давлат бошқарувидаги иштироки [15, 75-б.], хоҳиш-иродасини тўла ифодалашга кўмаклашишини [16, 31-б.] эътироф этганлар. Баъзи тадқиқотчилар умумхалқ муҳокамаларини ижтимоий фикрни ўрганиш [17, 14-б.] ва қонунчилик жараёнининг принципи сифатида белгилашни тавсия қилганлар [18, 22-б.]. Бироқ ҳозиргача умумхалқ муҳокамасига қандай қонун лойиҳаларини қўйиш, фуқаролардан келиб тушган таклифларни умумлаштириш ва бошқа долзарб масалалар тадқиқ этилмаган.

2000 йил 14 декабрдаги 166-II-сон Қонуннинг 1-моддасига кўра, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалаларига дахлдор қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамасига қўйилади. 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон Қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, қонунлар энг муҳим ва барқарор ижтимоий муносабатларни тартибга солиши туфайли ҳар бир қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилишини талаб қилади. Бироқ ушбу Қонун 23-моддасининг иккинчи қисмида қонун лойиҳасини умумхалқ муҳокамасига қўйишнинг ихтиёрийлиги белгиланган. Натижада

2021 йил 21 февраль ҳолатига 1210 та қабул қилинган бўлса, улардан 30 тадан ортиғи умумхалқ муҳокамасига қўйилган. Бундай ҳолатни умумхалқ муҳокамаларини ўтказиш тартибининг мураккаблиги билан ҳам изоҳлаш мумкин.

2000 йил 14 декабрдаги 166-II-сон Қонунга кўра, қонун лойиҳаси қонунчилик

ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган органлар, шахслар ва Қонунчилик палатаси қўмиталари таклифига кўра Қонунчилик палатасининг қарори билан умумхалқ муҳокамасига қўйилади. Ушбу Қонуннинг 18-моддасида умумхалқ муҳокамалари давлат органларининг мажлисларида, фуқаролар йиғинларида, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларида, ҳарбий хизматчиларнинг йиғилишларида юзма-юз ҳамда билвосита оммавий ахборот воситалари орқали ўтказилиши белгиланган. Юзма-юз бевосита ўтказиладиган мажлис ва йиғилишларга кўпчиликни жалб қилиш мураккаб масала. Агар улар видеоконференция режимида ўтказилса, кўпроқ фуқароларни қамраб олиш мумкин, аммо бунда кўпчилик ўз муносабатини баён қила олмаслиги, айримлар мавзудан ташқарига чиқиб кетиши, ўз фикрини аниқ ифода эта олмаслиги ва бошқа сабаблар оқибатида тадбирлар самараси пасаяди.

Қонунлар лойиҳаларининг онлайн муҳокамалари иштирокчиларга ўзлари учун қулай вақтда лойиҳа ва унга берилган таклифлар билан танишиб, уларга ўз муносабатини билдириш имконини беради. Шу туфайли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг онлайн жамоатчилик муҳокамаларида озчилик иштирок этаётганлиги ҳамда лойиҳаларнинг кўпчилигига умуман таклиф берилмаётганлиги диққатни жалб қилади. Масалан, 2021 йил 23 февраль ҳолатига Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига 8866 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси муҳокамага қўйилган бўлиб, жами 36133 та таклиф келиб тушган бўлса, улардан 1941 таси бешта фуқаро томонидан берилган [19]. Бундай ҳолатни кўпчиликнинг портал тўғрисида беҳабарлиги билан изоҳлаш мумкин.

Юқори курсдаги ҳуқуқшунос талабалар орасида ўтказилган сўровда уларнинг 60 фоизи Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

лойиҳалари муҳокамаси портали ҳақида билмаслиги ва 20 % порталга жойлаштирилган лойиҳаларга таклиф бергани аниқланди [20]. Ўзбекистонда интернет фойдаланувчилари сони 2021 йил 11 декабрь ҳолатига 22,1 миллиондан ошган [21] бўлишига қарамай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаларида иштирок этувчилар сонининг пастлиги ҳам Портал тўғрисида кўпчилик беҳабарлиги эҳтимолини тасдиқлайди. Шу туфайли ушбу маълумотларни хорижий давлатлар каби ҳуқуқий ахборот сифатида эътироф қилиш [22, 106-б.] ҳамда Портал, унга қандай лойиҳалар жойлаштирилаётгани, уларни қабул қилишдан мақсад тўғрисидаги маълумотни аҳолига етказиш восита ва усуллари тақомиллаштириш долзарб масалалардан биридир.

Охириги вақтда босма ва электрон оммавий ахборот воситлари, веб-саҳифаларда айрим қонун лойиҳаларининг онлайн жамоатчилик муҳокамалари бошлангани ва уларнинг мазмуни тўғрисида хабар берилиши ижобий ҳолдир [23]. Хорижий давлатларда барча онлайн муҳокама қилинаётган қонун лойиҳалари тўғрисидаги хабарни нафақат оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи, балки дўконлар, жамоат транспорти ва инсонлар кўп бўладиган бошқа жойлардаги баннерлар, электрон таблолар каби воситалар орқали эълон қилиш амалиёти эътиборга лойиқ [24, 103-б.]. Шунингдек, босма ва бошқа электрон оммавий ахборот воситаларида лойиҳалар бўйича таҳлилий маълумотлар берилади.

Ўзбекистонда давлат қарорлари ва уларнинг лойиҳаларидан бошқа ижтимоий аҳамиятга эга, яъни оммавий манфаатга молик масалалар бўйича жамоатчилик муҳокамаларини йўлга қўйиш долзарб масалалардан биридир. Бугунги кунда ОАВ ва бошқа манбалардаги маълумотлардан жамоатчилик муҳокамалари, асосан, давлат органлари томонидан норматив-ҳуқуқий

ҳужжатлар лойиҳалари бўйича онлайн ўтказилади деган ҳулосага келиш мумкин. Ушбу ҳолатни норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш тартибга солинганлиги билан изоҳлаш ўринли. Шу туфайли мавжуд қонунчилик ҳужжатлари ва уларни ижро этиш амалиёти асосида жамоатчилик муҳокамасини ўтказишнинг умумий қоидаларини тақомиллаштириш эҳтиёжи аён бўлмоқда.

2018 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-474-сон Қонун 9-моддасининг тўртинчи қисмида жамоатчилик муҳокамаси оммавий ва очиқ ўтказилиши, иштирокчиларнинг муҳокамага киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдириш ва таклифлар киритишга ҳақли эканлиги белгиланган. Мазкур қоида жамоатчилик муҳокамасида барча хоҳловчилар иштирок этиши учун шароит яратишни талаб қилади. Бундай шароит ушбу модданинг бешинчи қисмига кўра жамоатчилик муҳокамасининг ташкилотчиси жамоатчилик муҳокамасига киритилаётган масалалар, муҳокамани ўтказиш муддати ва тартиби тўғрисидаги ахборотни олдиндан эълон қилиши, ўз ихтиёридаги, жамоатчилик муҳокамасига киритилаётган масалаларга тааллуқли бўлган материаллардан барчага тақдим этиши билан таъминланади. Ушбу қисмда юзма-юз муҳокама ўтказиш жойи ва вақти кўрсатилишини ҳам белгилаш унда барча хоҳловчилар иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

Жамоатчилик муҳокамасини оммавий ва очиқ ўтказиш қоидаси 2018 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-474-сон Қонун 9-моддасининг учинчи қисмидаги жамоатчилик муҳокамаси турли ижтимоий гуруҳларнинг вакиллари, шу жумладан, муҳокама этилаётган масала ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ёки дахлдор бўлиши мумкин бўлган шахслар иштирокида ўтказилиши мумкинлиги меъёрини ўзгартиришни талаб қилади.

Мазкур субъектлар иштирокини таъминлаш мажбурий бўлгани учун ушбу меъёردаги “иштирокида ўтказилиши мумкин” деган сўзларни “иштироки учун шароит яратилади” деган сўзлар билан алмаштириш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ-682-сон Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ, жамоатчилик муҳокамасининг бошқа шаклларида ҳам манфаатдор, яъни муҳокама қилинаётган масала ваколатлари доирасига кирадиган давлат органи иштирокини таъминлаш ижобий ҳолдир. Чунки бундай иштирок манфаатдор давлат органларидан жамоатчилик муҳокамаларида билдирилаётган таклиф ва мулоҳазаларга ўз муносабатини билдириши, жумладан, жавоб беришни англатади. Бироқ 2021 йил 21 февраль ҳолатига Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар муҳокамаси порталига 36133 та таклиф келиб тушган бўлса, уларнинг 187 таси инобатга олинган, 1847 таси рад қилинган, қолган 34097 тасига жавоб берилмаган [15]. Бундай ҳолатни қонун ҳужжатларида жамоатчилик муҳокамаларида берилган таклифларга жавоб бериш тўғрисидаги қоида мавжуд эмаслиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ-5025-сон қарори билан тасдиқланган Низом билан қонунчилик ҳужжатлари ва улар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаларида берилган таклифлар юзасидан ахборот тақдим қилиш қоидалари янада такомиллаштирилгани этиборга лойиқдир. Чунки ўз кучини йўқотган Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар онлайн жамоатчилик муҳокамаларини тартибга солувчи Низомнинг 14-бандида лойиҳани ишлаб чиқувчилар тушган таклифларни умумлаштириши ва қабул қилинганлиги тўғрисидаги тегишли маълумотни, агар рад этилган бўлса – асослантирилган сабабни порталга жойлаштириши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ-5025-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 17-бандида ишлаб чиқувчи таклифларни умумлаштириши, уларни қабул қилиш ёки рад этиш тўғрисида асосланган маълумот ҳамда мазкур таклифлар асосида қайта ишланган лойиҳа ва тартибга солувчи таъсирини баҳолаш (ТСТБ) бўйича ҳисоботни лойиҳа муҳокамаси муддати якунлангандан сўнг 5 кундан кўп бўлмаган муддатда порталга жойлаштириши белгиланди. Ушбу бандда жамоатчилик муҳокамаси иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш якунларига доир маълумотнома ТСТБ ўтказишнинг барча жараёнларида ТСТБ бўйича ҳисоботга илова қилиниши мустаҳкамланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ-5025-сон қарори билан тасдиқланган Низомда барча қонунчилик ҳужжатлари жамоатчилик муҳокамасини regulation.gov.uz манзилидаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида ўтказишни тартибга солиш билан коллизия нормалар бартараф қилинди. Чунки 2018 йил 9 январда қабул қилинган ЎРҚ-459-сонли Қонун билан барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасига қўйиш жорий қилингани туфайли бундай муҳокамалар Порталда ўтказилмоқда. Бироқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 2 декабрдаги 328-сон Қарори билан тасдиқланган Низомда унда фақат тадбиркорлик фаолиятига таъсир қилувчи амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини муҳокама қилиш тартиби белгиланган эди.

Шу билан бирга, жамоатчилик муҳокамаларида берилган таклифлар юзасидан ахборот тақдим қилиш қоидаларининг 2021 йил 20 апрелда қайта қабул қилинган ЎРҚ-682-сон Қонундан чиқариб ташлангани эътирозлидир. Чунки қонунда мавжуд

бўлмаган янги қонидани, аввало, қонун ости ҳужжатида белгилашга йўл қўйилмаса, иккинчидан, уни исталган вақтда бекор қилса бўлади. Шу жиҳатдан ўз кучини йўқотган 2012 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-342-сонли Қонун 20-моддасида инobatга олинмаган таклиф ва мулоҳазалар юзасидан тегишли тушунтиришлар берган ҳолда маълумотнома тайёрлаш тўғрисидаги меъёрни қайта қабул қилиш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот натижаларининг таҳлили

Муҳокама иштирокчиларидан тушган таклифлар қабул қилинганлиги ёки қилинмаганлиги тўғрисидаги умумлашган маълумотни бериш баробарида, муҳокамалардаги таклиф ва мулоҳазаларга жавоб бериш қондасини ўрнатишга эҳтиёж мавжуд [25, 20-21-б.]. Чунки таклифларга жавоб берилмаслиги муҳокамаларда иштирок этишга қизиқишнинг пасайиши сабабларидан биридир. Шу аснода Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ-5025-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 58-бандида Адлия вазирлигига жамоатчилик муҳокамаси жараёнида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича келиб тушган, асосли деб топилган таклифларга жавоб қайтарилмаган (кўрмасдан қолдирилган) тақдирда мазкур камчиликларни бартараф этиш тўғрисида давлат органлари ва ташкилотларига бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритиш вазифаси ўринли юкланган.

Умуман олганда, манфаатдор давлат органи муҳокама қилинаётган масала тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши баробарида, унинг ечимига масъул бўлиб, жамоатчилик муҳокамаси натижаларини кўриб чиқиши шарт. Онлайн ва бошқа шаклларда ўтказилаётган жамоатчилик муҳокамаларида билдирилаётган таклиф ва мулоҳазаларга манфаатдор давлат органлари томонидан тезкор жавоб бери-

лиши масалани тўлиқ маънода муҳокама қилиш ва унинг самарали ечимини топиш баробарида, холисона жамоатчилик фикрини шакллантириш ва фуқаролар билимини оширишга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ-5025-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири-нинг 2021 йил 30 мартдаги 7-мх-сон буйруғи билан мамлакатимизда илк бор Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш услубиёти тасдиқланди. Мазкур услубиётда хорижий давлатлар тажрибасини инobatга олган ҳолда, тадбиркорлик фаолияти баробарида, атроф-муҳит ва бошқа соҳаларга таъсири юзасидан харажат-фойда, харажат-самарадорлик ва бошқа усулларни қўллаган сўровлар ўтказилиши қайд этилган.

ТСТБда сўровнома саволларини қонун ҳужжати лойиҳаси тартибга соладиган тадбиркорлик фаолияти [26], атроф-муҳит [27, 89-91-б.], қишлоқ хўжалиги [28] ва бошқа соҳалар [29-37] хусусиятларидан келиб чиқиб, тегишли усулларни [38, 22-23-б.] қўллаган ҳолда тузиш пухта тайёргарлик кўришни талаб қилади. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ-5025-сон қарорида ТСТБ 2 та босқичда жорий этишнинг назарда тутилишини қўллаб-қувватлаш мумкин. 2022 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига, шунингдек, атроф-муҳитга таъсир кўрсатувчи барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ТСТБдан ўтказилади.

Ўз навбатида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталига норматив бўлмаган ҳуқуқий ҳужжатларнинг жойлаштирилиши ҳам ижобий

қолдир. Бунга порталга жойлаштирилган “Қизилтепа туманидаги айрим аҳоли пунктларининг номларини ўзгартириш тўғрисида” [39], “Хўжайли тумани ҳудудида янгидан фуқаролар йиғинини ташкил этиш тўғрисида”ги [40] тегишли халқ депутатлари Кенгашлари қарорлари ва бошқа норматив бўлмаган ҳуқуқий ҳужжатларни мисол келтириш мумкин. Ушбу ҳолатни расмийлаштириб, амалдаги қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартишларни киритиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, жойларда давлат органлари томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш ташаббуси билан чиқиш борасида фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилмагани ўринли танқид қилинмоқда [41, 27-б.]. Мазкур ҳолат Ўзбекистонда жамоатчилик муҳокамаларини қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари баробарида, қолган ижтимоий аҳамиятга эга масалалар бўйича нафақат умумхалқ, балки маҳаллий даражада ҳам ўтказишни йўлга қўйиш эҳтиёжини тақозо қилмоқда. Интернет тармоғидан фақат Жиззах вилоят адлия бошқармаси Коррупцияга қарши курашиш тадбирлари бўйича жамоатчилик муҳокамалари ўтказгани [42] тўғрисида маълумот топиш мумкин.

Хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, жойларда онлайн форумлар ташкил этиш, юзма-юз бевосита ёки билвосита конференциялар ва жамоатчилик муҳокамаларини бошқа шаклларда нафақат республика, балки маҳаллий даражада ҳам ўтказиш [43; 44] долзарб масаладир. Давлатимиз раҳбарининг “Mening fikrim” портали қабул қилинган барча қонун ҳужжатлари ёки уларнинг муайян меъёрларини муҳокама қилиш майдончасига айланиши [45] тўғрисидаги фикрини қўллаб-қувватлаган ҳолда, бош-

қа ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни муҳокама қилиш учун махсус портал яратиш мақсадга мувофиқ. Жамоатчилик ташаббуслари илгари сурилган ушбу ва “Jamoatchilik” онлайн-платформасида [46] барча фуқароларга очиқ таклиф бериш баробарида, таклифларни қўллаб-қувватлаш, рад этиш ва уларга изоҳ қолдириш имконияти яратилган. Таклиф этилаётган маҳаллий бошқарув қарорлари электрон муҳокамасини ҳар бир вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлиги сайтига алоҳида “қарорлар муҳокамаси” рукнида ўтказиш [47, 107-б.] ҳам мавжуд ҳолатни яхшилашга хизмат қилади.

Жамоатчилик муҳокамаларини жойларда онлайн ўтказиш баробарида, бошқа шакллари билан ҳам фойдаланиш ижтимоий аҳамиятга эга масалаларни ҳал қилишга фуқароларни кенгроқ жалб қилиш имконини беради. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 мартдаги ПҚ-5025-сон қарори билан тасдиқланган Низомнинг 16-бандида ишлаб чиқувчи жамоатчилик муҳокамаси давомида муайян соҳада тартибга солувчи воситалар жорий этилиши мақсадга мувофиқлиги ва зарурлигини баҳолаш мақсадида лойиҳа, ТСТБ бўйича ҳисобот ва бошқа зарур маълумотларни манфаатдор томонлар, шу жумладан, илмий доиралар вакиллари билан муҳокама қилишига рухсат берилиши амалий аҳамиятга эгадир.

Хулосалар

Жамоатчилик муҳокамаларини ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий ва амалий масалаларини ўрганиш улар самарадорлигини ошириш мақсадида қуйидаги таклиф ва мулоҳазаларни илгари суриш имконини берди:

биринчидан, қонун лойиҳалари умумхалқ муҳокамалари жамоатчилик муҳокамасининг ташкилий шакллари билан бирдир. Ушбу ва Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари муҳокамаси порталида ўтказилаётган қонун лойиҳаларининг

жамоатчилик муҳокамалари тартибини унификациялаш бу борадаги амалиёт ва назарияни уйғунлаштириш, муҳокамалар самарадорлигини ошириш ва умумхалқ муҳокамаларини мунтазам ўтказишга хизмат қилади;

иккинчидан, жамоатчилик муҳокамаларини ўтказиш даражасига кўра умумхалқ ва маҳаллий; иштирокчиларни муҳокамада қатнашиш шаклига кўра бевосита ва билвосита; мулоқот воситасига кўра юзма-юз, оммавий ахборот воситалари орқали ва онлайн; ўтказиш вақтига кўра муайян даврда ва реал вақт давомида, ташкилий жиҳатдан форум, конференция, давра суҳбати ва бошқа шаклларга таснифлаш мумкин. Бундай тасниф жамоатчилик муҳокамалари шакллари аниқлаш барида, уларни белгиланган қоидалар асосида ўтказишга хизмат қилади;

учинчидан, онлайн муҳокамаларда фуқаролар иштирокининг аҳоли сонига қараганда пастлиги интернет тармоғи муҳокамалар ўтказишнинг оддий воситаси эканлигини кўрсатади. Шу туфайли жамоатчилик муҳокамаларига қўйилган масалаларни пухта ва самарали ҳал қилиш уларни нафақат онлайн, балки бошқа бевосита ва билвосита шаклларда ўтказиш эҳтиёжини тақозо қилади;

тўртинчидан, онлайн жамоатчилик муҳокамаларидаги фуқаролар иштирокининг пастлигига сабаб қилиб бу ҳақда кўпчиликнинг хабари йўқлигини кўрсатиш мумкин. Шу туфайли бу ҳақдаги маълумотларни ҳуқуқий ахборот қаторига киритиш ҳамда Портал, унга қандай лойиҳалар жойлаштирилаётгани, уларни қабул қилишдан мақсад тўғрисидаги маълумотни аҳолига нафақат оммавий ахборот воситалари ва Интернет тармоғи, балки дўконлар, жамоат транспорти ва инсонлар кўп бўладиган бошқа жойлардаги баннерлар, электрон таблолар ва бошқа воситалар орқали етказиш, лойиҳалар бўйича таҳлилий маълумотлар бериш мақсадга мувофиқ;

бешинчидан, онлайн жамоатчилик муҳокамаларидаги фуқароларнинг таклифларига асосли жавоб берилмаслиги улар иштироки пастлигининг сабабларидан биридир. Шу туфайли 2018 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-474-сон Қонуннинг 9-моддасида манфаатдор давлат органи зиммасига нафақат ўзи, балки бошқа шахслар томонидан ташкил этилган жамоатчилик муҳокамаларида иштирок этиш, хусусан, ҳар бир таклиф ва фикрга жавоб бериш мажбуриятини юклаш тўла маънодаги муҳокамаларни ўтказишга хизмат қилади.

REFERENCES

1. Grajdan V.D. Gosudarstvennaja grazhdanskaja sluzhba [State civil service]. 2nd ed., rev. and add. Moscow, KNORUS Publ., 2007, p. 338.
2. Pogorelova M.A. Konstitucionnoe pravo na informaciju: pravovaja priroda, sodержanie, struktura, osobennosti regulirovaniya i realizacii v Internetе [The constitutional right to information: the legal nature, content, structure, features of regulation and implementation on the Internet]. Moscoow, Institute of State-Confessional Relations and Law, 2010, p. 48.
3. Auriacombe C., Sithomola T. The use of participatory action research in a participative democracy: in critique of mechanisms for citizen participation. International Journal of Social Sciences and Humanity Studies, 2020, no. 12, p. 51.
4. Scudder M.F. The Ideal of Uptake in Democratic Deliberation. Political Studies, 2020, no. 68 (2), pp. 504-505. DOI: 10.1177/0032321719858270/.

5. Juldoshev A. Sostojanie i perspektivy soglasovaniya aktov zakonodatel'stva s institutami grazhdanskogo obshchestva v uzbekistane [State and prospects for negotiation of rules with civil society organizations in Uzbekistan]. Review of law sciences, 2020, vol. 3, no. special issue.
6. Curato N., Sass J., Ercan S.A., Niemeyer S. Deliberative democracy in the age of serial crisis. International Political Science Review, August 2020. DOI: 10.1177/0192512120941882/.
7. Oni S., Oni A., Ibieta J., Deinde-Adedeji G.O. E-consultation and the quest for inclusive governance in Nigeria. Cogent Social Sciences, 6:1, 10.1080/23311886.2020.1823601/.
8. Stithorn T. Public consultation: International Experience and Implementation in Thailand. Working Paper Series 1. Bangkok, King Prajadhipok's Institute. June 7, 2020. 10.1080/23311886.2020.1823601. DOI: <https://doi.org/10.1007/s11077-020-09382-3/>.
9. Thailand's Constitution of 2017. Available at: https://www.constituteproject.org/constitution/Thailand_2017.pdf?lang=en/.
10. Jegamberdiev A. Innovacija – izhtimoiy fenomen [Innovation is a social phenomenon]. Ilmij habarnoma – Scientific Bulletin, Andijan State University, 2018, no. 1, p. 56.
11. Nelischer K. Engagement to Action: Improving Policy Outcomes Through Better Consultation. Forum Paper held by IMFG in December 2019, p. 1. Available at: <https://tspace.library.utoronto.ca/handle/1807/102173/>.
12. Chambers S. Truth, Deliberative Democracy, and the Virtues of Accuracy: Is Fake News Destroying the Public Sphere? Political Studies, 2021, no. 69 (1), pp. 147-163. DOI: 10.1177/0032321719890811/.
13. Regulations on the procedure for the organization of public discussion of bills by the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan. Approved by the Resolution of the Council of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan No. 1607-III of April 5, 2018. Current archive of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan.
14. The draft law «On Startups» was discussed online. Available at: <https://mininnovation.uz/uz/news/1998/>.
15. Husanov O.T. Konstitusiyaviy huquq. Darslik. To'ldirilgan va qayta ishlangan ikkinchi nashr [Constitutional law. Textbook. Completed and revised second edition]. Tashkent, Legal literature publ., 2020, p. 75.
16. Odilqoriyev H.H. O'zbekiston Respublikasining qonunchilik tizimi [Legislative system of the Republic of Uzbekistan]. Tashkent, Tashkent State Law Institute, 2008, p. 31.
17. Hudoberdiev A. Źzbekiston Respublikasi Qonun ijodkorligi jarajonida ijtimoiiy fikrni ifodalashning nazariy muammolari. Yuridik fanlar nomzodi dissertatsiyaning avtoreferati [Theoretical problems of expression of public opinion in the process of lawmaking of the Republic of Uzbekistan. Abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences]. Tashkent, 2011, p. 14.
18. Husanova M. Qonunchilik tashabbusi xuxuqi: muammolar va echimlar. Juridik fanlar nomzodi dissertatsiyaning avtoreferati [The right of legislative initiative: problems and solutions. Abstract of the dissertation of the candidate of legal sciences]. Tashkent, 2011, p. 22.
19. Normativ-huquqiy hujjatlar loyihalari muhokamasi portali [Portal for discussion of drafts of normative-legal documents]. Available at: <https://regulation.gov.uz/uz/statistics/> (accessed 21.02.2021).
20. The survey was conducted among 3rd and 4th year 120 students of Tashkent State Law University on February 23, 2021 in telegram groups of courses.
21. O'zbekistonda internet foydalanuvchilari soni 22,1 milliondan oshdi. Available at: <https://www.gazeta.uz/uz/2020/12/11/internet-users/>.
22. Rybakov O. Ju. Pravovaya informacija kak uslovie realizacii sovremennoj rossijskoj pravovoj politiki [Legal information as a condition for the implementation of modern Russian legal policy]. Zhurnal rossijskogo prava – Journal of Russian law, 2015, no. 4 (220), p. 106. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovaya-informatsiya-kak-uslovie-realizatsii-sovremennoj-rossijskoj-pravovoy-politiki> (accessed 28.04.2021).

23. The draft of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan in the new edition has been submitted for public discussion. Available at: <https://review.uz/oz/post/yangi-tahrirdagi-ozbekiston-respublikasi-jinoyat-kodeksi-loyihasi-jamoatchilik-muhokamasiga-qoyildi/>.

24. Regulatory Policy in Korea: Towards Better Regulation, OECD Reviews of Regulatory Reform. Paris, OECD Publishing, 2017, p. 103. DOI: <http://dx.doi.org/10.1787/9789264274600-en/>.

25. Normativ-huquqiy xuzhhatlar lojixalari muxokamasi portali [Portal for discussion of drafts of normative-legal documents]. Available at: <https://regulation.gov.uz/uz/statistics/>.

26. Hudojberdiev A. Huquqijodkorliginisotsiologikvaekspert-tahliliyta#minlashnitakomillashtirish. Yuridik fanlar doktori (DSc) avtoreferati [Improving the sociological and expert-analytical support of legal creativity. Abstract of Doctor of Law]. Tashkent, 2020, pp. 20-21.

27. Liubovi P.S. Improvement of the methods of regulatory impact assessment on entrepreneurial activity. The thesis was presented on the 5 May, 2017. Available at: <http://www.cnaa.md/en/thesis/51644/>.

28. Calvo R.A., Peters D., Cave S. Advancing impact assessment for intelligent systems. *Nature Machine Intelligence*, 2020, vol. 2, no. 2, pp. 89-91.

29. Abdullah Z. et al. Regulatory impact analysis roles for agricultural products' qualities: customers' perspectives for sustainability entrepreneurship. *Asian Journal of Agriculture and rural Development*, 2020, vol. 10, no. 2, pp. 563-577.

30. Safarova H. Sovershenstvovanie konstitucionno-pravovyh garantij obespecheniya prava grazhdan na kvalificirovannoe medicinskoe obsluzhivanie v Uzbekistane [Improving constitutional and legal guarantees of ensuring the right of citizens to qualified medical care in Uzbekistan]. *Review of law sciences*, 2020, vol. 5, no. special issue.

31. Asadov S. G. Problems of ensuring sovereignty in the modern state. *Theoretical & Applied Science*, 2019, no. 11, pp. 326-330.

32. Alieva K. Konstitucionno-pravovye osnovy obespecheniya gendernogo ravenstva v trudovyh otnosheniyah: rezul'taty i vyvody oprosa [Constitutional and legal foundations for ensuring gender equality in labor relations: results and conclusions of the survey]. *Review of law sciences*, 2020, vol. 1, no. special issue.

33. Aslanova L. Historical origins and the role of the upper house of parliament in states with a bicameral parliamentary system. *Obshchestvo i innovacii – Society and innovation*, 2021, vol. 2, no. 1/S, pp. 104-108.

34. Bekov I. Voprosy konstitucionno-pravovogo regulirovaniya pravovogo statusa politicheskikh partij [Issues of constitutional and legal regulation of the legal status of political parties]. *Review of law sciences*, 2020, vol. 5, no. special issue.

35. Botirov H. Problemy konstitucionalizma v Uzbekistane [Problems of constitutionalism in Uzbekistan]. *Review of law sciences*, 2020, vol. 3, no. special issue.

36. Kosimov B. Threats to judicial independence: reflections on the US experience. *TSUL Legal Report International electronic scientific journal*, 2020, no. 1 (1).

37. Bekchanov D.M. Sovremennye tendencii gosudarstvennoj podderzhki predprinimatel'stva [Modern trends in state support for entrepreneurship]. *Theoretical & Applied Science*, 2019, no. 1, pp. 228-232.

38. Regulatory Impact Assessment, OECD Best Practice Principles for Regulatory Policy. Paris, OECD Publ., 2020, pp. 22-23. DOI: <https://doi.org/10.1787/7a9638cb-en/>.

39. Normativ-huquqiy hujjatlar loyihalari muhokamasi portali [Portal for discussion of drafts of normative-legal documents]. Available at: <https://regulation.gov.uz/uz/d/30307/>.

40. Normativ-huquqiy hujjatlar loyihalari muhokamasi portali [Portal for discussion of drafts of normative-legal documents]. Available at: <https://regulation.gov.uz/uz/d/30615/>.

41. Jakubov Sh. Vnedrenie zakona Respubliki Uzbekistan "O social'nom partnerstve": sushhestvujushhie problemy i puti ih reshenija [Implementation of the law of the Republic of Uzbekistan

«On social partnership»: existing problems and ways to solve them]. Review of law sciences, 2018, no. 1, p. 27.

42. Korrupsiyaga qarshi kurashish jamoatchilik muhokamasi markazida. O'zbekiston nodavlat notijorat tashkilotlari milliy assosiacijasi [The fight against corruption is at the center of public debate. National Association of Non-Governmental Organizations of Uzbekistan]. Available at: <http://ngo.uz/old/index.php/novosti/589-korrupsiyaga-arshi-kurashish-zhamoatchilik-mu-okamasi-markazida/>.

43. Fraussen B., Albareda A., Braun C. Conceptualizing consultation approaches: identifying combinations of consultation tools and analyzing their implications for stakeholder diversity. Policy Sciences, 2020, vol. 53, pp. 473-493. DOI: <https://doi.org/10.1007/s11077-020-09382-3/>.

44. Popa E.O., Blok V., Wesselink R. Discussion structures as tools for public deliberation. Public Understanding of Science, 2020, no. 29 (1), pp. 76-93. DOI: [10.1177/0963662519880675/](https://doi.org/10.1177/0963662519880675/).

45. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.Mirziyoyevning 2017 yil 22 dekabr kuni Oliy Majlisga Murojaatnomasi [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev to the Oliy Majlis on December 22, 2017]. Available at: <https://president.uz/uz/lists/view/1371/>.

46. Jamoatchilik onlayn-platformasi [Public online platform]. Available at: <http://jamoatchilik.uz/>.

47. Holov A. Davlat boshqaruvida "aqlli" boshqaruv prinsiplariga bosqichma-bosqich o'tish masalalari [Issues of gradual transition to the principles of «smart» governance in public administration]. "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali – Scientific electronic journal «Economy and Innovative Technologies», 2019, July-August, no. 4, p. 107.

48. McKay S., Tenove C. Disinformation as a Threat to Deliberative Democracy. Political Research Quarterly, July 2020. DOI: [10.1177/1065912920938143/](https://doi.org/10.1177/1065912920938143/).

UDC: 34 (042) (575.1)
ORCID: 0000-0001-8908-2329

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУРИЛИШ СОҲАСИНИ ТАРТИБГА СОЛУВЧИ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

Абдувалиев Мақсуджон Абдурашид ўгли,
Тошкент давлат юридик университети
“Маъмурий ва молия ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси,
e-mail: maqsudabduvaliyev@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида сўнгги 4 йилликда қурилиш соҳасида олиб борилаётган ислохотларнинг ҳуқуқий асослари келиб чиқиши таҳлил қилинган. Уй-жой қурилиши, у билан доимий бўладиган муносабатларнинг давом этиб бориши, соҳанинг ҳуқуқий асослари доимий такомиллаштириб борилиши ва бу жараёнда вужудга келиши мумкин бўлган ҳуқуқий муаммоларни бартараф этиш мақоланинг асосий мақсадларидан бири ҳисобланади. Бунда ислохотлар давригача ва бундан кейин соҳада қилинаётган ўзгаришлар ҳуқуқий йўналиш сифатида белгилаб олинган. Фуқаролар ўртасида мулкӣ муносабатлардан келиб чиқадиган фуқаролик ҳолатлари эмас, балки тегишли давлат органлари билан вужудга келадиган маъмурий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари ёритиб беришга ҳаракат қилинган. Олиб борилган тадқиқотнинг асосий мазмуни қурилиш соҳасидаги маъмурий муносабатларда вужудга келувчи ҳолатларни бартараф этиш учун қонунчилик ривожланишини таҳлил қилишдир. Шу билан биргаликда, қурилиш соҳасида ташкил этилган субъектлар фаолияти билан биргаликда Шаҳарсозлик кодекси ҳам таҳлил қилинган. Бундан ташқари, соҳадаги норма ижодкорлиги жараёни янада ривожлантириш учун тегишли ҳулосалар чиқарилган. Тадқиқот объектини тавсифловчи асосий кўрсаткични белгилашда Статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган маълумотларга таянилди.

Калит сўзлар: қурилиш, норматив ҳуқуқий-ҳужжат, Ҳаракатлар стратегияси, Маъмурий ислохотлар концепцияси, Шаҳарсозлик кодекси, экспертиза, комиссия, Қурилиш вазирлиги, маъмурий тартиб-таомиллар, маъмурий акт.

ВОЗНИКНОВЕНИЕ ПРАВОВЫХ ОСНОВ, РЕГУЛИРУЮЩИХ СТРОИТЕЛЬНЫЙ СЕКТОР В УЗБЕКИСТАНЕ

Абдувалиев Мақсуджон Абдурашид ўгли,
преподаватель кафедры
«Административное и финансовое право»
Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация. В данной статье предпринята попытка проанализировать истоки правовой базы реформ в строительном секторе Республики Узбекистан за последние 4 года. Одна из основных задач статьи – исследование сферы строительства жилья, отношений в сфере с целью совершенствования нормативно-правовой базы отрасли, устранения правовых проблем, которые возникают. Была предпринята попытка провести юридический анализ проводимых реформ в данной сфере. При этом изменения, которые произошли до и после реформ, были определены как правовое направление. Выделены правовые основы административных отношений

с соответствующими государственными органами, а не только гражданские дела, возникающие из имущественных отношений между гражданами. Основное содержание исследования состоит в анализе развития законодательства для урегулирования ситуаций, возникающих в административных отношениях в сфере строительства. В то же время, наряду с деятельностью субъектов строительной отрасли, был проанализирован Градостроительный кодекс. Кроме того, были сделаны соответствующие выводы для дальнейшего развития процесса нормотворчества в этой области. При определении основных показателей, характеризующих объект исследования, автор опирался на данные Госкомстата.

Ключевые слова: строительство, нормативно-правовой документ, Стратегия действий, Концепция административных реформ, Градостроительный кодекс, экспертиза, комиссия, Министерство строительства, административные процедуры, административный акт.

ESTABLISHMENT OF LEGAL FUNDAMENTALS REGULATING THE CONSTRUCTION SECTOR IN UZBEKISTAN

Abduvaliev Maksudjon Abdurashid ugli,
Teacher of the Department of
Administrative and Financial Law at TSUL

Abstract. This article seeks to analyze the origins of the legal framework for reforms in the construction sector in the Republic of Uzbekistan over the past 4 years. One of the main goals of the article is the construction of housing, the continuation of a permanent relationship with it, the continuous improvement of the legal framework of the industry, the elimination of legal problems that may arise in this process. An attempt made to make a legal analysis of the ongoing reforms in this field. At the same time, the changes that took place before and after the reforms identified as a legal direction. The legal basis of administrative relations with the relevant state bodies is highlighted, rather than civil cases arising from property relations between citizens. The main content of the study is to analyze the development of legislation to address the situations that arise in administrative relations in the field of construction. At the same time, the Urban Development Code analyzed along with the activities of established entities in the construction sector. In addition, appropriate conclusions drawn to further develop the process of norm setting in the field. In determining the main indicator characterizing the object of research, it is possible to rely on the data provided by the Statistics Committee.

Keywords: construction, normative legal document, Strategy of Actions, Concept of administrative reforms, urban development code, expertise, Commission, Ministry of Construction, administrative procedures, administrative act.

Кириш

Инсоннинг дунёга келиши шахс сифатида унинг доимий равишда маълум бир ҳудудда унга тегишли бўлган уй-жойда истиқомат қилиши билан давом этади. Бу унинг бир қанча ҳуқуқлари билан узвий боғлиқ бўлиб, булар орасида яшаш ҳамда мулкдор бўлиш ҳуқуқини мисол қилиб келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг IX боби “Иқтисодий ва ижтимо-

ий ҳуқуқлар” ва унда белгиланган 36-моддага биноан:

“Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли” ва бу ҳуқуқ турли хил кўринишда намоён бўлади. Яъни фуқаролар томонидан кўчар ва кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган муносабатларда бизнинг мавзуимиз долзарблиги вужудга келади. Чунки кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган ҳолатларда қурилиш ишлари амалга оширилиб, бунда алоҳида ҳуқуқий тартибга солиш талаб этилади.

Шу билан биргаликда, фуқароларнинг доимий уй-жойга бўлган талабининг юқори эканлиги, уни ҳеч қачон тўхтамаслиги, доимий ривожланиб боришини кўрсатади.

Уй-жой қурилиши, у билан доимий бўладиган муносабатларнинг давом этиши, соҳа ҳуқуқий асосларининг мунтазам такомиллаштириб борилиши, бу жараёнда вужудга келиши мумкин бўлган ҳуқуқий муаммоларни бартараф этиш мақоланинг *асосий мақсадларидан* бири ҳисобланади.

Мавзунинг долзарблигини *украиналик олим А. Сурженконинг* фикрларидан ҳам кўришимиз мумкин:

“Украиналикларнинг уй-жой муаммолари ўнлаб йиллар давомида тўпланиб, улар ҳаётининг турли босқичларида – квартирага навбатнинг яқинлашишини кутишдан тортиб мулкка эга бўлишгача ҳар хил йўллар билан ҳал қилинган. Охириги пайтларда уй-жой мулкига эга бўлиш муаммоси глобал иқтисодий инқироз туфайли янада кучайиб кетди. Бу ҳам аҳолига кредит беришга, ҳам уй-жой қурилишига таъсир кўрсатди” [1, 2-б.].

Қурилиш соҳасида илмий изланиш олиб боришда олимлар томонидан икки хил *ёндашув* мавжуд бўлиб, бир тарафи – фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни вужудга келтириб, иккинчи жиҳати – мавзу доирасидан келиб чиққан ҳолда олиб бориладиган илмий изланиш маъмурий ҳуқуқ билан боғлиқдир.

Россия тажрибасига биноан, қурилиш соҳасида маъмурий ўзгаришлардан бири ҳақида *Батинков* томонидан қуйидагича фикр билдирилган: “2009 йил 31 декабр-гача қурилиш соҳасини маъмурий-ҳуқуқий тартибга солиш лицензиялаш механизми орқали амалга оширилди. Ижроия ҳокимият органларига қурилиш фаолиятини амалга ошириш учун лицензия бериш ҳуқуқи берилди. 2010 йил 1 январдан бошлаб Россияда қурилиш соҳасида лицензиялаш бекор қилинди. Ташкилотларни қурилиш фаолиятига қабул қилиш ваколати

ихтисослашган нотижорат ташкилотларига берилган” [2, 4-б.].

Бунга мутаносиб равишда, қурилиш ишлари олиб бориш жараёнида иштирок этувчи қурилиш корхоналари юридик шахс кўринишида давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари билан биргаликда, улар ўртасида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади. Бу муносабатлар бир қатор қонун бузилиш ҳолатлари, сифатсиз турар жой қурилишлари ва шунга ўхшаш бартараф этилиши қийинчилик туғдирувчи муаммоларни вужудга келтириб, уларни бартараф этиш, кейинги келиб чиқиши мумкин бўлган муаммоларнинг олдини олиш учун тегишли нормаларни ривожлантириш ҳамда соҳанинг ҳуқуқий асослари доимий равишда такомиллаштириб борилишини талаб этади.

Материал ва методлар

Олиб борилган тадқиқотнинг *асосий мазмуни* қурилиш соҳасидаги маъмурий муносабатларда вужудга келувчи ҳолатларни бартараф этиш учун қонунчилик ривожланишини таҳлил қилишдир. Соҳадаги муаммолардан бири 2021 йилнинг 11 июль куни Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида макроиқтисодий вазият, ҳудудлар ва тармоқларда иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича биринчи ярим йилликдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида таъкидлаб ўтилди.

“Қорақалпоғистон, Бухоро, Жиззах, Самарқанд, Сирдарё, Хоразмда объектлар қурилиш рейтинги бўйича мос келмайдиган қурувчи ташкилотларга берилган. Битта рейтингга кирмаган ташкилот кирса, демак, унга ҳокимлар шерик дегани, *коррупция* бор дегани. Ким сизларнинг кабинетларингга кириб, нималар таклиф қилляпти?! Бу – халқнинг пули, ҳар бир сўми учун жавоб берасизлар!” [3].

Бундан кўринадики, қурилиш соҳасида қилиниши керак бўлган ишлар, ечилиши

керак бўлган муаммолар мавжуд. Президент томонидан келтириб ўтилган фикрларга кўра, тегишли мансабдор шахслар билан биргаликда қурилиш ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар коррупцион ҳолатлар вужудга келишига сабабчи бўлган.

Мавзунинг батафсил мазмунини қуйидаги ҳолат бўйича ҳам кўришимиз мумкин. Соҳадаги тартиб-таомилларнинг тўғри йўлга қўйилмаганлиги шаҳарсозлик соҳасида мансабдор шахсларнинг сотилиши ва доимий равишдаги коррупцион ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Юқоридаги ҳолатга мисол сифатида Жиззах вилоятида мансабдор шахслардан бирининг сотилиши билан вужудга келди.

Жамоатчилик орасида кенг муҳокамага сабаб бўлган хабарга кўра, “Жиззах шаҳри ҳокимининг молия-иқтисод ва камбағалликни қисқартириш бўйича *биринчи ўринбосари* вазифасини вақтинча бажарувчи мансабдор тендерни олиб бериш учун тадбиркордан *2000 АҚШ доллари* олаётган пайтда қўлга олинган.

Тадбиркорга олиб берилиши ваъда қилинган тендер Жиззах шаҳридаги ижтимоий соҳа объектларида амалга ошириладиган қурилиш-таъмирлаш ишлари бўйича ўтказилиши режалаштирилган” [4].

Бундан кўринадики, жараёнда бу каби ҳолатларни келтириб чиқарувчи вазиятларни бартараф этиш талаб этилади. Давлат томонидан ҳокимлик ва унинг мансабдор шахслари уй-жой билан боғлиқ вазиятда келиб чиқиши мумкин бўлган коррупцион ҳолатларни бартараф этиш учун ишлар амалга оширилди. Бу билан боғлиқ бўлган улардаги ваколатлар бекор қилинди ёки ўзгартириш киритилди.

Лекин янги тизимнинг жорий қилиниши эски мавжуд бўлган коррупцион муаммоларни бартараф этишни тўлиқ қамраб олмапти дейиш мумкин.

Қўлланилган методлар сифатида ҳозирги кундаги қурилиш соҳасида норма-

тив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши ва уларнинг тутган ўрни ёритиб беришга ҳаракат қилинган.

Бу ҳақида М.П. Дутиковнинг қурилиш соҳасини норматив ҳуқуқий тартибга солиш лозимлиги ҳақидаги фикрига кўра, “Қолаверса, қурилиш саноати иқтисодиётнинг жуда динамик тармоғи бўлиб, унинг ривожланиши бу соҳани тартибга солувчи доимий ўзгаришлар ва қоидаларни талаб қилади [5].

Мамлакатимизда саноатни ривожлантириш даврида, Совет Иттифоқи давридан буён қурилиш соҳасини тартибга солувчи жуда кўп миқдордаги меъёрий ҳужжатлар шакллантирилди, улар ҳозирги вақтда қурилиш саноатининг меъёрий ҳужжатлар тўпламига бирлаштирилган.

Уларнингбарчасиназоратваназораторганлари, лойиҳалаш ташкилотлари, инвесторлар, ишлаб чиқарувчилар ва қурилиш субъектлари билан боғлиқ бўлган бошқа ташкилотлар томонидан қўлланилади” [6, 62-б.].

Тадқиқот натижалари

Сўнгги тўрт йил давомида бошланган ислохотлар қурилиш соҳасида ҳам амалга ошириб келинмоқда. Бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, туб ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Тадқиқот объектини тавсифловчи асосий кўрсаткич сифатида Статистика қўмитаси томонидан тақдим этилган қуйидаги жадвални кўришимиз мумкин.

Қурилиш соҳасида олиб борилаётган ишлар, унга бўлган талаблар шуни кўрсатадики, ҳозирги кунда республика бўйлаб олиб борилаётган қурилиш ишлари аҳолининг уйга бўлган талабини тўлиқ қоплаб бериш имкониятига эга эмаслиги ва бу кейинги йиллар мобайнида ҳам ўз долзарблигини йўқотмаслиги, аксинча, янада жадаллашишидан далолат беради.

T/P	Йиллар	Олиб борилган қурилиш ишлари суммаси (сўмда)
1	2010 йил	8,2 трлн сўм
2	2011 йил	9,5 трлн сўм
3	2012 йил	11,7 трлн сўм
4	2013 йил	15,2 трлн сўм
5	2014 йил	20,1 трлн сўм
6	2015 йил	25,4 трлн сўм
7	2016 йил	29,4 трлн сўм
8	2017 йил	34,7 трлн сўм
9	2018 йил	51,1 трлн сўм
10	2019 йил	71,2 трлн сўм
11	2020 йил	87,8 трлн сўм

Манба: [7].

Олиб борилган илмий изланишнинг самарадорлиги ва ҳаққонийлиги таҳлили дастлабки норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида, архитектура қурилиш соҳасини янги босқичга олиб чиқишда асосий ўринни эгаллаган *Ҳаракатлар Стратегияси билан биргаликда Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини* айтиб ўтишимиз керак.

Чунки ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар асосида махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилина бошланди. Концепцияга кўра, “Мамлакат тараққиётининг замонавий босқичида кенг кўламли ислохотларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ва 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг мақсадларига эришиш давлат бошқарувининг мутлақо янги, самарали ва сифатли фаолият юритувчи тизимини яратишни, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг (кейинги ўринларда ижро этувчи ҳокимият органлари деб юритилади) уйғун фаолиятини ташкил этишни талаб қилади”. Бу каби қонunchилик ҳужжатлари орқали қурилиш соҳасида субъектлар, улар ўртасидаги муносабатлар тизимли равишда ривожлантириб борилишига асос бўлди.

Тадқиқот натижалари таҳлили

Қурилиш соҳасидаги ўзгаришлар бошланишидаги асосий махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири 2018 йил 2 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5392-сонли фармони бўлиб, шаҳар-созлик фаолиятида бир қатор ўзгаришлар амалга оширилди.

Қурилиш соҳасидаги ҳуқуқий тизимда мавжуд бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда нималарга эътибор қаратиш кераклиги ҳақида А.М. Светлорусова ва С.А. Горбачевнинг қуйидаги фикрлари ўринли. Унга биноан, хорижий мамлакатларда мавжуд бўлган саноат ишлаб чиқаришининг ташқи таъсирини ҳисобга олиш тизимлари архитектура ва тузилиш жиҳатидан фарқ қилади, лекин уларнинг мақсади аҳоли манфаатлари учун ҳудудларни барқарор ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни кўзлайди” [7, 19-б.].

Юқоридаги фармон орқали “таҳлиллар қурилиш соҳасида давлат бошқарувини ташкил этишда замонавий шаҳарсозлик услублари, нормалари ва қоидаларини кенг жорий қилиш, рақобатни ривожлантириш, янги субъектларнинг инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар билан бозорга кириб келишига тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммоларни очиб берди”.

Унга биноан, қурилиш билан боғлиқ бўлган 8 йўналишда вужудга келаётган муаммолар келтириб ўтилган бўлиб, ислохотлар шу йўналишлар бўйича олиб борилиши белгиланди. Биз учун тааллуқли йўналишлар билан боғлиқ муаммолар сифатида қурилишнинг ташкилий штат тузилмаси, реконструкция жараёнларини тўлиқ кузатиб бориш ҳамда қурилиш монтаж жараёнларини самарали назорат қилишнинг тўлиқ таъминланмаётганли-

ги, соҳадаги функцияларнинг тарқоқлиги, аҳоли пунктларидаги бош режаларнинг мавжуд эмаслиги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасининг эскирганлиги, давлатнинг хусусий сектор билан ҳамкорлигининг жуда ҳам суствлиги кабилар келтириб ўтилган.

Шунингдек, *изланиш натижасида* соҳадаги энг катта ўзгаришлардан бири Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси негизида янги давлат бошқарув органи сифатида *Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги* ташкил этилиши белгиланиб, бир қатор муассасалар ҳам янги тузилмалар сифатида ўзгартирилганлиги ва бу жараёнда Вазирлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташкил этилди.

Эътиборли жиҳати шундаки, олдинги давлат қўмитасидан янги ташкилий тузилма сифатида ташкил этилган вазирликнинг *ўзаро фарқли жиҳатлари* нима-лардан иборат, деган саволга янги вазирлик қиладиган ишларни кўрсатиш лозим деб ўйлаймиз. Унинг қошида янги ташкил этилган муассасалар ўзгариши билан боғлиқ яна қандай таркибий тузилишларда фарқли жиҳатлар кузатилганлигини таҳлил қилишимиз талаб этилади. Бу каби ҳолат кейинги субъект, яъни давлат қўмитаси ҳузуридаги Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси Вазирлик ҳузуридаги *Қурилиш соҳасидаги назорат инспекцияси* сифатида қайта номланиб тузилиши ва улар ўртасидаги фарқларда ҳам вужудга келиши керак. Бу каби ўзгаришлар қанчалик янги ривожланаётган қурилиш соҳасига мос равишда ташкил этилганлигини яна бир бор *таҳлил қилиш лозим*.

Фармонда янги ташкил этилаётган, қурилиш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи давлат бошқаруви органи сифатида Қурилиш вазирлиги ҳамда унинг ҳузурида ташкил этилган Қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг ҳам асосий вазифалари белгиланди.

Шу билан биргаликда, қурилиш соҳасида лицензия бериш жараёнини содда-лаштириш, унга қўйилган талаб ва шартларнинг аниқ белгиланиши ва ундан кейинги жараёнда назоратни кучайтириш зарурлиги кўрсатилди.

Замонавий давлат бошқарувида кенг қўлланилувчи, яъни давлатнинг айрим функцияларини хусусий сектор билан ҳамкорликда унга ўтказиши қурилиш соҳаси, айнан шу фармонда белгилаб ўтилиб, унга биноан, қурилиш соҳасида техник назоратнинг тақдим этилиши кўзда тутилган эди. *Тарихий-қиёсий метод асосида* шуни кўришимиз мумкинки, қурилиш соҳасида қайта ташкил этилган давлат бошқарув органлари вазифаларини олдинги субъектларнинг вазифаси билан таҳлил қилиш талаб этилади.

Юқорида келтириб ўтилган ПФ-5392-сонли фармонга мувофиқ тарзда 2018 йил 2 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қурилиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳам қабул қилинди. Қарорда Қурилиш вазирлиги, унинг қошида ташкил этилиши лозим бўлган бир қатор институтларнинг ташкилий тузилмасига аниқ тўхталиб ўтилди.

Қурилиш соҳасида яна бир муҳим институт ташкил этилганлиги, ушбу субъект фаолияти билан ҳам янгидан танишимиз талаб этилади. Бу “Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” давлат унитар корхонаси бўлиб, қарорга биноан, унинг асосий вазифалари ҳам белгиланди.

Қарорнинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тизими ташкилий тузилмаси ҳамда Қурилиш вазирлиги марказий аппарати тузилмасини ташкил этишдан иборат эди.

Т.В. Киретованинг фикрига кўра, “Қурилиш фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликни фаол ислоҳ қилиш соҳасида иш сифати муаммоси доимий масала сифа-

тида пайдо бўлади. Иккинчидан, нафақат тўғри бажарилишини тасдиқлаш билан боғлиқ, балки пудратчи томонидан мажбуриятлар ва буюртмачининг кейинги тўлови, лекин тез-тез фойдаланишга топширилган қурилиш лойиҳаларининг ҳам амалга оширилишига ўз таъсирини кўрсатади” [8, 19-б.].

Кейинги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан бири 2019 йил 20 сентябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қурилиш соҳасида ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4464-сонли қарори қабул қилинди.

Унга биноан, ахборот технологиялари жалб этилишининг асосий мақсади шаффофликни таъминлаш бўлиб, бунда:

манфаатдор шахслар ва жамоатчилик қурилиш ишлари боришини кузатиш имкониятига эга эмаслиги;

маблағлардан нотўғри фойдаланилиши; объектларнинг ўз вақтида топширилмаслиги;

қурилишда сифати паст бўлган материаллардан фойдаланилиши;

давлат хизматлари кўрсатилишининг бузилиши;

коррупция ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш;

қурилиш ишларига соҳа мутахассиси бўлмаган ходимларни жалб қилиш қурилиш ишларининг сифатсиз бажарилишига олиб келаётганлиги каби бир қатор муаммоларни бартараф этиш кўзланган эди.

Тадқиқот натижаси сифатида қўринадик, Ўзбекистон Республикасида қурилиш соҳаси билан боғлиқ бўлган муаммолар мавжуд. Уларни бартараф этмасдан соҳани ривожлантириш учун ҳаракат қилиш самарасиздир. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлигига 2 йил бўлганлигини инобатга олган ҳолда, юқоридаги муаммоларни бартараф этиш учун янада мустаҳкам бўлган тизим жорий қи-

лиш ёки борини яна мустаҳкам қилиб тақомиллаштириш лозим.

Қарорга биноан, юқоридаги муаммоларни бартараф этувчи Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигида асосий тизим сифатида “*Шаффоф қурилиш*” миллий ахборот тизимининг жорий этилиши белгилаб ўтилди [9].

Шунингдек, соҳадаги коррупцион ҳолатларни бартараф этиш учун Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг қарорига биноан, қурилиш ишларида ҳам “*Коррупциясиз соҳа*” [10] лойиҳасининг амалга оширилиши белгиланиб, унга биноан, ташкил этилган комиссия томонидан амалга оширилиши лозим бўлган бир қатор вазифалар келтириб ўтилди.

Қурилиш соҳасини тартибга солувчи асосий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг *натижаси сифатида* янги таҳрирдаги *Шаҳарсозлик кодекси* қабул қилинди. Унга бир қатор ўзгартириш ва янги моддалар киритилди.

Россия Федерациясида қурилиш соҳасида олиб борилаётган ишлар ҳақида *Бутаева Е.М.* ўз фикрларини баён этган: “Шаҳарсозлик фаолиятини бошқаришнинг маъмурий-ҳуқуқий механизми сўнгги ўн йилликда жиддий ўзгаришларга дуч келди. Шаҳар қурилишини марказлаштирилган режалаштиришнинг идоровий вертикал тизими аҳолининг маҳаллий аҳамиятга эга, коммунал мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш масалалари мустақил ҳал қилишнинг конституциявий принципи билан алмаштирилди” [11, 21-б.].

Янги таҳрирдаги кодексда бир қатор афзалликлар, янгиликлар мавжуд бўлиб, дастлаб кодексга киритилган асосий принциплардир. Қонунчиликка биноан, шаҳарсозлик фаолияти қуйидаги принципларга асосланган ҳолда амалга оширилиши белгиланиб, унга қарши бўлганлари амалга оширилиши тақиқланмоқда:

1) шаҳарсозлик соҳасида *фуқаролар, жамият ва давлат манфаатларини* ҳисобга олган ҳолда, ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ва унинг қисмларини барқарор ривожлантириш;

2) *ҳаётий фаолият учун қулай муҳит яратиш, фуқаролар саломатлигини муҳофаза қилиш, атроф-муҳит, табиий ресурслар ва маданий меросга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;*

3) *бино ва иншоотлар конструкциялари хавфсизлиги ва ишончилиги, уларнинг сейсмик чидамлилиги, ёнғин хавфсизлиги ва энергия самарадорлигига қўйиладиган талабларга риоя қилган ҳолда тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари асосида шаҳарсозлик фаолиятини амалга ошириш;*

4) *шаҳарсозлик фаолияти ва қурилиш ишлаб чиқаришида энг яхши амалиётларни жорий этиш, қурилиш сифатини ошириш;*

5) *ҳудудларни ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш жараёнида жамоатчиликнинг самарали иштирокини таъминлаш.*

Қурилиш соҳасида вужудга келади-ган барча муносабатлар юқорида санаб ўтилган 6 та принципга мувофиқ келиши талаб этилади. Л.Э. Бандорин ва К.В. Холопикларнинг шаҳарсозлик ҳақидаги фикрларига кўра, “Шаҳарни тартибга солиш бошқарув ва иқтисодиётнинг барча институтлари билан ўзаро алоқада бўлади: режалаштириш, ер тузиш, техник инвентаризация, кўчмас мулкни давлат кадастрида рўйхатга олиш, кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, қурилиш учун ер участкалари бериш ва бошқалар” [12, 185-б.].

Кодексда белгиланган принциплар асосида қурилиш соҳасида иштирок этувчи барча давлат бошқаруви органлари ҳамда фуқаролар унга амал қилишлари ва уларнинг ижро этилиши юзасидан тегишли махсус ваколатли давлат органлари доимий равишда назорат олиб боришлари лозим.

Хулосалар

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидагича хулоса қиламиз:

Биринчидан, қурилиш соҳасида давлат органлари ҳамда қурилиш ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар доимий равишда коррупцион ҳолатларни келтириб чиқарган бўлиб, уларни бартараф этиш учун соҳа ислоҳ қилиниб, бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Иккинчидан, Ҳаракатлар Стратегияси ҳамда Маъмурий ислохотлар концепцияси қабул қилиниши жараёнда олиб борилиши керак бўлган ишлар тизимлаштирилишида ўрин эгаллади.

Учинчидан, сўнгги тўрт йил давомида Президентнинг бир қатор қарор ва фармонлари қабул қилиниб, давлат назоратининг самарали ташкил этилишида ўз ҳиссасини қўшди.

Тўртинчидан, янги қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар соҳадаги асосий субъектлар ролини янада кучайтирди. Бунини Қурилиш вазирлиги ва унинг қошида инспекция ташкил этилишида кўришимиз мумкин.

Бешинчидан, бу каби норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши соҳа ривожланишининг бошланиши бўлиб, Шаҳарсозлик кодекси янги таҳрирда қабул қилинганлиги каби ўзгартириш киритилиши талаб этилади.

REFERENCES

1. Surzhenko O.A. Okremi problemi, shho vinikajut' pri budivnictvi zhitla Окремі проблеми, що виникають при будівництві житла [Some problems that arise in the construction of housing]. National University «Yaroslav the Wise Law Academy of Ukraine». Civil'noe pravo – Civil Law, no. 1, p. 2.
2. Batynkov A.P. Samoregulirovanie v stroitel'stve: problemy i puti reshenija [Self-regulation in construction: problems and solutions]. Federal State Budgetary Educational Institution of Higher Education «St. Petersburg State University of Economics», St. Petersburg, p. 4.
3. Prezident Shavkat Mirzijoeyevning makroiqtisodiy vazijat, hududlar va tarmoqlarda iqtisodiy o'sishni ta'minlash bo'yicha birinchi jarim jillikdagi vazifalarga bag'ishlangan videoselektor jig'ilishidagi nutqi [Speech by President Shavkat Mirziyoyev at a video conference dedicated to the macroeconomic situation, the tasks for the first half of the year to ensure economic growth in the regions and sectors]. Available at: <https://kun.uz/71903320/>.
4. Djizzah shahri hokimining birinchi o'rinbosari v.b. \$2000 pora bilan qo'lga tushdi [First Deputy Mayor of Jizzakh, etc. He was caught with a \$ 2,000 bribe]. Available at: <https://www.gazeta.uz/uz/2021/05/12/jizzakh/>.
5. Dutikov M.P. Pravovoe regulirovanie v sfere stroitel'stva [Legal regulation in the field of construction]. Interaktivnaja nauka – Interactive Science, 2019, no. 10 (45), p. 62.
6. O'zbekiston Respublikasi Statistika qo'mitasi rasmij sahifasi [Official site of the Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan]. Available at: <https://stat.uz/uz/rasmij-statistika/construction-2/>.
7. Svetlorusova A.M., Gorbachev S.A. Pravovye sistemy v oblasti stroitel'stva [Legal systems in the field of construction]. Moskovskij gosudarstvennyj stroitel'nyj universitet – Moscow State University of Civil Engineering. Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovye-sistemy-v-oblasti-stroitelstva/>.
8. Kiretova T.V. Problemy normativnogo regulirovanija kachestva rabot v stroitel'stve [Problems of normative regulation of the quality of work in construction]. Vestnik Samarskoj gumanitarnoj akademii – Bulletin of the Samara Humanitarian Academy, series «Right», 2007, no. 2, pp. 19.
9. O'zbekiston Respublikasi Qurilish vazirligi rasmij sahifasi [Official site of the Ministry of Construction of the Republic of Uzbekistan]. Available at: <https://mc.uz/shaffof-qurilish-platformasi-hususida/?lang=uz-kr/>.
10. Korrupsiyaga qarshi kurashish bo'yicha Respublika idoralararo komissiyasining qarori [Resolution of the Republican Interagency Commission on Combating Corruption]. Available at: <https://minjust.uz/uz/press-center/news/97759/>.
11. Butaeva E.M. Polnomochija organov mestnogo samoupravlenija [Powers of local self-government bodies]. Biznes v zakone – Business in law, 2008, no. 3, p. 21.
12. Bandorin L.E., Holopik K.V. Gradoregulirovanie i administrativnye bar'ery [Urban regulation and administrative barriers]. Voprosy gosudarstvennogo i municipal'nogo upravljenija – Issues of state and municipal management, 2007, vol. II, no. 2-3, p. 185.

UDC: 351.342

ORCID: 0000-0002-9788-5698

ДАВЛАТ ФУҚАРОЛИК ХИЗМАТИДА МЕРИТОКРАТИЯ ТАМОЙИЛИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ МАСАЛАЛАРИ

Раҳимов Дилмуроджон Ғуломжон ўғли,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси таянч докторанти,
e-mail: drakhimov95@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақола Ўзбекистон Республикаси давлат фуқаролик хизматида кадрларни қабул қилишда меритократия тамойилининг аҳамиятини тадқиқ этишни мақсад қилган. Мақолада меритократия тамойили тушунчасининг моҳияти, хусусиятлари ва республикада қўлланиш жараёнлари таҳлил қилинган. Давлат фуқаролик хизматида кадрларни қабул қилишда меритократия тамойилини қўллашга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилган. Давлат фуқаролик хизматида очиқ танлов асосида кадрларни қабул қилишнинг ижобий хусусиятлари тизимлаштирилган. Ўрганилаётган масала юзасидан ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан олиб борилган амалий ишлар таҳлил қилинган. Мақолада агентликнинг ютуқлари билан бир қаторда, йўл қўйган камчиликларига эътибор қаратилган. Хусусан, меритократия тамойили асосида давлат фуқаролик хизмати лавозимлари учун очиқ танловлар ўтказиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмаслиги масаланинг энг муаммоли жиҳати сифатида таъкидланган. Шу сабабли мақолада давлат фуқаролик хизмати вакант лавозимлари учун очиқ танлов ўтказиш тўғрисида низом ишлаб чиқиш ва унда бир қанча масалаларга эътибор қаратиш таклиф қилинган. Бундан ташқари, кадрларни давлат фуқаролик хизматида очиқ танлов асосида қабул қилишни давлат фуқаролик хизматида оид барча давлат органларида ўтказиш лозимлиги ва унинг зарурати асослантирилган.

Калит сўзлар: давлат хизмати, давлат фуқаролик хизмати, давлат фуқаролик хизматчиси, меритократия тамойили, очиқ танлов, компетенция, кадр, вакант лавозим.

ОРГАНИЗАЦИОННО-ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ ПРИМЕНЕНИЯ ПРИНЦИПА МЕРИТОКРАТИИ В ГОСУДАРСТВЕННОЙ ГРАЖДАНСКОЙ СЛУЖБЕ

Рахимов Дилмуроджон Гуломжон угли,
базовый докторант Академии государственного
управления при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация. Данная статья направлена на изучение важности принципа меритократии при наборе персонала на государственную гражданскую службу Республики Узбекистан. В статье анализируются сущность, особенности и процессы применения концепции принципа меритократии в нашей республике. Изучены нормативно-правовые документы по применению принципа меритократии при найме кадров на государственную гражданскую службу. Систематизированы положительные особенности приема на государственную гражданскую службу на основе открытого конкурса. Проанализирована практическая работа, проделанная Агентством развития го-

сударственной гражданской службы при Президенте Республики Узбекистан за истекший период. В статье рассматриваются как достижения Агентства, так и устраненные им недостатки. В частности, наиболее проблемным аспектом было отмечено отсутствие нормативно-правового документа об открытых конкурсах на замещение государственных должностей на основе меритократии. Поэтому в статье предлагается разработать Положение об открытом конкурсе на замещение вакантных должностей государственной гражданской службы и сосредоточить внимание на ряде вопросов. Кроме того, обоснована необходимость набора кадров на государственную гражданскую службу на основе открытого конкурса во всех государственных органах.

Ключевые слова: государственная служба, государственная гражданская служба, государственный гражданский служащий, принцип меритократии, открытый конкурс, компетентность, персонал, вакансия.

ORGANIZATIONAL AND LEGAL ISSUES OF APPLICATION OF THE PRINCIPLE OF MERITOCRACY IN THE CIVIL SERVICE

Rakhimov Dilmurodjon Gulomjon ugli,

Base doctoral student of the Academy of Public Administration
under the President of the Republic of Uzbekistan

Abstract. This article aims to study the importance of the principle of meritocracy in the recruitment of personnel to the civil service of the Republic of Uzbekistan. The article analyzes the essence, features and application processes of the concept of the principle of meritocracy in our Republic. The normative and legal documents on the application of the principle of meritocracy in the recruitment of personnel to the civil service have been studied. The positive features of recruitment to the civil service on the basis of open competition are systematized. The practical work carried out by the Agency for the development of public service under the President of the Republic of Uzbekistan over the past period is analyzed. In addition to the agency's achievements, the article highlights the shortcomings it has addressed. In particular, the lack of a normative legal document on open competitions for civil service positions on the basis of meritocracy was noted as the most problematic aspect of the issue. Therefore, the article proposes to develop a Regulation on open competition for vacancies in the civil service and focus on a number of issues. In addition, it is justified that the recruitment of personnel to the civil service on the basis of open competition should be carried out in all public bodies of the civil service and its necessity.

Keywords: public service, civil service, civil servant, the principle of meritocracy, open competition, competence, staff, vacancy.

Кириш

Янги Ўзбекистонда давлат бошқарувини ислоҳ қилиш, шу жумладан, давлат хизмати тизимини муносиб кадрлар билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мазкур масалага ўзининг Президентликка номзод сифатидаги сайловолди дастуридаёқ эътибор қаратган эди. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 2016 йил 19 октябрда бўлиб ўтган VIII съездидаги маърузасида Шавкат Мирзиёев давлат хизматини тубдан ислоҳ

қилиш ва бу бўйича қонун қабул қилиш вақти келганлигини таъкидлаган эди [1].

Натижада 2017 йил 7 февралдаги 4947-сонли Президент фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси”нинг устувор йўналишларидан бири сифатида давлат хизмати тизимини такомиллаштириш масаласи белгиланганди.

Шунингдек, 2017 йил 8 сентябрдаги 5185-сонли Президент фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси-

да Маъмурий ислохотлар концепцияси”-нинг 6-устувор йўналиши профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш этиб белгиланди. Унда давлат хизматчиларининг классификацияси, ҳуқуқий мақоми, давлат хизматига танлов асосида қабул қилиш, давлат хизматчилари захирасини шакллантириш, давлат хизматини ўташ каби масалаларга тўхталиб ўтилган. Бундан ташқари, концепцияда давлат хизмати тизимида кадрлар сиёсатини амалга ошириш учун масъул давлат органини ташкил этиш вазифалари назарда тутилган эди.

Таъкидлаш жоизки, давлат бошқарувининг қанчалик самарали бўлиши тизимда фаолият юритувчи кадрлар салоҳиятига шунчалик боғлиқ. Шу боис давлат хизматини муносиб кадрлар билан таъминлаш бугунги кун давлат бошқарувининг энг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Давлат хизматини энг муносиб кадрлар билан таъминлаш эса бевосита меритократия тамойилининг элементларини жорий этишни талаб этади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида давлат хизматига кадрларни қабул қилишда уларнинг билим, кўникма ва малакаларини баҳолайдиган очик танлов тизимини жорий этишни коррупцияга қарши курашишнинг самарали воситаларидан бири сифатида алоҳида таъкидлаган [2].

Тадқиқот натижалари ва уларнинг таҳлили

Мазкур тадқиқот иши бир қанча муаммо ва масалаларга ечим излаш ҳамда уларни тадқиқ этишни талаб этади.

Биринчидан, меритократия тушунчасини илмий-назарий жиҳатдан ўрганиш ва унинг давлат хизмати тизимида тутган ўрнини таҳлил қилиш лозим.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси давлат фуқаролик хизмати меритократия тамойилини қўллашнинг норматив

ҳуқуқий асослари ва амалий-ташкилий жараёнларини таҳлил қилиш лозим.

Меритократия тушунчасига илк бор британиялик социолог ва сиёсатчи Майкл Янг томонидан 1958 йилда нашр этилган “Меритократия юксалиши” китобида таъриф берилган [3]. Дастлаб мазкур тушунча менежментдан кўра сиёсатга яқинроқ бўлган эди. Шунга қарамай, ушбу атама бугунги кунда бошқарув соҳасида энг кўп ишлатиладиган тушунчалардан бирига айланди. Меритократия луғавий жиҳатдан (*лотинча* *meritus* – энг *лаёқатли, қобилиятли; юнонча* *kratos* – *бошқариш, ҳокимият*) “энг муносиблар ҳокимияти” деган маънони англатади. Унга кўра, меритократия — бу ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеи, бойлиги ёки ҳокимиятидан қатъи назар, қобилият ва ютуқлар шахсларнинг юқори поғонага кўтарилишлари учун асос бўлган тизимдир [4].

Меритократия ҳам хусусий секторда, ҳам давлат хизматида кенг қўлланилаётганлигини кўриш мумкин. Масалан, йирик иқтисодий компанияларнинг меритократик корпоратив маданиятни йўлга қўйганликлари уларнинг ютуқлари сифатида баҳоланади. Меритократия тамойилларини қабул қилган компаниялар ўз ходимларига ўз фикрини эркин билдириш, иш жараёнларига бевосита таъсир кўрсатиш ва муҳим қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган шароитларни яратиб берадилар. Аммо мазкур яратиб берилган имкониятлар, албатта, биринчи навбатда, даромад топиш мақсадида амалга оширилган [5]. Бугунги кунда меритократия тамойилларини юқори технологиялар асосида кенг қўллаётган машҳур компаниялар жумласига Убер ва Амазон кабиларни киритиш мумкин [6].

Давлат хизматининг “очик” модели хусусиятлари устун бўлган Буюк Британия, АҚШ, Сингапур, Канада, Янги Зеландия, Бельгия, Нидерландия, Норвегия, Финляндия, Швецария каби мамлакатларда ме-

ритократик тамойилнинг самарали йўлга қўйилганлигини кўриш мумкин.

Таъкидлаш жоизки, давлат фуқаролик хизматида меритократия тамойилининг қўлланилиши тизимдаги лавозимларнинг ижтимоий келиб чиқиши, жинси, диний мансублиги, иқтисодий аҳволдан қатъи назар энг муносиб бўлганлар эгаллашгани таъминлайди. Меритократия давлат фуқаролик хизматида қариндошлик, таниш-билишчилик, коррупция ва давлат хизматига киришда малакасизлик кабиларни рад этади. У тенглик, касбий компетенция (билим, кўникма ва малака) тамойилларини қўллаб-қувватлайди. Одатда, давлат хизматига кадрларни қабул қилиш умумий ва психологик тестлар ҳамда танлов комиссияси билан суҳбатлар асосида амалга оширилади.

Меритократиянинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат:

кадрларнинг давлат хизматига қабул қилиниши очиқ танлов асосида амалга оширилади;

номзодларни баҳолаш уларнинг компетенциялари (билим, малака ва кўникма) ва самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI) асосида белгиланади;

давлат хизматчиларини баҳолаш натижасида уларни моддий рағбатлантириш, лавозимларини ошириш, натижалари қониқарли бўлмаган ходимларни ишдан бўшатиш ёки уларнинг малакасини ошириш кабилар амалга оширилади;

барча давлат хизматчиларига бир хил муносабатда бўлиш.

Меритократия XX асрнинг ўрталарида тушунча сифатида вужудга келган бўлса-да, унинг туб моҳияти, келиб чиқиши қадимий даврларга бориб қадалади. Давлат хизматига ўхшаш жараёнларнинг бошланиши бир қанча тадқиқотчилар, жумладан, Энн Палудан [7] ва Дерк Боддэ [8] томонидан Қадимги Хитойга боғланади. Меритократик тамойилга асосланган Хитой империяси давлат хизматининг муҳим

жиҳати энг яхши маъмурий амалдорларни танлаш учун ишлаб чиқилган имтиҳондан иборат эди. Ушбу тизим оилавий насл-насаби (ижтимоий келиб чиқиши)дан қатъи назар ҳар қандай хитойликнинг йирик давлат амалдорига айлана олишини назарда тутарди [9]. Мазкур тизим Хитойда Син (мил.авв. 246–206 йиллар), Хан (мил. авв. 206 – мил.авв. 220 йиллар), Суй (589–618 йиллар) ва Тан (618–907 йиллар) сулолалари даврида амалда бўлган.

Тадқиқотчилар Итжек Галнур ва Женнифер Осер меритократик давлат хизматининг бошланиши Қадимги Хитой билан биргаликда Мисрнинг Қадимги подшолик давлари (мил.авв. 3 минглик йилларнинг иккинчи ярми)га бориб тақалишини таъкидлашган. Ўрта асрларда эса Византия, Эрон сосонийлари, Араб халифалигининг аббосийлар сулоласи ва Усмонли турклар империялари мамлакат бошқарувида мазкур тизимни йўлга қўйганлар. 1806 йилда Буюк Британиянинг Ост-Индия компанияси ташаббуси билан инглизларнинг Ҳиндистонни бошқарадиган маъмурлари малакасини ошириш ва уларни аттестациядан ўтказишни назарда тутувчи коллеж Лондонда ташкил этилди [10].

Аср ўрталарига келиб давлат бошқаруви хизматига танлов-имтиҳон орқали қабул қилиниш, маълум мансабни эгаллаш учун муайян билим ва кўникмаларнинг мавжуд бўлиши, шунингдек, давлат амалдорларининг иерархик тарзда ўсишини назарда тутувчи жараёнлар умумий “civil service”, яъни “давлат хизмати” атамаси билан қўлланила бошланди [11].

Бугунги кунда Ўзбекистонда давлат фуқаролик хизмати самарадорлигини ошириш, хусусан, уни юқори малакали, етук кадрлар билан таъминлаш масаласи мутлақо янги босқичга кирди. Жумладан, 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари

тўғрисида”ги 5843-сонли Президент фармони билан давлат фуқаролик хизмати тизимини такомиллаштириш йўналишлари белгиланди. Шунингдек, давлат хизмати соҳаси бўйича ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ташкил этилди. Агентлик давлат хизматида оид ташкилотларда ягона давлат сиёсатини амалга ошириш учун масъул этиб белгиланди. Фармонда давлат фуқаролик хизматида меритократия тамойилини жорий этиш белгиланган бўлиб, мазкур тушунчани илмий тадқиқ этиш ва уни амалиётда самарали қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикасида давлат фуқаролик хизматининг энг муҳим масалаларидан ҳисобланади.

Фармонда меритократия тамойили касбга оид сифатлари ва алоҳида хизматларини одилона ва холис баҳолаш асосида энг қобилиятли ва муносиб шахсларни давлат фуқаролик хизматида қабул қилиш ҳамда уларнинг хизмат поғоналари бўйича кўтарилишини назарда тутувчи тушунча сифатида изоҳланган. Фармонга кўра, 2020 йил 1 январдан бошлаб тажриба сифатида Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Адлия вазирлиги, Молия вазирлиги ва “Халқ банки” АЖ, шунингдек, 16 та шаҳар ва туман ҳокимликларида давлат фуқаролик хизматида қабул қилиш очик танлов асосида (сайланадиган ва алоҳида тартибда тайинланадиган лавозимлар бундан мустасно) амалга оширилиши, 2021 йил 1 январдан бошлаб мазкур тизим давлат фуқаролик хизматида оид республиканинг барча давлат органлари ва ташкилотларида жорий қилиниши белгиланган. Мазкур жараёни амалга оширишга Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги масъул ҳисобланади [10].

Ўтган давр мобайнида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томони-

дан меритократия тамойилини амалиётга жорий қилиш бўйича қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, давлат фуқаролик хизматида кадрларни очик танлов асосида қабул қилишнинг механизмлари шакллантирилмоқда.

Умуман олганда, давлат фуқаролик хизматида лавозимларни эгаллашнинг, асосан, иккита тури мавжуд:

1. Лавозимга тайинлаш орқали давлат фуқаролик хизматида кириш;
2. Танлов асосида давлат фуқаролик хизматида кириш.

Аксарият ривожланган давлатларда фақатгина давлат ва ҳукумат раҳбари давлатнинг энг муҳим лавозимларига тайинлаш орқали кадрларни давлат фуқаролик хизматида қабул қилиш ҳуқуқига эга. Қолган барча лавозимлар учун очик танлов ўтказилади. Давлат фуқаролик хизматида бўш иш ўринларини танлов асосида тўлдириш бир қанча ижобий хусусиятларга эга.

Биринчидан, мазкур жараён давлат фуқаролик хизматида малакали кадрларни жалб этишга, бу ўз навбатида, давлат фуқаролик хизмати самарадорлиги такомиллашувига олиб келади. Россиялик социолог Е. Литвинцева фикрича, танлов асосида вакант лавозимларга кадрларни жалб этиш ташкилотларни энг муносиб кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади [12]. Рақобат бор жойда ўсиш, ривожланиш ва сифат бўлиши турган гап. Бу омил давлатнинг кадрлар сиёсати соҳасига ҳам тааллуқлидир. Шу жиҳатдан бўш иш ўрни учун танлов ўтказилиши энг яхши кадрни давлат хизматида келишини таъминлайди. Кадрларни давлат хизматида танлов асосида қабул қилиш тенденциясининг давом этиши, бир тарафдан, давлат хизматида кирмоқчи бўлган кадрларни ўз устида янада яхшироқ ишлаши, танлов учун тайёрланишига олиб келса, бошқа тарафдан давлат фуқаролик хизматчиларининг ўз лавозимлари учун муносиб бўлишга ин-

тилишларига хизмат қилади, дейиш мумкин.

Ўзбекистонлик тадқиқотчилар Ш. Асадов ва Ф. Юлдашева давлат фуқаролик хизматида бўш иш ўринларига танлов ўтказишда Танлов комиссияси иш берувчи вакилларида ташқари, илмий ва таълим муассасалари ходимлари, жамоатчилик вакиллари ҳам жалб этган ҳолда фаолият олиб борса, манфаатлар тўқнашуви эҳтимоли истисно қилишини таъкидлашади [13]. Фикримизча, танлов комиссияси таркибида илмий ва таълим муассасалари ходимлари ва жамоатчилик вакиллари билан бир қаторда номзодларнинг назарий билим ва кўникмалари объектив баҳоланишига имкон яратиш беради.

Иккинчидан, давлат фуқаролик хизматида очиқ танловларнинг амалга оширилиши фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини ҳам кафолатлайди. Боиси Конституциямизнинг 18-моддаси Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, қонун олдида тенглиги, 32-моддаси фуқаролар давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги, 37-моддаси эса ҳар бир шахс меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқига эга эканлигини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 6-моддасида барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш, улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эга эканлиги, 78-моддасида ишга қабул қилишни ғайриқонуний равишда рад этишга йўл қўйилмаслиги белгиланган бўлиб, мазкур қоидалар давлат хизматида ҳам тааллуқлидир. Умуман олганда, давлат хизматида киришда тенг ҳуқуқлилиқ масаласи илк маротаба Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгилаб қўйилган. Декларациясининг 21-моддаси ҳар бир фуқаро ўз юртининг давлат хизматида

киришда тенг ҳуқуққа эга эканлигини назарда тутди [14].

Давлат фуқаролик хизматида кириш танлов асосида амалга ошириш бўйича агентлик томонидан Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимлари ягона очиқ портали (vacancy.argos.uz) яратилди. Порталда давлат фуқаролик хизматидаги вакант лавозимлар учун танловлар эълон қилинади. Дастлаб 2020 йилнинг июнь-июль ойларида Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги ҳудудий филиалларидаги бўш лавозимлар учун очиқ мустақил танлов эълон қилиб, агентлик филиалларига имкон қадар энг яхши кадрлар жалб этилди [15]. Мазкур амалиёт муваффақиятли амалга оширилганидан сўнг бошқа давлат бошқарув ва маҳаллий давлат ҳокимият органларида ҳам очиқ мустақил танлов эълон қилиб борилмоқда. Танловлар 3 босқичда амалга оширилади:

Биринчи босқичда номзодларнинг ҳужжатлари вакант лавозимнинг малака талабларига мувофиқлиги ўрганилади ва унга мос келган номзодлар кейинги босқичга ўтказилади.

Иккинчи босқичда номзодларнинг иқтисодиёт, ҳуқуқ, тарих ва IT соҳалари бўйича билим ва кўникмалари тест синовидан ўтказилади. Тест жараёнларида юқори балл тўплаган номзодлар суҳбат жараёнларига тавсия этилади.

Учинчи босқичда номзодлар суҳбат жараёнларида қатнашишади. Суҳбат учун танлов комиссияси ташкил этилиб, комиссия номзодларнинг шахсий ва касбий кўникмаларига баҳо беради. Яқунда энг муносиб деб топилган номзод вакант лавозимни эгаллайди ва давлат хизматида қабул қилинади.

2020 йил декабрь ҳолатига кўра, вакант лавозимлар ягона очиқ портали орқали ташкил этилган очиқ танловларда 220 нафар энг муносиб номзод давлат хизматида қабул қилинди. Уларнинг 20 нафари олий таълим муассасаларини 2019 йилда тугат-

ган бўлса, 19 нафари 2020 йилда тамомлаган [16].

2021 йил давомида эса очиқ танловлар ўтказиладиган ташкилотлар кўлами янада кенгайтирилди. 2021 йилнинг августигача порталга уланган ташкилотлар сони 13 310 тани ташкил этди. Шу кунгача 143 624 нафар номзод портал орқали эълон қилинган очиқ танловларда қатнашган бўлиб, улардан 2 464 нафари давлат хизматига қабул қилинди [17].

Очиқ танловлар ўтказишнинг кўпайиб бориши давлат ва жамият учун ҳам бирдек самарали ҳисобланади. Давлат органлари энг юқори компетенцияга эга кадрлар билан таъминланади.

Хулосалар

Юқоридаги тадқиқотдан келиб чиқиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, меритократиянинг туб моҳияти қадим замонларга бориб тақалиб, тушунча сифатида ўтган асрда пайдо бўлишига қарамай, унинг Ўзбекистон Республикаси давлат хизматига жорий қилиниши ўзига хос инновацион ёндашув бўлди дейиш мумкин.

Иккинчидан, давлат фуқаролик хизмати лавозимлари учун очиқ танловлар ўтказилиши фуқаролар (номзодлар) учун очиқлик ва шаффофликни таъминлаб, тенг имкониятлар яратиб бермоқда. Бу, маълум маънода, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳам кафолатланишига хизмат қилмоқда.

Учинчидан, вакант лавозимлар учун очиқ танлов ташкил этилиши давлат фуқаролик хизматини энг малакали кадрлар билан таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, давлат фуқаролик хизмати самарадорлиги такомиллашувига олиб келади.

Юқоридаги каби ижобий ютуқлар билан чекланиб қолмасдан, яна бир қанча масалаларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ:

Биринчидан, кадрларни очиқ танлов асосида давлат фуқаролик хизматига қабул қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш лозим.

Бу борада давлат фуқаролик хизматига очиқ танлов асосида қабул қилиш тўғрисида низом ишлаб чиқиш таклиф этилади. Низомда давлат фуқаролик хизматига очиқ танлов асосида қабул қилиш механизмлари, хусусан, танлов босқичлари, ҳар бир босқичнинг шартлари, уларни ташкил этиш масалалари, тест ва суҳбатнинг мазмун доираси каби жиҳатлар ифодаланиши мақсадга мувофиқ.

Мазкур низомнинг қабул қилиниши давлат фуқаролик хизматига ишга кирмоқчи бўлган номзод кадрларга амалий томондан ёрдам беради, улар низомга асосланиб танловга тайёрланиши мумкин.

Бундан ташқари, низом барча вакант лавозимлар учун ўтказиладиган танловларнинг бир хиллигини таъминлаши билан бир қаторда, танловларнинг ҳуқуқий асоси сифатида коррупцион ҳолатлар рўй беришининг ҳам олдини олишга хизмат қилади.

Иккинчидан, давлат фуқаролик хизмати вакант лавозимлари учун очиқ танловларни давлат фуқаролик хизматига оид барча давлат органларида ўтказиш лозим.

Бу давлат органлари ўртасида тенглик ва бир хилликни таъминлаш билан бир қаторда, уларни юқори компетенцияли кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади. Бунинг учун, аввало, давлатнинг махсус хизмати ва давлат фуқаролик хизмати тизимларига мансуб давлат бошқарув органлари ва ташкилотларининг аниқ рўйхатини белгилаш зарур.

Шундан сўнг давлат фуқаролик хизматига оид барча давлат органларида бир хил тартибда танловлар ўтказиш мақсадга мувофиқ.

REFERENCES

1. Demokratik islohotlarni izchil davom ettirish, xalqimiz uchun tinch va munosib turmush darajasini yaratish barqaror taraqqiyot garovidir. O'zbekiston Respublikasi Prezidentligiga nomzod Shavkat Mirziyoyevning O'zbekiston Liberal-demokratik partiyasining VIII qurultoyidagi nutqi [Consistent continuation of democratic reforms, creation of a peaceful and decent standard of living for our people is a guarantee of sustainable development. Speech of the candidate for President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the VIII Congress of the Liberal Democratic Party of Uzbekistan]. Available at: https://uz.fundamental-economic.uz/?page_id=1132/.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasii [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis]. Available at: <https://president.uz/uz/lists/view/4057/>.
3. Appiah K.A. The myth of meritocracy: who really gets what they deserve? Available at: <https://www.theguardian.com/news/2018/oct/19/the-myth-of-meritocracy-who-really-gets-what-they-deserve/>.
4. Simard C. Is Your Company a Meritocracy? Available at: <https://www.fastcompany.com/1118575/your-company-meritocracy/>.
5. Whitehurst J. Meritocracy: the workplace culture that breeds success. Wired. Available at: <https://www.wired.com/insights/2014/10/meritocracy/>.
6. Tobak S. In Defense of Uber, Amazon and Meritocracy. Available at: <https://www.entrepreneur.com/article/289919/>.
7. Paludan A. Chronicle of the Chinese Emperors: The Reign-by-Reign Record of the Rulers of Imperial China. New York, New York: Thames and Hudson, 1998. Available at: <https://thamesandhudsonusa.com/books/chronicle-of-the-chinese-emperors-the-reign-by-reign-record-of-the-rulers-of-imperial-china-softcover/>.
8. Bodde D. China: A Teaching Workbook. Columbia University. Available at: <http://afe.easia.columbia.edu/songdynasty-module/index.html/>.
9. Civil Service Examinations. Available at: <http://www.princeton.edu/~elman/documents/Civil%20Service%20Examinations.pdf/>.
10. Galnoor I., Oser J. Civil Service. Available at: <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/B9780080970868750033?via%3Dihub/>.
11. Huddleston M.W., Boyer W.W. The Higher Civil Service in the United States: Quest for Reform. University of Pittsburgh Press, 1996. Available at: <https://upittpress.org/books/9780822955740/>.
12. Litvinceva E.A. Problemy realizacii konkursnyh procedur v sisteme gosudarstvennoj grazhdanskoj sluzhby [Problems of Implementation of Competitive Procedures in the System of State Civil Service]. Sociologija vlasti – Sociology of Power, 2009, no. 5, pp. 140-148.
13. O'zbekiston Respublikasi davlat fuqarolik hizmatini takomillashtirish masalalari. Monografiya. H. Azizov va b. [Issues of improving the civil service of the Republic of Uzbekistan. Monograph]. Tashkent, Shafoat Nur Fayz, 2020, p. 126.
14. Universal Declaration of Human Rights. Available at: <https://www.un.org/en/about-us/universal-declaration-of-human-rights/>.
15. Musobaqa o'z nihoyasiga yetdi: g'oliblar tez orada jangovar faoliyatini boshlaydi [The competition is over: the winners will soon start working in their new jobs]. Available at: <https://argos.uz/ads/308/>.
16. Endi kadrlar ochiq tanlov asosida tanlab tanlanadi [Now the staff is selected on the basis of open competition]. Available at: https://www.uza.uz/uz/posts/endi-kadrlar-ochiq-tanlov-asosida-tanlanadi_237206/.
17. Davlat xizmatchilarining bo'sh ish o'rinlari yagona ochiq portali [The only open portal for vacancies of civil servants]. Available at: <https://vacancy.argos.uz/>.

UDC: 347.44(042)(575.1)
ORCID: 0000-0001-6487-918X

DEFINITION AND CLASSIFICATION OF VOIDABLE TRANSACTIONS

Usmonova Muniskhon Yuldosh kizi,
Teacher of Civil Law Department of the
Tashkent State University of Law,
e-mail: asinum57@gmail.com

Abstract. The article analyzes the specifics of void and voidable transactions, which are types of invalid transactions. The types of disputable agreements are discussed and specific examples are given. The views of scientists on the classification of voidable transactions are analyzed. The author divides the contested agreements, which are the basis of the disagreement, into the following groups: the illegality of their content; the fact that individuals and legal entities concluding it are not entitled to conclude a deal; inconsistency of will and free expression of will; non-compliance with the form of the contract. The article also discusses the grounds for concluding that transactions made by individuals who do not understand the importance of their actions and cannot control them are invalid. Outlined the existing gaps in the regulatory documents and substantiated proposals for solving problems in practice.

Keywords: invalidity of transactions, transactions recognized as void, voidable transactions, transactions concluded due to incapacity.

НИЗОЛИ БИТИМЛАРНИНГ ТАЪРИФИ ВА КЛАССИФИКАЦИЯСИ

Усмонова Мунисхон Йўлдош қизи,
Тошкент давлат юридик университети
“Фуқаролик ҳуқуқи” кафедраси ўқитувчиси

Аннотация. Мазкур мақолада ҳақиқий бўлмаган битимларнинг турлари бўлган ўз-ўзидан ҳақиқий ҳисобланмайдиган ва низоли битимларнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган. Шунингдек, низоли битимларнинг турларига тўхталиб ўтилган ва мисоллар келтирилган. Низоли битимларни таснифлаш борасидаги олимларнинг фикрлари таҳлил қилинган. Муаллиф келишмовчиликларнинг асоси бўлган низоли битимларни қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганади: мазмунининг ноқонунийлиги; уни тузувчи жисмоний ва юридик шахсларнинг битим тузишга ҳақи эмаслиги; эрк-ирода ва эрк-ирода изҳорининг номувофиқлиги; битим шаклига риоя этилмаганлиги. Мақолада, шунингдек, ўз ҳаракати аҳамиятини тушунмайдиган ва уларни бошқара олмайдиган шахслар томонидан тузилган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш асослари ҳам ёритиб ўтилган. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги мавжуд бўшлиқлар ва амалиётдаги муаммоларни бартараф этиш юзасидан асосли таклифлар билдирилган.

Калит сўзлар: битимларнинг ҳақиқий эмаслиги, ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битимлар, низоли битимлар, муомала лаёқатидаги нуқсонлар оқибатида тузилган битимлар.

ПОНЯТИЕ И КЛАССИФИКАЦИЯ ОСПОРИМЫХ СДЕЛОК

Усмонова Мунисхон Йулдош кизи,
преподаватель кафедры «Гражданское право»
Ташкентского государственного
юридического университета

Аннотация. В статье анализируются специфика ничтожных и спорных сделок, которые являются типами недействительных сделок. Обсуждаются виды спорных соглашений и приводятся конкретные примеры. Проанализированы взгляды ученых на классификацию спорных сделок. Автор разделяет оспариваемые договоренности, являющиеся основанием разногласий, на следующие группы: незаконность их содержания; тот факт, что физические и юридические лица, заключающие ее, не имеют права заключать сделку; непоследовательность воли и свободного волеизъявления; несоблюдение формы договора. В статье также обсуждаются основания для вывода о том, что транзакции, совершаемые физическими лицами, которые не понимают важности своих действий и не могут их контролировать, являются недействительными. Изложены существующие пробелы в нормативно-правовых документах и обоснованные предложения по решению проблем на практике.

Ключевые слова: недействительность сделок, сделки, признанные недействительными, оспариваемые сделки, сделки, заключенные вследствие недееспособности.

Introduction

Agreements concluded by persons with disabilities are considered invalid due to the inconsistency of the will and the expression of free will. Defective transactions can be made by citizens along with transactions made by individuals in normal condition. At the same time, citizens do not understand the importance of their actions and cannot control their will. This type of transaction is also a dispute because it is considered problematic to identify and resolve the issue.

Today, in practice, there are enough problems with the invalidity of transactions, so we can analyze this situation on the basis of statistics provided on the official website of the Supreme Court of the Republic of Uzbekistan. The analysis of case materials shows that the proportion of cases related to the invalidity of transactions in civil cases has increased significantly in recent years.

The purpose of the article and the problem to be solved. The purpose of this article is to develop a theoretical basis for overcoming the existing problems in practice in invalidating

transactions concluded by persons with disabilities.

1. In what cases do the judges find the agreement to be disputed or invalid?

2. What are the grounds for determining a dispute agreement?

3. What are the peculiarities of a transaction concluded by a person with a defect in legal capacity?

Finding answers to the listed questions is the basis of writing an article.

Uzbek civil scientists such as H.R. Rakhmonkulov, I.B. Zokirov, O. Okyulov, D.M. Karakhodjaeva works were used. In addition, scientists from Russia and other CIS countries (S.P. Grishaeva, E.A. Sukhanov, A.P. Sergeev, Y.K. Tolstogo, F.M. Rudinskogo, A.G. Kalpina,

A.I. Maslyaeva, L.G. Kuznetsova, Y.N. Shevchenko) also analyzed the views of G. Dannemann, M. Joseph, J. Kelly, J. Watson and others from the USA and European countries. The article used the methods of comparison-comparison, analysis-synthesis, deduction and induction. Contested are transactions, the invalidity of which can be established only

in court (clause 1 of article 113 of the Civil Code). Until the court makes a decision on the recognition of such a transaction as invalid, it will be considered valid and give rise to civil rights and obligations.

Grounds for the invalidity of contested transactions, as a rule, are associated with some violation of the will of the person who concludes the transaction, or a third party whose will, by virtue of law, is important for the validity of the transaction. Since it is quite difficult to recognize the fact of violation of the internal will of a person, the challenged transaction remains valid until its invalidity is established by the court [1, p. 93].

Obviously, only a person whose will is supposed to be violated can judge the violation of the inner will. Therefore, the law, as a general rule, grants the right to challenge the relevant transactions only to such persons (clause 2, article 113 of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan). Due to the fact that the will of a certain person is violated in a contested transaction, if this person approves the transaction, the grounds for invalidity disappear after its completion and the transaction becomes valid. Despite the fact that this rule is not directly expressed in the law, it is widely used in judicial practice.

The grounds for the invalidity of the contestable transactions can be classified on the basis of which of the conditions of validity was violated. This classification seems reasonable, since it provides an answer to the question of why the corresponding legal action is an invalid transaction. The validity of a transaction may directly depend on how valid the elements that form it are. Therefore, all invalid transactions can be combined depending on which of the elements of the transaction was found to be defective. So, invalid transactions can be divided into followings:

- transactions with the vices of the subject composition,
- deals with vices of will,

- transactions with defects of form, - deals with content flaws.

When is a Contract Void?

A void contract is one that cannot be legally enforced. Neither party is bound by a contract declared to be void. Some reasons for a contract to be declared void include:

- The good or service in the agreement is illegal or breaks a policy.

- The sections of the contract are impossible to complete.

- The sections of the contract are too vague.

- There is no consideration, or exchange of something that has value (e.g. money).

- Any fraudulent acts including misrepresentation of facts.

Let's look at an example of a void contract. For example, an employment contract can become void if the employer asks the employee to do something illegal as part of their job. Or that same employment contract can become void if the employee breaks the law while performing their job.

When is a Contract Voidable? Now let's switch to voidable contracts. A voidable contract is only binding for one party. The other party of the agreement can choose to either accept or reject the contract. Some situations when a court could rule a contract to be voidable include:

- One party was threatening the other to sign the contract.

- One party was under undue influence.

- There are problems in the contract that make it impossible for both or one party to carry out their side.

- One party breaches the terms of the contract.

- The impacted party can choose to release the contract or continue with it [2].

In accordance with paragraph 1 of Art. 121 of the Civil Code, a transaction made by a citizen, although capable, but who was at the time of its commission in such a state when he was not able to understand the meaning of his actions or to direct them, may be recognized

by the court as invalid at the suit of this citizen or other persons whose rights or interests protected by law are violated as a result of its commission.

Transactions made by persons recognized by the court as incompetent due to a mental disorder are void because such persons do not have the ability to independently, purposefully act and assess its consequences. All transactions made by such citizens, including small household transactions, are void. If at the time of the transaction, a citizen suffering from mental disorders was not recognized by the court as incapable, but could not understand the meaning of actions or manage them, then such a transaction may be invalidated at the suit of his guardian (paragraph 2 of article 121 of the Civil Code).

If the transaction is declared invalid, then each of the parties to such a transaction is obliged to return to the other everything received in kind, and if it is impossible to return in kind, to reimburse its value in money (paragraph 2, paragraph 1 of article 171 of the Civil Code). A capable party is obliged, in addition, to compensate the other party for the actual damage suffered by it, if the capable party knew or should have known about the incapacity of the other party (paragraph 3, clause 1 of article 171 of the Civil Code).

In the literature and in judicial practice, a sufficient number of cases are known when establishing the incapacity of a person (a party to a transaction) is fraught with great difficulties in clarifying the actual circumstances of the case, collecting evidence testifying to a defective state of health (medical, military and many others) [3].

When an Intoxicated Person Enters Into a Contract? When an intoxicated person enters into a contract, the contract can either be enforceable, meaning held to the fullest extent of the law, or voidable by the intoxicated person. The court will look at two criteria that need to be present in order to make the contract voidable:

1. The intoxication was severe enough that the person entering into the contract was incapacitated.

2. The other party was aware of the intoxication at the time.

A voidable contract, in this instance, is one in which the intoxicated party can end the agreement under certain terms. To expand on the criteria above, in order for the intoxicated person to void the contract, there needs to be adequate proof that one of the following occurred:

1. The intoxicated person consumed enough alcohol or drugs to cause impairment in thinking sufficient enough that he could not understand the legal ramifications of entering into the contract.

2. The other party to the contract knew of the intoxication.

Alcohol or drugs cannot be provided to a party to a contract to entice or persuade them to enter into a contractual agreement. It should be noted that even if the intoxicated person is able to void the contract, once sober, the contract can be re-entered by the parties. Let's see what happens when a seemingly friendly night of drinking turns to a dispute over contractual capacity [4].

The rule that the person alleging his incapacity should be bound by his contract because intoxication is his voluntary act was at first relaxed by allowing him to show that his condition was brought about by the other party. But a more rational view now prevails. The law now regards the fact of intoxication and not the cause of it, and regards that fact as affording proof of want of mental capacity [5].

In general, we note that the principle of good faith corresponds to the ideas of the modern doctrine of civil law and has long been introduced into the legislation of the overwhelming majority of countries with a developed legal order. This principle allows, even at the pre-trial stage of the process, to widely apply measures of civil legal protection of persons suffering from diseases,

and to protect their rights at all stages of the transaction, suspension, termination of the transaction until the moment of its implementation [6].

In judicial practice, there are many cases when, when considering civil cases on the grounds of Art. 177 of the Civil Code it is difficult to distinguish between cases of sham transactions and transactions bypassing the law.

We believe that the distinction between actions aimed at circumventing the law and sham transactions in contractual legal relations should be made according to the direction of the will of the persons participating in them, especially since actions aimed at circumventing the law may be regarded by the court as an abuse of the right with intent to cause harm not only private but also public interests. [7].

Let's look at an example of a voidable contract. If you agree to buy a house, but then realize 6 months after purchase that there is an undisclosed problem the contract is voidable. Since you are the impacted party, you can either stick with the house (if you think you got a good deal) or void the contract.

The content of the transaction as the basis for the emergence of civil legal relations is a set of conditions constituting the transaction. For the transaction to be valid, it is necessary that the content of the transaction meets the requirements of the law and other legal acts, otherwise there is a flaw in the content of the transaction.

Also, the rules on the invalidity of transactions reflect the legislator's point of view on the ratio of such elements of the transaction as will and expression of will. The legislator will determine what value will (respectively - expression of will) will have in deciding the validity of transactions. For the validity of the transaction, it matters whether the statutory form of the transaction is observed. It is also important to note that this classification is conditional. Some grounds for

invalidity can be attributed to both a vice in the subject and a vice of will.

Together with certain compositions of invalid transactions, the law has formed a general rule according to which an invalid transaction is any transaction that does not meet the requirements of the law or other legal acts (Article 116 of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan). The main role of such a general rule is manifested in case where a transaction is made that does not have the defects of its individual constituent elements, but one that may contradict the requirements in content and its direction.

Further, the scholar notes that, following the literal interpretation of Art. 116 of the Civil Code, it should be recognized that this article also covers the "marriage" of the elements that form the transaction. The norm formulated in Art. 116 of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan, fixes the general concept of an invalid transaction, however, in the presence of a special rule establishing the invalidity of a transaction, depending on the defectiveness of its individual elements, a special rule is applied [8, p. 137].

However, 116 of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan it is about the failure of the parties to the transaction to comply with the requirements of legal acts imposed on its content, and not about any violation. Violations of the form of the transaction, failure to comply with the requirements for the parties to the transaction, inadmissible defects of will and expression of will are considered as independent grounds for the invalidity of transactions. Thus, specified in Art. 116 of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan, the basis for the invalidity of transactions suppose precisely the flaw in the content of the transaction.

Article 116 of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan indicates a general basis for the invalidity of transactions with a defect in content, and Art. 115 and 124 of the Civil Code of the Republic of Uzbekistan contain

special compositions of invalid transactions with a defect in content. Transactions made with a purpose, obviously contrary to the foundations of law and order and morality, represent a whole qualified composition of the invalidity of the transaction, which does not meet the requirements of the law. Despite all this, a qualifying subjective moment is added to the composition of invalid transactions with content flaws - a goal.

In 2012, 1,406 or 0.9 % of transactions were invalidated by courts throughout the country			
not complying with the requirements of the legislation; agreements entered into by a minor under the age of fourteen and between the ages of fourteen and eighteen	435	30,9 %	Articles 116-118, CC.
transactions concluded by a citizen who has been declared incompetent and has limited legal capacity	4	0,3 %	Articles 119-120, CC.
an agreement made by a citizen who does not understand the significance of his actions or cannot control them	35	2,5%	Article 121, CC.
deception, coercion, intimidation, agreement of a representative of one party with the other party in bad faith or in the event of serious circumstances	676	47,9 %	Articles 122-123, CC.
an agreement entered into for fraudulent or fraudulent purposes and beyond the legal capacity of the legal entity	259	18,4%	Articles 124-125, CC.

Consider an illustrative example from judicial practice. A contract which has been entered into by coercion is voidable at the instance of the person whose consent or acceptance of the contract had been obtained by coercion. For example, "A" threatens "B" with dire consequences unless "B" enters into a contract to sell a piece of land to "A" at Rs. 1. In this case, the contract to sell the

land is voidable at the instance of "B" and "B" can choose to either sell the land to "A" at the agreed price or avoid the contract by approaching a Court of law and getting the contract to be declared void.

Similarly, contracts entered into by fraud, misrepresentation or undue influence are also voidable at the instance of the person who was defrauded or to whom a misrepresentation had been made or was under undue influence.

The Civil Code introduced provisions that establish the possibility of compensation for damage caused by lawful actions of public authorities and their officials (Art. 16.1). Such compensation should be carried out only in cases provided for by law, therefore we propose to make appropriate changes to other legislative acts that make it possible to ensure the completeness of judicial protection to persons who are capable, but suffer from diseases that do not allow them to give an account of their actions in everyday life, incl. .h. and make deals.

Summarizing all of the above, we can draw the following conclusion. Contested transactions differ from void ones and their essence is not that voidable ones give rise to legal consequences, and insignificant ones do not. The main difference lies elsewhere. It is referred to as methods of invalidating such transactions. The law distinguishes situations when the transaction itself is declared invalid and cases when it is allowed to be challenged, that is, it distinguishes the invalidity of the transaction depending on the method of recognizing it as invalid. In the first case, the court undertakes to declare that a void transaction is invalid at the request of any natural or legal person, as well as on its own initiative, and in respect of contested transaction, the court cannot do this if the relevant statements of the interested person specified in the law are completely absent.

REFERENCES

1. Danilov I.A. The essence of dividing invalid transactions into void and voidable. Legal world, 2010, no. 5, p. 93.
2. The Differences Between Void and Voidable Contracts You Need to Know. Michigan's Trusted Choice for Quality Legal Representation. Available at: https://www.aldrichlegalservices.com/blog/The-Differences-Between-Void-and-Voidable-Contracts-You-Need-to-Know_AE1077.html/.
3. Is a Contract Valid if I Signed While Drunk? Available at: <https://www.hg.org/legal-articles/is-a-contract-valid-if-i-signed-while-drunk-36845/>.
4. Incapacity & Contracts: Contracts with Intoxicated Persons. Available at: <https://study.com/academy/lesson/incapacity-contracts-joint-obligation-contracts-with-intoxicated-persons.html/>.
5. Can a Drunk Person Enter Into a Contract? CEB Community. Available at: <https://research.ceb.com/posts/can-a-drunk-person-enter-into-a-contract/>.
6. Is a contract still valid if it was signed under the influence of alcohol? Find a lawyer by practice area. Available at: <https://www.lawyers.com/ask-a-lawyer/entertainment-law/is-a-contract-still-valid-if-it-was-signed-under-the-influence-of-alcohol-1631465.html/>.
7. Read This Before Entering Into A Contract Intoxicated. Available at: <https://contract-law.laws.com/consideration/intoxication/>.
8. Kheifets F.S. Invalidity of transactions under Russian civil law. Moscow, 2010, p. 137.
9. Suslikova A.V., Pronina Yu.O. The concept of civil law turnover. Modern scientific thought, 2017, no. 4, pp. 317-321.
10. Samoilova O.A., Pronina Y.O. Things and their classification. In the collection: Territory of law Collection of scientific articles. Responsible editor V.N. Suslikov, 2015, pp. 203-205.
11. Pronina Y.O. Comparative legal analysis of hereditary legal relations in Russia and France. In the collection: Youth and the XXI century - 2017, materials of the VII International Youth Scientific Conference, 2017, vol. 4, pp. 360-363.
12. Pronina Y.O. Tsvetova Yu.S., Leont'yeva Ya. K. K voprosu nasledovaniya po zakonu. V sbornike: Vysokiye intellektual'nyye tekhnologii v nauke i obrazovanii, Materialy I Mezhdunarodnoy nauchno-prakticheskoy konferentsii [On the issue of inheritance by law. In the collection: High intellectual technologies in science and education. Materials of the International scientific and practical conference]. 2017, pp. 70-72.
13. Pronina Y.O. Grazhdanskoe pravo. Uchebnoe posobie [Civil law. Tutorial]. Kursk, 2017.
14. Pronina Y.O. Kachestvo i konkurentosposobnost' innovatsionnykh proektov [Quality and competitiveness' of innovative projects. Belgorod Economic Bulletin,]. Belgorodskiy ekonomicheskii vestnik, 2012, no. 4 (68), pp. 16-20.
15. Glagoleva N.N., Pronina Yu.O. Realizatsiya innovatsionnykh proektov v usloviyakh konkurentsii [Implementation of innovative projects in a competitive environment]. Vestnik Belgorodskogo universiteta kooperatsii, ekonomiki i prava – Bulletin of Belgorod University of Cooperation, Economics and Law, 2013, no. 3 (47), pp. 225-232.
16. Pronina Yu.O., Tsvetova Y.S., Leontyeva Y.K. On the issue of inheritance by law. In the collection: High intellectual technologies in science and education. Materials of the I International scientific and practical conference, 2017, pp. 70-72.
17. Pronina Yu.O. Civil law. Textbook. Kursk, 2017.
18. Pronina Yu.O. Quality and competitiveness of innovative projects. Belgorod Economic Bulletin, 2012, no. 4 (68), pp. 16-20.
19. Glagoleva N.N., Pronina Yu.O. Implementation of innovative projects in a competitive environment. Bulletin of the Belgorod University of Cooperation, Economics and Law, 2013, no. 3 (47), pp. 225-232.
20. Pronina Yu.O. Legal awareness of citizens as the basis for building a legal state. Science Time. 2014, no. 4, pp. 180-183.

21. Tiganov A.I., Larina O.G. The principle of legal deterrence as the basic value of legal culture in Russia. News of the South-West State University, 2011, no. 6-1 (39), pp. 13-17.
22. Larina O.G., Tiganov A.I. Actual problems of reforming legislation in the field of public health protection in Russia. News of the South-West State University, 2011. no. 4 (37), pp. 91-95.
23. Larina O.G. Legal framework for reforming financial management in Russia at the beginning of the XIX century. News of the South-West State University. Series: History and Law, 2012, no. 1-1, pp. 28-34.
24. 64 Youth and the XXI Century, 2018 21-22 February, vol. 3
25. Penkova A.N., Dolzhenkova E.V., Kuznetsova T.L., Larina O.G., Nozdrina I.O., Plotnikova A.V., Khrushchev E.G., Shevyakina A.I. History of state and law of Russia. Kursk, 2017.
26. Chuikov N.A., Rylsky E.A., Larina O.G. The essence of state and law, 2017, pp. 322-328.

UDC: 343.535 (043.3)(575.1)
ORCID: 0000-0001-5701-0785

ҒАРБДА ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК (БАНКРОТЛИК) ҲУҚУҚИ РИВОЖЛАНИШИ ВА АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАР ШАКЛЛАНИШИ

Худайбергенов Бехзод Бахтиёрович,
Тошкент давлат юридик университети докторанти,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD),
e-mail: xudaybergenovbexzod@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада Қадимги Римда, ўрта асрларда Италия, Франция, Германия ва Англияда тўловга қобилиятсизликни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қоидаларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши таҳлил қилинган. Шунингдек, рим ҳуқуқида қарздорнинг кредиторлар талабларини бажариш тартиби, ундирув қарздорнинг шахси ва мол-мулкига қаратилиши, қарздорга бериладиган имтиёзлар ва қайси ҳолатларда қарздор жавобгарликдан озод қилиниши ёритиб берилган. Бундан ташқари, ўрта асрларда Италия, Франция, Германия ва Англияда савдо билан боғлиқ тўловга қобилиятсизлик – банкротликнинг шаклланиши, норматив-ҳуқуқий базанинг яратилиши, давлатлар қонунчилигидаги бир-биридан фарқ қилувчи хусусиятлар ва ўхшаш жиҳатлар ўрганилган. Ушбу давлатларда банкротлик жараёнида қўлланиладиган турли таомилларнинг мазмунини очиқ беришга ҳаракат қилинган, қайси қоидалар ҳозирги кунда ҳам кенг қўлланилаётганлиги ва бу нормаларнинг Ўзбекистон қонунчилигига қандай қилиб кириб келганлиги ҳамда ҳозирда улар қандай номланиши ва қўлланилиши таҳлил қилинган. Айнан ушбу давлатларда қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида тўловга қобилиятсизлик ҳуқуқининг турли йўналишлари ва тенденциялари белгиланган. Шунингдек, тарихда мавжуд бўлган, ижтимоий фойдали қоида ва нормаларни амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш орқали тиклаш масалалари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: тўловга қобилиятсизлик, банкротлик, кредитор, қарздор, *manus injectio*, *cessio bonorum*, пул мажбуриятлари, *Actio Pauliana*.

РАЗВИТИЕ ПРАВА НЕПЛАТЕЖЕСПОСОБНОСТИ (БАНКРОТСТВА) И ФОРМИРОВАНИЕ ОСНОВНЫХ ПРИНЦИПОВ НА ЗАПАДЕ

Худайбергенов Бехзод Бахтиёрович,
доктор философии по юридическим наукам (PhD),
докторант Ташкентского государственного
юридического университета

Аннотация. В данной статье анализируются возникновение и развитие норм, направленных на правовое регулирование несостоятельности в Древнем Риме, Италии, Франции, Германии и Англии в Средние века. Также разъясняется существовавшие в римском праве порядок выполнения требований кредиторов должника, удержание которых ориентировано на личность и имущество должника, привилегии, предоставленные должнику, и в каких случаях возможно освобождение должника от ответственности. Кроме того, изучалась невозможность оплаты торговли в Италии, Франции, Германии и формирование банкротства в Англии, создание норматив-

но-правовой базы, особенности, отличающиеся друг от друга в законодательстве государств, и их аналогичные аспекты, существовавшие в Средние века. Была предпринята попытка раскрыть содержание различных инструментов, используемых в этих государствах, были проанализированы правила, которые все еще широко используются на сегодняшний день, какие из этих норм вошли в законодательство Узбекистана, как они называются и применяются. Именно на основе законодательства, принятого в перечисленных государствах, установлены различные направления и тенденции в праве неплатежеспособности. В статье также освещены вопросы восстановления существовавшего ранее в истории и утратившего свою силу, но остающегося общественно полезным, путем внесения изменений в действующее законодательство.

Ключевые слова: неплатежеспособность, банкротство, кредитор, дебитор, manus injectio, cessio bonorum, денежные обязательства, Actio Pauliana

THE DEVELOPMENT OF INSOLVENCY (BANKRUPTCY) LAW AND FORMATION OF BASIC PRINCIPLES IN THE WEST

Hudaybergenov Behzod Bakhtiyorovich,

Doctoral student of Tashkent State University of Law,

Doctor of Philosophy in Law (PhD)

Abstract. This article analyzes the emergence and development of norms aimed at the legal regulation of insolvency in Ancient Rome, Italy, France, Germany and England in the Middle Ages. Roman law also explains the procedure for fulfilling the claims of the debtor's creditors, the retention of which is focused on the debtor's personality and property, the privileges granted to the debtor, and in which cases the debtor is released from liability. In addition, in the Middle Ages, the impossibility of paying for trade in Italy, France, Germany and England was studied – the formation of a bankrupt, the creation of a regulatory framework, features that differ from each other in the legislation of states and their similar aspects. An attempt was made to reveal the content of various tools used in the process in these states, it was analyzed which rules are still widely used today, and how these norms have entered into the legislation of Uzbekistan, and how they are now called and applied. It is on the basis of the legislation adopted in these states that various directions and trends in the law of insolvency are established. It also covered the issues of restoring the existing in history and lost its force, but socially useful, by changing the rules and norms in the current legislation.

Keywords: insolvency, bankruptcy, creditor, debtor, manus injectio, cessio bonorum, monetary obligations, Actio Pauliana

Кириш

Банкротлик билан боғлиқ муносабатлар ўзининг мураккаблиги ва турли ҳуқуқ соҳаларининг ўзаро кесишиши билан ажралиб туради. Бунда кредиторлар манфаатлари тўқнашади, уни ҳал қилишнинг энг самарали усул ва воситалари ҳуқуқий нормалар билан белгиланади. Ўзбекистонда амалда қўлланилаётган банкротлик қонун ҳужжатларининг туб моҳиятини англашда ушбу соҳанинг муҳим принципларини аниқлаш ва моҳиятини англаш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳар қандай

ҳуқуқ соҳаси муайян принципларга таянади ва уларга риоя қилган ҳолда ҳуқуқ нормалари ишлаб чиқилади. Бугунги кунда миллий ҳуқуқий адабиётларда банкротлик ҳуқуқининг принципларига бағишланган таҳлиллар етарли эмаслигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир. Чунки бу соҳада кўплаб қонун ҳужжатлари ишлаб чиқиляётган бўлса-да, тармоқнинг муҳим тамойиллари эътибордан четда қолаётганлиги мавзунинг ниҳоятда долзарблигини кўрсатади.

Банкротлик соҳасидаги турли қонун ҳужжатларини тартибга келтириш, улар-

нинг концептуал йўналишини белгилашга хизмат қиладиган принципларни аниқлаш ва тизимлаштириш тадқиқотимизнинг асосий *мақсади* ҳисобланади.

Мавзу долзарблигини *ҳуқуқшунос олим Луис Е.Л.*нинг фикрларидан ҳам кўриш мумкин: “Рим ҳуқуқидаги *fallitus ergo fraudator* (тўловга қобилиятсиз – фирибгар) қондаси узоқ даврдан бери қўлланилмоқда”. Бироқ тўловга қобилиятсизлик ҳақидаги қонунлар қанчалик шафқатсиз бўлмасин, қарздор “айбсиз” ёки “тасодифий” бўлган вазиятларда унга енгилликлар берилган [1, 223-230-б.]. Масалан, Қадимги Римда “ҳалол” қарздор кредиторлар олдидаги қарзни тўлаши ва натижада қўлланиладиган жазолардан озод қилиниши мумкин эди.

Тўловга қобилиятсизлик (банкротлик) ҳуқуқининг пайдо бўлиши ҳақида икки хил *ёндашув* илгари сурилади. Айрим олимлар талабларни қарздорнинг етарлича бўлмаган мол-мулки ҳисобидан қондириш тўловга қобилиятсизлик ҳуқуқини вужудга келтирганини таъкидлашса [2, 13-20-б.], бошқалар бу нормаларнинг нотўғри квалификация қилиниши фикрини илгари суради [3, 7-б.].

Иккинчи фикрга қўшилиш мантиқан тўғри бўлади. Биринчи позиция тарафдорлари рим ҳуқуқидаги ундирувчилар ҳуқуқлари ва манфаатлари тўқнашувини ҳал қилиш масаласини тартибга солувчи нормаларни инобатга олмаганлар ва қарздор мол-мулки етарли бўлмаган шароитда мавжуд барча кредиторлар талабларини қаноатлантиришга йўналтирилган тартиб ва таомил тўғрисида тасаввур қилиб кўришмаган.

Материал ва методлар

Тадқиқотнинг *асосий мазмуни* банкротлик ҳуқуқида фундаментал аҳамият касб этувчи принципларни таҳлил қилиш ва уларнинг яратилиш босқичларини ўрганишдан иборат. Соҳадаги муаммоларни ўрганиш баробарида банкротлик

ҳуқуқининг принципларини белгилаш бевосита пандемия даврида ўз исботини топди. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев карантин даврида кўпгина ташкилотлар тўлов қобилиятини йўқотиб, банкротлик ёқасига келиб қолиши мумкинлиги, корхонага санация қўлланилса, унинг солиқ ва бошқа тўловлардан қарздорлиги карантин тугаганидан кейин ундирилиши мумкинлигини таъкидлади [4, 1-б.].

Демак, пандемия даврида, яъни фавкуллодда ҳолатларда пайдо бўлган қарздорликни ундиришга нисбатан алоҳида тартиблар белгиланади, қарздорга нисбатан кўпроқ имтиёзлар бериш, қарзни тўлаш муддатларини кечиктириш зарурати пайдо бўлади.

Мавзунинг батафсил мазмунини очиб беришга судлар томонидан қабул қилинаётган сўнгги банкротлик тўғрисидаги суд ҳужжатлари имкон беради. Аксарият суд ҳужжатларида кредиторлар манфаатларига путур етказилмоқда, кредиторлик қарзлари лозим даражада ундирилмасдан, қарздор фуқаролик муомаласидан чиқиб кетмоқда, катта суммадаги қарздорликлар соддалаштирилган тартибда кўрилиб, бекор бўлмоқда. Мисол учун, 2021 йил 13 сентябрь куни Иштихон туманлараро иқтисодий судининг 4-1402-2101/909-сон ишида жами 77.750.991,37 сўм қарздорлик ундирилмасдан қолиб кетган ва бундан, албатта, кредитор зарар кўрган [5].

Банкротлик ҳуқуқида кредиторлар талабларини қаноатлантириш масаласи асоси мақсад сифатида белгиланса-да, амалда бунинг ижроси сезилмаяпти.

Қўлланилган методлар сифатида тарихий-қиёсий таҳлил методига алоҳида аҳамият қаратилади. Жумладан, банкротлик ҳуқуқининг ҳар бир принципи тегишли тарихий шароитларда пайдо бўлган ва унинг замирида муайян тарихий-ҳуқуқий асослар ётади. Банкротлик ҳуқуқининг

муҳим принциплари бевосита Ғарбда вужудга келганлиги боис Европа давлатлари қонунчилиги тарихига урғу берилади.

Тадқиқот натижалари

Илмий хулоса ва таклифлар банкротлик соҳасида юридик фан, юридик таълим, қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга хизмат қилади. Айниқса, ҳар бир ҳуқуқий

манбани ишлаб чиқиш таклиф қилинаётган принципларга таяниш заруратини келтириб чиқаради.

Тадқиқот объектини тавсифловчи асосий кўрсаткични Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан тақдим қилинган қуйидаги жадвал орқали ҳам кўришимиз мумкин:

Иқтисодий судлар томонидан банкрот деб топилган корхоналар тўғрисида маълумот (2021 йил тўққиз ойлик давр учун)					
Т/Р	Худуд номи	Жами	Фаолияти тикланган корхоналар сони	Тугатилиб давлат реестридан чиқарилган корхоналар сони	Тугатиш жараёнида бўлган корхоналар сони
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	280		77	203
2.	Андижон вилояти	357	2	117	238
3.	Бухоро вилояти	338	18	185	135
4.	Жиззах вилояти	403	2	212	189
5.	Қашқадарё вилояти	402	2	132	268
6.	Навоий вилояти	99	1	48	50
7.	Наманган вилояти	214		10	204
8.	Самарқанд вилояти	627	1	180	446
9.	Сурхондарё вилояти	923	3	580	340
10.	Сирдарё вилояти	444		156	288
11.	Тошкент вилояти	507	1	104	402
12.	Фарғона вилояти	479	4	247	228
13.	Хоразм вилояти	215	3	41	171
14.	Тошкент шаҳри	116		6	110
Жами		5404	37	2095	3272

Юқоридаги рақамлар шундан гувоҳлик берадики, аксарият ҳолатлар корхоналар тугатилиб, кредиторлар талаблари қаноатлантирилмасдан қолиб кетмоқда. Кредиторлар талаблари корхоналар фаолияти тикланганда тўлиқ қондирилиши мумкин, лекин бундай корхоналарнинг улуши ниҳоятда паст.

Олиб борилган илмий изланишнинг самарадорлиги ва ҳаққонийлиги таҳлили амалдаги Ўзбекистон Республикаси “Банкротлик тўғрисида”ги қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, банкротлик ҳуқуқи учун муҳим бурилиш бўлишига хизмат қилган Ҳаракатлар стратегиясини алоҳида таъкидлаш

ўринли. Чунки ушбу ҳуқуқий ҳужжатлар асосида махсус норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилина бошланди. Концепцияга кўра, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантириш, ҳудудлар, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутаносиб ҳолда ижтимоий-иқтисодий тараққий эттириш, инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омиллари сифатида белгиланди. Ҳаракатлар стратегиясига асосан, банкротлик соҳасида кўп-

лаб қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга эришилди.

Тадқиқот натижалари таҳлили

Тўловга қобилиятсизлик муносабатларини тартибга солишга доир ислохотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида», «Банкротлик таомилларини янада соддалаштириш ва суд бошқарувчилари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари билан чамбарчас боғлиқ.

Тўловга қобилиятсизлик – қарздорнинг кредиторлар талабларини қаноатлантира олмаслигини англатса, тўловга қобилиятсизлик белгилари кредиторларнинг қайси талаблари, унинг миқдори ва қанча муддат бажарилмаганлигида ифодаланади [6, 44-49-б.].

XII жадвал қонунларида “partes secanto” – қайтарилмаган қарз учун кредитор қарздорни ўлдириши ёки қўлини кесиши назарда тутилган. Ушбу қоида, шубҳасиз, мулккий қаноатлантиришга хизмат қилмайди ва қасос туйғусини қондириш йўли, холос [7, 352-б.]. Қадимги даврларда тўловга қобилиятсизлик билан боғлиқ турли қонунлар амал қилган ва қарздор билан шафқатсиз муносабатда бўлинган. Хусусан, магистрант тўловга қобилиятсиз қарздорга *addictus* эълон қилиши мумкин бўлиб, унга кўра қарздор кредиторга мулк сифатида топширилган.

К.И. Малышев ушбу ҳолатни қуйидагича изоҳлайди: “Қадимги жамиятларда аҳолининг мулккий массаси ва ҳуқуқи шу даражада тор бўлганки, кредит қарздорнинг ўзи ва унинг оиласи томонидан таъминланган, ундирув қарздор шахснинг ўзига қаратилган, чунки шахснинг ўзи қадимги даврларда қийматга эга бўлган ягона нарса эди” [8, 5-б.].

Албатта, кейинчалик рим ҳуқуқи шахсий шаклдаги ундирувдан мулккий йўналишдаги ундирувга қараб ривожланиб борди. Қарзни мулккий таъминлаш ёки қарзни натура шаклида қайтариш ҳақидаги қоидалар пайдо бўла бошлади.

XII жадвал қонунларининг ўзида қарздор икки тоифага ажратилган: оддий ва пехум – қарзни ўз шахси билан таъминлашга рози бўлган. Биринчи тоифадаги қарздор учун суд қарори ёки қарзни ўзи тан олган бўлиши лозим. Шундан сўнг кредитор магистрдан ўттиз кун ичида қарздорни ушлаб беришни талаб қилган. Пехум қарздор учун бундай жараёнларни ташкил қилишга зарурат бўлмаган. Икки хил тоифадаги қарздорлар учун оқибат бир хил аҳамият касб этган: *manus injectio* таомили қўлланилиб, унга кўра, кредитор қарздорни олтмиш кун давомида занжирда сақлаган ва вақти-вақти билан қарзни узиш учун бозорларга ишлашга олиб чиққан. Буни бажаришдан бош тортган қарздор ўзининг ҳуқуқ лаёқатини йўқотган, яъни қулга айланган, уни сотиш, ўлдириш мумкин бўлган ва ҳоказо.

Рим империяси ҳудуди катта бўлса-да, жавобгар, яъни қарздор ишни кўриш учун суд жараёнида қатнашиши шарт бўлган, даъвогарлар ёки кредиторларга жавобгарни мажбуран суд жараёнига олиб келиш ҳуқуқи берилган. Кредиторлар талабларини қондириш учун қарздор мол-мулки хатланган ва буни кредиторлар назорат қилиб борган. Ч. Санфилиппо таъкидлайдики, претор томонидан жорий этилган мулккий жазо классик даврда устунлик қилишни бошлади [9, 41-б.].

Демак, Қадимги Рим ҳуқуқида дастлаб қарздор томонидан қарз қайтарилмаслиги унинг мулкига эмас, шахсига нисбатан ҳуқуқий оқибат келтириб чиқарган. Шу ўринда бундай шахсий характердаги жавобгарликларнинг ҳозирги кунда ҳам қўлланилишини алоҳида таъкидлаш ўринлидир (корхона банкротлигида айбдор шахс-

лар жиноий жавобгарликка тортилади). Шунинг учун жиноий жазолар банкротлик институтининг ажралмас қисми сифатида эътироф этилади.

Рим ҳуқуқида қўлланилган қоидалар мазмунидан шундай хулосага келиш мумкинки, ундирувни шахсга қаратиш қарзни қарздорнинг мол-мулкидан қоплаш имкони бўлмаганда амалга оширилган.

Юқоридаги фикрлар қуйидаги принцип вужудга келишига асос бўлади:

Айб учун жавобгарлик принципи	
Мулкий жавобгарлик (ундирув қарздорнинг мол-мулкига қаратилади)	Жиноий жавобгарлик (жиноий ҳуқуқбузарликлар натижасида қарздорликлар вужудга келган ҳолатларда қўлланилади)

Кредиторлар талабларини қаноатлантиришнинг замонавий воситалари билан солиштирганда, мулкий ундирувлар алоҳида қизиқиш уйғотади. Юқорида таъкидланганидек, дастлаб ундирув шахсга қаратилишидан олдин ёки буни амалга ошириш имкони бўлмаганда, мулкий ундирувлар қўлланилган.

Мулкий ундирувларнинг дастлабки босқичи *missio in possessionem* институти ҳисобланади. Унинг мазмунига кўра, бир ёки бир нечта кредитор преторнинг розилиги билан барча кредиторларнинг манфаатлари йўлида қарздор мол-мулкини сақлаб туриш, назорат қилиш, уни инсофсиз эгалловчилардан ҳимоя қилиш вазифаларини бажарган. *Missio in possessionem*ни амалга ошириш жараёнида қарздор мол-мулкига нисбатан мулк ҳуқуқи кредиторларга ўтказилмаган. Ваколат берилган кредитор жараён ҳақида бошқа кредиторларни хабардор қилмаган. *Missio in possessionem* жараёнида ваколат берилган кредитор бошқа кредиторларни жалб қилишга (хабардор қилишга) мажбур эмас, чунки рим ҳуқуқининг асосий прин-

ципларидан бири – “ҳар қандай эркин инсон ўзининг шахсий манфаатлари учун ўзи ҳаракат қилади ва бошқаларнинг манфаати учун восита бўлиб хизмат қилмайди”. Лекин умумий жараённинг ошкоралиги қарздор тўловга қобилиятсизлиги ҳақида барча кредиторлар билишига имкон берган ва уларга ўз талабларини билдириш учун муайян вақт ажратилган.

Ундирувни мол-мулкка қаратишнинг иккинчи босқичи мол-мулкни реализация қилишни ўзида ифодалаган, яъни *magister bonorum vendendorum* деб номланган ва унда қарздор мол-мулки аукцион шаклида сотилган. *Magister bonorum vendendorum* жараёнида қарздор мол-мулки улгуржи шаклда сотилган (бевосита чакана шаклда сотишга рухсат берилмаган). Нима сабабдан савдо дастлаб улгуржи шаклда сотилиши бўйича олимлар яқдил фикр билдиришмаган. Бироқ чакана савдонинг мураккаблиги, мол-мулкни тўлиқ улгуржи шаклда сотиб олиш истагини билдирган шахсни топиш эса нисбатан осонроқдир.

Қарздор мол-мулкини сотиб олган шахс (*emptor bonorum*) кредиторларга уларнинг талаблари бўйича муайян фоизларни тўлашга мажбур бўлган. *Emptor bonorum* мол-мулкни қайта сотишдан кўпроқ фойда кўриши мумкин бўлса-да, унинг мажбурияти кредиторларга шу фоизларни тўлашдангина иборат бўлган. Қарздор мол-мулкини сотиш ва ундан тушган маблағларни тақсимлаш билан шуғулланувчи *curator bonorum* институти жорий қилинган.

Ушбу ҳолатда қарздор ва унинг мол-мулкини сотиб олувчи шахс ўртасидаги муносабатларнинг характери қизиқиш уйғотиши табиий. *Emptor bonorum* қарздорнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланадими? Йўқ, албатта. Чунки *emptor bonorum* кредиторларга улар талабларининг тегишли фоизини тўлайди, холос; қарздор мол-мулк сотилгандан кейин ҳам қарзнинг қолган қисми бўйича мажбуриятни сақлаб

қолади, яъни мажбуриятнинг бир қисми emptor bonorumга ўтмайди.

Мол-мулкни реализация қилиш натижасида барча талаблар қаноатлантирилмаган тақдирда, қолган талаблар кейинчалик вужудга келадиган мол-мулк ҳисобидан қондириш учун қарздорга чекланмаган муддат берилган.

Вақт ўтиши билан қарздорни мажбуран ушлаб туриш, уларни кредиторлар манфаатлари учун ишлатишдан воз кечиш, енгиллик яратиш тўғрисидаги фикрлар пайдо бўлган. Бу принцип Рим ҳуқуқида *“cessio bonorum”* дейилади. Унинг шакллари дастлаб қонунларда кам ифодаланган. Масалан, Юлий қонунига кўра, қарздорни мажбуран ушлаб туриш мумкин бўлмаган, кредиторлар қарздорнинг яшаш жойидан ташқари бошқа мол-мулкка талаб билан чиқиши мумкин бўлган.

Кредитни мулкий таъминлаш ғояси рим ҳуқуқида секинлик билан ривожланган. Заколат ва ипотека ҳуқуқининг вужудга келиши билан қарз шахсларда эмас, ашёларда ётади, деган тушунча пайдо бўлди. *Cessio bonorum қарздорга сезиларли имтиёзларни тақдим этар, бироқ у фақат қарздорнинг қандайдир инсофсизлиги мавжуд бўлмаганда қўлланилар эди.*

Агар қарздор суд жараёнида қарздорлик фавқулодда ҳодиса натижасида вужудга келганини исботлай олса, унга енгиллик ва сийловлар берилган. Қарздорга енгиллик бериш ҳақидаги қоидалар қуйидаги принциплар вужудга келишига туртки бўлди:

Инсофли қарздорга имкон қадар имтиёз бериш принципи	
Қарздорлик фавқулодда ҳолатларда вужудга келганда, имтиёзлар кенгроқ тақдим қилиниши ёки қарздорликдан тўлиқ озод қилиниши мумкин	Кредиторнинг якка тартибда қарздорга қарзни ундириш ҳақида мурожаат қилиши тақиқланади, қарзни бартараф қилиш учун қарздорга муддатлар берилади

Қарздорни кредиторларнинг қонунга зид ҳаракатларидан ҳимоя қилиш принципи

Кредиторларнинг қарздор мол-мулкни эгаллаб олишига, асоссиз талаблар қўйишига йўл қўйилмайди	Қарз суммасини ноқонуний равишда ошириш, қарздорнинг молиявий ҳолатини янада ёмонлаштирадиган талаблар қўйиш тақиқланади
--	--

Банкротлик ишини қўзғатиш ташаббуси рим ҳуқуқининг бутун тарихи давомида кредиторларга тегишли бўлиб, қарздорга ушбу ҳуқуқ берилмаган. Гарчи суднинг ташаббуси билан ишни қўзғатиш мумкин бўлса-да, суд ушбу ҳуқуқдан деярли фойдаланмаган. Тегишли талаб бўйича кредитор мурожаат қилиши учун қарзнинг тўланмаганлиги асос бўлган. Талаб шартнома бажарилмаганлигидан, қарзнинг қарздор томонидан тан олинишидан, ашёвий ҳуқуқларнинг бузилишидан ҳам келиб чиққан. Талабнинг суднинг қарори билан тан олинишига ҳам йўл қўйилган (яъни дастлаб даъво тартибидаги ишда қарзнинг тасдиқланиши), бироқ суднинг қарори қарз тан олинишининг ягона йўли бўлмаган.

Рим ҳуқуқида кредиторларнинг қайси талаблари банкротлик ишида инobatга олиниши ҳам тартибга солинган. Кредитор қарздор мол-мулкни, тўлов бўйича шикоят қилиш шартлари ва муддати вужудга келмагунча хатлай олмаган. Шундай қилиб, банкротлик жараёнида талаблари тан олинган ва ҳақиқий деб ҳисобланган кредиторларгина иштирок этиши мумкин.

Рим ҳуқуқининг ютуқлари қаторига қарздор битимларини ҳақиқий эмас деб топишга доир ҳуқуқий нормаларнинг яратилиши ҳам киради. Ушбу нормалар Actio Pauliana билан чамбарчас боғлиқдир. Унинг моҳияти шундан иборат эдики, missio in possessionem (иш юритишнинг биринчи босқичи) жорий этилгунга қадар қарздор томонидан тузилган битимлар

ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилган (биринчидан, битим тузилиши натижасида кредитор зарар кўрган бўлса; иккинчидан, мол-мулкни қўлга киритаётган қарздор ёки контрагентнинг ғаразли нияти мавжуд бўлса). Ғаразли ният қарзи мавжуд бўлган шахснинг ўз мол-мулкни яширишда ифодаланади. *Шу нарса аёнки, инсофли кредитор билан тузилган битим ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин эмас.*

Кредиторлар манфаатларига зид тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги принципи

Банкротликдан олдин тузилган ва кредиторлар манфаатларига тўғридан-тўғри зарар етказадиган битимлар ҳақиқий эмас деб топилади

Юстиниан қонунларида қарздорга ўз талабларини билдириш учун кредиторларга икки ва тўрт йиллик муддатлар белгиланган (кредиторларнинг маҳаллий ёки хорижий эканлигидан келиб чиқиб). Император қарздорнинг илтимосига кўра қарз тўлашни кечиктириш амалиётини жорий қилган (беш йилдан кўп бўлмаган даврга). Шунингдек, қарз тўлашни кечиктириш кўпчилик кредиторларнинг розилиги билан қўлланилиши бошланган, яъни камчиликнинг иродаси кўпчиликнинг қарорига бўйсундрилган. Кредиторлар қарори талаблар миқдорига эмас, кўпчиликнинг овозига таянган. *Юстиниан даврида қарздор мол-мулк чакана шаклда сотилган* ва *curator bonorum* қарздор мол-мулкни сотиш жараёнида харидор билан ҳеч қандай битим мавжуд эмаслиги ва олдиндан келишув бўлмаганлигини исботлаши лозим бўлган.

Юстиниан даврида банкротлик жараёни узоқ муддатларда кўриб чиқилганлиги, ҳатто биринчи инстанциянинг ўзида банкротлик иши ўн саккиз йилгача давом этган.

Рим давридаги ҳуқуқий тартибга солишнинг кўплаб механизмлари тугатиш ҳуқуқи ва процессининг мураккаб биносини қуришда пойдевор бўлди. М.В. Тельюкина таъкидлаганидек, римликлар-

нинг тарихий хизматлари шундан иборат бўлдики, улар турли ҳудудларда яшовчи халқларнинг ҳуқуқий нормаларини синтез қилиш, қайта ишлаш натижасида халқаро аҳамиятга эга бўлган ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқдилар, уларни универсал, бартариб ва яхлит қонун-қоидалар тизимига айлантириб, Юстиниан кодификацияси шаклида кейинги авлодларга етказдилар [10, 16-6].

Қадимги Римда тўловга қобилиятсизлик ҳуқуқининг ривожланиш тарихи ва хусусиятларини таҳлил қилган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

қарзни ундиришнинг шакли сифатида шахсий ундирувлардан аста-секинлик билан мулк ундирувларга ўтилган;

кредиторлар қарздорнинг мол-мулкни тўғридан-тўғри ундириши ёки талаб қилиш ҳуқуқи босқисма-босқич бекор бўлди;

тўловга қобилиятсизлик жараёнининг яқунланиши билан кредиторларнинг ҳам шахсий, ҳам мулк талаблари бекор бўлиш тенденцияси вужудга келди;

тугатиш массасини шакллантириш учун қарздор мол-мулк улуғуржи сотувдан чакана сотувга ўтилди, туғатиш массаси билан шуғулланувчи ва қарздор мол-мулкни сотишдан тушган суммани тақсимлашга ваколатли субъектнинг ҳуқуқий мақоми белгиланди;

тўловга қобилиятсизлик нормалари дастлаб жисмоний шахсларга қўлланилган (шу жумладан, вафот этган қарздорлар ҳам);

кредиторлар билан қарздор ўртасида келишув битимини тузишнинг илк белгилари пайдо бўлди.

Тўловга қобилиятсизлик ҳақидаги рим ҳуқуқи нормалари ўрта асрлар Италиясида ҳам қисман қўлланилган. Аммо Италияда савдо, кредит муносабатларининг тараққий этиши тўловга қобилиятсизлик ҳуқуқи ривожланишига асосий туртки бўлди. IX-X асрларда Италия шаҳар-давлатларида савдо муносабатларининг кенг тараққий этиши тўловга қобилиятсиз

қарздор кредиторлари талабларини қаноатлантиришга қаратилган янги механизмларни ишлаб чиқиш заруратини тақозо қилди. Шунингдек, Италия шаҳар-давлатлари сиёсий жиҳатдан эркин бўлиб, барча шаҳар-давлатлар учун ягона ва аниқ қоидаларни қабул қилиш лозим эди.

Ўрта аср Италия шаҳар-давлатлари ҳуқуқи ҳақидаги (шу жумладан, тўловга қобилиятсизлик ҳақидаги) маълумотлар озми-кўпми тизимлаштирилган ва суд қарорлари тўпламларини ўзида мужассамлаштирган статутлар тузилган. Дастлаб тўловга қобилиятсизлик ҳуқуқи нормалари тарқоқ шаклда статутларда келтирилганлиги кўришимиз мумкин (айрим нормаларгина келтирилган ёки махсус боб бағишланган). Энг биринчи тўловга қобилиятсизликка доир махсус статут 1244 йилда Венецияда қабул қилинган.

Савдо ва кредит жараёнларининг ривожланиши XIII асрда савдогарлар ва банкирларга нисбатан қўлланиладиган турли ҳужжатлар (суд қарорлари) яратилишига олиб келди. Ушбу ҳужжатларда илк бор *банкротлик* (*bankus* – дўкон, *савдо уйи*, *rotto* – бинони ёпиш, яъни ёпиқ дўкон, ушбу ҳолат кредиторлардан қочган савдогарнинг ҳалокати, банкротлигини билдирган) тушунчаси қўлланила бошлади. Шундан сўнг қарздорни банкрот деб топиш ва банкротлик процессини назорат қилиш кредиторлар иштирокида суд томонидан амалга оширила бошланди.

Италия тўловга қобилиятсизлик ҳуқуқининг яна бир ўзига хос жиҳати сифатида суднинг ролини таъкидлаш мумкин. Суднинг аралашуви кредиторлар фаолиятини тўхтатмаган, кредиторларнинг ўзлари қарздор мол-мулкни назорат қилган, шикоятларни кўриб чиққан, қарздор бойликларини сотган. Суд тўловга қобилиятсизлик таомилларини назорат қилган ва қарздорни банкрот деб топиш ҳақида қарор қабул қилган. *Италиялик юристларнинг ёзишича, тўловга қобилиятсизлик аломатлари суднинг қарори чиққан пайт-*

дан эмас, қарздор яширинган ёки кредиторлардан қочган кун билан белгиланган. Қарздорнинг йўқолиши ягона тўловга қобилиятсизлик белгиси бўлмаган. Масалан, Болонья статутида қарздорнинг уч кун давомида ўз уйида сабабсиз бўлмаслиги ва ҳеч қандай маълумот бермасдан уч кун давомида савдо биносини ёпиши ҳам ишни қўзғатишга асос бўлган.

Тўловга қобилиятсизлик белгиларининг исботланиш принципи	
Қарздорда фақат тўловга қобилиятсизлик белгилари мавжуд бўлгандагина банкрот деб топилиши мумкин, ўз-ўзидан тўлов қобилиятига эга шахс банкрот бўлмайди	Қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги исботланиши шарт ва бу мажбурият кредитор ёки қарздор зиммасига юклатилади

Қарздор кўп йиллар давомида “инсофсиз” (*decoctor ergo fraudator*) деб қаралган бўлса-да, унинг учун қўлланилган шахсий жавобгарликлар аста-секинлик билан юмшаб борган. Италия ҳуқуқи жуда кўп вақт давомида инсофли ва инсофсиз қарздор учун банкротлик келтириб чиқариши мумкин бўлган оқибатларни фарқламади. Бора-бора тасодифан банкрот бўлган шахсларга *cessio bonorum* қўлланила бошланди (яъни барча мол-мулкни кредиторларга ўтказиш ва мол-мулк бўлмаган тақдирда қасам ичиш эвазига қарздор шахсий оқибатлардан озод қилинган).

Тўловга қобилиятсизлик ишини қўзғатишга ташаббус билан кредиторлар, қарздор ва суд чиқиши мумкин эди. Кредиторларнинг ташаббуси билан иш қўзғатишга келганда, у ҳеч қандай муаммосиз ва барча жойда йўл қўйилган. Қарздорнинг ташаббуси эса унга нисбатан имтиёз сифатида қаралиб, қарздорга қўлланиладиган шахсий оқибатларни енгиллаштириш, жумладан, қамоқ ва уйини хатловдан озод қилишга асос бўлган. Айрим шаҳар-давлатларда (Генуя ва Пистойя) қарздор томонидан иш

қўзғатиш ҳуқуқи тақиқланган. Суднинг ўзи ишни қўзғатиши мумкин бўлса-да, бу ташаббусдан жуда кам фойдаланган.

Италия тўловга қобилиятсизлик ҳуқуқида кредиторларга тақдим қилинган ҳуқуқлар диққатга сазовор. *Кредиторлар қўмитасини* (сapі di creditorі) тузиш мумкин бўлиб, унинг *ваколатлари* қуйидагилардан иборат эди:

қарздор мол-мулкига эгалик қилиш ва бошқариш;

қарздорга тегишли мол-мулкни қидириб топиш;

қарздорга билдирилаётган талабларни текшириш;

судда қарздор номидан вакиллик қилиш;

қарздор билан келишув битимини тузиш.

Кредиторлар ўз талабларини билдириш учун қисқа муддатлар белгиланган. Кредиторлар ўз ҳуқуқлари (талаблари) дан маҳрум бўлмаслик учун ҳозир бўлиши лозим эди.

Талабларни исботлашнинг одатий шаклларида ташқари, айрим статутларга мувофиқ, талаблар кредиторларнинг қасам ичиши орқали ҳам инобатга олинган [11, 15-б.]. Талабларни билдириш муддати ўтгандан сўнг талаблар қайта тикланмаган.

Италия тўловга қобилиятсизлик ҳуқуқининг ютуқларидан бири – қарздорнинг ҳолатини оғирлаштирадиган битимларни бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги нормаларнинг ривожланиши эди. Рим ҳуқуқи-га таниш бўлган битимлардан воз кечишнинг субъектив назарияси билан бир қаторда объектив факторларга асосланган янги назариялар яратилди. Хусусан, *Actio Paulianani* қўллаш давом эттирилди, бундан ташқари, статутларга тўловга қобилиятсизлик аломатлари аниқланишидан олдинги даврда қарздордан олинган мол-мулкни унинг ўзига қайтаришга рухсат берадиган янги қоидалар киритилди. Генуяда бу муддат ўн беш кун, бошқа шаҳарларда уч ёки тўрт ойна ташкил қилган. Иш қўзғатилишидан олдинги битим-

лар вақт мезонигагина асосланиб ҳақиқий эмас деб топилган.

Айрим Италия шаҳарларида маҳаллий ва хорижий кредиторлар учун алоҳида ҳуқуқий мақом белгиланган, масалан, маҳаллий кредиторларда кредиторлар талабларини қаноатлантиришда устунликлар бўлган.

Франция тўловга қобилиятсизлик ҳуқуқи француз ярмаркаларида савдо билан шуғулланган италиялик савдогарларнинг таъсири остида пайдо бўлди, десак хато бўлмайди. Италиялик савдогарларнинг Францияда тўловга қобилиятсизлик муносабатларини тартибга солишга нормалар мавжуд эмаслигига доир норозиликлари ушбу соҳа ривожланишига ўз таъсирини ўтказди. Италия ҳуқуқида қонунлар қарздорга оғир оқибатларни келтириб чиқарган ва италиялик савдогарлар ҳам француз ҳамкорларига нисбатан шундай оқибатлар қўлланилишини хоҳлар эди. Шунинг учун дастлабки тўловга қобилиятсизлик соҳасидаги қонунлар жиноий ҳуқуқий характер касб этган. 1536 йилги Франциск I фармони, 1560 йилги Карл IX фармони шундай эди. Ҳатто 1560 йилги фармон нафақат қарздорнинг ўзини, балки мол-мулкни қасддан ўзлаштирган учинчи шахсларни жазолаш ва ундан ташқари муайян фуқаролик-ҳуқуқий оқибатларни назарда тутган. Г.Ф. Шершеневич таъкидлайдики, фуқаролик-ҳуқуқий оқибатларни тартибга солиш учун Генрих IV томонидан 1609 йилда фармон қабул қилинган ва ушбу фармон билан банкротлик тасодифан ёки қасддан бўлиши мумкинлиги фарқланган, *Actio Pauliana* қоидалари тан олинган, манфаатдор кредиторларнинг (қарздор билан битим тузиши ёки қарздорга қарзни тўлашда қандайдир кечиктириш тақдим қилиши тақиқланган кредиторлар) мақоми белгиланган.

Франция тўловга қобилиятсизлик ҳуқуқида 1673 йилги Ордонанс муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг ўн уч моддаси

тўловга қобилиятсизликка бағишланган. Ордонанс ҳам савдо, ҳам савдо билан боғлиқ бўлмаган тўловга қобилиятсизликка татбиқ қилинган, қарздор қочган кундан бошлаб тўловга қобилиятсизлик ишини кўзғатиш, қарздор билан тузилган ва кредиторларга зарар етказадиган барча битимларни ҳақиқий эмас топиш мумкин бўлган, кредиторлар йиғилишида қарор кредиторларнинг кўпчилик овози билан эмас, талабларнинг миқдоридан келиб чиқиб қабул қилинган.

Қарздорга нисбатан тақдим қилинадиган талабларнинг асослилиги дастлаб ўрганилган, банкротлик ишларини умумий судлар эмас, махсус судлар кўриб чиққан, тугатишга доир нормаларни *cessio bonorum* эгаллашни бошлаган. Ушбу нормалар фақат савдо тўловга қобилиятсизлик ҳолатларида қўлланилган ва қарздорга ўзининг тўловга қобилиятсизлик сабабини кўрсатиш мажбурияти юклатилган, суд эса тўловга қобилиятсизликнинг узрли (тасодифан) ёки сабабсиз эканлигини аниқлаган. Агар тўловга қобилиятсизлик узрли деб топилса, *cessio bonorum* қоидалари татбиқ қилинган.

Қарздорнинг тўлов қобилиятини тиклаш, уни кредиторларнинг инсофсиз ҳаракатларидан ҳимоя қилиш билан боғлиқ ғоялар ўрта асрларда Францияда кенг ривожланди. Францияда қирол ҳокимиятининг кучайиши натижасида шундай қоида жорий этилдики, қирол Рим императорлари каби қарзларни тўлашни кечиктириш ҳуқуқига эга эди. Дастлаб бундай фармойишлар тасодифий ва тартибсиз характерга эга бўлса-да, вақт ўтиши билан 1667 ва 1669 йилги ордонанслар билан қонунийлаштирилди. Бу ҳужжатларга кўра, дастлаб қарздор қирол девонхонасидан қарзларни тўлашни кечиктириш ёрлиғини сўраган. Агар қарздорга ёрлиқ бериш лозим деб топилса, ёрлиқ қарздорнинг яшаш жойи бўйича судга юборилган ва суд талабларни тақдим қилиш учун кредиторларни суд жараёнига чақирган. Улар-

ни тинглагач, суд қирол ёрлиғига асосан, 5 йилгача қарзларни кечиктириши мумкин бўлган. Шунингдек, ушбу ёрлиқ қарздорнинг мол-мулки арест қилинмаслигига асос бўлган. Кейинчалик бу амалиёт хусусий мулк дахлсизлигига давлат ҳокимиятининг зарарли таъсири деб баҳоланиб, 1791 йил расман бекор қилинган.

Франция тўловга қобилиятсизлик ҳуқуқи ривожига муҳим босқич – 1807 йилда Савдо кодексининг қабул қилиниши (1808 йилда кучга кирган) эди. Кодекс жиноий йўналишдаги нормаларни кучайтирди. Тильзит сулҳидан сўнг Францияга қайтган *Наполеон I* нинг шахсан ўзи мажлисда қатнашиб, банкрот бўлган шахсларга қаттиқ чора-тадбирлар белгилаш лозимлигини билдирган. Наполеон қасддан банкротликка олиб келинганда, эрнинг қарзлари учун унинг турмуш ўртоғи жавобгарлигини белгилашни қуйидаги шаклда таъкидлаган: *“Хотин барча ҳолларда эрининг бахтсизлигига шерик бўлиши мақсадга мувофиқдир..., ахир у эрининг фаровонлигида ҳам иштирок этмайдими?”* Шундай бўлса-да, тўловга қобилиятсизлик ҳуқуқининг ривожига ушбу Кодекснинг аҳамияти жуда юқоридир. Кодекс уч хилдаги тўловга қобилиятсизликни ажратади: тасодифан, эҳтиётсизликдан ва қасддан. Қасддан банкротлик олиб келганлик учун қарздор қамоққа олинган. Савдо кодексда “тўловга қобилиятсизлик” (*faillite*) ва “банкротлик” (*banqueroute*) тушунчалари фарқланиб, унга кўра, тўловга қобилиятсизлик тўловнинг тўхташини англатган. Агар қарздор кредиторларга ёлғон маълумот берган ёки ишончни суиистеъмол қилиш билан зарар етказган бўлса, у банкрот деб топилган. Шундай қилиб, банкротлик қарздорга жиноий-ҳуқуқий жавобгарликни қўллашга асос бўладиган ноқонуний ҳаракат деб баҳоланган. Кодексда тўлов тўхтаган кундан бошлаб уч кун ичида ўзининг тўловга қобилиятсизлиги ҳақида ариза бериш мажбурияти белгиланди. Тў-

лиқ ширкатнинг тўловга қобилиятсизлигида солидар мажбуриятни ўз зиммасига олган ҳар бир иштирокчи ҳақида маълумотлар ҳам кўрсатилиши зарур эди.

Савдо кодекси нормалари оқибатларининг шафқатсизлигидан кредиторлар ё яширинган ёки судгача кредиторлар билан келишишга ҳаракат қилган.

Францияда қабул қилинган 1808 йилги ҳужжат билан суд томонидан *комиссар* жорий қилина бошлади. Шу пайтгача тугатишга доир иш юритиш суд ҳокимияти назоратидан ташқарида амалга оширилган. Комиссарнинг маърузаси суд мажлисида эшитилган ва келишув битими тузиш учун асос бўлган.

В.В. Степанов айнан тўловга қобилиятсизлик ҳақидаги француз қонунчилиги катта ўзгаришларга туртки бўлганини ва ишда айнан фуқаролик-ҳуқуқий воситалар қўлланила бошланганлигини ёзади [12, 102-108-б.].

Франциянинг тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги қонунчилиги Голландия, Бельгия, Италия, Россия, Пруссия ва бошқа немис давлатларида тўловга қобилиятсизлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солишга катта таъсир кўрсатган.

Германия ҳуқуқида шахсий ундирувлар мавжуд бўлиб, қарздор талабини биринчи билдирган кредиторга инъом қилинган. Қадимги Германия ҳуқуқининг яна бир ўзига хос хусусияти – қарздор мол-мулки сотилишидан тушган пул маблағларини кредиторлар ўртасида муқобил тақсимлашнинг мавжуд эмаслиги эди. Пул маблағлари талабларнинг тақдим қилиниш кунига асосланган ҳолда кетма-кетликда тақсимланган, талаблар мол-мулки етгунга қадар тўлиқ қаноатлантирилган. XIII асрдан бошлаб ушбу амалиёт қисман бекор қилина бошланди, масалан, муқобил қаноатлантириш қарздор вафот этган ёки қочган ҳолатларда қўлланиладиган бўлди, кейинчалик муқобил қаноатлантириш банкротликнинг барча ҳолатларида қўлланила бошлади.

Немис юристлари тўловга қобилиятсизлик ҳуқуқи ҳақидаги нормаларнинг универсаллиги ва қарздор мол-мулкни тақсимлашда суд назорати мавжуд бўлишини алоҳида таъкидлашади. Универсаллик шундан иборатки, қарздор банкрот деб топилган пайтдан эътиборан қарздорнинг барча мол-мулклари тугатиш массасига киритилади ва барча талаблар битта суд томонидан кўриб чиқилади. Бу қарздорга берилган мол-мулк бўйича мулкдорнинг талаблари, таъминот тақдим қилган кредиторларнинг талабларига ҳам татбиқ қилинган. Шундай қилиб, тугатиш жараёни кенг қамровли аҳамият касб этган. Бироқ вақт ўтиши билан универсаллик қонидасидан истисно ҳолатлар ҳам ажратила бошланган, масалан, унинг қўлланилиши кредиторларга асоссиз ва жиддий зарар етказса, айниқса, талаблар низосиз тан олинадиган бўлса, алоҳида қоидалар татбиқ қилинган (жумладан, барча кредиторлар суд мажлисига ташриф буюриши лозим эди ва буни бажармаслик талабнинг бекор қилинишига олиб келган).

Германия ҳуқуқида тўловга қобилиятсизлик таомиллари устидан суднинг ҳокимияти шунда намоён бўладики, тўловга қобилиятсизлик иши кўзғатилгандан кейин кредиторлар қарздор мол-мулкни тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлмаган, ўз-ўзидан бундай имкониятга қарздор ҳам эга эмас эди. Қарздор мол-мулкимга эгалик қилиш ва тасарруф қилиш бўйича барча ваколатлар судга берилган бўлиб, ушбу ваколат бошқарувчиларни тайинлаш орқали амалга оширилган эди. Ушбу бошқарувчи қарздор ёки кредиторларнинг вакили ҳисобланмасдан, суд органи томонидан туриб ишда қатнашарэди. Мол-мулкни тасарруф қилиш бўйича ҳар қандай ҳаракатни суднинг розилиги билан бошқарувчи бажарган.

Судга нисбатан кўп ваколатларнинг берилиши ҳақидаги қоидалар кредиторларга ноқулайликлар келтириб чиқарар эди, албатта. Аста-секинлик билан бу қо-

идаларга жиддий ўзгартиришлар киритилди.

Немис тўловга қобилиятсизлик ҳуқуқи учун XVIII аср махсус давлат тўловга қобилиятсизлик қонунларининг ишлаб чиқилиши билан характерлидир. Хусусан, 1722 йилда Пруссияда Тўловга қобилиятсизлик низоми, 1793 йилда тўловга қобилиятсизлик нормалари қайтадан ишлаб чиқилиб, Умумий суд низомининг алоҳида боби сифатида киритилди, кейинчалик 1855 йилда яна Тўловга қобилиятсизлик устави пайдо бўлди. 1781 йилда қабул қилинган Австрия Тўловга қобилиятсизлик устави тайёрлаш учун деярли ўттиз йил сарфланди. 1616 йилда Баварияда Тўловга қобилиятсизлик устави ишлаб чиқилди ва 1753 йилгача амал қилди. Бошқа шаҳарларда ҳам шунга ўхшаш ҳужжатлар қабул қилиниб, амалга киритилди. Ҳар бир тўловга қобилиятсизликка оид ҳужжатлар муносабатларни турлича тартибга солган ва ўзига хослиги билан ажралиб турган. Масалан, Ганноверда савдо ва савдо билан боғлиқ бўлмаган тўловга қобилиятсизлик фарқланмаган, келишув битимини тузиш учун кредиторлар бир овоздан барчасини маъқуллаши керак эди. Бременда кредиторларнинг қаноатлантирилмаган талаблари иш юритиш тамом бўлиши ёки келишув битими тузилиши билан бекор қилинмаган, бироқ кейинги уч йил ичида қарздорга нисбатан талабларни билдириш мумкин бўлмаган. Саксонияда келишув битими барча кредиторлар талабларининг ярми қаноатлантирилган тақдирда тасдиқланган. Австрияда кредиторлар талабларини исботлаш ва текширишга алоҳида эътибор қаратилган. 1855 йилги Пруссия низомига кўра, тўловга қобилиятсизлик иши бир нечта кредиторлар мавжуд бўлганда қўзғатилган (агар хорижий кредиторнинг фақат ўзи якка иштирок этадиган бўлган ҳолатлардан ташқари).

Германия ҳуқуқи қуйидаги муҳим принципнинг вужудга келишига туртки бўлди:

Талабларни адолатли ва навбат билан қаноатлантириш принципи	
Талаблар жамият ҳаёти ва манфаатлари нуқтаи назаридан навбат билан қаноатлантирилади	Навбат бўйича бир кредиторнинг талаблари тўлиқ қоплангандан сўнг кейинги кредитор талаби қаноатлантирилади

Тўловга қобилиятсизлик ҳақида Англияда 1543 йилда Генрих VIII томонидан қабул қилинган қонун жиноий-ҳуқуқий характер касб этган ва қарзни ўз вақтида тўламаган қарздор жиноий жавобгарликка тортилган. Ушбу қонуннинг фуқаролик-ҳуқуқий нормалари билан қарздор мол-мулкни хатлаш тартиби ва уни кредиторлар ўртасида тақсимлаш белгиланган эди. 1572 йилда қабул қилинган қонун тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиган шахсларга татбиқ этилмайди-ган бўлди. Шу пайтдан бошлаб Англияда фақат *савдо тўловга қобилиятсизлик* (банкротлик) қўлланиладиган бўлди. Қарздор иш юритиш тамомлангандан кейин ҳам бажарилмаган мажбуриятлардан озод қилинмас эди.

Қонунчилик қарздор шахсини ҳимоя қилиш билан бирга кредитга бўлган муносабатни ўзгартирмади. Агар қарздорда тўлов қилиш учун мол-мулк мавжуд бўлмаса, у мол-мулкни ишлаб топиши керак эди. Шундай қилиб, қарздор келажакда қўлга кириши мумкин бўлган ҳар қандай мол-мулк ундирув объекти сифатида қаралган. Бундан ташқари, *cessio bonorum*га ўхшаш нормаларни қўллашда қарздор кредиторга ҳозирда мавжуд ва келажакдаги мол-мулкни тақдим қилиши алоҳида белгиланган эди.

Иш юритиш тамомланиши билан қарздан қутулишга доир айрим қоидалар 1706 йилги қонунда ўз аксини топди. Ушбу қонун айрим тоифадаги савдогарлар учун *certificate of conformity* – қарздорнинг инсофлилигини тасдиқловчи ва келажакда талаблар билдирилишидан озод қилув-

чи хужжат ҳақидаги нормаларни ҳам ўз ичига олди. Certificate of conformity фақат қарздор инсофли деб ҳисобланганда (яъни биржада мол-мулкни ўзлаштирмаган, савдо хужжатларини йўқ қилиб юбормаган, мол-мулкни яширмаган ва ҳоказо) ва кредиторларнинг кўпчилиги рози бўлган тақдирда берилган.

Савдо билан боғлиқ бўлмаган тўловга қобилиятсизлик (insolvency) ҳақидаги нормалар XIX асрнинг бошларида пайдо бўлди ва дастлабки босқичда уни қўллаш, савдогар билан солиштирганда, савдогар бўлмаган қарздорни оғир ҳолатга тушириб қўйди.

Биринчи Банкротлик устави Англияда 1825 йилда қабул қилинди. Ушбу хужжат қарздорни банкрот деб топиш ҳақида мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар сонини оширди ва улар қаторида қарздорнинг ўзи ҳам бор эди; келишув битимини талаблар суммаси бўйича кредиторларнинг ўндан тўққиз қисми овоз берган тақдирда тузишга йўл қўяр эди. Бу хужжатнинг камчилиги сифатида шуни таъкидлаш жоизки, кредиторларнинг кўплаб суиистеъмолликларга олиб келадиган ҳаракатларини назорат қилиш имконсиз эди. Бу камчилик 1831 йилда махсус суд – Банкротлик суди ташкил қилиниши билан қисман бартараф қилинди ва суд қарздор мол-мулкни бошқариш ҳамда кредиторлар ҳаракатини назорат қилиш бўйича ваколатли эди.

1849 йилги Тўловга қобилиятсизлик устави қарздорга ўзини банкрот деб мурожаат қилишга умумий қарздорликнинг 25 фоизи олдиндан тўланган тақдирда рухсат берар эди, таомиллар даврида суднинг назоратини кучайтирди, судлар қошида расмий вакиллар (бошқарувчилар) фаолиятини мустаҳкамлади. Келишув битимини тузиш учун билдирилган талаблар бўйича кредиторларнинг бешдан уч қисми рози бўлганда тузилиши белгиланди. Бундан ташқари, certificate of conformity хужжати-

нинг қарздорга берилиши таомиллар якунлангандан сўнг, қаноатлантирилмаган талаблар бўйича қарздорга келажакда мурожаат қилиш тақиқланишини англатар эди.

Англия тўловга қобилиятсизлик ҳуқуқи нормалари тез-тез ўзгариб турганлиги ва янгиланиб борилганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, тўловга қобилиятсизлик суд иш юритувларида бошқа давлатлар қонунчилиги ривожини билан солиштирганда, лозим даражадаги назоратнинг мавжуд эмаслиги билан характерланади. Шубҳасиз, Англия тўловга қобилиятсизлик қонунчилиги АҚШ, Канада, Австралия ҳуқуқ тизимлари пайдо бўлиши ва ривожланишига катта таъсир кўрсатди.

Кейинчалик мулкӣ оқибатларнинг камайиши шу даражага етиб бордики, рим қарздорга нисбатан қўлланиладиган барча таомилларнинг якунида кредиторларнинг қаноатлантирилмаган талаблари ҳам қопланган ҳисобланади, деган қоида ишлаб чиқилди.

Мажбуриятларнинг бекор бўлиш принципи

Банкротлик иши якунида қарздор зиммасидаги мажбуриятлар тўлиқ бекор бўлади. Ушбу талаблар бўйича иккинчи марта мурожаат қилишга йўл қўйилмайди	Мажбуриятлар қарздор банкротлигининг якунида ҳам, қарздор тўлов қобилияти тикланганда ҳам эътироф этилади
--	---

Бугунги кунга келиб, тўловга қобилиятсизлик билан боғлиқ турли қарашлар вужудга келди. Шундай фикр борки, қарздорнинг инсофли ёки инсофсизлигидан қатъи назар, қарздорнинг тадбиркорлик фаолиятини сақлаб қолиш қайсидир даражада кредиторга зарар етказди [13, 48-70-б.].

Тўловга қобилиятсизлик тўғрисидаги ишда, асосан, адолат принципига таяниб иш кўриш лозим [14, 285-312-б.]. Ишларни кўриб чиқишда судларнинг функцияларига аниқлик киритиш талаб этилади [15, 360-378-б.]. Европа тўловга қобилият-

сизлик ҳуқуқи анъанавий тарзда банкротлик процессининг объектлари сифатида алоҳида қарздорларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган [16, 96-123-б.]. Тўловга қобилиятсизлик ҳуқуқининг замонавий инструментлари иштирокчилар ўртасида яқин операцион ва молиявий алоқаларнинг мавжудлигини тан олади [17, 32-60-б.]. Ҳукуматлар истеъмолчиларнинг банкротлигини алоҳида тартибга солишни лозим топмоқда [18, 44-76-б.].

Тўловга қобилиятсизлик билан боғлиқ муносабатларнинг ўзига хослиги шундан иборатки, улар ўз-ўзидан мавжуд бўладиган ва фақат муайян шароитларда ҳуқуқий аҳамият касб этадиган муносабатлар гуруҳига киради [19, 14-б.]. Рим ҳуқуқида тўловга қобилиятсизлик институтининг ривожланиши ҳақида фикр юритар эканмиз, унда келтирилган “қадимги халқлар ҳуқуқида тўловга қобилиятсизлик институтига ўхшаш мураккаб институтни топиш қийин” [20, 101-б.].

Ушбу ҳуқуқ институтининг мураккаблиги шу билан изоҳланадики, унда турли ҳуқуқ соҳалари кесишади ва кредиторлар талабларини қаноатлантириш ҳамда қарздор тўлов қобилиятини тиклаш мақсадларида айрим истиснолар белгиланади. Хусусан, корхона тadbirkorlik фаолияти натижасида активларни қўлга киритади, қонун ҳужжатларини активларга нисбатан қўллаш эса уларнинг характери (реал ёки шахсий, моддий ёки номоддий) ва таснифига қараб белгиланади [21, 175-б.]. Анъанавий ҳуқуқий тартибга солиш усуллари

билан реабилитация нормалари ўртасидаги қарама-қаршилик шу қадар аҳамиятлики, айрим нормаларни қўллаш бошқа нормаларни қўллаш имкониятини бутунлай истисно этади [22, 261-б.].

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, банкротлик ҳуқуқининг *асосий принциплари* сифатида қуйидагилар эътироф этилади:

айб учун жавобгарлик принципи;
инсофли қарздорга имкон қадар имтиёз бериш принципи;

қарздорни кредиторларнинг қонунга зид ҳаракатларидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи;
кредиторлар манфаатларига зид тузилган битимнинг ҳақиқий эмаслиги принципи;

тўловга қобилиятсизлик белгиларининг исботланиши принципи;

талабларни адолатли ва навбат билан қаноатлантириш принципи;

мажбуриятларнинг бекор бўлиш принципи.

Ҳар бир ҳуқуқ соҳасининг моҳиятини тарихий асосларсиз ёритиб бўлмайди. Юқорида банкротлик ҳуқуқининг муҳим қоидалари ва принципларининг қандай пайдо бўлганлиги, ушбу принциплар турли макон ва замонда шаклланиб, бугунги кунгача етиб келганлиги баён қилинди. Фикримизча, амалдаги қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда ушбу тарихий, фундаментал принципларни четлаб ўтиш ва уларни эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Зеро, тарихга таяниб келажак қурилади.

REFERENCES

1. Louis E.L. The Early History of Bankruptcy Law. Pennsylvania Law Review, 1918, no. 11, pp. 223-230.
2. Telyukina M.V. Teoriya i praktika nesostoyatel'nosti (bankrotstva) [Theory and practice of insolvency (bankruptcy)]. Moscow, Delo Publ., 2001. pp. 13-20.
3. Tutkevich D.V. Chto est# torgovaya nesostoyatel'nost# [What is a trading failure?]. Saint Petersburg, Trud Publ., 1896, 7 p.

4. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning 2020-yil 19-may kuni tadbirkorlikni qo'llab-quvvatlashga qaratilgan qo'shimcha chora-tadbirlar bo'yicha videoselektor yig'ilishidagi nutqi [Speech by President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoev at a video conference on additional measures to support entrepreneurship on May 19, 2020]. Available at: <https://president.uz/uz/lists/view/3576/>.

5. Ishtihon tumanlararo iqtisodiy sudining 4-1402-2101/909-son ishi. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiy sudlarida ko'rilgan ishlar bo'yicha qabul qilingan sud huzhzhatlari internet tarmog'i [Case No. 4-1402-2101 / 909 of the Ishtihon Interdistrict Economic Court. Internet network of court documents on cases considered in the economic courts of the Republic of Uzbekistan]. Available at: <https://public.sud.uz/#!/sign/economy/>.

6. Xudaybergenov B.B. Pravovie aspekti viyavleniya priznakov neplatejesposobnosti: cash flow i balance sheet [Legal aspects of identifying signs of insolvency: cash-flow and balance sheet]. Review of law sciences, 2020, no 4, pp. 44-49.

7. Shershenevich G.F. Kurs torgovogo prava [Commercial Law Course]. Vole 4. Saint Petersburg, Trud Publ., 1912, 352 p.

8. Malishev K.I. Istoricheskiy ocherk konkursnogo protsessa [Historical outline of the competitive process]. Saint Petersburg, Trud Publ., 1871, 5 p.

9. Sanfilippo Ch. Kurs rimskogo chastnogo prava [Roman Private Law Course]. Moscow, BEK Publ., 2000. 41 p.

10. Telyukina M.V. Konkursnoe pravo: Teoriya i praktika nesostoyatelnosti (bankrotstva) [Competitive law: Theory and practice of insolvency (bankruptcy)]. Moscow, Delo Publ., 2002, 16 p.

11. Shershenevich G.F. Konkursnoe pravo [Competitive law]. Kazan, Trud Publ., 1898, 15 p.

12. Stepanov V.V. Frantsuzskaya sistema regulirovaniya nesostoyatelnosti [The French system of insolvency regulation]. Vestnik VAS RF. 1999, no 4, pp 102-108.

13. Gurra-Martínez A. Implementing an insolvency framework for micro and small firms, International Insolvency Review. 2021, Early view, pp. 48-70. Available at: <https://ssrn.com/abstract=3715654/>. DOI: <http://dx.doi.org/10.2139/ssrn.3715654/> (accessed 23.08.2021).

14. Vaccari E. Promoting fairness in English insolvency valuation cases. International Insolvency Review, 2020, vol. 29, issue 2, pp. 285-312. DOI: <https://doi.org/10.1002/iir.1382/>.

15. Hollemans R., Gijs van Dijck. «Come and talk»: The insolvency judge as de-escalator. International Insolvency Review, 2020, vol. 29, issue 3, pp. 360-378. DOI: <https://doi.org/10.1002/iir.1388/>.

16. Pepels S. Defining groups of companies under the European Insolvency Regulation (recast): On the scope of EU group insolvency law. International Insolvency Review Volume, 2020, vol. 30, issue 1, pp. 96-123. DOI: <https://doi.org/10.1002/iir.1402/>.

17. Kokorin I. Conflicts of interest, intra-group financing and procedural coordination of group insolvencies. International Insolvency Review, 2020, vol. 29, issue 1, pp. 32-60. DOI: <https://doi.org/10.1002/iir.1370/>.

18. Heuer J.-O. Hurdles to debt relief for “no income no assets” debtors in Germany: A case study of failed consumer bankruptcy law reforms. International Insolvency Review Volume, 2020, vol. 29, issue S1, pp. 44-76. DOI: <https://doi.org/10.1002/iir.1359/>.

19. Ioffe O.S. Pravootnosheniya po sovetскому grajdanskому pravu [Legal relations under Soviet civil law]. Leningrad, University of Leningrad Publ., 1949, 14 p.

20. Shershenevich G.F. Kurs torgovogo prava [Commercial Law Course]. Vol. 4. Moscow, Statut Publ., 2003, 101 p.

21. Paul J. Omar. The landscape of international insolvency law. International Insolvency Review, 2002, vol. 11, issue 3, pp. 173-200. DOI: <https://doi.org/10.1002/iir.104/>.

22. Xudaybergenov B.B. Institut neplatejesposobnosti kak institut pravovogo regulirovaniya sanatsii i bankrotstva [Insolvency institute as an institute of legal regulation of rehabilitation and bankruptcy]. Vestnik Oshskogo gosudarstvennogo universiteta, 2020. no 1, pp. 261-269.

UDC: 34(043.5)(575.1)
ORCID: 0000-0002-9926-4211

ЧЕТ ЭЛ ҲУҚУҚИ НОРМАЛАРИ ҲАМДА ЧЕТ ЭЛ ҲУҚУҚИГА ҲАВОЛА ЭТИШ ТУШУНЧАСИ ВА МОҲИЯТИ

Жолдасова Шахноза Ботировна,
Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси,
e-mail: sh.joldasova@gmail.com

Аннотация. Халқаро хусусий-ҳуқуқий муносабатларнинг тартибга солинишида, жумладан, маълум низоли ҳолатлар юзага келганда, чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллаш ҳамда чет эл ҳуқуқига ҳавола этиш масаласи тўғри кўриб чиқилиши ҳамда татбиқ этилиши муҳимдир. Бу бевосита низонинг тўғри, самарали ва адолатли ҳал этилишига асос бўлади. Шунинг учун, биринчи навбатда, ҳуқуқни қўловчи органлар, айниқса, судьялар томонидан чет эл ҳуқуқи нормалари ҳамда чет эл ҳуқуқига ҳавола этиш тушунчаси ва моҳиятини тушуниш ва англаб олиш алоҳида долзарблик касб этади. Шунга асосан, мазкур мақолада чет эл ҳуқуқи нормалари ҳамда чет эл ҳуқуқига ҳавола этиш масалалари моддий-ҳуқуқий ҳамда коллизион-ҳуқуқий тартибга солишга боғланган ҳолда тадқиқ қилинган. Жумладан, тадқиқот доирасида одил судловни таъминлаш, чет эл фуқаролари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари тўлақонли ҳимоя қилиниши учун чет эл ҳуқуқи судлар томонидан тўғри ва асосли қўлланилиши, бунда чет эл ҳуқуқига ҳавола этишни коллизион-ҳуқуқий тартибга солиш усули орқали амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этиши кўрсатилган. Муаллиф томонидан чет эл ҳуқуқининг чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатга нисбатан қўлланилиши ушбу муносабатни унинг ривожланиши кўпроқ табиий тарзда амалга ошириладиган яқин ижтимоий ва маданий муҳитга бирлаштириш имконини бериши тўғрисида хулоса қилинган.

Калит сўзлар: чет эл ҳуқуқи, чет эл ҳуқуқига ҳавола, коллизия, коллизион норма, ҳуқуқни қўллаш.

ПОНЯТИЕ И СУЩНОСТЬ НОРМ ИНОСТРАННОГО ПРАВА И ОТСЫЛКИ К ИНОСТРАННОМУ ПРАВУ

Жолдасова Шахноза Батыровна,
соискатель Ташкентского государственного
юридического университета

Аннотация. При регулировании международных частноправовых отношений, в том числе при возникновении определенных конфликтов, важно правильно учитывать и применять применимое иностранное право и отсылку к иностранному праву. Это является основанием для правильного, эффективного и справедливого урегулирования спора. Поэтому, прежде всего, правоприменительным органам, особенно судьям, важно понимать и осмысливать понятие и сущность иностранного права, а также суть отсылки к иностранному праву. Исходя из этого, в данной статье исследуются нормы иностранного права и вопросы отсылки к иностранному праву применительно к материальному и коллизионному регулированию. В частности, в исследовании

подчеркивается важность правильного и разумного применения иностранного права судами для обеспечения справедливости, полной защиты прав и законных интересов иностранных граждан, включая использование иностранного права посредством коллизионно-правового регулирования. Автор приходит к выводу, что применение иностранного права к отношениям, осложненным иностранным элементом позволяет интегрировать эти отношения в более близкую социальную и культурную среду, в которой их развитие происходит более естественно.

Ключевые слова: иностранное право, отсылка к иностранному праву, коллизия, коллизионная норма, правоприменение.

THE CONCEPT AND ESSENCE OF THE NORMS OF FOREIGN LAW AND REFERENCES TO FOREIGN LAW

Joldasova Shakhnoza Botirovna,

PhD researcher at Tashkent state university of law

Abstract. *In the regulation of international private-legal relations, including certain disputes, it is important to properly consider and apply the application of foreign law and reference to foreign law. This will be the basis for a correct, effective and fair settlement of the dispute. Therefore, it is especially important for law enforcement agencies, especially judges, to understand and comprehend the norms and concepts of foreign law and the concept and essence of reference to foreign law. On this basis, this article examines the norms of foreign law and the issues of reference to foreign law in relation to substantive and conflict-of-law regulation. In particular, the study shows that in order to ensure justice, full protection of the rights and legitimate interests of foreign citizens, it is important for the courts to apply foreign law correctly and reasonably, using references to foreign law through conflict of laws. The author concludes that the application of foreign law to a complex relationship with a foreign element allows this relationship to be integrated into a closer social and cultural environment in which its development takes place more naturally.*

Keywords: foreign law, reference to foreign law, conflict, conflict of laws, law enforcement.

Кириш

Жаҳон ҳамжамиятининг ажралмас қисми бўлган Ўзбекистон Республикаси халқаро алоқалар ва савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш борасида ўзининг ташқи сиёсатини кенг қўламда амалга ошириб бормоқда. Шу жиҳатдан, халқаро, хусусан, халқаро хусусий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий асос яратиш ва қонунчиликни такомиллаштириш мазкур муносабатлар ҳамда умуман мамлакат иқтисодиётининг тараққиётида муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек, “ташқи сиёсатимизда узоқ-яқин давлатлар билан яқин дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш энг

муҳим йўналишлардан бири бўлиб қолади” [1].

Шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни амалга ошириш соҳасидаги устувор йўналишларда Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолияти, норматив-ҳуқуқий асоси ҳамда халқаро ҳамкорликнинг шартномавий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш зарурияти алоҳида кўрсатиб ўтилган [2].

Ҳар бир давлат ўз ҳудудида ҳуқуқий тартибга солишни норма ижодкорлиги орқали амалга оширади. Шахслар – турли давлатлар субъектлари ижтимоий муносабатларининг ривожланиши бир давлат-

нинг ҳуқуқий нормалари бошқа давлат ҳудудида қўлланилиши мумкин бўлган ҳолатларни юзага келтиради. Таъкидлаш жоизки, суверенитет нуқтаи назаридан ҳар бир давлат бошқасига нисбатан мустақил бўлгани каби, хорижий давлат ҳам маҳаллий давлатга нисбатан норма ижодкорлигининг мустақил субъекти ҳисобланади [3].

Хусусий-ҳуқуқий муносабатнинг чет эл ҳуқуқий тартиби билан алоқаси чет эл ҳуқуқини қўллаш имконини кўзда тутати. Хусусан, чет эл ҳуқуқининг қўлланилиши ҳам тескари ҳавола шаклланишига олиб келади. Шундай қилиб, чет эл ҳуқуқига ҳавола ва унинг қўлланилиши коллизия нормаларига асосланади.

Тескари ҳавола халқаро хусусий ҳуқуққа етарли даражада олдиндан маълум ва унинг энг мураккаб муаммоларидан бири сифатида баҳоланади.

Материал ва методлар

Бугунги кунда давлатлар ўртасидаги турли муносабатларнинг муваффақиятли ривожини ушбу муносабатларнинг ҳуқуқий тартибга солиниш даражасига боғлиқдир. Юқори даражада ҳуқуқий тартибга солинганлик мазкур муносабатларнинг келажакда ривожланишига замин яратади, акси эса уларнинг тараққиётига тўсқинлик қилади ёки секинлаштиради. Ушбу масалада халқаро хусусий ҳуқуқнинг ўрни беқиёсдир. Айнан унинг нормалари халқаро алоқалар иштирокчилари учун қай даражада қулай ҳуқуқий режим тақдим этилишини белгилаб беради [4].

Халқаро хусусий ҳуқуқ воситаларига мурожаат қилиш қонунлардаги коллизия (зиддиятлар)нинг олдини олиш, ҳамкорликнинг уйғунлаштирилган ва унификациялаштирилган (бир хил шакл, таркиб, мазмунга келтирилган) ҳуқуқий асосини шакллантириш, халқаро фуқаровий алмашинуви иштирокчиларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини кучайтириш учун тобора зарур бўлиб бормоқда [5].

Давлатларнинг бир-бирига нисбатан мустақиллиги уларнинг ҳуқуқий тизимлари мустақиллигини ҳам олдиндан белгилаб беради. Шу сабабдан чет эл ҳуқуқ нормалари миллий ҳуқуқ нормаларига нисбатан мустақил бўлган ижтимоий нормаларнинг алоҳида гуруҳи сифатида ажратиб кўрсатилиши мумкин.

Таъкидлаш керакки, ҳуқуқ нормаларининг таркиби ҳар бир муайян давлатда юзага келадиган ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари билан олдиндан белгиланган. Чет эл ҳуқуқ нормалари маҳаллий ҳуқуққа номаълум бўлган кўрсатмаларни мустаҳкамлаши ва улар ёрдамида маҳаллий давлатда ҳимояланмаган қадриятларни ҳимоя остига олиши мумкин.

Хорижий ҳуқуқнинг мустақиллиги ундаги императив элемент ва мазмунининг ўзига хослиги билан тавсифланади. Миллий ҳуқуққа нисбатан ташқи ҳодиса сифатида хорижий ҳуқуқнинг қуйидаги тавсифлари ажратилади: хорижий ҳуқуқ хорижий устқурма элементини ифодалаб, унинг негизи хорижий давлатдаги муносабатлар ҳисобланади, у мазкур устқурманинг бошқа элементлари билан боғлиқ, у мустақил тизимни ҳосил қилади [6]. Айрим муаллифларнинг фикрича, “чет эл ҳуқуқи хорижий ҳуқуқий тартибнинг буйруғи (кўрсатмаси) бўлиб қолади” [7].

Чет эл ҳуқуқи, хусусан, унинг мазмуни (моҳияти) ижтимоий муносабатларнинг бошқа тизимига хос бўлган омиллар томонидан юзага келтирилган. Унинг шаклланишига мамлакатнинг тарихи, иқтисодиёти, маданияти ва сиёсати таъсир қилади. Шу туфайли хорижий ҳуқуқ маҳаллий ҳуқуқдаги қатъий қоидалардан фарқ қилувчи қоидаларни мустаҳкамлаши мумкин.

Давлат ва ҳуқуқ назариясига оид адабиётларда чет эл ҳуқуқи миллий ҳуқуққа тенглаштирилган ҳуқуқ сифатида кўриб чиқилади. Бунда чет эл ҳуқуқи нормалари миллий ҳуқуқ нормаларига хос хусусият-

ларга эга эмаслиги кўрсатиб ўтилади [8]. Лекин чет эл ҳуқуқининг бундай эътироф этилиши бошқа давлат ҳудудида чет эл қонунларининг мажбурий юридик кучи ва хорижий давлат органлари ваколатларини ўзида мужассамлантирган бўларди, бу эса давлат суверенитетига зид келади. Шу сабабли суд учун чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллаш мажбурий эмас. Шундай қилиб, чет эл ҳуқуқи императив элементга эга эмас ва маҳаллий ҳуқуқий тартиб доирасида қўлланилмайди. Шу каби суд учун ҳуқуқ сифатида ўз давлатининг нормалари хизмат қилиши мумкин.

Халқаро хусусий ҳуқуқ таълимотига кўра, чет эл ҳуқуқи судлар томонидан ҳуқуқ сифатида қўлланилиши мумкин. Шундай қилиб, суд томонидан қўлланилаётган чет эл ҳуқуқи мазкур иш учун муҳим бўлган ҳақиқатдаги ҳолат каби эмас, балки ҳуқуқий категория, ҳуқуқ меъёри сифатида кўриб чиқилади [9].

Чет эл ҳуқуқини тушунишга умумий концептуал ёндашув И.В. Гетьман-Павлова томонидан қуйидаги тарзда тавсифланади: “Суд ўз ташаббусига кўра ва унга қонун томонидан юклатилган мажбурият туфайли чет эл ҳуқуқи мазмунини *ex officio* (лавозими бўйича) қилиб белгилайди; суд чет эл ҳуқуқини юридик жиҳатдан мажбурий кўрсатмалар тизими сифатида қўллайди. Томонларга эмас, балки ўз талабларини асослаш учун чет эл ҳуқуқига ҳавола қилаётган суд зиммасига хорижий кўрсатмалар мазмунини аниқлаш мажбурияти юклатилади” [10].

Коллизион нормадан фойдаланишни чет эл ҳуқуқи нормасидан фойдаланиш орқали миллий ҳуқуқ нормасини яратишга олиб келадиган алоҳида юридик усул дея умумлаштириш мумкин. Коллизион норма бу ҳуқуқ нормаси эмас, у чет эл ҳуқуқи нормаларида белгиланган ўзини тутиш қоидаларидан мустақил равишда кўриб чиқилиши мумкин бўлган ўзини тутиш қоидаларини ўз ичига олмаган. Бошқа

ҳар қандай ҳавола каби, коллизион норма ҳуқуқий тизимга бошқа ижтимоий норма қоидаларини “қабул қилиш”ни амалга оширади. Коллизион норманинг регулятив функцияси шу тарзда фақатгина чет эл ҳуқуқи нормалари билан биргаликда намоён бўлади.

Тадқиқот натижалари

Амалда чет эл ҳуқуқи маҳаллий суд томонидан ҳуқуқ сифатида қўлланилади. Л.П. Ануфриеванинг ёзишича, “чет эл ҳуқуқи ҳақиқатдаги ҳолат каби эмас, балки ҳуқуқ сифатида кўриб чиқилади” [11]. Бунда унга ҳуқуқ хусусиятларини хорижий нормадан фақат унинг маъқул (рационал) элементни ўзлаштирадиган миллий коллизион норма беради. Миллий коллизион норма ва чет эл ҳуқуқи моддий нормаларининг ўзаро таъсири натижасида миллий ҳуқуқ нормалари юзага келади. Коллизион ҳаволани амалга оширишгача чет эл ҳуқуқи ҳуқуқ сифатида кўриб чиқилмайди. Ижтимоий меъёр хусусиятларига эга бўлганлиги учун у ҳақиқатдаги ҳолат сифатида ҳам кўриб чиқилмайди.

Хусусан, М.М. Богуславский таъкидлайдики, бу ҳар ҳолда миллий эмас, балки чет эл ҳуқуқи эканлигини эътиборга олмаслик мумкин эмас, шу сабабли унинг мазмунини билиб олиш ва уни қўллашга бўлган муносабат ўзгача бўлиши лозим ва миллий ҳуқуққа бўлган муносабат билан бир хил бўла олмайди [12].

Чет эл ҳуқуқининг хорижийлик тавсифи А. Батиффоль томонидан ҳам алоҳида кўрсатилган бўлиб, унинг таъкидлашича, “дунёни ҳуқуқий тизимларга ажратиш умуман ўзгача контракт (кескин фарқ)ни келтириб чиқаради. У суд мамлакатининг ҳуқуқидан ташқарида ҳар қандай ҳуқуқий тизим йўқ деган маънони англатмайди, аммо судьялар назарида суд мамлакати ҳуқуқининг имтиёзга эга эканлигини билдиради... Гап чет эл қонунчилигининг у амал қилаётган ҳудудда ҳуқуқий моҳиятини инкор қилиши ҳақида кетаётгани йўқ.

Гап шундаки, ишни кўриб чиқаётган судья назарида чет эл қонунчилиги, судья бўйсунадиган ҳокимиятдан келиб чиқувчи императив сифатида кўрилмайди. Бу моҳият эмас, балки дунёқараш масаласи” [13].

Чет эл ҳуқуқи меъёрини қўллаш ички ҳуқуқий тартиб учун намунали бўлмаган муносабатлар доирасида, хусусан, давлатимиз ҳудудидан ташқарида юзага келадиган, яъни халқаро хусусий ҳуқуқда қабул қилинганидек, чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатлар доирасида амалга оширилади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш учун чет эл хусусий ҳуқуқдан фойдаланиш масаласи фақат ушбу муносабатларда чет эл элементи мавжуд бўлса юзага келиши мумкин. У мавжуд бўлмаса, ҳар қандай чет эл ҳуқуқини қўллашнинг умуман имкони йўқ [14].

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси 1158-моддасининг биринчи қисми бизнинг фуқаролик қонунчилигимизда биринчи марта хусусий-ҳуқуқий муносабатларда чет эл элементининг асосий турларини белгилайди: хорижий субъектнинг (юримдик ёки жисмоний шахс) иштирок этиши ёки бошқа чет эл элементи билан мураккаблашиши. Масалан, у ёки бу ҳаракатларнинг (мол-мулкни топшириш) чет элда содир бўлишини назарда тутувчи хусусий-ҳуқуқий муносабатнинг мазмуни чет эл элементи билан мураккаблашиши мумкин. Чет эл элементи юридик фактларда, яъни фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятлар вужудга келиши, ўзгариши ва тугатилиши билан боғлайдиган қонунда ҳам акс этиши мумкин: битимнинг чет элда тузилиши (ФК 1189-модда 1-қисм); зарар етказишнинг чет элда содир бўлиши (ФК 1194-модда 1-қисм) ва ҳ.к. [15].

Шу жиҳатдан таъкидлаш мумкинки, маҳаллий ҳуқуқ, аввало, ички муносабатлар, яъни давлат ҳудуди доирасида ҳаракат қилувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш эҳтиёж-

ларини қондириш учун ишлаб чиқилган. Аммо маҳаллий суд қатор ҳолларда миллий ҳуқуқий тартибдан ташқарида юзага келган ва натижада маҳаллий ҳуқуқ шаклланишига таъсир қилган намунавий муносабатлардан фарқ қилувчи муносабатлардан келиб чиқадиган баҳс тақдирини ҳал қилиши лозим бўлади. Бу муносабатларни тартибга солиш эҳтиёжи маҳаллий юрисдикция ва маҳаллий моддий ҳуқуқ амал қилиш соҳаларининг ўхшамаслиги туфайли юзага келган.

Тадқиқот натижалари таҳлили

Маҳаллий юрисдикциянинг амал қилиш соҳаси бузилган ҳуқуқнинг давлат ҳимоясини таъминлаш имкониятлари билан белгиланган. Бузилган ҳуқуқнинг судимиз ёрдамидаги ҳимояси самарали бўлганда, биз ўз судимизни ваколатли деб тан оламиз. Процессуал муносабатлар муайян давлатда маҳаллийлашган ва ўз “тортишиш нуқталари”га эга бўлиб, улар баҳснинг судда кўрилиши учун асос сифатида қўлланилади. Бундай нуқталар қуйидагича: баҳс томонларининг манзили; асосий далил-исботлар манзили; даъвони таъминлаш бўйича чора кўрилиши ёки суд ҳукми чиқарилиши натижасида ундирув қаратилиши мумкин бўлган мулк манзили; муайян жамоат манфаати жойлашуви ва ҳ.к. Мазкур ҳолатларнинг бизнинг давлатимизда жойлашуви маҳаллий суд ҳимояси самарадорлигини олдиндан белгилаб беради.

Чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатлар чет эл ҳуқуқий тартиби қўлланилишини талаб қилади ва маҳаллий суд томонидан самарали кўриб чиқилиши мумкин ҳамда халқаро хусусий ҳуқуқнинг тартибга солиш предметини юзага келтиради. Мазкур муносабатларни тартибга солиш учун ҳам чет эл ҳуқуқи қўлланилади, унга миллий ҳуқуққа қараганда тегишли муносабатлар одатийроқ ҳисобланади. Бошқа ижтимоий нормаларга мурожаат мақсади каби чет эл ҳуқуқи

нормаларига ҳам мурожаат мақсади бу жамоат муносабатларини энг самарали ва одилона тартибга солишдир, яъни тегишли ҳолатларда миллий ҳуқуқ ёрдамида амалга ошириб бўлмайдиган тартибга солиш ҳисобланади. Масалан, хорижий юридик шахснинг халқаро ҳуқуқнинг субъекти бўлиш ҳуқуқини миллий ҳуқуқ билан тартибга солиш самарасиздир, сабаби миллий ҳуқуқ мазкур ташкилий-ҳуқуқий шаклни билмаслиги мумкин.

Шунингдек, Ф. Вишер таъкидлашича, чет эл ҳуқуқини қўллаш учун бош асос “хусусий шахслар ўртасидаги муносабатларни мос равишда тартибга солиш зарурияти”дир. Дж. Чешир ва П. Норт фикрларига кўра, “халқаро хусусий ҳуқуқ... суд томонидан кўриб чиқиладиган масала, чет эл ҳуқуқи тизими билан унга мурожаат қилиш заруриятини юзага келтирадиган даражада мустаҳкам алоқада бўлган факт, ҳодиса ёки битимга тегишли бўлганда амал қилишни бошлайди”. Шунингдек, айрим тадқиқотчиларнинг фикр-мулоҳазалари борки, “чет эл ҳуқуқи у “яхшироқ” бўлганлиги учун эмас, балки қонун чиқарувчи наздида унинг қўлланилиши амалий нуқтаи назардан маҳаллий ҳолатларга мослаштирилган миллий ҳуқуқ қўлланилишига қараганда яхшироқ натижаларга олиш келиши сабабли қўлланилади” [16].

В.М. Хвостов фикрига кўра, ҳудудийликнинг асосий принципида истиснолар ҳам бўлиши мумкин. Баъзан мазкур мамлакат судьялари чет эл ҳуқуқиқа таяниш лозим бўлади. Масала шундаки, замонавий маданий давлатлар ўзаро яқин мулоқотда бўлиб, ўзларини бир маданият халқларининг оила аъзоларидек кўради, шунга кўра бошқа ҳуқуқий тартибга мутлақо бегона ва мурасиз деб қарашмайди. Бошқа тарафдан, судлар амалиётида чет эл ҳуқуқи нормаларини тўлиқ чеклаш баъзан анча оғир оқибатларга олиб келиши мумкин эди [17].

Ҳозирги вақтда кўпинча ҳуқуқий муносабат турли давлатлар фуқаролари ўртасида ўрнатилади. Бунда ҳуқуқдорлик ва лаёқатлилиқ тўғрисида турлича қонунлар амал қилади, ўзаро муносабатлар бир мамлакатда юзага келиб, амалга ошиши ёки судда ҳал қилиниши – бошқа мамлакатда бўлади. Бундай ҳолатларда муносабатларга нисбатан айнан судда баҳс юзага келган ҳудуднинг қонунларини қўллаш баъзан ноқулай бўлади. Масала шундаки, бу муҳокама ҳудуди мутлақо тасодифий сабаблар билан белгиланиши ва ушбу муносабатлар ёки баҳс кетаётган факт маъноси ва мазмунининг ҳуқуқий моҳияти билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаслиги мумкин.

Миллий адабиётларда мазкур масала халқаро хусусий ҳуқуқнинг моддий-ҳуқуқий тартибга солиш усули сифатида ҳам изоҳланиб, унга кўра, моддий-ҳуқуқий нормалар ўз моҳияти жиҳатидан мазмунини бўйича бир хил қоидалардан ташкил топади ва халқаро хусусий муносабатларни тўғридан-тўғри, яъни ушбу муносабатларни бевосита, коллизия нормалар иштирокисиз тартибга солишни таъминлайди [18]. Ички давлат қонунлари чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларга нисбатан, агар уларда халқаро шартномалардагиларга нисбатан бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, бевосита қўлланилиши мумкин. Бу ерда чет эл элементи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишда халқаро шартномаларнинг устунлиги ҳисобга олинади ва унинг тўғридан-тўғри, яъни бевосита қўлланилиши назарда тутилади [19].

Хулосалар

Хорижий моддий ҳуқуқнинг қўлланилиши нафақат фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг субъектив ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун, балки муайян давлат ҳуқуқини қўллаш аниқ муносабат субъектларининг ҳаракатларига санкция бериш ёки уларнинг манфаатларини бошқача тарзда “чеклаб” қўйиш каби

тескари натижа берадиган вазиятларда ҳам муҳим ҳисобланади. Масалан, чет эл ҳуқуқи битим ҳақиқий эмас деб тан олиншига асос бўладиган меъёрларни ўз ичига олиши мумкин бўлган айни пайтда маҳаллий ҳуқуқни қўллаш бундай оқибатларга олиб келмаслиги ҳам мумкин. Фуқаролик ҳуқуқи аниқ муносабат иштирокчилари манфаатларини ҳимоя қилибгина қолмай, умуман олганда, жамият, давлат учинчи шахслар ва ҳ.к. манфаатлари ҳимоясига ёрдам беради. Қатор ҳолларда муносабат субъектлари шикоятларини қондирмасдан, хусусий ҳуқуқ истиқболли режада фуқаролик муомаласи интизомини кучайтиришга имкон туғдиради. Бу маънода хорижий ҳуқуқ аниқ муносабат субъектлари манфаатларини энг яхши тарзда ҳимоя қилгани учунгина эмас (гарчи кўпинча шундай бўлса ҳам), балки ушбу муносабат билан бевосита ёки билвосита боғлиқ бўлган барча субъектларнинг манфаатларини энг яхши тарзда ҳимоя қилгани учун ҳам қўлланилади. Чет эл ҳуқуқининг мураккаблашган чет эл элементли муносабатга нисбатан қўлланилиши ушбу муносабатни унинг ривожланиши кўпроқ табиий тарзда амалга ошириладиган яқин ижтимоий ва маданий муҳитга бирлаштириш имконини беради. Томонлар манфаатларини ҳисобга олиш чет эл ҳуқуқига мурожаат натижасида юзага келадиган оқибатлардан бири ҳисобланади, аммо бундай оқибат юзага келмаслиги ҳам мумкин. Ҳуқуқ ва муносабат боғлиқлиги омилларининг катта қисмини ҳисобга олувчи анъанавий коллизион усул бу маънода моддийлаштириш усулига қарши туриб, мантиқан асосланганлик нуқтаи назарига кўра ундан устун туради.

Чет эл моддий ҳуқуқини қўллаш фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг субъектив ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш учун, шунингдек, муайян давлат ҳуқуқини қўллаганда, муайян муносабат субъектларининг ҳаракатларига ижозат бериш ёки уларнинг манфаатларини бош-

қача “чеклаш”да намоён бўладиган тескари натижага олиб келадиган вазиятларда муҳим ҳисобланади. Фуқаролик муомаласи интизомини мустаҳкамлаш жиҳатидан хусусий ҳуқуқ муайян муносабат субъектлари манфаатларини энг яхши ҳимоялаш, шунингдек, чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий-ҳуқуқий муносабатлар билан тўғридан-тўғри ёки билвосита боғлиқ бўлган барча субъектларнинг манфаатларини энг яхши ҳимоялаш туфайли қўлланилади.

Чет эл элементи билан мураккаблашган муносабатларга чет эл ҳуқуқини қўллаш бундай муносабатларни кўпроқ табиий равишда ривожланадиган яқин ижтимоий ва маданий муҳитга бирлаштириш имконини беради. Томонлар манфаатларини ҳисобга олиш чет эл ҳуқуқига мурожаат натижасида юзага келадиган оқибатлардан бири ҳисобланади, лекин бундай оқибат юзага келмаслиги ҳам мумкин. Ҳуқуқ ва муносабат омилларининг катта доирасини ҳисобга олувчи анъанавий коллизион усул бу маънода моддийлаштириш усулидан мантиқий асосланганлик нуқтаи назари бўйича устун туради.

Мураккаблашган чет эл элементи бўлган муносабатлар ўзига хос хусусиятларга эга, аммо қонун чиқарувчи ҳуқуқ танловининг қандай мезонларидан фойдаланганлигидан қатъи назар, томонлар уларнинг муайянлигига умид қилишга ҳақли. Бундай муайянлик низони кўриб чиқишда улар манфаатини таъминлашнинг қўшимча кафолати бўлиб хизмат қилади. Томонлар жараёнга олдиндан тайёрланиб олиш, аниқланиши лозим бўлган ҳақиқатдаги ҳолатлар доираси ва бошқа омилларни белгилаб олиш имкониятига эга бўлади. Бундай муайянлик суднинг ўзи учун ҳам қулай бўлиб, у коллизион нормани аниқлаштириш заруриятидан озод бўлади. Шу сабабли коллизион нормаларнинг имкон қадар кўпроқ муайянлигини таъминлаш жуда муҳим бўлиб, бу мазкур нор-

маларни томонлар қўллашени олдиндан қўра билиш учун зарур.

Чет эл ҳуқуқи қўлланилишини халқаро-ҳуқуқий асослашнинг кўпгина ёндашувлари мавжуд. Шундай қилиб, муаллифлар чет эл ҳуқуқини қўллаш мажбуриятини халқаро ҳуқуқ бутун принциплар мажмуидан чиқариб, мазкур соҳада асосий принцип сифатида ҳамкорлик принципи ёки давлатлар суверен тенглиги принципини ажратади, халқаро хусусий ҳуқуқда юзага келган асосий коллизиион бошланишларни кўрсатади.

Ҳозирда чет эл ҳуқуқини қўллашнинг янги назариялари ишлаб чиқилган бўлиб, улар қўлланиладиган ҳуқуқ тўғрисида масалани ҳал қилишда муносабатларнинг нафақат ҳудудий жойлашуви, балки бошқа мезонларини ҳам кўзда тутати. Янги назарияларнинг умумий хусусияти суд мамлакати ҳуқуқини ҳисобга олган ҳолда потенциал қўлланиладиган ҳуқуқий тартиблар доирасини кенгайтириш ҳисобланади. Янги назарияларнинг умумий хусусияти қўлланиладиган ҳуқуқни излашда қатъий мезонлар йўқлигидир. Анъанавий коллизиион ғоя деярли ҳар доим ягона ваколатли ҳуқуқий тартибни аниқ белгилаш имконини беради. Янги назариялар, охириги сўзни судьяларга қолдирган ҳолда, потенциал қўлланиладиган ҳуқуқий тартибларнинг кенг доираси мавжудлигидан келиб чиқади. Шу билан коллизиион тартибга солишга олдиндан айта олмаслик элементи киритилади ва қўлланиладиган ҳуқуқни белгилаш жараёнида судьянинг ролини кучайтиради.

Халқаро даражада чет эл ҳуқуқининг қўлланилиши коллизиион нормалар ва ўзаролик ёки хушмуомалалик принципларига асосланади. Бунда “ўзаролик” принципи турли давлатларнинг қонунчилик ҳужжатларида турлича таърифланган ва умумий ҳисобланиши мумкин эмас. Ҳозирги кунда ўзаролик принципига халқаро хусусий ҳуқуқ барқарор таркибий қисмига

каби ягона қараш мавжуд эмас, у давлатларнинг бир-бири билан ҳамкорлигини мустаҳкамлашда иштирок этиш субъектив истагига кучли боғланган.

Шунингдек, универсал характердаги ҳеч бир халқаро-ҳуқуқий ҳужжатда “хушмуомалалик” принципига амал қилиш мажбурияти соф кўринишда белгиланмаган, Европа ва Американинг аксарият мамлакатлари ҳуқуқий тартиблари халқаро хушмуомалалик постулатларига таяниб ва императива сифатида ўзароликдан воз кечган ёки ҳеч қачон бундай талабни қўймаган ҳолда чет эл суд ҳукмларини тан олиш имконини беради.

Шу тарзда чет эл ҳуқуқи излашнинг янги ғоялари ўз афзалликлари билан бир қаторда камчиликларга ҳам эга, шунинг учун улардан фойдаланиш етарлича асосланган ҳисобланмайди.

Таъкидлаш жоизки, хусусий-ҳуқуқий муносабатнинг чет эл ҳуқуқий тартиби билан алоқаси чет эл ҳуқуқини қўллаш имкониятини кўзда тутати. Хусусан, чет эл ҳуқуқини қўллаш, шунингдек, тескари ҳавола юзага келишига олиб келади. Шундай қилиб, чет эл ҳуқуқига ҳавола ва унинг қўлланилиши коллизиион нормага асосланади.

Бунда коллизиион норма, унинг ёрдамида чет эл ҳуқуқининг шартлари ва ҳаракат чегаралари белгиланадиган ягона норма ҳисобланмайди. Коллизиион нормадан ташқари тегишли масалани бошқа бир қатор нормалар ҳам ҳал қилади: оммавий тартиб тўғрисида қўшимча шарт ва оммавий тартибга кирувчи миллий ҳуқуқ принциплари, халқаро хусусий ҳуқуқ императив нормалари ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида, хусусан, Фуқаролик кодексининг 1161-моддасига мувофиқ кўзда тутилганки, чет эл ҳуқуқига ҳар қандай ҳавола тегишли мамлакат коллизиион ҳуқуқига эмас, балки моддий ҳуқуқига ҳавола сифатида кўриб чиқилади. Бу шуни кўрсатадики,

Ўзбекистон қонунчилигида ҳаволаларни қўллаш бўйича умумий тақиқ белгиланган давлатлар қаторига киради. Бунда чет эл ҳуқуқининг тескари ҳаволаси истисно бўлиб, у жисмоний шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатини белгиловчи Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига ҳавола қилинган ҳолларда қўлланилиши мумкин (Фуқаролик кодексининг 1168-моддаси).

Бизнинг фикримизча, мазкур норма диспозитив сифатида талқин қилиниши зарур, сабаби учинчи давлат ҳуқуқига ҳаволани қабул қилишдан бош тортиш мамлакат халқаро мажбуриятларига зид келади. Ўзбекистон 1930 йилги кўчирма (переводной) ва оддий векселлар тўғрисидаги қонунлар айрим коллизиясига ижозат бериш ҳақида Женева конвенцияси ва 1980 йилги Халқаро темир йўл орқали ташишлар тўғрисидаги Берн конвенцияси (КОТИФ) иштирокчиси ҳисобланади. Женева конвенцияси индивиднинг векселга лаёқатлилиги масалалари бўйича тескари ҳавола ва учинчи қонунга ҳаволани мумкин деб ҳисоблайди, КОТИФ эса йўловчиларнинг ҳаёти ва соғлигига зарар етказганлик учун

темир йўллариининг жавобгарлиги масалалари бўйича тескари ҳавола ва учинчи қонунга ҳаволани мумкин деб ҳисоблайди.

Шу сабабли қайта ҳаволани тартибга солиш нормасини кўриб чиқиш, хусусан, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига тескари ҳаволани чекловларсиз белгилаш масаласини кўриб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1161-моддасини қуйидагича таҳрирда баён қилиш мақсадга мувофиқ:

“1161-модда. Қарши томон ва учинчи мамлакат ҳуқуқига ҳавола этиш.

Ушбу бўлим қоидаларига мувофиқ, чет эл ҳуқуқига ҳар қандай ҳавола этиш тегишли мамлакатнинг коллизия ҳуқуқига эмас, балки моддий ҳуқуқига ҳавола этиш деб қаралиши лозим, ушбу бўлимда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахснинг шахсий қонуни, унинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатини аниқлаш бўйича муносабатларни, шунингдек, оила-мерос муносабатларини тартибга солиш чоғида чет эл ҳуқуқи қўлланилганда, Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқига қайта ҳавола этиш қабул қилинади”.

REFERENCES

1. Lerebourg-Pigionnier. *Precis de droit international prive*. Dalloz, 1954, p. 392.
2. Luns L.A. *Kurs mezhdunarodnogo chastnogo prava*. Obshhaya chast. 3 izd., dop. [Private international law course. A common part. 3rd ed., add.]. Moscow, Yuridicheskaya literatura, 1973, pp. 369-370.
3. Cheshir D., Nort P. *Mezhdunarodnoe chastnoe pravo* [International private law]. Moscow, 1982, pp. 19-20.
4. Batiffol H., Lagarde P. *Droit international privé*, t. II, 7e éd. Paris, 1983, pp. 529-530.
5. Rubanov A.A. *Teoreticheskie osnovy mezhdunarodnogo vzaimodejstvija nacional'nyh pravovyh sistem* [Theoretical foundations of international interaction of national legal systems]. Moscow, 1984, p. 61.
6. Vischer F. *General Course on Private International Law*. Recueil des cours de l'Academie de droit international de LaHaye, 1992, vol. 232, p. 30.
7. *Mezhdunarodnoe chastnoe pravo: sovremennye problemy*. Otvetstvennyj redaktor M. Boguslavskij [International private law: modern problems. Executive editor M. Boguslavsky]. Moscoov, 1994, p. 478.

8. Nersesyan B.S. Sravnitel'noe pravovidenie v sisteme yurisprudentsii [Comparative jurisprudence in the system of jurisprudence]. Gosudarstvo i pravo – State and law. Moscow, 2001, no. 6, pp. 5-7.
9. Anufrieva L.P. Mezhdunarodnoe chastnoe pravo: v 3-h t. Tom 1. Obshaya chast': Uchebnik [Private international law: vol. 3. Vol. 1. General part #: Textbook]. Moscow, BEK Publ., 2002, p. 288.
10. Xalqaro xususiy huquq. Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. H. Rahmonqulov va b. [Private international law. A textbook for universities. H. Rahmonkulov et al.]. Tashkent, 2002.
11. Hvostov V.M. Obshaya teoriya prava. Elementarniy ocherk. Po isdaniyu 1911 [General theory of law. Elementary sketch. According to the version 1911]. Allpravo.Ru, 2003.
12. Jantera-Jareborg M. Foreign Law in national courts: a comparative perspective. Recueil des cours de l'Academie de droit international de la Haye, 2003, vol. 304, p. 217.
13. Galimullina S.K. Primenenie inostrannogo prava v mezhdunarodnom chastnom prave: teoriya, zakonodatel'stvo i sudebnaya praktika Rossijskoj Federatsii. Diss. kand. yurid. nauk [Application of foreign law in private international law: theory, legislation and judicial practice of the Russian Federation. Dissertation of the candidate of legal sciences]. Kazan, 2006.
14. Commentary on the Civil Code of the Republic of Uzbekistan (part two). Professional comments. Vol. 3. Tashkent, 2011, p. 554.
15. Getman-Pavlova I.V. Mezhdunarodnoe chastnoe pravo: uchebnik dlya magistrantov [Private International Law: A Textbook for Masters]. Moscow, 2013, p. 212.
16. Rahmankulova N. O'zbekiston Respublikasining xalqaro xususiy huquq to'g'risidagi qonunchiligini kodifikatsiyalashtirishni takomillashtirish: yurid. fan. doktori. diss. [Improving the codification of the legislation of the Republic of Uzbekistan on private international law: Dissertation of the Doctor of legal sciences]. Tashkent, 2016, 14-b.
17. Rustambekov I. Nauka mezhdunarodnogo chastnogo prava i napravleniya eyo razvitiya [The science of private international law and directions of its development yush]. Vestnik yuridicheskikh nauk – Review of law sciences, Tashkent, 2017, no. 1, pp. 89-93.
18. Speech of the President of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the celebrations marking the 26th anniversary of independence of the Republic of Uzbekistan. Available at: <https://president.uz/uz/>.
19. Xalqaro xususiy huquq. Darslik. I. Rustambekov umumiy tahriri ostida [Private international law. Textbook. Under the general editorship of I. Rustambekov]. Tashkent, TSUL, 2019.

UDC: 342.9(042)(575.1)
ORCID: 0000-0002-6609-4527

МАЪМУРИЙ СУД ИШ ЮРИТУВИ ТУШУНЧАСИ ВА МАЗМУНИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ТАҲЛИЛИ

Бакаев Шахриёр Бахтиёрович,
Тошкент давлат юридик университети
мустақил изланувчиси
e-mail: sh.bakaev@bk.ru

Аннотация. Ушбу мақолада маъмурий суд иш юритувининг тушунчаси ва мазмуни мазкур ҳуқуқий институтнинг келиб чиқиш тарихи ҳамда ҳуқуқшунос олимларнинг бу борадаги қарашлари асосида илмий-назарий таҳлил қилинган ҳамда тизимлаштирилган. Жумладан, маъмурий суд иш юритуви тушунчаси дастлаб Франция, кейинчалик эса Германия, Швейцария, Италия ҳамда Америка Қўшма Штатлари қонунчилигида ишлатилганлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, маъмурий суд иш юритуви ҳуқуқшунос олимлар томонидан уч хил мазмунда тушунилиши баён этилган. Олимларнинг бир гуруҳи маъмурий суд иш юритуви деганда шахсни содир этган маъмурий ҳуқуқбузарликлари учун суд тартибида маъмурий жавобгарликка тортишни тушунган бўлса, уларнинг қолган бир қисми судлар томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг ҳал этилишини, яъни фуқаролар ва юридик шахсларнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан берган шикоятларининг кўрилиши ва ҳал этилишини тушунган. Учинчи гуруҳ олимлар эса “маъмурий суд иш юритуви” деганда суднинг икки хил фаолиятини, яъни суд томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг ҳал этилишини ҳамда унинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришдаги иштирокини тушунган. Келтирилган таҳлиллар асосида маъмурий суд иш юритувининг тушунчасига муаллифлик таърифи берилган.

Калит сўзлар: маъмурий суд иш юритуви, маъмурий юстиция, оммавий-ҳуқуқий муносабатлар, маъмурий-ҳуқуқий низолар, суд ҳокимияти, маъмурий судлар.

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПОНЯТИЯ И СУЩНОСТИ АДМИНИСТРАТИВНОГО СУДОПРОИЗВОДСТВА

Бакаев Шахриёр Бахтиёрович,
самостоятельный соискатель
Ташкентского государственного юридического университета

Аннотация. В данной статье приведен научно-теоретический анализ понятия и сущности административного судопроизводства на основе истории возникновения этого правового института и взглядов ученых правоведов в данном направлении. В частности, указано, что понятие административного судопроизводства впервые использовано в законодательстве Франции, а затем в законодательстве Германии, Швейцарии, Италии и Соединенных Штатах Америки. Также указывается, что административное судопроизводство понимается учеными правоведами в трех разных контекстах. В то время, как одна группа ученых административного судопроизводства понимала как привлечение в судебном порядке лица к административной ответственности за административные правонарушения, то остальные ученые под административным судопроизводством понимали разрешение судом споров, возникающих

из публично-правовых отношений, то есть рассмотрение и разрешение жалоб граждан и юридических лиц на решения государственных органов и действия (бездействие) должностных лиц. Третья группа ученых под административным судопроизводством понимала два вида деятельности суда, а именно разрешение судом споров, возникающих из публично-правовых отношений, и его участие в производстве по делам об административных правонарушениях. На основе проведенного анализа приводится авторское определение понятия административного судопроизводства.

Ключевые слова: административное судопроизводство, административная юстиция, публично-правовые отношения, административно-правовые споры, судебная власть, административные суды.

SCIENTIFIC AND THEORETICAL ANALYSIS CONCEPT AND ESSENCE OF ADMINISTRATIVE PROCEEDINGS

Bakaev Shakhriyor akhtiyorovich,
independent-researcher of the Tashkent state university of law

Abstract. This article provides a scientific and theoretical analysis of the concept and essence of administrative proceedings on the basis of the history of the emergence of this legal institution and the views of legal scholars in this direction. In particular, it points out that the concept of administrative proceedings was first used in the legislation of France, and then in the legislation of Germany, Switzerland, Italy and the United States of America. It also mentions the fact that administrative proceedings are understood by legal scholars in three different contexts. While one group of scientists understood administrative proceedings as a way of making a person responsible for administrative offenses by court, other scientists considered administrative proceedings as the resolution of disputes arising from public law relations by court, that is, consideration and resolution of complaints from citizens and legal persons on decisions of state bodies and actions (inaction) of officials. The third group of scholars under administrative proceedings differentiated two types of activities of the court, namely the resolution disputes arising from public-legal relations by court and its participation in proceedings on cases of administrative offenses. On the basis of the analysis the author suggests the definition of the concept of administrative proceedings.

Key-words: administrative proceedings, administrative justice, public-legal relations, administrative and legal disputes, judicial authority, administrative courts.

Жамиятда фуқаролар ва юридик шахслар давлат органлари билан муносабатга киришар экан, бунда ҳар доим давлатнинг бирмунча устунлиги, профессионал малакага эгалиги ҳамда имкониятлари кенглиги сезилиб туради. Шу сабабли бундай муносабатларда фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларни ҳимоя этилишини кафолатлаш, шунингдек, бу борада самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш давлатнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси билан ҳар бир

шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-4966-сон Фармонида берилган расмий шарҳда давлат органлари фаолиятида қонунийликни мустаҳкам-

лаш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини амалга оширишнинг замонавий тартиб-таомилларини жорий этишга қаратилган «Маъмурий суд иш юритуви тўғрисида»ги қонун ҳужжати лойиҳаси ишлаб чиқиши таъкидлаб ўтилган [1].

2018 йил 1 апрелдан бошлаб Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс кучга киритилган бўлиб, мазкур Кодекс билан маъмурий суд иш юритуви алоҳида мустақил институт сифатида тан олинган.

Илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс қабул қилинганга қадар илмий жамоатчилик орасида маъмурий суд иш юритувини ўрганиш, қоида тариқасида, маъмурий юстиция билан боғлиқ тадқиқотлар доирасида ўрганилган. Шунинг учун бугунги кунга қадар маъмурий суд иш юритувининг умумтан олинган тушунчаси ишлаб чиқилмаган, қонун чиқарувчи орган томонидан эса Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда мазкур тушунча шакллантириб берилмаган. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда “маъмурий суд иш юритуви” тушунчасининг шакллантириб берилмаганлиги амалиётда мазкур тушунча ўрнига у билан бир хил маънога эга бўлмаган “маъмурий юстиция” ёки “маъмурий процесс” тушунчаларининг ишлатилишига олиб келмоқда.

Дарҳақиқат, маъмурий суд иш юритуви тушунчаси тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, адабиётларда “маъмурий юстиция” тушунчасига дуч келамиз. Маъмурий юстиция (justice administrative) тушунчаси илк маротаба XVIII аср охирида Франция қонунчилигида ишлатилган. Ўша пайтда революцион ҳаракатларга қарши чиққан судларга ҳокимият вакиллари иштирокидаги ишларни кўриб чиқиш таъқиқланиши натижасида Франция қонунчилигида маъмурий юстиция тушунчаси ишлатилган.

1790 йил 16-24 августдаги Қонунда “Судларнинг функциялари алоҳида бўлиб, улар маъмурий органлар функцияларидан қатъиян фарқланиши; судлар мансабдорлик жиноятчилиги учун жавобгарлик хавфи остида маъмурий органлар фаолиятини бирон-бир усулда бузишга, маъмурий органлар мансабдор шахсларини уларнинг вазифалари юзасидан чақиртиришига йўл қўйилмаслиги” белгиланган [2, 7].

Натижада Франция фуқаролари билан маъмурий органлар ёки уларнинг мансабдор шахслари ўртасидаги низолар ижро ҳокимияти доирасида ташкил этилган ва фуқароларни маъмурий органларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатидан ҳимоя қилишга ваколатли бўлган махсус органлар томонидан кўриб чиқилган. Бундай ваколатли органларнинг фаолияти маъмурий юстиция деб номланган. Кейинчалик бошқа мамлакатларда, хусусан, Германия ва Швейцарияда ушбу вазифалар ижро ҳокимияти тизимидаги органлар ўрнига суд ҳокимияти – маъмурий судлар зиммасига юклатилган. Ушбу судларда маъмурий ишларни кўриб чиқиш маъмурий суд иш юритуви деб номланган.

Бугунги кунда “маъмурий юстиция” ва “маъмурий суд иш юритуви” тушунчалари ҳар бир давлатда ўзига мос равишда ҳамда давлат органлари ва ҳуқуқ тизимининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб талқин қилинади. Италияда “маъмурий юстиция” тушунчаси бирмунча кенг доирада талқин қилиниб, ҳар қандай давлат органининг маъмурият устидан назорат фаолияти тушунилади. Францияда “маъмурий юстиция” деганда махсус органлар томонидан (маъмурий трибунал, маъмурий апелляция судлари ва Давлат кенгаши) оммавий ҳукуматнинг бошқарув фаолиятига тааллуқли бўлган низоларнинг ҳал қилиниши тушунилади.

Германияда маъмурий юстиция маъмурий суд иш юритуви шаклида амалга оширилади. Бунда барча оммавий-ҳуқуқий му-

носабатлардан (конституциявий-ҳуқуқий муносабатлар бундан мустасно) келиб чиқадиган низолар маъмурий процессуал нормалар асосида маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилади.

Америка Қўшма Штатларида судлар ва судловфункциясини амалга оширувчи бошқа органларнинг (квазисуд органлари) фуқаролар билан давлат органлари ёки уларнинг мансабдор шахслари ўртасидаги низоларни кўриб чиқиш бўйича фаолияти маъмурий юстиция сифатида тушунилади [3, 189-192, 272, 312-317].

Илмий соҳа вакиллари томонидан “маъмурий суд иш юритуви”га бир неча маротаба тушунча беришга ҳаракат қилинган. Жумладан, Ғ. Ҳакимов маъмурий суд иш юритувига маъмурий юстиция сифатида баҳо бериб, маъмурий юстиция деганда давлат органлари ва мансабдор шахслар билан фуқаролар ҳамда юридик шахслар ўртасида давлат бошқаруви муносабатларидан келиб чиқадиган маъмурий-ҳуқуқий низоларни махсус судлов йўли билан кўриб чиқиш ва ҳал этиш тизимини тушунган [4, 12-13].

М. Астанов ва С. Марипованинг фикрига кўра, бугунги кунда мамлакатимизда “Ўзбекистон Республикаси маъмурий суд иш юритуви” тушунчасини ишлаб чиқиш масаласи долзарблашиб бормоқда.

Маъмурий суд иш юритуви, энг авало, фуқаролар, юридик шахслар ва уларнинг уюшмалари ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини мансабдор шахслар ўзбошимчалигидан ҳимоя қилиш мақсадида ихтисослаштирилган маъмурий судлар томонидан маъмурий ва оммавий ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича алоҳида судлов процессуал тартибида амалга ошириладиган одил судловни қамраб олади.

М. Астанов ва С. Марипова “маъмурий суд иш юритуви”ни “маъмурий юстиция”дан фарқлаш лозимлигини таъкидлайди. “Маъмурий юстиция” тушунчаси нисбатан

кенгроқ бўлиб, у ўз ичига оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳамда давлат органлари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)га қарши фуқаролар ва ташкилотлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган маъмурий низоларнинг судлар ва суддан бошқа маъмурий-юрисдикцион органлар томонидан кўриб чиқилишини қамраб олади. Маъмурий суд иш юритуви эса фақат судларда амалга оширилади [5, 60-64].

Хорижий мамлакатлар, жумладан Россия Федерацияси олимлари томонидан маъмурий суд иш юритувига қуйидагича тушунчалар берилган.

Ю. Старилов “маъмурий юстиция”, “маъмурий процесс” ва “маъмурий суд иш юритуви” тушунчаларини мазмунан бир тушунча деб таърифлайди. Унинг фикрича, маъмурий юстиция – бу давлат бошқаруви устидан (ижро ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар давлат хизматчиларининг фаолияти устидан) суд контролидир [6, 54].

В. Бойцова ҳам Ю. Старилов каби “маъмурий суд иш юритуви”ни “маъмурий юстиция” деб тушунган. Унга кўра, маъмурий юстициянинг асосий белгиси бу – умумий суд тизимидан мустақил бўлган махсус маъмурий судларнинг мавжудлигидир [7, 12].

Л. Николаева ва А. Соловьева маъмурий суд иш юритувини фуқаролар ва ташкилотларнинг оммавий ҳуқуқларини суд тартибида тиклаш шакли, инсонлар ҳуқуқ ва эркинликларининг суд орқали ҳимояси кафолати сифатида таъкидлаган [8, 36, 97].

Е. Васильева ва В. Нехайчикнинг фикрича, маъмурий суд иш юритувини энг аввало, шахслар ва фуқаролар, юридик шахслар ва улар уюшмаларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини мансабдор шахслар ўзбошимчалигидан ҳимоя қилиш мақсадида одил судловни ихтисослаштирилган

маъмурий судлар томонидан маъмурий ва оммавий ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича алоҳида судлов процессуал тартибида ҳал этилиши сифатида тушуниш лозим [9, 38-39].

А. Глодина маъмурий суд иш юритуви деганда хусусий шахслар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг оммавий ҳуқуқдаги шахслар томонидан бузилишидан ҳимоя қилиш мақсадида фуқаролар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва оммавий ҳокимият органлари ўртасидаги маъмурий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича одил судловнинг алоҳида шаклини тушунган [10, 137-144].

Н. Хаманева маъмурий юстицияни “маъмурий суд иш юритуви” тушунчасидан фойдаланмаган ҳолда тавсифлаб, маъмурий юстиция деганда давлат бошқаруви соҳасида субъектив оммавий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш ва қонунийликни таъминлаш билан боғлиқ бўлган оммавий администратциянинг ҳужжатлари устидан шикоят қилишнинг алоҳида судлов тартибини тушунган [11, 41-50].

И. Панова юқорида номларини қайд этилган олимлардан фарқли равишда, маъмурий суд иш юритуви ўз маъносида маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун суд тартибида маъмурий жавобгарликка тортишни англатишини таъкидлаган [12, 182].

М. Баглай ҳам И. Панова каби маъмурий суд иш юритуви – бу Россия Федерациясининг Маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги кодексида мустақамланган процессуал қоидалар мажмуаси деб қайд этган [13, 256].

С. Щепалов маъмурий суд иш юритуви деганда судларнинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларни кўриш юзасидан фаолиятини тушуниш лозимлигини қатъий таъкидлаган. Оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тарихан уларни кўриб чиқиш учун қўлланиладиган фуқаро-

лик-процессуал шакл билан қамраб олинишини кўрсатган [14, 30].

М. Студеникина эса “маъмурий суд иш юритуви” тушунчасини ифодалашда юқорида номлари қайд этилган олимлар фикрига қўшилган ҳолда янгича шакллантириб берган.

Унинг фикрига кўра, “маъмурий суд иш юритуви” деганда суднинг икки хил фаолиятини, яъни суднинг давлат органлари ва мансбдор шахсларнинг ҳужжатлари қонунийлиги устидан назорат функцияларини ҳамда унинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришдаги иштирокини тушуниш лозим [15, 177].

Д. Захарованинг фикрича, “маъмурий суд иш юритуви” тушунчаси суд томонидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ва маъмурий низолар бўйича ишларни кўриб чиқилишини англатади [16, 7].

А. Зеленцов маъмурий суд иш юритуви предмети сифатида маъмурий ҳуқуқбузарликлар билан бирга маъмурий низоларни ҳам тушунган [17, 507-508].

Маъмурий суд иш юритуви доирасига маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар ва маъмурий низолар бўйича ишларни киритиш тенденциясини бошқа олимларнинг ишларида ҳам кўриш мумкин [18, 9].

Сўнгги йилларда эса юридик адабиётларда маъмурий суд иш юритувининг ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган янгича тушунчасини шакллантириш тенденцияси кузатилади. Жумладан, В. Андрияновнинг қайд этишича, маъмурий суд иш юритуви – бу суднинг маъмурий-ҳуқуқий низоларни кўриб чиқиш, шунингдек, судлов йўли билан нормаларга амал қилиниши устидан назорат бўйича фаолияти ҳисобланади [19].

Н. Канунникова “маъмурий суд иш юритуви” тушунчасини Россия Федерацияси Маъмурий суд ишларини юритиш кодек-

сининг 1-моддасини таҳлил қилиш натижасида шакллантирган.

Унинг фикрига кўра, маъмурий суд иш юритуви – бу Россия Федерацияси Олий суди, умумий юрисдикция судлари, (мировой) судьялар томонидан фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ишларни, шунингдек, маъмурий ва бошқа оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳамда давлатнинг ваколатларини ёки бошқа оммавий ваколатларни амалга оширишнинг қонунийлиги ва асослантирилганлиги устидан суд назоратини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган бошқа маъмурий ишларни кўриб чиқиш ва ҳал этиш жараёнида маъмурий процесс иштирокчиларининг процессуал ҳаракатлари мажмуи ҳисобланади [20, 32-34].

Таъкидлаш керакки, “маъмурий суд иш юритуви” тушунчасини шакллантириш бўйича олимлар томонидан турли хилдаги фикрлар билдирилган бўлиб, улар бугунги кунга қадар тизимлаштирилмаган. Юқорида номлари қайд этилган олимлар фикрлари бўйича хулоса қиладиган бўлсак, юриспруденцияда “маъмурий суд иш юритуви” тушунчаси бўйича асосан уч хил ёндашув шакллانган.

Биринчи ёндашув тарафдорлари бўлган И. Панова, М. Баглай ва С. Щепалов маъмурий суд иш юритувининг мазмуни сифатида шахсни содир этган маъмурий ҳуқуқбузарликлари учун суд тартибида маъмурий жавобгарликка тортишни тушунган.

Иккинчи ёндашув тарафдорлари бўлган Ю. Старилов, В. Бойцова, Л. Николаева, А. Соловьева, Е. Васильева, В. Нехайчик, А. Глодина, Н. Хаманева, Ғ. Хакимов, С. Марипова олимлар ўртасида асосий кўпчилиқни ташкил этиб, маъмурий суд иш юритуви деганда судлар томонидан ом-

мавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг ҳал этилишини, яъни фуқаролар ва юридик шахсларнинг давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан берган шикоятларининг кўрилиши ва ҳал этилишини тушунган.

Учинчи ёндашув тарафдорлари бўлган М. Студеникина, Д. Захарова ва А. Зеленцов эса “маъмурий суд иш юритуви” деганда суднинг икки хил фаолиятини, яъни суд томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг ҳал этилишини ҳамда унинг маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришдаги иштирокини тушунган.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда “маъмурий суд иш юритуви”га аниқ тушунча берилмаган. Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекс 3-моддасининг биринчи қисмида у фуқаролар ва юридик шахсларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги маъмурий ишларни кўриб чиқиш ҳамда ҳал этишда маъмурий суд ишларини юритишни амалга ошириш тартибига нисбатан татбиқ этилиши белгиланган. Ушбу Кодекс 3-моддасининг иккинчи қисмида у маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юритишга нисбатан татбиқ этилмаслиги кўрсатиб ўтилган.

Демак, Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексда “маъмурий суд иш юритуви” тушунчаси мазмунини фақат биргина маънода, яъни судлар томонидан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларнинг ҳал этилишини тушунилади.

Маъмурий суд иш юритувига оид юқорида келтирилган барча илмий қарашлар ҳамда қонун ҳужжатларидаги нормаларни ўрганган ҳолда шуни хулоса қилиш мумкинки, *маъмурий суд иш юритуви* – бу

давлат органлари ва ташкилотлари билан муносабатларда қонун устуворлигини, фуқаролар ва юридик шахслар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш мақсадида маъмурий ва бошқа омма-

вий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасида суд ҳокимиятини амалга оширишга қаратилган ҳамда маъмурий процессуал қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган судлов фаолияти тури ҳисобланади.

REFERENCES

1. <https://lex.uz>.
2. Deryujinskiy V. F. Administrativnyye sudy v gosudarstvax Zapadnoy Yevropy. – SPb., 1906. – B. 7.
3. Administrativnoye pravo zarubejnykh stran. / A.N.Kozyrin va M.A.Shtatina umumiy tahriri ostida. – M.: Spark, 2003. B. 189-192, 272, 312-317.
4. G'.T. Hakimov. O'zbekistonda ma'muriy yustisiyani rivojlantirishning muammolari. Monografiya. // T.: TDYUI nashriyoti, 2009. 12-13 betlar.
5. Astanov M. Maripova S. Odin god novomu Kodeksu: dostijeniya, problemy, rassujdeniya // Advokat, 2018. № 5-6. – S. 60-64.
6. Starilov Yu.N. Administrativnaya yustisiya. Teoriya, istoriya, perspektivy. – M., 2001. – S. 54.
7. Boysova V.V. Nujna li nam administrativnaya yustisiya? // Sovetskaya yustisiya, 1993. - №7. – S. 12.
8. Nikolayeva L. A., Solovyeva A. K. Administrativnaya yustisiya i administrativnoye sudoproizvodstvo / L. A. Nikolayeva, A. K. Solovyeva. SPb.: Izdatelstvo R. Aslanova «Yuridicheskiy sentr «Press», 2004. S. 36, 97.
9. Vasilyeva Ye.S., Nexaychik V.K. Konsepsiya administrativnogo sudoproizvodstva v mexanizme administrativno-pravovogo vozdeystviya // Administrativnoye i munitsipalnoye pravo. 2011. № 10. S. 38-39.
10. Glodina A.V. O ponimanii administrativnogo sudoproizvodstva // Vestnik VGU. 2016. № 2. S. 137-144.
11. Xamaneva N.Yu. Administrativnaya yustisiya i administrativno-pravovyye otnosheniya: teoreticheskiye problemy // Trudy instituta gosudarstva i prava Rossiyskoy akademii nauk. 2009. № 1. S. 41-50.
12. Panova I.V. Administrativnomu sudoproizvodstvu v Rossii byt // Administrativnoye pravo na rubeje vekov: mejvuz. sb. nauch. trudov. Yekaterinburg, 2003. S. 182.
13. Baglay M.V. Konstitutionnoye pravo Rossiyskoy Federasii: uchebnik. M., 2011. S. 256.
14. Щерпалов S.V. K voprosu o sovershenstvovanii prosessualnoy formy administrativnogo sudoproizvodstva // Ros. yustisiya. 2014. № 8. S. 30.
15. Studenikina M.S. Prosessualnyye formy osushchestvleniya pravosudiya po administrativnym delam. M.: Gorodes, 2001. S. 177.
16. Zaxarova D.I. Administrativnaya yustisiya i administrativnoye sudoproizvodstvo: voprosy sootnosheniya // Mirovoy sudya. 2011. № 4. S. 7.
17. Zelensov A.B. Administrativno-pravovoy spor: voprosy teorii. M., 2009. S. 507-508.
18. Andreyeva T.K. Administrativnaya yustisiya v Rossii: problemy teorii i praktiki // Ros. sudya. 2012. № 12. S. 9.
19. Andriyanov V.N. Sущnost i prinsipy administrativnogo sudoproizvodstva: uzakonennaya model [Elektronnyy resurs] // Izvestiya IGEA. 2015. № 3.
20. Kanunnikova N.G. Aktualnyye problemy sovershenstvovaniya Kodeksa administrativnogo sudoproizvodstva Rossiyskoy Federasii // Administrativnoye pravo i prosess. 2019. № 9. S. 32-34.

UDC: 343 (042)(575.1)
ORCID: 0000-0002-2073-3733

ОИЛАГА ВА ЁШЛАРГА ҚАРШИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН ЖИНОЯТ ҚОНУНИ НОРМАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИ

Нажимов Миратдийин Шамшетдинович,
Қорақалпоқ давлат университети
“Жиноий-ҳуқуқий ва фуқаролик-ҳуқуқий”
фанлар кафедраси мудири, юридик фанлар номзоди, доцент
e-mail: n.miratdin@karsu.uz

Аннотация. Мақолада оилага ва ёшларга қарши жиноятлар тушунчаси ва моҳияти, ушбу турдаги жиноятлар учун жавобгарлик масалалари, жавобгарлик назарда тутилган ва белгиланган жиноят қонунчилиги нормаларининг ривожланиш тарихи ўрганилган. Шунингдек, вояга етмаган шахсларнинг ҳаёти ва ҳафсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатларни муҳофаза қилиш давлат ва ҳуқуқ ривожининг илк босқичларида ҳуқуқ нормалари акс этган. Жумладан, Авестода, ундан кейин шариат қонунларида, хусусан, ислом динида ҳам жиноят ва жазо масалалари тўлиқ тартибга солинган. Жиноятлар: шахсга қарши; мулкка қарши; оилага қарши; эътиқодга қарши жиноятларга бўлиниб, жиноят субъектлари сифатида одам ҳам ҳайвон ҳам эътироф этилган. Жиноят субъектлари тушунчаси замирида шахснинг бирон-бир динга мансублиги ётган. Бироқ Авестода айнан “оила ёки ёшларга қарши жиноятлар” ҳақида сўз юритилмаган, лекин унинг у ёки бу нормаларида биз ўрганаётган жиноятларнинг баъзилари учун жавобгарлик назарда тутилган. Жиноятчиликка қарши курашнинг илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Маълумки VII асрда юртимизга ислом дини кириб келган ва чоризм босқинига қадар мамлакатимиз ҳудудида шариат ҳуқуқи амал қилган. Шариат ҳуқуқига кўра жиноятга жалб этган шахс иштирокчи ҳисобланган.

Калит сўзлар: оила, ёшлар, жиноят ва жазо, қози, ислом ҳуқуқи, моддий таъминлашдан бўйин товлаш, жавобгарлик, жиноят қилишга ундаш, жиноятга жалб этиш, жисмоний ёки руҳий тазйиқ, ҳаракат, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш, ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш.

ИСТОРИЯ РАЗВИТИЯ НОРМ УГОЛОВНОГО ПРАВА, УСТАНОВЛИВАЮЩИХ ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЗА ПРЕСТУПЛЕНИЯ ПРОТИВ СЕМЬИ И МОЛОДЕЖИ

Нажимов Миратдийин Шамшетдинович,
Заведующий кафедры “Уголовно-правовой и гражданско-правовой дисциплины”
Каракалпакского государственного университета,
кандидат юридических наук, доцент

Аннотация. В статье исследуются понятие и сущность преступлений против семьи и молодежи, вопросы ответственности за данный вид преступлений, история развития норм уголовного права, за которые предусмотрена и установлена ответственность. Защита общественных отношений, обеспечивающих жизнь и безопасность несовершеннолетних также находит свое отражение на ранних этапах развития государства и права. В

частности, в Авесте, а затем и в шариате, особенно в исламе, полностью регулируются вопросы преступления и наказания: против личности; против собственности; против семьи. В основе концепции преступных субъектов лежит принцип свободы человека. Однако в Авесте конкретно не упоминаются «Преступления против семьи или молодежи», но ее нормы частичны. Ответственность за некоторые из преступлений, которые мы изучаем. Корни борьбы с преступностью уходят в древние времена. Известно, что ислам вошел в нашу страну в VII веке, и до нашествия царизма в нашей стране действовали законы шариата.

Ключевые слова: семья, молодёжь, преступление и наказание, судья, исламское право, уклонение от материального обеспечения, ответственность, подстрекательство к совершению преступления, привлечение к совершению преступления, физическое или психическое давление, действие, вступление в половую связь с лицом, не достигшим шестнадцати лет, развратные действия в отношении лица, не достигшего шестнадцати лет.

THE HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF CRIMINAL LAW NORMS ESTABLISHING RESPONSIBILITY FOR CRIMES AGAINST FAMILY AND YOUTH

Najimov Miratdiyin Shamshetdinovich,

Head of the Department of Criminal Law and Civil Law Discipline,
Karakalpak State University, Candidate of Legal Sciences, Associate Professor

Abstract. The article examines the concept and essence of crimes against the family and youth, issues of responsibility for this type of crime, the history of the development of the norms of criminal law for which responsibility is provided and established. The protection of public relations that ensure the life and safety of minors is also reflected in the early stages of the development of state and law. In particular, in the Avesta, and then in the Sharia law, especially in Islam, the issues of crime and punishment are fully regulated. Crimes is divided into such types as against the person; against property; against family; against faith and both humans and animals were recognized as the subjects of the crime. The concept of criminal subjects is based on the principle of human freedom. However, Avesta does not specifically mention "Crimes against family or Youth", but its Norms are partly responsible for some of the Crimes that we study. The roots of the fight against crime go back to very ancient times. It is known that Islam waded in our country in the 7th century, and before the invasion of tsarism, Sharia law was in force in our country. According to Sharia law, a person who is involved in a crime is considered to be the participant of the crime.

Keywords: family, youth, crime and punishment, judge, Islamic law, evasion of material support, responsibility, incitement to commit a crime, involvement in the commission of a crime, physical or mental pressure, action, sexual intercourse with a person under the age of sixteen, dissolute actions against a person under the age of sixteen.

Оилага ва ёшларга қарши қаратилган қилмишлар учун жавобгарлик масаласи оила институти мавжуд бўлганидан бери қизғин баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келади.

Давлат ва ҳуқуқ ривожининг илк босқичларида ҳуқуқ нормалари дастлаб во-яга етмаган шахсларнинг ҳаёти ва хавфсиз-лигини таъминловчи ижтимоий муносабат-ларни муҳофаза қилишга йўналтирилган.

Жумладан, Авестода ҳам жиноят ва жазо масалалари тўлиқ тартибга солин-ган. Жиноятлар: шахсга қарши; мулкка қарши; оилага қарши; эътиқодга қарши жиноятларга бўлиниб, жиноят субъектла-ри сифатида одам ҳам, ҳайвон ҳам эъти-роф этилган. Жиноят субъектлари тушун-часи замирида шахснинг бирон-бир динга мансублиги ётган [1, 129]. Бироқ Авестода айнан "оила ёки ёшларга қарши жиноят-

лар” ҳақида сўз юритилмаган, лекин унинг у ёки бу нормаларида биз ўрганаётган жиноятларнинг баъзилари учун жавобгарлик назарда тутилган.

Жиноятчиликка қарши курашнинг илдизлари жуда қадим замонларга бориб тақалади. Маълумки VII асрда юртимизга ислом дини кириб келган ва чоризм босқинига қадар мамлакатимиз ҳудудида шариат ҳуқуқи амал қилган. Шариат ҳуқуқига кўра жиноятга жалб этган шахс иштирокчи ҳисобланган. Жиноятда иштирокчи сифатида қатнашган шахс эса мусулмон ҳуқуқига кўра «тазир» деб номланувчи жиноят турини содир этганликда айбланган ва бу тоифадаги ишлар қозилар иштирокида кўриб чиқилган. Мазкур жиноят айнан вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилиш бўлмаса-да, унинг бир кўриниши, асоси сифатида баҳоланиши мумкин.

Шариат қонунларида, яъни ислом ҳуқуқида жиноий қилмишлар ҳам бошқа тақиқланган, қораланадиган ва номақбул амаллар “Аллоҳ чегаралари”ни бузиш деб баҳоланган [2, 345]. Ал-Мавардийнинг фикрига кўра, “расмий юридик маънодаги ҳуқуқбузарлик деганда, Аллоҳ тақиқлаган ва жазолайдиган қилмишни содир этиш тушунилади” [3, 219].

Бундан ташқари, муқаддас Ислом динида ҳам оилага алоҳида эътибор қаратилган. Чунки Ислом динида оила таълим ва тарбиянинг биринчи ўчоғи ҳисобланган [4, 348].

Етук давлат арбоби ва лашкарбоши Амир Темир “Темур тузуклари”да, “амир этдимки, ўғри ва қароқчиларни “Ясо” асосида жазоласинлар, фасодчи, бузуқи, нафси ёмон кишиларни мамлакатдан ҳайдасинлар” [5, 96] – деган эди. Айни нормадаги бузуқи, фасодчи кишилар деганда вояга етмаган шахсни жиноятга жалб қилган шахслар ҳам тушунилиши мумкин.

XIV аср илм-фанининг ёрқин намоёндаси ҳисобланган Жалолиддин Девонийнинг “Болалар тарбияси ҳақида” асаридаги

одоб-ахлоқ ва ёшлар тарбиясига бағишланган чуқур фалсафий ғоялари, Кайковуснинг “Қобуснома” асаридаги болаларни ахлоқий тарбиялашга йўналтирилган қарашлари бугунги кунда ҳам ёшларни тўғри йўлга бошлашда, инсоният ва жамиятга нисбатан турли хил қабихликларни амалга оширмасликка ундашда муҳим аҳамият касб этган.

Вояга етмаган шахсни жиноятга жалб этиш бевосита ҳуқуқий норма билан тартибга солиниши XX асрга бориб тақалади. Унга қадар мазкур муносабатлар диний нормалар ёки одат ҳуқуқи билан тартибга солинган.

Оилага ва ёшларга қарши қаратилган қилмишлар учун жиноий жавобгарлик белгиланган қонун ҳужжатларининг ривожланиш тарихини ўрганар эканмиз, асосий эътиборимизни мамлакатимизда жиноят қонунчилиги кодификация қилинган ва таҳлил этилаётган жиноят учун алоҳида жиноят тури сифатида санкция қатъий белгиланган даврларга қаратишни мақсадга мувофиқ, деб топдик.

Маълумки, мамлакатимизда XX асрнинг 20-йилларига қадар шариат қоидалари ҳуқуқнинг асосий манбаи сифатида амал қилган. Чор Россияси истилосидан кейин, давлатимиз ҳудудида Чор Россиясига қарам бўлган Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги сақланиб қолинди, Қўқон хонлиги эса, тугатилиб, Туркистон ҳарбий округи сифатида Чор Россияси таркибига расман қўшиб юборилди. 1917 йилги Октябрь тўнтаришидан кейин эса, 1920 йилда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги тугатилиб, Бухоро [6, 45] ва Хоразм ХССРлари [7, 30] ташкил этилди. Туркистон ҳарбий округи [8, 16] эса, Туркистон АССР сифатида РСФСР таркибига киритилди.

1959 йил 21 майда Ўзбекистон ССРнинг янги ЖК қабул қилинди ва ушбу кодекс [9, 84] 1960 йил 1 январдан кучга кирди.

1959 йилги Ўзбекистон ССР Жиноят қонунида ҳам мазкур турдаги қилмишлар

учун жавобгарлик белгиланганлигини кузатиш мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон ССРнинг ЖК 95-моддаси жинсий жиҳатдан етилмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш, шунингдек жинсий жиҳатдан етилмаган шахс билан унинг ахлоқини бузиб ёки бузуқ формаларда жинсий алоқа қилиш;

96-моддаси (ёш болаларни бузиш)да ёш болаларни, уларга нисбатан уятсиз ҳаракатларда бўлиб, бузиш;

98-моддаси (никоҳ ёшига етмаган шахсни эрга бериш ва бундай шахс билан никоҳда бўлиш)да никоҳ ёшига етмаган шахс билан никоҳда бўлиш; жинсий жиҳатдан етилмаган шахс билан никоҳда бўлиш; никоҳ ёшига етмаганларни ота-оналар ёки бошқа шахслар томонидан эрга бериш;

99-моддаси (икки хотинли ёки кўп хотинли бўлиш)да икки хотинли ёки кўп хотинли бўлиш, яъни умумий бир рўзғор асосида икки ёки бир неча хотин билан эр-хотин бўлиб туриш;

104-моддаси (нафақа тўлашдан ёки болаларини боқишдан қасддан бош тортиш)да болаларини боқиш учун суд томонидан белгиланган нафақани (алимент) тўлашдан қасддан бош тортиш, шунингдек ота-оналарнинг ўз тарбиясидаги вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз бўлган болаларини боқишдан қасддан бош тортишлари;

105-моддаси (васийлик ҳуқуқларини суистеъмол қилиш)да васийлик, тарбия назорати ёки ҳомийлик (патронат)дан ғараз мақсадда васийликдаги боланинг зарарига фойдаланиш ёки васийликда бўлган болаларни назоратсиз ҳамда тегишли моддий ёрдамсиз қолдириш;

106-моддаси (ота-онага ёки эр-хотиннинг бир-бирига моддий ёрдам беришдан бош тортиши)да меҳнатга лаёқатсиз ота-онага ёки эр-хотиннинг бир-бирига суд томонидан белгиланган моддий ёрдамни беришдан бош тортиш;

107-моддаси (бировнинг боласини ўғирлаш ёки алмаштириш)да бировнинг

боласини ғараз мақсадда, ўч олиш мақсадида ёки бошқа шахсий ниятда ўғирлаш ёхуд алмаштириш каби қилмишлар мазкур диссертация доирасида таҳлил этилаётган оилага ва ёшларга қарши жиноятларга мос келади [10, 91].

1991 йилда мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг, янги давлат тузуми, янги ижтимоий-иқтисодий тузум ва бозор муносабатларига асосланган Ўзбекистон Республикасида янги Жиноят кодекси қабул қилиш зарурати юзага келди. Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб ислохотлар натижасида ижтимоий муносабатларни янада ривожлантириш, демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш, умуминсоний қадриятларни ҳимоя қилишнинг кафолатларини кучайтириш учун шароит яратила бошлади. Шу мақсадда 1994 йилда Ўзбекистон Республикасининг инсонпарварлик ғояси билан йўғрилган Жиноят кодекси қабул қилинди [11].

Ушбу кодексда оилага ва ёшларга қарши жиноятлар сифатида вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни ёхуд ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш, болани алмаштириб қўйиш ва фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш, кўп хотинли бўлиш, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш, ўн олти ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш, ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш каби қилмишлар белгиланган.

Вояга етмаган шахсни жиноятга жалб этиш бевосита ҳуқуқий норма билан тартибга солиниши XX асрга бориб тақалади. Унга қадар мазкур муносабатлар диний нормалар ёки одат ҳуқуқи билан тартибга солинган.

Жумладан, 1917 йилдан то 1991 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу босқич вояга етмаганларнинг жиноят қилишга жалб этиш жиноятининг кодифи-

кациялашганлиги, яъни жиноий-ҳуқуқий нормалар ва Олий Суд пленуми Қарорлари билан муҳофаза этилганликлари билан изоҳланади.

1920 йилда қабул қилинган “Ижтимоий хавфли хатти-ҳаракатларда айбланаётган вояга етмаганлар ишлари тўғрисида”ги Декрет ва Вояга етмаганлар комиссиясининг Йўриқномаси вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Хусусан Декретнинг 5-моддасига мувофиқ вояга етмаган шахс ишида катта кишининг иштироки аниқланса, комиссия жиноий иштирокчилик белгилари тўғрисида тегишли суд ёки тергов органига хабар бериши лозим [12, 18].

Йўриқноманинг 14-моддаси 1-қисмига асосан судга бола манфаатлари йўлида ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ҳуқуқи берилган эди. Бироқ бу иккала ҳужжатда жиноят таркибининг алоҳида белгилари кўрсатилмаган бўлиб, бу камчилик келгусида РСФСР Жиноят кодекси қабул қилиниши билан бартараф этилган.

1922 йилда қабул қилинган РСФСР Жиноят кодексининг 5-моддасида мазкур қонуннинг вазифаси сифатида меҳнаткашларни жиноят ва ижтимоий хавфли таркибий қисмлардан муҳофаза қилиш белгиланган бўлиб, бундай муҳофаза жазо ва бошқа ижтимоий ҳимоя чораларини қўллаш орқали амалга оширилиши белгиланган.

1926 йилда қабул қилинган Жиноят кодекси ҳам вояга етмаганларнинг жиноий тажовузлардан ҳимоялаш масаласида олдинги кодексда назарда тутилган муҳофазалар келтирилган эди. Ягона қўшимча мазкур кодекснинг 158-моддаси 2-қисмида ота-она томонидан вояга етмаган шахсни таъминотсиз қолдириш, шунингдек тиланчилик билан шуғулланишга мажбур этиш учун жавобгарлик белгиланди.

Вояга етмаган шахсларнинг нормал ривожланишини таъминлаш мақсадида 1935 йилда 158¹-модда киритилиб, унда қишлоқ Кенгашлари томонидан тайинланган васийлар ва ҳомийларнинг вояга етмаган етим болаларнинг дайдиликка кириб кетганлиги учун жавобгарлик масаласи назарда тутилди.

1935 йил 7 апрелда СССР Марказий ижроия Кўмитасининг “Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик билан кураш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида” Қарор қабул қилиниб, унга кўра болаларни турли жиноятларда иштирок этишга ундаган шахслар, шунингдек тиланчилик, чайқовчилик ва шу каби бошқа уларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатадиган машғулотлар билан шуғулланишга мажбур этганлик учун 5 йилгача қамоқ билан жазоланиши белгиланган [13, 27].

Айни шу қоида кейинчалик РСФСР Жиноят кодексига киритилиб, унинг 73-моддаси 2-қисмида вояга етмаган шахсни турли жиноятларга жалб этганлик учун жавобгарлик белгиланди.

Вояга етмаган шахсни жиноятга жалб этганлик учун жавобгарликни белгиловчи бу қоидаларга 1959 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг нормалари дорасида кўплаб ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур Кодекснинг 218-моддаси “Вояга етмаган шахсни жиноий фаолиятга жалб этиш” деб номланди. Мазкур ҳуқуқий нормада илк бора ундаш, даъват этиш, қизиқтириш каби атамалар эмас, балки бевосита жалб этиш атамаси қўлланилди. Ушбу норманинг номи жиноий фаолиятга жалб этиш деб ифодаланган бўлса-да, модда диспозициясида вояга етмаган шахсни жиноий фаолиятга ёки жиноят қилишга, шунингдек, тиланчилик, ичкиликбозлик, қимор ўйинларига жалб қилиш, уларда гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишга мойиллик туғдириш ҳамда текинхўрлик билан яшаш мақсадида уларни

сақлаб қолиш учун улардан фойдаланиш учун жавобгарликлар белгиланган эди. Бу эса кўриб турганингиздек, гипотеза ва санкциянинг ўзаро номутаносиблигини намоён этмоқда. Яъни маълумки, ичкиликбозлик, тиламчилик каби иллатлар ғайриижтимоий хатти-ҳаракат ҳисобланиб, жиноий фаолият туркумига кирмайдди. Шундай экан модда номига мувофиқ ушбу ҳуқуқ нормасининг нотўғри тушунилишининг ва талқин қилинишининг олдини олиш мақсадида бу ғайриижтимоий ҳаракатларни алоҳида норма таркибида ифодаланишини давр тақозо қилди.

Шу муносабат билан 1972 йилнинг 27 июлида ва 1974 йилнинг 27 сентябрида Ўзбекистон ССР Олий Кенгаши томонидан мазкур норма таркибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унга кўра Жиноят кодекси янги 218¹-модда билан тўлдирилди ҳамда вояга етмаган шахсни ичкиликбозликка жалб этиш алоҳида моддада ифодаланди. Мазкур модда доирасида оғирлаштирувчи ҳолатлар ҳам белгиланган бўлиб, унга кўра агар вояга етмаган шахс ота-онаси, хизмат жиҳатдан қарам бўлган шахс ёки мунтазам равишда бошқа шахслар томонидан ичкиликбозликка жалб этилса оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳоланиши лозимлиги қайд этилди. Шу билан бирга, мазкур ҳуқуқ нормаси матнидаги вояга етмаган шахсда гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишга мойиллик туғдириш учун жавобгарликни назарда тутувчи қисм чиқариб ташланди [14].

Жиноят кодексининг 218-моддасининг қолган қисми эски таҳрирда ифодаланди. Яъни биринчи қисмда вояга етмаган шахсни жиноий фаолиятга жалб этганлик ҳамда жиноят қилишга ундаш учун жавобгарлик назарда тутилган бўлса, иккинчи қисмда вояга етмаган шахсни тиламчилик, қимор ўйинлари, фоҳишалик билан шуғулланишга жалб этиш ҳамда текинхўрлик билан яшашда болалардан фойдаланиш

учун жавобгарлик масаласи ўз ифодасини топди. Юқорида қайд этилганидек иккинчи қисмда кўрсатилган ҳаракатлар жиноят таркибини ташкил этмайди ва шу боис алоҳида моддада берилиши лозим эди.

Ўзбекистон СССР Олий Кенгаши Президиумининг 1987 йил 7 августдаги Қарорига мувофиқ киритилган ўзгартиришларга биноан 218¹-моддага қўшимча ўзгартиришлар киритилди ҳамда Жиноят кодекси янги 218²-модда билан тўлдирилди. 218¹-модда икки қисмда ифодаланиб, биринчи қисмида хизмат жиҳатдан тобе бўлган вояга етмаган шахсни мастлик ҳолатига олиб борганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Иккинчи қисмда эса вояга етмаган шахс ота-онаси, хизмат жиҳатдан қарам бўлган шахс ёки бошқа шахслар томонидан ичкиликбозликка жалб этилиши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида киритилди.

218²-моддада вояга етмаган шахсни гиёҳванд бўлмаган, шахсни гангитиб қўядиган дори воситаларини нотиббий мақсадларда ичишга жалб этилганлик учун жавобгарлик масаласи кўзда тутилди.

Вояга етмаган шахсни жиноий фаолиятга жалб этиш деб номланган 218-модда эса эски таҳрирда берилди.

Шуни қайд этиш лозимки, “жиноятга жалб қилиш” тушунчасига Олий суд Пленуми Қарорларида ҳам тушунтириш берилмаган. Бу эса олдинги суд Пленумларининг матнига мурожаат этишимизни ва уларни қиёсан ўрганишни тақозо этди.

1976 йилдан 1987 йилгача вояга етмаганни жиноят содир қилиш тушунчасига уч хил изоҳ берилган. Жумладан, СССР Олий суди Пленумининг 1969 йил 12 сентябрдаги 8 сон Қарорида кўрсатилишича, вояга етмаган шахсни жиноий фаолиятга жалб этиш деганда, уни жиноят содир этишга тайёрлаш, ундаш ёхуд жиноятга бажарувчи ёки ёрдамчи сифатида жалб этиш тушунилади.

СССР Олий суди Пленумининг 1976 йил 3 декабрдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳамда уларнинг жиноий ва бошқа ғайриижтимоий фаолиятга жалб қилиниши ҳақидаги ишлар бўйича қонунларнинг қўлланилишига доир суд амалиёти тўғрисида”ги 16-сон қарорида эса вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб этиш деганда катталарнинг жисмоний ёки руҳий тазйиқ воситасида вояга етмаган шахсда жиноят содир этишга истак туғдиришга қаратилган ҳаракатлари тушунилиши лозимлиги қайд этилган.

Ўзбекистон ССР Олий суди Пленумининг 1987 йил 28 августдаги “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишларни кўриб чиқиш вақтида Республика судлари томонидан қонун ҳужжатларининг, СССР Олий суди Пленуми ва Ўзбекистон ССР Олий суди Пленуми раҳбарий тушунтиришларининг бажарилиши тўғрисида”-ги 3-сонли қарорида вояга етмаган шахсни жиноят содир этишга жалб этиш деганда катталарнинг жисмоний ёки руҳий тазйиқ воситасида вояга етмаган шахсда жиноят содир этишга истак туғдиришга қаратилган ҳаракатлари ҳамда уларнинг жиноят содир этиш тўғрисидаги таклифлари тушунилиши лозимлиги [15] қайд этилган.

Кўриниб турибдики, Пленум ёндашуви кескин равишда ўзгариб турган. Бу бир томондан илгари мавжуд қонунчилик мазмуни, иккинчи томондан жиноий-ҳуқуқий сиёсатдаги ўзгаришлар билан изоҳланади.

Вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этганлик учун жавобгарлик масаласи ривожланишининг учинчи босқичи 1994 йилдан бугунги кунга қадар босқични қамраб олади. Вояга етмаганлар ҳуқуқлари бош қомусимиз Конституция билан алоҳида муҳофазага олинган. Зеро Конституциянинг 45-моддасида “Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир”, деб белгиланган. Умуман олганда, бу даврда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий

актларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: а) вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга, улар эркинлигининг кафолатларига қаратилган ҳужжатлар; б) вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этганлик учун жавобгарликни белгиловчи жиноий-ҳуқуқий тақиқлар, яъни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва унга берилган “Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” Олий Суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 21-сон Қарори.

Мустақилликка эришган илк кунларданоқ ёшлар равнақиға, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Шу мақсадда, “Болалар ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”, “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликнинг профилактикаси тўғрисида”, “Ёшлар муҳофазаси тўғрисида”ги Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида”ги 360-сонли ва бошқа қатор қарорларининг қабул қилинганлиги бунинг яққол исботидир. Санаб ўтилган мазкур норматив ҳуқуқий актларнинг барчаси юқорида келтирилган вояга етмаганлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга, улар эркинлигининг кафолатларига қаратилган ҳужжатлар гуруҳини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддаси биринчи қисмининг санкцияси 2008 йил 16 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Вояга етмаган шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшим-

чалар киритиш ҳақидаги Қонуни асосида баён этилган.

“Вояга етмаганларнинг жиноятлари ҳақидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида” Олий суд Пленумининг 2000 йил 15 сентябрдаги 21-сон Қарорида фақат бир банд вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш масаласида бўлиб, унга кўра вояга етмаганларнинг катта ёшдагилар иштирокида содир этган жиноятлари ҳақидаги иш кўриб чиқиладиганда, катта ёшдаги шахс ва ўсмир ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятини синчиклаб аниқлаш лозим, чунки ана шу маълумотлар катта кишининг вояга етмагани жиноят ёки ғайриижтимоий ҳаракат содир этишга жалб қилишдаги ролини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Мазкур Қарорнинг 7 бандида судларга 18 ёшга тўлган ва жиноятни қасддан содир этган шахсларгина вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилгани учун жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин эканлиги тушунтирилсин деб кўрсатилган. Шунингдек, катта ёшдаги киши ўз ҳаракатлари билан вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилаётганини билгани ҳолда ёки шундай фикрга йўл қўйганини ҳам

аниқлаш лозим. Агарда катта ёшдаги киши шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилса-ю, унинг вояга етмаганлигини билмаса ёки билиши мумкин бўлмаса, бу ҳолда ЖКнинг 127-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиш мумкин эмаслиги баён этилган. Айни нормада вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этиш деб тўғридан тўғри кўрсатиб ўтилмаган бўлса-да, 127-модда номи вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш деб номланишидан ҳамда ҳуқуқий норма аналогиясидан келиб чиқиб мазкур тушунтиришларни вояга етмаган шахсни жиноят қилишга жалб этишга нисбатан ҳам татбиқ этиш мумкин.

Хулоса сифатида шуни қайд этиш лозимки, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга ва жиноятга жалб қилишни назарда тутган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 127-моддасини назарий ва амалий жиҳатларига кўра такомиллаштириш талаб этилади. Жумладан, вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб этиш ва жиноятга жалб этиш масалаларининг ижтимоий хавфлилиги бир моддада баён қилиниши натижасида бу қилмишларнинг ижтимоий хавфлилигини инобатга ола олмаган.

REFERENCES

1. Boboyev H., Do'stjonov T., Hasanov S. "Avesto" - Sharq xalqlarining bebaho yodgorligi. -Toshkent: TMI, 2004. -B. 129.
2. Raxmonov A., Raxmonov A. Islom huquqi. - Toshkent: TDYUI, 2007. – B. 345.
3. Ibn al-Hasan ibn Muhammad ibn Habib al-Basriy al-Mavardiy. Al-ahkom as-sultoniya va-l-viloyat ad-diniya. -Qohira, 1973. (arab tilida). -B 219.
4. Abu Abdulloh ibn Ismoil Al-Buxoriy. Hadis.VI-son. AL-JOMI' AS-SAHIX, – Toshkent: Qomuslar Bosh tahririyati, 1992. – B. 348.
5. Temur tuzuklari. T.: G'afur G'ulom nomidagi Adabiyot va san'at nashriyoti.1991 y.- B.96
6. Shodiyev J.M. Buxoro amirligining tashkil topishi va davlat tuzumi. Yurid. fan. nomz. ilm. dar. olish uchun yozil. diss... – Toshkent: TDYUI, 2008. – B. 45.

7. Xidirov Z.M. Xorazmshohlar davlatining tashkil topishi, davlat va huquq tizimi. Yurid. fan. nomz. ilm. dar. olish uchun yozil. diss... -Toshkent: TDYUI, 2010. -B. 30.
8. Ahmedova M.T. Qo'qon xonligining tashkil topishi, davlat tizimi va huquq manbalari. Yurid. fan. nomz. ilm. dar. olish uchun yozil. diss... -Toshkent: TDYUI, 2008. -B. 16.
9. O'zbekiston SSRning Jinoyat kodeksi. -Toshkent: O'zbekiston, 1977. -B.84.
10. O'zbekiston SSRning Jinoyat kodeksi. -Toshkent: O'zbekiston, 1977. -B.88- 91.
11. O'zbekiston Respublikasining Jinoyat kodeksi.// O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi, 1995 y., 1-son.
12. Sbornik normativnykh aktov SSSR., 1920 g. S.18.
13. Normativno-pravovyye akty SIK SSSR. Moskva, 1935 g.- s.27.
14. Vedomosti Verxovnogo Soveta UzSSR, 1972 g., №21,; 1974 g., № 27
15. Byulleten Verxovnogo Suda UzSSR, 1987, №7, s.8.

UDC: 343.14

ORCID: 0000-0002-3089-3458

ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН ПО РЕАЛИЗАЦИИ ТРЕБОВАНИЙ ДОПУСТИМОСТИ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ ПРИ ПРОИЗВОДСТВЕ ПО УГОЛОВНЫМ ДЕЛАМ

Ниязов Максуд Кадамович,
заведующий кафедрой «Уголовно-правовые дисциплины»
Специализированного филиала
Ташкентского государственного юридического университета,
e-mail: maksinizam@gmail.com

Аннотация. В данной статье приведены общие черты законодательства стран общего права (Великобритании и США), а также стран континентального права в регламентации вопроса допустимости доказательств, указано определение допустимости доказательств, их свойств, а также подробно описаны категории недопустимых доказательств с одновременным сравнением с требованиями законодательства Республики Узбекистан. Осуществлен анализ критериев недопустимости доказательств указанных стран, а также проведен сравнительный анализ аспектов недопустимости доказательств с раскрытием их значений, интерпретацией особенностей их применения в названных государствах, с одновременным сопоставлением с критериями недопустимости доказательств в национальном законодательстве, в том числе с недавно введенными в уголовно-процессуальное законодательство новшествами. Кроме того, в статье приводятся положительные и негативные аспекты в сфере допустимости доказательств каждой системы права, мнения правоведов касательно данного вопроса. В статье обосновано наличие объективной и логической связи между установлением высоких требований для допуска доказательств и достижением истины по уголовному делу, которая охарактеризована как обратно пропорциональная. В заключении статьи сформулировано авторское понимание значения допустимости доказательств с формулированием взаимосвязи данной системы с целями уголовного процесса и реализацией прав участников уголовно-процессуальных отношений.

Ключевые слова: страны общего права, англосаксонская система доказывания, допустимость доказательств, правила исключений, вес доказательства, относимость доказательств, установление истины.

ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРНИНГ ДАЛИЛЛАР МАҚБУЛЛИГИ ТАЛАБЛАРИНИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ТАЖРИБАСИ

Ниязов Максуд Кадамович,
Тошкент давлат юридик университетининг
Ихтисослаштирилган филиали
“Жиноят-ҳуқуқий фанлар” кафедраси мудири

Аннотация. Мазкур мақолада умумий ҳуқуқ давлатлари (Буюк Британия ва АҚШ) қонунчилиги ҳамда континентал ҳуқуқ тизими давлатларнинг далиллар мақбуллиги масаласи ёритилишининг умумий белгилари келтирилиб, далиллар мақбуллиги таърифи, уларнинг хусусиятлари, номақбул далилларнинг тоифалари батафсил ёритилган ва бир вақтнинг

Ўзида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан қиёсланган. Шунингдек, бу давлатларда далиллар номақбуллигининг мезонлари таҳлил қилинган, уларнинг моҳияти очиб берилган ва мазкур давлатларда қўллашга оид хусусиятлар талқин қилинган. Ушбу давлатларнинг далиллар номақбуллиги жиҳатлари қиёсий таҳлил қилинган ва миллий қонунчилигининг далиллар номақбуллиги жиҳатлари жиноят-процессуал қонунчилигига яқинда киритилган қонуний янгиликлар билан таққосланган. Бундан ташқари, мазкур мақолада ҳар бир ҳуқуқий тизимнинг далиллар мақбуллиги соҳасидаги ижобий ва салбий томонлари, ҳуқуқшуносларнинг мазкур масала юзасидан фикрлари келтирилган. Мақолада далилларнинг фойдаланишга рухсат берилиши учун юқори талабларни белгилаш билан жиноят иши бўйича ҳақиқатга эришиш ўртасида объектив ва мантиқий боғлиқлик борлиги қайта пропорционал деб таърифланган. Мақола якунида далиллар мақбуллиги аҳамиятининг муаллифлик тушунчаси берилиб, тизимнинг далиллар мақбуллиги хусусиятларини жиноят процесси мақсади ва жиноий-процессуал муносабатлари иштирокчиларининг ҳуқуқлари амалга оширилишининг ўзаро боғлиқлиги таърифлаб берилган.

Калит сўзлар: умумий ҳуқуқ давлатлари, исбот қилишнинг англо-саксон тизими, далиллар мақбуллиги, истиснолар қоидалари, далилларнинг аҳамияти, далилларнинг ишга алоқадорлиги, ҳақиқатни аниқлаш.

THE EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN THE IMPLEMENTATION OF THE REQUIREMENTS FOR THE ADMISSIBILITY OF EVIDENCE IN CRIMINAL PROCEEDINGS

Niyazov Maksud Kadamovich,

Head of Criminal Law Departament of Specialized Branch
of Tashkent state university of law

Abstract. This article provides general features of the legislation of common law countries (Great Britain and the United States) as well as civil law countries, in regulating the issue of admissibility of evidence, specifies the definition of admissibility of evidence, their properties, and also describes in detail the categories of inadmissible evidence with a simultaneous comparison with the requirements of the legislation of the Republic of Uzbekistan. Besides, an analysis of the criteria for the inadmissibility of evidence of these countries was carried out, as well as a comparative analysis of the aspects of the inadmissibility of evidence with the disclosure of values, interpretation of the features of applying in the named government, with a simultaneous comparison of the criteria for the inadmissibility of evidence of national legislation, including those recent innovations established to criminal procedure legislation. Moreover, the article provides the positive and negative aspects in the field of admissibility of evidence of each system of law, legal scholars' points of view regarding this issue. The article substantiates the existence of an objective and logical connection between the establishment of high requirements for the admission of evidence and the achievement of the truth in a criminal case, which is characterized as inversely proportional. In the conclusion of the article, the author's understanding of the meaning of the admissibility of evidence is formulated, with the formulation of the relationship of the system with the goals of the criminal process and the implementation of the rights of participants.

Keywords: countries of common law, the Anglo-Saxon system of proving, admissibility of evidence, rules of exclusion, weight of evidence, relevance of evidence, establishing truth.

Введение

Вопрос допустимости доказательств в последнее время набирает особую актуальность как в мире, так и в нашей стране, в связи с чем национальное уголовно-про-

цессуальное законодательство дополняется различными нормами, касающимися требований к доказательствам. В частности, внесен ряд изменений в соответствующие статьи УПК Республики Узбекистан,

соответствующих законов. Необходимо отметить, что чрезмерное и гипертрофированное восприятие и расширение в законодательстве требований данного института неминуемо приведет к уменьшению значимости истины как цели уголовного производства и будет вытеснять из содержания уголовно-процессуальной деятельности задачи уголовно-процессуального законодательства, определенные в ст. 2 УПК Республики Узбекистан.

Для осознания и определения уровня развитости требований о допустимости доказательств необходимо осуществить сравнительное сопоставление с требованиями к допустимости доказательств других стран, в том числе с иной правовой системой, нежели имеющейся на постсоветском пространстве.

В начале необходимо обратить внимание на место оценки доказательств и в частности вопроса допустимости доказательств в структуре доказывания, нацеленности процесса доказывания.

Как было указано выше, следует разграничить 2 правовые системы: континентального права, названная так в противовес «островным» (то есть английским) правовым установлениям, именуются романо-германской правовой семьей, к истокам которой относится и наше национальное законодательство, а также англосаксонскую систему права, имеющую ряд отличительных признаков. Исходя из относимости правовой системы какого-либо государства к одной из вышеуказанных систем права, можно выявить существенные черты, свойственные именно данной системе.

Совокупность государств, имеющих общие правовые установления, основанные на прецеденте и обычном праве, именуются странами общего права или англосаксонского права. С позиции обывателя можно полагать о том, что к этим странам относится довольно-таки ограниченное

количество имеющих историческую взаимосвязь государств. Однако в зарубежных источниках приводится более широкий перечень государств, относящихся в англосаксонской системе права, и, помимо Великобритании, сюда причисляют Индию, США, Канаду, Ирландию, Австралию, Новую Зеландию, Пакистан, Бангладеш, Нигерию, Гану, Бирму, Малайзию, ЮАР, Ямайку, Кипр, Тринидад и Тобаго, Барбадос, Зимбабве, Камерун, Намибию, Ботсвану, Гайану и Израиль [1, с. 9].

Материалы и методы

При написании данной статьи использовались такие методы, как исторический с обращением к истокам процессуальных норм в прошлом, системный подход, связанный с обоснованием взаимосвязей правовых норм и другими составляющими общественного развития, сравнительно-логический, выражающийся в сравнении правовых положений различных стран касательно одного и того же события, а также путем анализа осуществлено мысленное разделение компонентов одного понятия.

Результаты исследования

В англоязычных странах для допустимости применяется термин *admissibility*. Оксфордский словарь права, с точки зрения правовой системы Великобритании, формулирует данное свойство доказательств следующим образом: «... допустимость – это принципы, определяющие возможно или нет принятие определенного доказательства судом. Центральным принципом допустимости является существенность. Все несущественные доказательства являются недопустимыми, но общественное доказательство может также быть недопустимым, если оно было получено с нарушением исключаящих правил о доказательствах» [2, с. 13]. В связи с чем можно считать, что в данном случае имеет место сопряженность таких свойств доказательства, как его значимость, относи-

мость и допустимость, и их консолидацию в одно понятие, в котором относимость является предопределяющим и имеет более значимую роль. При этом ключевым свойством доказательства помимо относимости признается его достоверность. Относимость является еще и содержательной допустимостью, т. е., исходя из содержания доказательства, его способности доказывать обстоятельства данного уголовного дела, ему предоставляется доступ к участию в деле.

В этой связи утверждение судьи Кромптона: «Каким бы образом вы доказательство ни получили, – даже, если вы его украли, – доказательство будет признано допустимым» [3, с. 26-27], характеризует соотношение и приоритет в свойствах и оценке доказательств.

Л.Е. Владимиров приводит такое разграничение понятий силы и допустимости доказательств: «... о допустимости доказательств судит судья, о силе допущенных доказательств – присяжные заседатели» [4, с. 114].

По утверждению исследователей, многие английские правила допустимости являются «неписанными», исходящими из частных прецедентов, хотя и существует Закон о доказательствах 1853 года и Закон о доказательствах в уголовном процессе 1898 года.

Особенность английской модели определения допустимости доказательств заключается в том, что:

1. Они определяется казуально, посредством индивидуальных случаев недопустимости, связанных с прецедентами как источником права.

2. В законодательстве отдельно оговариваются особые случаи признания доказательств недопустимыми.

3. Большой объем судебных усмотрений.

4. Допустимость связана с инструкциями правоохранительных органов, осуществляющих сбор доказательств.

В частности, согласно установленным правилам, вопросы о допустимости должны решаться сторонами в присутствии судьи без присяжных заседателей. «Судья имеет усмотрительные полномочия исключать допустимые доказательства, если они были получены с нарушением справедливости» [5, с. 56]. В Англии правила допустимости доказательств традиционно рассматривались как руководство для беспристрастного судьи в деле, определения тех пределов самостоятельности сторон, в рамках которых они могут состязаться в суде, чтобы состязание оставалось честным и справедливым, и чтобы присяжные заседатели могли решить дело, основываясь на доказательствах, относимых к делу, достоверность которых не вызывает сомнений. Лишь с середины XX века законы и судебные решения о допустимости стали рассматриваться, прежде всего, как гарантии прав обвиняемого от различного рода нарушений процедуры, влекущих несправедливость по отношению к защите [6, с. 84].

В английской традиции, помимо допустимости (включающей относимость) и достоверности доказательства, учитывается также вес доказательства. Весом доказательств определяется их убедительность. Существует множество фактов, способных влиять на вес доказательств (возраст свидетеля, его безответственное поведение, близость во времени происшедших событий). Вес доказательств способен оказать влияние на их допустимость. Например, может быть признано недопустимым доказательство, обладающее очень малым весом [7, с. 96].

В настоящее время законодательство Республики Узбекистан не знакомо с таким качеством доказательства, как его вес или убедительность, и оценка доказательств не предусматривает такого критерия, которая кажется архаичным наследием англосаксонской системы права. Такая

установка критерия не считается с субъективной индивидуальностью источника доказательства, его персональными возможностями и способностями, особенно конкретным случаем. Однако необходимо иметь в виду, что вес доказательства использовался в национальном судопроизводстве вначале при шариатских судах (например, показания мужчины и женщины по одному и тому же факту не имели равную доказательственную силу), а также на заре становления российской уголовно-процессуальной системы права (целые, дробные показатели доказательств, когда определенным видам и источникам доказательств заранее присваивались их значения для дела). В настоящее время в ст. 187 УПК содержится норма о том, что заключение эксперта не имеет заранее установленной доказательственной силы, что означает необходимость комплексного подхода для оценки доказательств.

По мнению Верещагиной М.А., в английском доказательственном праве, помимо неотносимых доказательств, можно выделить следующие категории недопустимых доказательств [8, с. 37]:

- доказательства сходных фактов;
- показания «по слуху» (hearsay или second hand evidence);
- доказательства, на которые распространяются привилегии;
- доказательства характера;
- предубеждения.

Под доказательством сходных фактов следует понимать доказательство по аналогии, когда посредством доказывания одного факта осуществляется попытка сформулировать вывод по-другому, имеющему отношение для дела, событию. Аналогичного требования национальное законодательство не содержит, и это связано с тем, что у нас доказывание нацелено на установление обстоятельств, входящих в предмет доказывания. Все, что не входит в предмет доказывания, не будет соответ-

ствовать другому критерию доказательства, а именно, не будет являться относимым доказательством и подлежит исключению.

Исключение доказательств, основанных на показаниях «по слуху», имеет отражение и в национальном законодательстве. В частности, п. 5 ч. 1 ст. 951 УПК Республики Узбекистан определяет, что фактические данные признаются недопустимыми, в том числе при их получении от неизвестного источника либо от источника, который не может быть установлен в процессе производства. В подпункте «е» пункта 9 Постановления Пленума Верховного суда № 24 от 24 августа 2018 года указано, что «... доказательство признается недопустимым, в случае, ... если показания потерпевшего, свидетеля, основаны на догадке, предположении, слухе...».

Аналогично институту свидетельских привилегий в английском законодательстве в национальном уголовно-процессуальном праве имеются отдельные нормы, освобождающие лиц от дачи показаний, так и содержащие запреты на использование показаний отдельной категории лиц. В частности, в п. 5 ч. 2 ст. 88 УПК установлено требование о недопущении допроса лица в качестве свидетеля при наличии оснований для его выдвижения в отношении него подозрения либо предъявления ему обвинения. Кроме того, в ст. 115 УПК определены категории лиц, не подлежащие допросу в качестве свидетеля и потерпевшего, а в ст. 116 УПК определены категории лиц, которые могут быть допрошены лишь с их согласия.

Под предубеждениями автор понимает заранее сформированное мнение относительно расследуемого события, либо заинтересованность, что по национальному законодательству является основанием для отвода. Однако действующие нормы уголовно-процессуального законодательства не содержат положений, определяющих

выбраковывание доказательств, полученных лицом, подлежащим отводу.

Аналогии доказательства характера как категории недопустимости доказательств, указанных в английском законодательстве, в национальном законодательстве нет.

Кроме того, в соответствии с Законом о полиции и уголовных доказательствах 1984 года, установившим порядок получения доказательств, суд, оценив обстоятельства получения доказательства, вправе отклонить их, если «допуск способен привести к отрицательным последствиям для правосудия», но не обязан это сделать автоматически [9, с. 84-85]. Данное обстоятельство предполагает предварительное обсуждение полученных доказательств и принятие по нему отдельного решения.

Согласно Закону Республики Узбекистан «О внесении изменений и дополнений в Уголовный и Уголовно-процессуальный кодекс Республики Узбекистан» от 18 февраля 2021 года № ЗРУ-675 УПК был дополнен Главой 491, в которой предусмотрено введение нового института – предварительные слушания по уголовному делу. На предварительном слушании судом, в числе других вопросов, по ходатайству одной из сторон, также обсуждается вопрос исключения из дела недопустимых доказательств.

Если перейти к изучению требований допустимости доказательств в американском законодательстве, необходимо учесть, что в словаре *West's encyclopedia of American Law* указывается: «... доказательство допустимо, если оно имеет такие свойства, которые вынуждают суд принять его к вниманию в процессе, и оно может быть оценено судом или коллегией присяжных» [10, с. 119]. В данном определении упор сделан на исследование доказательств судом, а также его относимость к делу, значимость, а также широкое вовлечение участников процесса в доказывание.

В Федеральных правилах США о доказательствах термину «допустимость» не дано какого-либо пояснения, хотя в структуре правил имеется раздел 1, который содержит разъяснения других необходимых понятий [10]. Согласно Федеральным правилам о доказательствах, любое относимое доказательство допустимо, если иное не предусмотрено Конституцией США, актом Конгресса, правилами или иными нормами, предписанными Верховным судом в соответствии с его полномочиями, указанными в законе; неотносимое доказательство не допускается (правило 402). Правило 403 гласит: «Возможно исключение относимого доказательства, если его доказательственная ценность значительно перевешивается опасностью несправедливого предубеждения, путаницы в вопросах или введения в заблуждение присяжных либо соображениями неоправданной задержки, пустой траты времени или ненужным представлением совокупных доказательств [11, с. 71-73].

Вопрос допустимости в американском законодательстве обладает также и чертами континентального права. В частности, недопустимыми в США являются доказательства, собранные с нарушением процедуры – доказательства, полученные в ходе незаконных действий органов государства (с нарушением Конституции и законов); доказательства, полученные обманом, мошенничеством или иным недостойным путем; доказательства, полученные в ходе незаконного обыска [11, с. 81].

В одном из решений Верховного суда указывается: «Правило об исключении доказательств действует как судебносозданное средство правовой защиты, задуманное с целью не допустить будущие нарушения IV поправки к Конституции посредством общей превенции противозаконных действий полиции. Как и при использовании любого другого механизма правовой защиты, общее применение пра-

вила об исключении доказательств ограничивается теми случаями, когда очевидно, что оно эффективно достигает своих правозащитных целей» [12, с. 51-52].

В уголовно-процессуальном праве США существует «правило исключения» недопустимых доказательств (*exclusionary rule*). Это правило предназначено для предотвращения нарушений органами уголовного преступления конституционных прав граждан за счет угрозы признания важных для стороны обвинения результатов процессуальных действий, не имеющими юридической силы доказательств [13, с. 100].

Однако и из этих «правил исключений» есть исключения. Так, в случае «добросовестного заблуждения» должностных лиц органов уголовного преследования и получения доказательства с нарушением закона будет считаться допустимым, если суд позволит им воспользоваться [13, с. 101]. Данное исключение больше выглядит как поощрение незнания, хотя на самом деле оно направлено на предупреждение целенаправленных нарушений и недопущения предубеждений [14].

В 60-е годы прошлого столетия Верховным судом США под влиянием его председателя Уоррена были приняты принципиальные решения, которые в литературе называют революционными. В частности, речь идет о:

запрете на использование в судебном процессе доказательств, полученных в ходе незаконного обыска по делу Мэпп против штата Огайо;

запрете права любого лица иметь защитника после ареста по делу Эскобедо против штата Иллинойс;

формулировании правил, которым обязан следовать сотрудник полиции при допросе любого лица, находящегося под стражей.

По делу Эскобедо суд решил, что признание своей вины подозреваемым во

время допроса в полиции нельзя считать допустимым доказательством, если оно сделано после отказа предоставить подозреваемому возможность встретиться со своим защитником. В решении по делу Миранды отмечалось, что до того как задать подозреваемому какой-либо вопрос, он должен быть предупрежден о наличии у него права на молчание, что любое его заявление может быть использовано в качестве доказательства против него, а также что у него есть право на то, чтобы присутствовал его защитник. Кроме того, в случае отказа обвиняемого от реализации данного права, суд обязан проверить мотивы отказа: добровольно, сознательно, осознанно. Таким образом, если лицо пожелает проконсультироваться с защитником любым способом и на любой стадии производства по делу, то ему в этом отказано быть не может [15, с. 161].

Данные требования о необходимости предоставления защиты нашли свое отражение в УПК Республики Узбекистан. В частности, в ст. 24, 46, 48 УПК предусмотрены права на защиту, отказ от дачи показаний, а также в п. 6 ч. 2 ст. 88 Кодекса указано, что запрещено получение показаний до разъяснения лицу его процессуальных прав. В соответствии с п. 3 ч. 1 ст. 951 УПК Республики Узбекистан, данные, полученные с нарушением прав подозреваемого, обвиняемого или подсудимого на защиту, признаются недопустимыми в качестве доказательств.

Еще одним правилом допустимости служит «правило плодов отравленного дерева», т. е. всякое нарушение полицейскими конституционных прав граждан, даже имеющие опосредованную связь с самим процессом обнаружения, изъятия и фиксации доказательств, влечет утрату последними юридической силы. Нормативно это закреплено IV, V, VI и XIV поправками к Конституции США [16]. Обвинительный приговор суда может быть основан только

на допустимых доказательствах, поэтому из сферы судопроизводства исключаются все данные, полученные с нарушением «должной правовой процедуры».

Одним из способов легализации доказательств, полученных при обстоятельствах не в полной мере соответствующих требованиям допустимости, является доктрина «серебряного блюда». Данная доктрина предусматривает способ обеспечения приемлемости в качестве доказательств сведений и информации, которые были первоначально добыты субъектом с отдельными нарушениями правил доказывания, однако приняты судом с подачи другого субъекта доказывания, никак не скомпрометировавшего себя. Иными словами, незаконно полученные данные, подобно плодам отравленного дерева, помещенным на серебряное блюдо, как бы обретают допустимость и становятся уже приемлемыми для доказывания.

В национальном законодательстве отдельного поименованного правила нет, однако анализ положений УПК дает основание считать о наличии некоего аналога «правила плодов отравленного дерева», которые перечислены в ст. 88 и 951 УПК Республики Узбекистан. В частности, это получение доказательств не уполномоченным по делу должностным лицом, с применением пыток или без обеспечения права на защиту или переводчика, не соблюдение процессуального порядка выполнения следственных действий. А аналог правил «Серебряного блюда» можно увидеть в п. 12 Постановления Пленума Верховного суда № 24 от 24 августа 2018 года, где указывается возможность использования доказательств, ранее признанных недопустимыми, после осуществления действий по перепроверке первично полученных доказательств.

В уголовном процессе США также распространено такое свойство доказательств, как его вес (weight), под которым

понимается сила, ценность и правдоподобность доказательства, представленного одной стороной. Если судья в США решает проблемы допустимости доказательства, то определение его веса относится к исключительной прерогативе коллегии присяжных. Сведения, полученные в досудебном производстве, имеют лишь ориентировочно-информационное значение и приобретают статус доказательств только после исследования в суде. Запрет на использование в качестве доказательств сведений, полученных не в ходе перекрестного допроса, объясняется невозможностью испытать эти сведения на достоверность.

О.В. Левченко пишет: «Большинство американских юристов полагают, что рассмотрение уголовного дела в суде – это не тот спор, в ходе которого рождается истина» [17, с. 75]. Такие взгляды юристов основываются на существующей практике, когда судьи ориентируются не на истину, а на вероятность. Решения при этом выносятся либо в условиях высокой степени судейского внутреннего убеждения в виновности лица, либо в ситуации придания большего значения одним доказательствам в ущерб другим.

По словам Уильяма Пицци, в англосаксонской системе доказывания «акцент делается на победу и ее неспособность оставить приоритет за истиной» [18, с. 243]. Автор труда констатирует: «Наша система была бы гораздо лучше с судьями, которые действовали бы последовательно на протяжении всего уголовного процесса. Отправной точкой должна быть система, которая в большей степени сосредоточена на истине и гораздо меньшее внимание уделяет процессуальным игрищам, победам и поражениям» [19, с. 171].

В монографии И.В. Ерпылева выделены общие черты допустимости доказательств в странах континентального права [20, с. 37-39]:

1) правила о допустимости доказательств содержатся в процессуальных законах, отделенных от норм уголовного права и иных процессуальных отраслей права;

2) доказательства могут быть собраны на досудебных стадиях;

3) правила о допустимости доказательств конкурируют с положением о свободной оценке доказательств судом;

4) основное внимание уделяется требованиям к уголовно-процессуальной форме;

5) существуют особые правила допустимости доказательств для суда присяжных.

Действительно, мы можем согласиться со всеми общими чертами допустимости доказательств, перечисленных И.В. Ерпылевым, поскольку они универсальны.

За некоторыми исключениями, обусловленными индивидуальными особенностями государственного и судебного устройства, они подходят и под национальное законодательство.

Выводы

Осуществляя сопоставительный анализ можно прийти к выводу о том, что в зависимости от подхода и регламентации допустимости доказательств дилемма между стремлением к истине и направленностью обеспечения процедурных требований достигает своего пика.

Между указанными направлениями существует объективная и логическая связь, которую можно охарактеризовать как обратно пропорциональную, каждая из них обладает преимуществами и недостатками. В частности, в законодатель-

стве, направленном на достижение истины, не возвеличиваются процедурные требования, что неминуемо отражается на обеспечении гарантий прав участников процесса, в основном лиц, чьи действия являются объектом исследований, а в законодательстве, где приоритет отдается процедурным требованиям, на высоком уровне гарантируются права участников процесса. Однако истина при этом может остаться недостижимой, а решения будут выноситься исходя из малочисленных, но прошедших испытание доказательств в условиях высокой степени вероятности, что уже негативно отражается, прежде всего, на правах лиц, пострадавших от преступных посягательств.

Таким образом, исследования показали, что свойства допустимости доказательства обладают следующими основными характеристиками:

1. Они имеют место в процессуальном законодательстве стран как общего права, так и континентального права, с незначительными отличиями, обусловленными особенностями доказывания.

2. Содержание требований допустимости развивается и совершенствуется в зависимости от уровня развития общественных отношений и технологического прогресса.

3. Требования допустимости доказательств преследуют одинаковые цели, связанные с обеспечением гарантированных прав участников процесса, недопущением неправомерных действий, а также служат инструментом для достижения задач и целей уголовного процесса.

REFERENCES

1. Bodenheimer E., Oakley J.B., Love J.C. An introduction to the Anglo-American legal system, 2004.
2. Oxford dictionary of Law. 5th edition. Oxford, University press, 2003.
3. Tkacheva N.V. Ugolovnoe sudoproizvodstvo zarubezhnyh gosudarstv [Criminal proceedings of foreign states]. Chelyabinsk, 2006.
4. Vladimirov L.E. Uchenie ob ugolovnyh dokazatel'stvah. Obshchaya chast' [The doctrine of criminal evidence. A common part]. Kharkov, 1888.
5. Keane A. The Modern Law of Evidence. 7th ed. Oxford, 2008.
6. Gucenko K.F., Golovko L.V., Filimonov B.A. Ugolovnyj process zapadnyh gosudarstv [Criminal process of Western states]. Moscow, 2001.
7. Trubnikova T.V. Issledovanie zarubezhnyh praktik v sfere dokazyvaniya [Study of foreign practices in the field of evidence]. Tashkent, 2020, 260 p.
8. Vereshchagina M.A. Institut dopustimosti dokazatel'stv po anglijskomu i amerikanskomu dokazatel'stvennomu pravu [Institute for the Admissibility of Evidence in English and American Evidence Law]. Pravo – Right, 2008, no. 15.
9. Golovko L.V. Ugolovnyj process zapadnyh gosudarstv [Criminal process of Western states]. Moscow, 2001.
10. West's encyclopedia of American Law. 2nd ed. Vol. 1. Detroit, Thomson Gale, 2004.
11. Federal Rules of Evidence. Act of Jan. 2, 1975. Pub. Law, 1975, 595 p.
12. Reshetnikova I.V. Dokazatel'stvennoe pravo Anglii i SSHA [The law of evidence in England and the United States]. Moscow, 1999.
13. Iz resheniya Verhovnogo suda SSHA po delu Arizona v Evans 514 U.S. [From the decision of the United States Supreme Court in the case of Arizona v Evans 514 U.S.] Quoted. By: Burnham W. An Introduction to the US Legal System.
14. Shestakova S.D. Dopustimost' dokazatel'stv v ugolovnom processe Rossii i SSHA [Admissibility of evidence in the criminal process of Russia and the United States]. Criminal process, 2004, no. 3.
15. Kalinovskij K.B. Zakonnost' i tipy ugolovnogo processa. Dis. kand. yur. nauk [Legality and types of criminal procedure. Dissertation of candidate of legal sciences]. Saint Petersburg, 1999.
16. Ramazanov T.B. Osobennosti dokazatel'stv i dokazyvaniya v ugolovnom processe SSHA [Features of evidence and proof in US criminal proceedings]. Yuridicheskij vestnik DGU – Legal Bulletin of DGU, 2018, issue 26, no. 2., pp. 160-164.
17. Konstitucija Soedinennyh Shtatov Ameriki [Constitution of the United States of America]. Available at: <https://constitutioncenter.org/media/files/RU-Constitution.pdf> (accessed: 02.10.2021).
18. Levchenko O.V. Sovremennoe dokazatel'stvennoe pravo zarubezhnykh stran [Modern evidentiary law of foreign countries]. Vestnik Orenburgskogo gosudarstvennogo universiteta – Bulletin of the Orenburg State University, 2009, no. 3.
19. Picci U. Sudoproizvodstvo bez istiny [Legal proceedings without truth]. Moscow, Infotropic Media Publ., 2019, 280 p.
20. Erpylyov I.V. Dopustimost' dokazatel'stv v ugolovnom processe Rossii i zarubezhnyh stran [Admissibility of evidence in criminal proceedings in Russia and foreign countries]. Moscow, Jurlitinform Publ., 2017, 152 p.

UDC: 343.1(042)(575.1)
ORCID: 0000-0002-8970-9029

ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВДА АХБОРОТ- КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Примов Бахтиёр Олим ўғли,
Тошкент давлат юридик университети докторанти,
e-mail: baxtiyorprimov@inbox.ru

Аннотация. Мақолада дастлабки терговда АКТ қўллашнинг процессуал-ҳуқуқий асослари муаллифлик нуқтаи назаридан қўриб чиқилади. Қайд этилишича, жамиятдаги умумий рақамлаштиришни ҳисобга олган ҳолда, келажакда жиноий иш юритиш жиддий ўзгаришларга дуч келади. Бунга, хусусан электрон ҳужжат айланиши, тергов ва суд ҳаракатларини масофавий ўтказиш шакллари, процессуал қарорларни қабул қилишда алгоритмлар ва математик ҳисоб-китобларни қўллаш, робототехника воситаларини кенг жорий этиш кўмаклашади. Муаллифнинг фикрича, қўп жиҳатдан келажакдаги “электрон” одил судлови ахборот хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини, шунингдек, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни муваффақиятли ҳал этилишига боғлиқ бўлади.

Калит сўзлар: электрон жиноят иши, ахборот технологиялари, жиноят процесси, алгоритм, электрондалил.

ПРОЦЕССУАЛЬНО-ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ ПРИМЕНЕНИЯ ИНФОРМАЦИОННО-КОММУНИКАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ НА ПРЕДВАРИТЕЛЬНОМ СЛЕДСТВИИ

Примов Бахтиер Олим угли,
Докторант Ташкентского государственного
юридического университета

Аннотация. В статье рассматриваются с авторской точки зрения процессуально-правовые основы применения информационно-коммуникационных технологий на предварительном следствии. Отмечается, что, учитывая всеобщую цифровизацию общества, уголовное судопроизводство в перспективе подвергнется существенным изменениям. Этому будет способствовать широкое внедрение электронного документооборота, дистанционных формы проведения следственных и судебных действий, использование алгоритмов и математических расчетов в принятии процессуальных решений, применении робототехники. Многое будет зависеть от успешного решения проблем, связанных с обеспечением информационной безопасности, защитой законных прав и свобод граждан, а также интересов общества и государства.

Ключевые слова: электронное уголовное дело, информационные технологии, уголовный процесс, алгоритм, электронное доказательство.

PROCEDURAL AND LEGAL FRAMEWORK FOR APPLICATION OF INFORMATION AND COMMUNICATION TECHNOLOGIES IN PRELIMINARY INVESTIGATION

Primov Bakhtiyor Olim ugli,
Doctoral student of Tashkent State Law University

Annotation. The article discusses the procedural and legal framework for the use of information and communication technologies during the preliminary investigation from the author's point of view. It is noted that, taking into account the general digitalization of society, criminal proceedings in the future will undergo significant changes. This will be facilitated by the widespread introduction of electronic document management, remote forms of investigative and judicial actions, the use of algorithms and mathematical calculations in making procedural decisions, the use of robotics. Much will depend on the successful solution of problems related to ensuring information security, protecting the legal rights and freedoms of citizens, as well as the interests of society and the state.

Keywords: electronic criminal case, information technology, criminal procedure, algorithms, robotics.

Кириш

Тарихда қоғоз жиноят ишида асосий ахборот ташувчиси ҳисобланади. Турли тергов ҳаракатлари, терговчи ва суднинг қарорлари ёзма процессуал ҳужжатларда у ёки бу тарзда акс эттирилади. Ҳатто ҳодиса жойини кўздан кечириш ва бошқа тергов ва процессуал ҳаракатлар натижасида олинган фотосуратлар ҳам қоғозда тузилган фотожадваллар сифатида жиноят ишига илова қилинади. Жиноят ишининг мураккаблиги ва кўп эпизодлилиги, ўнлаб турли хил суд-тиббий экспертизалари, айбланувчилар, гувоҳлар ва жабрланувчиларнинг кўплиги муқаррар равишда жуда кўп миқдордаги тергов материалларига олиб келади, бу эса, ўз навбатида, катта ва оғир ҳажмдаги жиноят ишлари пайдо бўлишига ёрдам беради. Суд амалиёти жиноят ишининг ҳажми 50 жилддан ортиқ бўлган кўплаб ҳолатларга гувоҳ бўлган. Бундан ташқари, қоғоз ҳеч қандай тарзда ёнғин таъсиридан ҳимояланмаган, бунинг натижасида жиноят иши осонгина йўқ қилиниши мумкин.

Ўзбекистонда жиноий судловни ислоҳ қилишнинг янги даври тизимли равишда олиб борилмоқда. 2019 йил 23 май куни ЎРҚ-542-сонли “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги [1] Қонун расман эълон қилинди, у моҳиятан электрон суд жараёнини жорий этади.

Мазкур қонуннинг энг муҳим янгиликларидан бири ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга рақамли тергов тизими – электрон жиноят иши (Е-жиноят иши) жорий этилишидир. Мазкур қонун билан ЖПКга янги моддалар киритилган бўлиб, бундан буён Ўзбекистон Республикасида жиноят процесси қоғоз шакл билан бир қаторда, электрон шаклда ҳам юритилиши назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3723-сонли “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори [2] билан тасдиқланган Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясининг “Жиноят процессининг янги шакл ва тартиб-таомилларини жорий этиш” номли 3-бўлими еттинчи бандида илк бор суд-тергов фаолиятида, хусусан «Электрон жиноят иши» ва «масофадан сўроқ қилиш» тизимларини жорий этишда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланишни таъминлаш вазифаси белгиланган.

Худди шу қарор билан Тошкент шаҳрининг Яккасарой ва Миробод туманларида “Электрон жиноят иши” пилот лойиҳасини амалга ошириш, лойиҳада ҳужжатларнинг қоғоз ва электрон шаклларида бир вақтда фойдаланиш, иш жойларини жиҳозлаш, ички локал-компьютер тармоқларини яратиш кўзда тутилган.

Муҳокама

Дарҳақиқат, Ўзбекистонда жиноят процесси, афсуски, ҳанузгача узоқ давом эта-

ди. Юзлаб одамлар иштирокидаги ортиқча бюрократия бюджетга қимматга тушади. Мураккаб ва оддий жиноят ишлари бўйича тергов ишлари ойлаб давом этади, бу эса, табиийки, қандай ҳуқуқий мақомда бўлишидан қатъи назар, оддий фуқароларнинг ҳақли танқидига сабаб бўлади. Жорий қилинаётган “Электрон жиноят иши” ахборот тизими, биринчи навбатда, конкрет жиноят ишлари материалларидан барча маълумотларни рақамли шаклда сақлашга мўлжалланган. Идеал ҳолда, жиноят ишининг рақамли маълумотлари юқори даражадаги хавфсизлик билан қоғоз шаклини тўлиқ алмаштириши керак.

Электрон жиноят иши электрон ҳужжат айланишини ривожлантиришнинг энг юқори нуқтасидир. Электрон адлия тизимлари АҚШ, Канада, Германияда жорий этилмоқда. Бельгияда 2005 йилда «Phenix» лойиҳаси яратилган бўлиб, унинг доирасида электрон ҳужжат айланиши тизимига қўшимча равишда “электрон файл” полиция, адвокат, тарафлар ва бошқа органлар томонидан тўлдирилиши мумкин эди. Аутентификация масаласи электрон паспорт (eID) ёрдамида ҳал қилинди [3]. Саудия Арабистонида кўп жиноят ишлари икки кун ичида тугайди. Бу мамлакатда улар бир неча йил аввал электрон жиноят ишларига ўтиб, тергов вақтини 80 фоизга қисқартирган. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини ислоҳ қилишнинг ижобий таърибасини 2011 йилда жиноят ишининг электрон форматига ўтиш амалга оширилган Грузияда ҳам кузатиш мумкин. Жанубий Корея, Сингапур, Эстония бу борада сезиларли ютуқларга эришди.

2011-2012-йилларда Қозоғистон Республикасининг Остона шаҳри ва Қарағанда вилояти давлат даромадлари қўмитаси ҳузурида “Электрон жиноят иши” пилот лойиҳаси ишга туширилди [4]. Озарбайжон Республикасида 2016 йилдан бери солиқ жиноятларини тергов қилиш учун “Электрон жиноят иши” дастуридан фой-

даланилади [5]. Россия Федерациясида ҳам жиноят ишларини электронлаштиришга ҳаракат қилинмоқда [6].

Ушбу тизим, бизнинг фикримизча, келажакда жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарни рўйхатга олишдан бошлаб, жиноятлар тўғрисидаги хабарларни рўйхатга олишнинг ягона ахборот тизими, яъни тергов расман бошланган пайдан бошлаб суд жараёни тугагунига қадар, оқлов ҳукми ёки судлов ҳукми билан тугайдиган кетма-кет процессуал ва ташкилий ҳаракатларнинг ўрнатилган алгоритмини ўз ичига олган бутун жиноят ишини шакллантириш функциясига эга бўлиши керак.

Бу жиноят ишининг қоғоз шаклини тўлиқ алмаштириб, уни текшириш ва кўриб чиқиш доирасида далиллар тўплаш учун ноутбук билан биргаликда ишлатишга имкон берадиган рақамли маълумотларни – жиноят иши материалларини сақлаш учун мўлжалланган ягона электрон восита бўлиши керак. Шу билан бирга, ушбу рақамли ташувчида иш қўзғатилган пайдан бошлаб ҳукм ижро этилгунга қадар кетма-кет ҳаракатлар (жиноят ишининг ҳаракатланиши) алгоритмини ўз ичига олган жиноят ишини шакллантириш дастури бўлиши керак; шу жумладан, индивидуал процессуал ҳужжатларнинг шакллари ва шаблонлари (масалан, хабарларни текшириш баённомаси ёки таниб олиш учун тақдим этиш баённомаси, устунлари керакли маълумотлар билан тўлдирилади) ва ушбу ҳужжатларга олинган далиллар, шу жумладан, фотосуратлар, кино ва видео тасвирлар, шунингдек, бошқа файллар ва дастурий маҳсулотларни электрон шаклда илова қилиш имкони бўлади.

Шуни айтиш керакки, амалдаги Жиноят-процессуал кодексида жиноят ишини тергов қилишда замонавий технологиялардан фойдаланишга оид қоидалар мавжуд. Хусусан, ЖПКнинг мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари устидан шикоят қилиш тартибини белгиловчи

27-моддаси 4-қисмига кўра, “Мурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар судга *электрон ҳужжат тарзида* юборилиши мумкин” [7].

Шу билан бирга, терговни рақамлаштиришдаги асосий янгилик – муайян тергов ҳаракатларини ўтказишда АКТдан фойдаланиш имконияти. Жумладан, Жиноят-процессуал кодексининг 91¹-моддаси 1-қисмига биноан “Гувоҳлар, жабрланувчилар, гумон қилинувчилар ва айбланувчилар иштирокидаги тергов ҳаракатлари (сўроқ, шахсларни ва нарсаларни таниб олиш, юзлаштириш) мазкур шахсларни улар турган жойдаги ёки яшаш жойидаги вилоятнинг ёки туманнинг ёхуд шаҳарнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органига ёки судига чақирган, техник воситалардан фойдаланган ҳолда видеоконференцалоқа режимида ўтказилиши мумкин. Видеоконференцалоқа жараёнида тергов ҳаракати иштирокчилари тергов ҳаракати жараёни ва натижаларини тўғридан-тўғри трансляция орқали бевосита кузатиб боради” [7].

Табиийки, бундай тергов ҳаракатлари уларни қайд этишнинг бошқача тартибини назарда тутати. Жиноят-процессуал кодексининг 91⁴-моддаси 1-қисмига биноан “Видеоконференцалоқа режимида ўтказилган тергов ҳаракати жараёни ва натижалари электрон маълумотларни ташувчи тегишли воситаларга баённома тузилган ҳолда ёзилади ва қайд этилади”. Мазкур модданинг 4-қисмида шундай дейилган: “Видеоконференцалоқа ёзувининг вақти ўтказилган тергов ҳаракатининг аниқ вақтига мос келиши керак. Видеоконференцалоқа жараёнидаги танаффуслар юзасидан изоҳ берилиши ҳамда улар видеоёзувда ва баённомада акс эттирилиши керак”.

Жиноят-процессуал кодексининг 91⁴-моддаси 2-қисмига кўра, “Тергов ҳаракатининг баённомаси суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд ва топшириқни бажарувчи мансабдор шахс томонидан

тузилади. Видеоконференцалоқа материаллари баённомага қўшиб қўйилади”.

Жиноят-процессуал кодексининг техник воситалардан фойдаланиш имконияти билан боғлиқ кўрсатилган ва бошқа нормаларини таҳлил қилгандан сўнг (улар мутахассисларга, экспертларга, шунингдек, изларни қидириш ва аниқлашда техник воситалардан фойдаланишга тааллуқлидир) жиноят-процессуал қонунчилигида жиноят процесси иштирокчиларига жиноят иши материаллари билан ишлаш учун исталган рақамли ва бошқа воситалардан фойдаланиш имконини бериш билан бирга, “техник воситалар” тушунчаси жуда кенг талқин этилганини қайд этиш мумкин.

Дарҳақиқат, қонун “Электрон жиноят иши”нинг “техник воситалар” тушунчасига тушишини истисно этмайди, чунки ушбу қурилманинг функциялари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан жиноят ишларини тергов қилишда фойдаланиладиган рақамли қурилмалар параметрларига мос келади. Жиноят-процессуал кодексида биринчи марта “электрон ташувчи” тушунчаси мустақамланганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бундай ҳолда, биз тергов ҳаракатлари давомида фойдаланилган рақамли ахборот ташувчилар ҳақида гапирамиз. Шунингдек, электрон ташувчилар деганда, жиноят-процессуал қонунчилигининг талқини асосида турли хил қаттиқ жисмли маълумотларни сақлаш қурилмалари тушунилади: USB-флешкалар, хотира карталари, SSD-дисклар ҳамда шпинделли маълумотларни сақлаш қурилмалари: HDD-дисклар, CD/DVD/Blue-Ray дисклари ва ҳоказолар.

Шуни таъкидлаш керакки, “электрон восита” тушунчаси ўзининг семантик маъноси жиҳатидан “жиноят ишининг электрон шакли” тушунчасига жуда яқин бўлиб, жуда ўхшаш конструктив ва техник жиҳатларга эга ва процессуал нуқтаи назардан ушбу ташувчилар жиноят иши

бўйича турли материалларни, шу жумладан, электрон ҳужжатларни, фотосуратлар ва видеоларни тўплаш ва рақамли шаклда сақлаш имконини беради. Демак, ЖПК жиноят ишининг электрон шаклини жорий этиш шартларини, шу жумладан, нормаларда мавжуд бўлган “техник воситалар” ва “электрон ташувчилар” тушунчаларининг кенгайтирилганлиги сабабли олдиндан белгилаб беради.

Аммо айтиш жоизки, Жиноят-процессуал кодекси жиноят процессига жиноят ишининг электрон шаклини жорий этишнинг ягона шarti эмас.

Замонавий технологиялар, хусусан, электрон жиноят ишларини жиноят процессига интеграциялашувида давлатнинг мақсадли дастурлари катта аҳамиятга эга. Жумладан, одил судлов самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимига судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари жорий этилди. Ўзбекистон Олий суди, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги ва БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистонда қонун устуворлиги йўлида ҳамкорлик” қўшма лойиҳаси доирасида E-SUD электрон судлов миллий ахборот тизими ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Айни пайтда янги модуллар ва хизматларни ишлаб чиқиш, шунингдек, E-SUDни бошқа ахборот тизимлари ва ресурслари билан интеграциялаш режалари муҳокама қилинмоқда. E-SUD тизимида фойдаланувчининг “шахсий кабинети”, рўйхатдан ўтиш ва авторизацияга эга бўлишига алоҳида эътибор қаратилган, бу ерда шахс ариза ва даъво аризасини расмийлаштириши, шунингдек, ҳужжатларни илова қилиши мумкин. Мазкур тизимнинг жорий этилиши натижасида ишларни кўриб чиқиш муддати икки баробарга қисқарди, хизмат кўрсатиш самарадорлиги 50 фоизга ошди, ҳужжатларни йўқотиш ҳолатлари тўлиқ бартараф этилди.

Шундай қилиб, E-SUD тизимини жорий этиш туфайли судда янги авлод технологияларини, жумладан, жиноят ишининг электрон шаклини жорий этиш учун унумли шароит яратилди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда Жиноят-процессуал кодексининг нормалари жиноят процессига технологияларнинг айрим турларини жорий этиш билан боғлиқ кўплаб янги муҳим чора-тадбирларни ўз ичига олади ва электрон суд ишларини юритиш учун шарт-шароитлар яратишни, шу жумладан, процессуал жараёнларни соддалаштиришни назарда тутди.

Жиноят процессида янги замонавий технологиялар ҳақида олимлар ва амалиётчи мутахассисларнинг фикрларини таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги фикрларни ажратиб кўрсатишимиз мумкин. Бир қатор ёш олимлар жиноят ишининг электрон шаклини қўллашнинг ҳуқуқий позициясини асослаб, “жиноят процессига электрон баённомани жорий этишнинг ҳуқуқий асослари, айтиш мумкинки, аллақачон шаклланганлигини, бундан ташқари, жиноят процессида далил сифатида тақдим этиладиган электрон ҳужжатларга қўйиладиган асосий талаблар Жиноят-процессуал кодексида аллақачон мавжуд”лигини таъкидлайдилар [8].

Электрон баённома ҳақида О.В. Тульскаянинг ёзишича, “Бундай ҳужжатлар тергов ҳаракати давомида ёки у тугагандан сўнг дарҳол тузилиши керак, уларда унинг амалга оширилган жойи, санаси ва вақти, иштирокчиларнинг зарур шахсий маълумотлари, унинг ўтказилиш тавсифи ва натижалари кўрсатилган. Шунингдек, техник воситалардан фойдаланган ҳолда олинган маълумотлар, иштирокчиларнинг мулоҳазалари тегишли мансабдор шахсларнинг электрон рақамли имзоси билан белгиланган тартибда тасдиқланиши лозим” [9].

Жиноят-процессуал кодексига электрон технологияларнинг киритилиши

муқаррар равишда электрон далиллар масаласини кўтаради. ЖПКда ҳужжатлар далил манбалари сифатида қўйидаги учта шаклда намоён бўлади [10]:

- сўроқ, бошқа тергов ва суд ҳаракатлари баённомалари, эксперт хулосаси сифатида;

- далил сифатида тан олинган бошқа ҳужжатлар сифатида, агар улардаги маълумотлар исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш учун муҳим бўлса, шу билан бирга, улар ёзма шаклда ҳам бошқа шаклда ҳам қайд этилган маълумотларни ўз ичига олиши мумкин; буларга фото ва кино материаллари, аудио ва видео ёзувлар, бошқа ахборот ташувчи воситалари киради;

- ашёвий далил сифатида, агар улар жиноят иш бўйича жиноят қуроли бўлган ёки жиноят излари сақланиб қолган ёки жиноий ҳаракатлар йўналтирилган объект бўлган бўлса, шунингдек, агар улар жиноятни очиш ва ҳолатларни аниқлаш воситаси бўлиши мумкин бўлса.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида “электрон ҳужжат” тушунчаси мавжуд – Электрон шаклда қайд этилган, электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ва электрон ҳужжатнинг уни идентификация қилиш имкониятини берадиган бошқа реквизитларига эга бўлган ахборот электрон ҳужжатдир («Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси) [11].

И.Л. Петрухиннинг таъкидлашича, электрон ҳужжатлар жиноят процессида далил сифатида тегишлилик (ахборот мазмунини ташкил этувчи маълумотлар ва исботланиши керак бўлган ҳолатлар ўртасидаги мантиқий боғлиқлик), мақбуллик (процессуал шаклнинг қонун талабларига мувофиқлиги) ва ишончлилики (аслида мавжуд бўлган фактларга мослиги) талабларига мувофиқ бўлиши керак [12].

Жиноят процессида электрон ҳужжатларга асосан бошқа ҳужжатлар сифатида рухсат этилади, чунки улар жиноят про-

цесс доирасидан ташқарида, жисмоний ва юридик шахсларнинг оддий фаолияти жараёнида яратилади. Уларни йиғиш жиноят ишини юритиш жараёнида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан тергов ва бошқа процессуал ҳаракатлар орқали амалга оширилади. Процесснинг бошқа иштирокчилари ҳам далилларни тўплаш ва тақдим этиш ҳуқуқига эга. Шунинг учун бундай ҳужжатлар қонун ҳужжатларининг ҳужжатларга қўйиладиган умумий талабларига мувофиқ бўлиши керак, хусусан, маълум бир шаклга ва зарур реквизитларга эга бўлиши керак [13].

Ҳозирги вақтда электрон ҳужжатларни тасдиқлашнинг энг кенг тарқалган усули – бу электрон рақамли имзо (кейинги ўринларда ЭРИ деб юритилади) бўлиб, унинг қўлланилиши Ўзбекистон Республикасининг “Электрон рақамли имзо тўғрисида”- ги қонуни билан тартибга солинади [14].

Электрон ҳужжатлар жиноят процессининг барча босқичларида: жиноят ишини кўзғатишдан тартиб, суд қарорлари устидан шикоят қилишгача бўлган даврда далил сифатида ишлатилиши мумкин.

Демак, жиноят ишини кўзғатишга ахборот ва телекоммуникация тармоқлари, шунингдек, электрон алоқа каналлари орқали узатиладиган Жиноят-процессуал кодексининг 322-327-моддалари талабларига жавоб берадиган жиноят тўғрисидаги хабарлар сабаб бўлиши мумкин. Улар содир этилган ёки содир бўлаётган жиноят тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши, белгиланган тартибда тасдиқланган бўлиши ва хабар жўнатувчини аниқлаш ва ундаги маълумотларни текшириш имконини берадиган маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Юқоридагилар билан боғлиқ ҳолда, Жиноят-процессуал кодексининг 324- ва 326-моддаларини жиноят тўғрисидаги ариза (иқдор бўлиш ҳақидаги ариза) электрон алоқа каналлари орқали юборилиши мумкинлиги тўғрисидаги қоидаларни

тўлдириш лозим. Шу билан бирга, уларни юборган шахсни аниқлаш учун зарур бўлган маълумотларни ўз ичига олиши ва ушбу шахснинг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Дастлабки тергов босқичида электрон шаклдаги ҳужжатлар нафақат бошқа ҳужжатлар, балки ашёвий далил сифатида (агар уларда компьютер тизимининг ишлашига қонунга хилоф равишда аралашшиш, қонунга хилоф равишда ўзгартириш, йўқ қилиш, маълумотларни нусхалаш ва бошқалар излари бўлса, шунингдек, қонуний фойдаланувчи томонидан жиноятга тайёргарлик кўриш ва содир этиш мақсадида атайлаб ўзгартирилган ёки мазмуни қисман ёки тўлиқ сохталаштирилган маълумотлар бўлган ҳужжатлар), тергов ва суд ҳаракатлари баённомалари шаклида ҳам намоён бўлиши мумкин.

Жиноят процесси гумон қилинувчининг, айбланувчининг шахсий ҳуқуқларини чеклашнинг энг катта эҳтимоли борлиги, шунингдек, кўплаб тергов ва процессуал ҳаракатларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, ушбу турдаги жараёнда электрон ҳужжатлардан фойдаланиш имконияти сезиларли даражада торайган [15]. Хусусан, жиноят процесси соҳасида ҳужжатни электрон рақамли имзо ва қўлда ёзилган имзонинг бошқа аналоглари билан тасдиқлаш деярли мумкин эмас. Демак, процессуал ҳаракатларни амалга оширишда иштирок этувчи гувоҳлар, гувоҳ, жабрланувчи, ҳимоячи ҳар доим ҳам жисмонан ўзлари билан ЭРИ бўлиши мумкин эмас ва бундай қилишга улар мажбур ҳам эмас.

Бундан ташқари, жиноят процессида электрон рақамли имзо қонуний жиҳатдан қўлда ёзилган имзога тенглаштирилиши мумкин эмас, чунки ҳужжатни имзолаш орқали гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ ундаги маълумотларнинг тўғрилигини ва уларнинг гумон, ай-

бловга нисбатан шахсий муносабатини тасдиқлайди.

Қўлда ёзилган имзони бажариш механизми тўғридан-тўғри инсон танасининг психофизик хусусиятлари билан белгиланади, шунинг учун бу имзо имзолувчининг биологик шахсияти билан узвий боғлиқдир. Қўлда ёзилган имзо экспертиза орқали маълум бир шахсни қўл ёзуви асосида аниқлаш (идентификация қилиш) имконини беради. Электрон рақамли имзо биологик шахс сифатида ЭРИ эгасига хос бўлган мулк сифатида қаралиши мумкин эмас. ЭРИнинг ҳақиқийлигини аниқлаш фақат уни тақдим этган шахс ЭРИ шахсий калитини билишини кўрсатади. Шу муносабат билан, ЭРИдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган учинчи шахс томонидан фойдаланиш имконияти истисно қилинмайди.

Бинобарин, жиноят-процессуал қонунчилигида кўпгина процессуал ҳужжатларни, хусусан, иштирокчининг қўлёзма имзоси талаб қилинадиган ҳужжатларни қоғозда мажбурий расмийлаштириш талабини сақлаб қолиш зарур.

Шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилишда ЭРИнинг ўзи ва унинг қўлланилишининг қонунийлиги суд томонидан кўриб чиқилиши мумкин, бу эса иш юритишнинг асоссиз мураккаблашишига ва фуқаролар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳар қандай баённомалар қоғозда чоп этилиши ва процессуал ҳаракат иштирокчиларининг қўлёзма имзолари билан тасдиқланган бўлиши керак.

Хулоса

Таҳлиллар натижасида қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

1) *Жиноят процессида далил манбаи сифатидаги электрон ҳужжат иш бўйича исботлаш предметида киритилган фактлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган, белгиланган реквизитларга эга бўлган, жиноят-процессуал қонун ҳужжатла-*

ри талаблари билан тегишли тартибда олинган ва сақлаш, кейинчалик фойдаланиш учун мўлжалланган, моддий ташувчида қайд этилган маълумотларни электрон рақамли кўрсатиш шакли сифатида белгиланиши мумкин.

2) Бугунги кунда жиноят процессида электрон ҳужжатлардан фойдаланиш масаласи анча долзарб бўлиб, тўлиқ ҳал этилмаган. Демак, баённомаларни ёзма шаклда расмийлаштириш зарурати билан бирга, компьютерда нафақат процессуал ҳужжатларни тайёрлаш, балки электрон ҳужжатлардан ҳам фойдаланиш суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидаги ишларни сезиларли даражада тезлаштириши аён.

3) Электрон жиноят иш юритиш бир қатор афзалликларга эга:

1) жиноят процессининг барча иштирокчилари учун процессуал маълумотлардан фойдаланиш имкониятини яхшилаш;

2) жиноят процесси иштирокчиларининг ҳар бир иштирокчининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга таъсир этувчи процессуал ахборотдан фойдаланиш ҳуқуқининг қўшимча кафолатларини яратиш;

3) жиноят иши материалларини прокурор, суд томонидан текширишга кўмаклашиш;

4) жиноят ишини юритиш жараёнида харажатларни камайтириш;

5) жиноят ишлари бўйича статистикани автоматлаштириш;

6) жиноят иши материалларини қалбакилаштириш ва тузатишлар хавфини камайтириш;

7) терговчи, суриштирувчи учун жиноят иши материалларини тизимлаштириш.

8) ариза бериш, жиноят иши материалларини судга ўтказиш ва бошқаларни қисқартириш орқали жиноят ишини юритиш муддатларини сезиларли даражада қисқартириш ва ҳ.к.

3) Жиноят ишининг электрон шаклини жорий этишда айрим қийинчиликлар тўсқинлик қилиши мумкин. Электрон маълумотлар базасини ҳимоя қилиш тизими бугунги кунда жиноят иши материалларини зарарли дастурлар ва хакерлардан тўлиқ ҳимоя қила олмайди. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг автоматлаштирилган тизимлари билан жиҳозлаш зарур, бу эса бюджетдан жиддий харажатларни талаб қилади.

Жиноят процессини модернизация қилиш ва уларни электрон форматга ўтказиш барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг яқин йиллардаги асосий устувор йўналишларидан биридир. Ўйлаймизки, жиноят ишлари бўйича тергов ва суд жараёнларида электрон рақамли режимга ўтиш фуқаролар ишончини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлади.

REFERENCES

1. O'zbekiston Respublikasining 2019-yil 23-may kunidagi O'RQ-542-sonli "O'zbekiston Respublikasining ayrim qonun hujjatlariga jinoyat prosessi ishtirokchilarining huquqlari himoya qilinishini ta'minlash bilan bog'liq o'zgartish va qo'shimchalar kiritish to'g'risida"gi Qonuni // Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 24.05.2019-y., 03/19/542/3177-son

2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 14-maydagi PQ-3723-sonli "Jinoyat va jinoyat-prosessual qonunchiligi tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori // Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 15.05.2018 y., 07/18/3723/1225-son

3. <http://ec.europa.eu/idabc/servlets/Doc3443.pdf?id=32321>.

4. <http://prokuror.gov.kz/rus/novosti/stati/cifrovizaciya-prozrachno-i-effektivno>.
5. <http://interfax.az/view/687271>.
6. Yanushko, A. V. Защищенные аппаратно-программный комплекс центра хранения электронных копий материалов уголовного дела / A. V. Yanushko, A. V. Babanin, O. A. Kuznesova [i dr.] // Bezopasnost informacionnykh tekhnologiy. — 2011. — № 1. — S. 21—29.
7. O'zbekiston Respublikasi Oliy Kengashining Axborotnomasi, 1995 y., 2-son
8. Abdulvaliyev A.F. O neobxodimosti ispolzovaniya Internet-saytov sudov obshchey yurisdiksii s selyu formirovaniya pravovoy kultury v molodejnoy srede // Sovremennoye sostoyaniye gosudarstvennoy molodejnoy politiki: opyt i problemy: Materialy Regionalnoy nauchno-prakticheskoy konferensii / pod red. Isupovoy Ye.A.-Nijnevartovsk: Izd-vo NGGU, 2011. S.3-10.
9. Tulskeya O.V. Nekotoryye problemy ispolzovaniya elektronnykh dokumentov v kachestve dokazatelstv v ugolovnom sudoproizvodstve // Vestnik Akademii Generalnoy prokuratury RF. №6 (14). -2009. S.74-79.
10. Kukarnikova T.E. Osobennosti elektronnoy dokumenta kak istochnika dokazatelstv // Voronejskiye kriminalisticheskiye chteniya. 2003. Vypusk 4. S. 205-206.
11. O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to'plami, 2004-y., 20-son, 230-modda
12. Kommentariy k UPK RF. Izd. 6-ye, pererab. i dop. / otv. red. I.L. Petruxin. M., 2008.
13. Polyakova T.A., Tulskeya O. V., Filatova L. V. Problemy sozdaniya pravovykh usloviy vnedreniya elektronnoy dokumentooborota v sferu sudoproizvodstva i ispolzovaniya elektronnykh dokumentov v kachestve dokazatelstv // Problemy pravovoy informatizatsii: nauchn.-praktich. jurn. 2007. № 1. S. 58.
14. O'zbekiston Respublikasining "Elektron raqamli imzo to'g'risida"gi qonuni // O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisining Axborotnomasi, 2004-y., 1-2-son, 12-modda
15. Polyakova T.A. Voprosy sozdaniya pravovykh usloviy vnedreniya elektronnoy dokumentooborota i ispolzovaniya elektronnykh dokumentov v kachestve dokazatelstv // Chelovek: prestupleniye i nakazaniye. 2008. № 1. S 26-28.

UDC: 342.53(042)

ORCID: 0000-0002-7367-209X

ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ УЧУН АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТНОМАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аббосхонов Тоирхон Хасан ўғли,
Тошкент давлат юридик университети
“Давлат ҳуқуқи ва бошқаруви” кафедраси
мустақил изланувчиси,
e-mail: t.abbosxonov@adm.gov.uz

Аннотация. Бугунги кунда ҳар қандай фаолиятни амалга оширишда, шубҳасиз, илмий асосланган усуллар ва услублар қўлланилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки амалиётнинг илм билан ҳамнафас бўлиши кўзланган натижага эришишда масаланинг ечимини топиш ёки ҳал қилишнинг энг асосий омили саналади. Мисол учун, парламент фаолиятини амалга ошириш учун қўмаклашишда ахборот-таҳлилий маълумотномаларни тайёрлаш усуллари ҳам, ўз навбатида, бевосита қонунларнинг сифати ёки парламент назорати натижаларига, бу орқали бошқарув жараёнига таъсир қилиши мумкин. Шу сабабли ахборот-таҳлилий маълумотномаларни тайёрлашнинг илмий асосларини очиб бериш, уни доимий такомиллаштириб бориш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада мазкур фаолиятни амалга оширувчи субъектлар ходимларининг малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш, улар учун ахборот-таҳлилий маълумотномаларни тайёрлаш бўйича аниқ илмий таҳлилларга асосланган услубий қўлланмаларни яратиш энг долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Ушбу мақолада парламент фаолияти учун тайёрланадиган ахборот-таҳлилий маълумотномаларнинг мақсади, тузилиши, уларни тайёрлаш босқичлари, усуллариининг илмий-амалий жиҳатлари, шунингдек, уларни тайёрлаш учун сарфланадиган вақтнинг тўғри тақсимлаш, маълумотномани шакллантиришда ҳаракатларнинг кетма-кетлиги илмий таҳлиллар ва амалиётда қўлланилган турли хил усуллар асосида ёритилган.

Калит сўзлар: ахборот-таҳлилий маълумотнома, ахборот-таҳлилий маълумотномаларнинг “истеъмолчи”лари, ахборот-таҳлилий маълумотноманинг тузилиши, ахборотни қидириш ва таҳлил қилиш учун сарфланадиган вақтнинг ўзаро нисбати, ахборотлар манбалари, “ақл марказлари”.

ОСОБЕННОСТИ ПОДГОТОВКИ ИНФОРМАЦИОННО-АНАЛИТИЧЕСКИХ СПРАВОК ДЛЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПАРЛАМЕНТА

Аббосхонов Тоирхон Хасан угли,
самостоятельный соискатель кафедры
«Государственное право и управление»
Ташкентского государственного
юридического университета

Аннотация. На сегодняшний день при осуществлении любой деятельности, безусловно, особое внимание уделяется применению научно обоснованных методов и приемов. Согласованность практики с наукой является наиболее важным фактором при достижении желаемого резуль-

тата в решении конкретного вопроса. Например, методы подготовки информационно-аналитических справок при содействии осуществлению парламентской деятельности могут, в свою очередь, напрямую влиять на качество законов или результаты парламентского контроля, тем самым на процесс управления. Поэтому важно раскрыть и постоянно совершенствовать научную основу подготовки информационно-аналитических справок. В связи с этим одной из наиболее актуальных задач является создание системы повышения квалификации сотрудников субъектов, занимающихся данной деятельностью, создание для них методических пособий по подготовке информационно-аналитических справок на основе точного научного анализа. В данной статье освещены научно-практические аспекты: цель, структура, этапы и методы подготовки информационно-аналитических справок для деятельности парламента, а также правильное распределение затраченного времени на их подготовку, последовательность действий при формировании справки на основе научного анализа и различных методов, применяемых на практике.

Ключевые слова: информационно-аналитическая справка, потребители информационно-аналитических справок, структура информационно-аналитической справки, взаимное соотношение времени, затрачиваемого на поиск и анализ информации, источники информации, «мозговые центры».

FEATURES OF PREPARATION OF INFORMATIONAL AND ANALYTICAL REPORTS FOR PARLIAMENT'S ACTIVITY

Abboskhonov Toirkhon Hasan ugli,

Independent researcher of the department "State Law and governance" of Tashkent State university of Law

Abstract. Today, in the implementation of any activity special attention is paid to the use of scientifically based methods and techniques. Because the consistency of practice with science is the most important factor in achieving the desired result in solving a specific issue. For example, the way in which policy briefs are prepared in support of parliamentary activities can, in turn, directly influence the quality of laws or the results of parliamentary oversight, thereby affecting governance. Therefore, it is important to reveal and constantly improve the scientific basis for the preparation of information and analytical reports. In this regard, one of the most urgent tasks is to create a system of advanced training for employees of entities engaged in this activity, to create methodological manuals for them on the preparation of information and analytical reports based on accurate scientific analysis. This article illuminates the scientific and practical aspects of the goal, structure, stages and methods of preparing information and analytical statements for the activities of the parliament, as well as the correct distribution of the time spent on their preparation, the sequence of actions when forming a statement based on scientific analysis and various methods used in practice.

Keywords: informational and analytical report, "consumers" of informational and analytical report, structure of informational and analytical reports, the mutual relationship of time spent on searching and analyzing information, sources of information, "think tanks".

Кириш

Бугунги кунда юқори технологиядан тортиб ижтимоий муносабатларнинг барча жиҳатларигача бўлган билимларни кашф этиш, уларни жамлаш ва жамоатчиликка етказишда ушбу жараёнларда бе-

восита иштирок этувчи субъектларнинг роли ошиб бормоқда. 2000 йилларгача бўлган даврда қандай бўлишидан қатъи назар билимлар сони ва уларнинг одамларга етказилиши биринчи ўринда бўлган бўлса, ҳозирги кунда "фойдали билимлар"

(useful knowledge) ғояси муҳимлилиги даражаси ошиб бормоқда ва у муайян соҳа доирасида доимий ҳаракатда бўлиши ва қўлланилиши билан баҳоланмоқда. Таҳлилчилар ва уларнинг бирлашмалари сўнгги пайтларда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва бошқа жараёнларнинг тузилиши ва ривожланиши тўғрисидаги билимлар шаклланишида ижтимоий тизимнинг институционал таркибий қисми сифатида намоён бўлмоқда. Мисол учун, улар қабул қилинаётган қарорлар ва уларнинг эҳтимолий оқибатларининг илмий асосларини етказиш орқали ҳокимият-бошқарув қарорлари қабул қилинишида асосий бўғинлардан бири бўлади.

Шу билан бир қаторда, улар фаолиятининг натижалари қарорлар қабул қилиш жараёнининг муайян маънодаги қонунийлик даражасини ҳам таъминлаб беради. Ҳозирда интеллектуал жараёнлар маҳсулининг талабгорлари доираси сезиларли даражада кенгайган. Мамлакатимизда аксарият давлат органлари ўзларининг илмий-тадқиқот марказлари ёки “ақл марказлар (think tanks)”га эга бўлиб, муайян масала юзасидан ташкилот номидан қарор қабул қилишда ушбу марказларнинг таклиф ва хулосалари инобатга олинади.

Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Билим ва инновациялар маркази, Фанлар академияси ҳузуридаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ёки Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби бунинг ёрқин мисолидир.

Мавзунинг батафсил мазмунини қуйидаги ҳолат бўйича ҳам кўришимиз мумкин. Олий Мажлис палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлашни ташкил этишдаги энг муҳим масалалардан бири ахборотнинг тузилиши ва ролини аниқлашдир. Чунки қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва парламент назоратини амалга ошириш фаолияти ҳар қандай ҳо-

латда тартибга солиниши назарда тутилаётган ижтимоий муносабат ёки парламент назорати объекти ҳақидаги маълумотларга асосланади.

Мамлакатимиз ва хорижий мамлакатлар илм-фанида ишлаб чиқаришнинг муайян соҳаларини экспертлик таъминлашнинг аҳамияти ҳақида кўплаб тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Мазкур тадқиқотларда ҳозирги замон фанлари билимларидан жамиятнинг барча соҳаларида самарали фойдаланиш зарурияти тўғри қайд этилган [1, 56-6.]. Хусусан, ўзбек олимлари М. Нажимов ва Ш. Сайдуллаевларнинг таъкидлашича, ушбу зарурият экспертократия, меритократия концепцияларида ўз аксини топган. Мазкур концепцияларга кўра, келажакда жамиятни оқилона бошқариш муаммолари профессионал ва ижодий бошқарув элитаси бўлган экспертларни шакллантириш йўли билан ҳал этилиши мумкин [2, 87-6., 89-6.].

Ахборот-таҳлилий марказлар томонидан тақдим этиладиган ахборот-таҳлилий маълумотларни шакллантириш босқичларига тўхталадиган бўлсак, улар деярли барча ҳолларда узоқ йиллар давомида шаклланиб келган “классик” усулда амалга оширилади: маълумотларни йиғиш, уларни таҳлил қилиш орқали қайта ишлаш, ахборот-таҳлилий маълумотномани тайёрлаш, маълумотномани ҳамкасб олимлар иштирокида муҳокама қилиб, экспертлик хулосаси асосида такомиллаштириш ва якуний ҳужжатни юқори турувчи субъектга тақдим этиш. Россиялик олим Н. Герасименконинг таъкидлашича, таҳлил қилинмаган бирламчи маълумотларнинг қарор қабул қилиш учун яроқсиз бўлиши сабабли бошқарув субъекти томонидан муайян қарорни қабул қилишда маълумотларни индивидуал тарзда йиғиш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ эмас [3, 68-6.].

Шунинг учун бошқарув жараёнини ахборот-таҳлилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади. А.

Кривобокованинг сўзларига кўра, бошқарув фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш муайян тармоқ сифатида қабул қилинади ва бирламчи ахборотларни таҳлил қилиб, қайта ишлаш жараёнида олинган янги билимлар ҳисобига таҳлилий технологиялар орқали жамиятнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини таъминлаш унинг асосий вазифаси ҳисобланади [4]. Биз мазкур фикрга қўшилган ҳолда шуни таъкидлашимиз мумкинки, бу тармоқни бошқарув жараёнларида жамиятнинг барқарор ривожланиши, қонунийлик фактори ва давлат бошқаруви самарасини оширишнинг асоси сифатида кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев ўз маърузаларида қонунчиликни такомиллаштиришда бизни, энг аввало, янги қонунларни қабул қилиш факти эмас, балки янги қонунлар одамларга қандай фойда келтириши, уларнинг ҳаётини қандай енгиллаштириши ўйлан-тириши лозимлиги [5] тўғрисида бир неча бор таъкидлаган. Қонунларни қабул қилишда халқ вакиллари уларнинг, ҳақиқатан ҳам, амал қилишини таъминлашлари ва бунинг учун зарур чоралар кўришлари керак. Депутатлар дадил, талабчан ва қатъиятли бўлиши, халқ манфаатларига хизмат қилмайдиган қонунлар қабул қилинишига йўл қўймасликлари лозим [6].

Тадқиқот натижалари таҳлили

“Ахборот” тушунчаси латин тилидаги “informatio” сўзидан келиб чиққан бўлиб, тушунтириш, баён қилиш, хабардор қилиш деган маъноларни англатади [7, 160-б.]. Материалистик фалсафа нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, ахборот – бу реал ҳаётнинг маълумотлар асосидаги ифодасидир [8, 96-б.]. Кенг маънода тушунтирадиган бўлсак, ахборот – умумилмий тушунча бўлиб, инсонлар ўртасида маълумотлар алмашинуви, жонли ва жонсиз табиат ҳамда одамлар ва электрон қурилмалар ўртасида сигнал алмашинуви жараёнларини ўз ичига олади [9, 1434-б.].

Ахборот демократик қонун чиқарувчи органларнинг фаолияти учун муҳимдир. АҚШлик олим Францич таъкидлаганидек, қонун чиқарувчи органлар ўзларининг вакиллик, қонунчилик ва назорат функциялари учун ахборотга муҳтождир [10, 256-б.]. Францич АҚШ Конгресси ҳақида шундай ёзади: “Конгресс ўз ролини яхшироқ бажариши учун тўртта асосий маълумот турига муҳтож. Умуман, Конгресс ва ҳар бир конгрессмен ўзларининг иш жадвалларини мувофиқлаштириш ва режалаштириш учун маълумотга муҳтож бўлиб, қарор қабул қилувчи орган сифатида Конгресс қонунчилик фаолияти ва сайловчилар талабларини кузатиши ҳамда улар билан ишлаш самарадорлигини ошириши ва қонунчиликда ҳам, қонунчиликдан ташқари фаолиятда ҳам уларнинг манфаатларини таъминлаш воситаларини ишлаб чиқиши керак. Шунингдек, Конгресс давлат бошқарувини назорат қилиш учун амалга оширилаётган дастурларнинг муваффақиятини кузатиши ва заиф томонларини аниқлаши зарур” [10, 256-257-б.].

АҚШ парламенти ривожланган ахборот-таҳлилий таъминлаш тажрибасига эга эканлигини қайд этиш ўринли. АҚШ Конгрессининг қонунчилик, назорат ва вакиллик функцияларини амалга оширишга кўмаклашувчи *Конгресс тадқиқот хизмати* қонун лойиҳаларини асослашда муҳим роль ўйнайди. Ушбу тузилма 1946 йилги Легислатурани қайта ташкил этиш тўғрисидаги қонунга асосан Қонунчилик ахборот хизмати тарзида тузилган ҳамда 1970 йилда Конгресс тадқиқот хизмати сифатида қайта номланган. Шундан буён ахборот-таҳлилий таъминлаш Конгресс фаолиятида қабул қилинадиган муҳим қарорлар қабул қилишнинг ажралмас қисми сифатида эътироф этилади. Конгресс тадқиқот хизмати барча Конгресс аъзолари ва қўмиталарини объектив, таҳлилий, тадқиқот маълумотлари

билан таъминлайди [11]. Ҳозирги кунда Конгресс тадқиқот хизмати Конгрессдаги кенг кўламли ахборот-таҳлилий ёрдам кўрсатиш тизимининг марказий қисмини ташкил этади. Унинг таркибига иккита қўшимча ёрдамчи хизматлар, Бош ҳисоб бошқармаси ва Конгресс бюджет бошқармаси киритилган. Эътиборлиси, ушбу муассаса экспертлари ҳеч бир партиёга аъзо бўлиши мумкин эмас ва улар мустақил, холис тадқиқот ўтказиш орқали экспертлик хизматларини кўрсатиши лозимлиги белгиланган. АҚШлик олимлар Г. Левинберг ва С. Петтерсон парламентда маълумотларга бўлган эҳтиёж муҳим сиёсий аҳамиятга эга бўлган маълумотларнинг кўпинча ҳукумат қўлида бўлганлиги сабаб ортиб бормоқда, деб таъкидлайди. Ҳукумат қабул қилаётган қарорларни танқидий кўриш ва муқобил сиёсатни таклиф қилиш учун қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ҳукумат таъсиридан холи ва ишонч-ли маълумотга эҳтиёжини қайд этади [12, 164-б.].

Япония тажрибасига эътибор қаратадиган бўлсак, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қонунчилик бюроси ўз ташаббуси ёки ҳукумат сўровига кўра қонунчиликни шарҳлаш билан боғлиқ илмий экспертизаларни амалга оширади [13].

Россиялик олимлар А. Демидов ва Ю. Захаровлар ахборот-таҳлилий маълумотномаларни қуйидаги 4 турга бўлади: экспресс таҳлил, таҳлилий маълумотнома, таҳлилий шарҳ ва таҳлилий ахборот [14, 55-б.]. Уларнинг фикрига кўра, экспресс таҳлил бу қисқа муддатларда (мисол учун, 1 ёки 2 соатда) муайян масала бўйича асосий тенденциялар, прогнозлар, уларнинг ривожланиш истиқболлари, шунингдек, таҳлилларга асосланган натижаларни назарда тутувчи расмий ҳужжатдир. Таҳлилий маълумотнома бир ёки бир неча соҳаларнинг мавжуд ҳолати ва уларни ривожлантириш бўйича ўтказилган таҳлилларни назарда тутувчи расмий ҳужжатдир. Унинг экспресс таҳлилдан фарқи шундаки,

таҳлилий маълумотномада илгари сурилган таклифларга муқобил бўлган бир неча таклифлар ҳам мавжуд бўлади. Таҳлилий шарҳда бир турдаги муайян масалалар юзасидан тайёрланган таҳлилий маълумотномалар йиғиндиси акс эттирилади ва таҳлилий маълумотномаларда назарда тутилган таклифлар бўйича умумий хулосалар келтирилади. Таҳлилий ахборотда эса фақатгина ўтказилган таҳлил натижалари акс эттирилади ва бунда ахборот олувчига янада тушунарлироқ бўлиши учун турли хил графика ва диаграммалардан фойдаланилади [15, 56-б.].

Табиийки, “Ахборот-таҳлилий таъминлаш ўзи нима?” деган савол туғилади. Мамлакатимиз ва хорижда илмий доира вакиллари ушбу тушунча бўйича ўз ёндашувларини келтириб ўтишган. Мисол учун, россиялик олима О.Л. Голицина ўзининг илмий ишларида “ахборот-таҳлилий таъминлаш” тушунчасига маълумотларни излаш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш орқали муайян субъектга ўз фаолиятида фойдаланиш учун тақдим этиш жараёни сифатида таъриф беради [16, 34-б.]. Бошқа россиялик олимлар – Э.П. Голенищев, И.В. Клименко эса бу тушунчага қуйидагича таъриф беришган: “Ахборот-таҳлилий фаолият – бу маълум ташкилот фаолиятига тааллуқли масалалар бўйича прогнозлаш элементлари билан маълумотларни мунтазам равишда олиш, таҳлил қилиш ва тўплашдир” [17, 27-б.].

Ўзбек олимларидан юридик фанлари номзоди П.А. Рустамов ўз илмий ишида қонунчилик жараёнини илмий-ахборот таъминлаш тушунчасига қуйидагича таъриф берган: “Қонунчилик жараёнини илмий-ахборот таъминлаш – ҳар томонлама асосланган ва сифатли қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадида маълумотларни олиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва улардан фойдаланишни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган самарали парламент фаолиятининг илмий-амалий тизимидир” [11, 17-б.].

Мамлакатимизда Олий Мажлис палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш бўйича маълумотномаларни тайёрлашнинг ўзига хос амалиёти шаклланган бўлиб, бугунги кунда Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти мазкур амалиётнинг бевосита иштирокчиси ҳисобланади. Ахборот-таҳлилий маълумотномаларни тайёрлашнинг ўзига хос хусусиятларига тўхталадиган бўлсак, мазкур институт бўлимлари фаолияти қонун ижодкорлиги ва парламент назоратининг асосий вазифалари ва манфаатларига йўналтирилган. Шунинг учун ҳам улар томонидан тайёрланадиган таҳлилий маълумотномаларнинг “истеъмолчи”лари қуйидагилар ҳисобланади: 1) Олий Мажлис палаталари раҳбарияти – қонун ижодкорлиги ва парламент назорати фаолиятининг асосий йўналишларини тасдиқловчи субъектлар; 2) Олий Мажлис палаталари қўмиталари – қонун лойиҳаларининг дастлабки муҳокамаси ва парламент назоратини ўз фаолияти кесимида амалга ошириш бўйича масъул субъектлар; 3) депутатлар ва Сенат аъзолари – қонун лойиҳалари ва парламент назорати натижалари бўйича бевосита қарор қабул қиладиган субъектлар. Мазкур жараён барча ривожланган мамлакатлар тадқиқот муассасалари томонидан кенг қўлланиладиган “классик” усулда олиб борилади. Парламент палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш, энг аввало, муайян ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар ва қонунчиликни такомиллаштириш, қонун лойиҳалари бўйича илмий экспертиза ўтказиш, депутат ва сенаторлар сўровига асосан, муайян масала бўйича хорижий тажрибани ўрганиш, илғор мамлакатлар парламентларида бўлаётган ўзгаришлар, янгиликлар юзасидан ҳафталик тайёрланадиган ахборот-таҳлилий маълумотнома, маъруза ёки мақола шаклида амалга оширилади. Табиийки, мазкур ҳужжатлар кўриб чиқиладиган масалалар, уларнинг ҳажми ва муддатларига кўра бир-биридан фарқ қилади, лекин улар фақат битта мақсадга йўналтирилган – муайян масалани таҳлил қилиб, аниқланган муаммоларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифларни ишлаб чиқиш. Ахборот-таҳлилий маълумотномалар, биринчи навбатда, кўтарилаётган масалалар (муайян воқелик ёки фактлар) га илмий ёндашув асосида тайёрланиши керак. Бунинг учун эса уни тайёрлаётган шахслар илмий йўналиш бўйича тажрибага эга бўлиши лозим.

Мисол учун, бугунги кунда Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг Парламентаризм ва парламентлараро ташкилотлар тадқиқотлари бўлимида 1 та юридик фанлар доктори ва 2 та магистр фаолият олиб бормоқда [18]. Таъкидлаш жоизки, улар томонидан тайёрланадиган ахборот-таҳлилий маълумотномалар улар ёзган илмий ишлардан мутлақо фарқ қилади. Чунки илмий ишнинг якуний мақсади – муайян масалалар юзасидан таҳлилий ўрганишлар ўтказиб, библиомларни кўпайтириш бўлса, ахборот-таҳлилий маълумотномаларнинг якуний мақсади парламент палаталарининг таҳлил қилинган ахборотга бўлган эҳтиёжини қондиришдир.

Бундан ташқари, ахборот-таҳлилий маълумотномаларга илмий ишлар билан солиштирганда талаблар ҳам ҳар хил. Мисол учун, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 майдаги “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 304-сон қарори билан тасдиқланган низомга мувофиқ, Олий таълимдан кейинги таълим институтларида илмий ишни тайёрлаш ва ҳимоя қилиш учун уч йил муддат берилади. Ахборот-таҳлилий маълумотномаларнинг асосий мезонларидан бири эса тезкорлик ҳисобланади. Чунки қонун лойиҳалари ёки парламент назорати бўйича масалалар муайян муддатда ҳал этилиши

лозим бўлганлиги сабабли тезкорлик билан тайёрланган таҳлилий маълумотномалар муҳим аҳамиятга эга.

Амалиётда ахборот-таҳлилий маълумотномалар тайёрлашга кўп ҳолларда, қоида тариқасида, 2 ҳафта муддат берилади. Шундай ҳолатлар бўладиги, таҳлилий маълумотлар тайёрлаш муддатлари масаланинг муҳимлигига қараб бир ҳафтага қисқариши ёки бир ойгача чўзилиши мумкин. Табиийки, ахборот-таҳлилий маълумотномани тайёрлаш учун белгиланган муддат унинг сифатига ҳам таъсир ўтказмай қолмайди. Лекин бундай таъсир факторини минимумга тушириш мумкин. Бунинг учун институт ходимлари қонун лойиҳаси ёки парламент назорати фаолиятига боғлиқ бўлган масалалар юзасидан ишларни аниқ режага асосан тизимли йўлга қўйиши лозим. Ахборот технологиялари ривожланган бир даврда Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг ҳар бир ходими барча турдаги статистик маълумотлар, ижтимоий сўров натижаларини давлат органларидан сўраб олиши мумкин, шу билан бир қаторда, илғор электрон кутубхоналарга уланиш имконияти мавжуд. Ходимларнинг ишончли маълумотларни олиш имконияти қанчалик кенг бўлса, сифатли ахборот-таҳлилий маълумотномаларни тайёрлашга шунчалик кам вақт сарфланади. Бошқача айтганда, “маълумотлар банки”нинг мавжудлиги ва кенглиги, ўз навбатида, ахборот-таҳлилий ҳужжатларни қисқа муддатда ва сифатли тайёрлаш имкониятини яратади.

Шуни таъкидлаш жоизки, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан тайёрланадиган ахборот-таҳлилий маълумотномалар, ўз навбатида, қонун ижодкорлиги ва парламент назорати жараёнларига бевосита таъсир қилади. Чунки улар томонидан тақдим этилган ахборот-таҳлилий маълумотнома асосида қонун ижодкорлиги ва парламент

назорати субъектларининг қарорлар қабул қилишдаги якуний мулоҳазаларига сабаб бўлади. Айтишимиз мумкинки, мазкур ҳужжатларда келтирилган маълумотлар ўз моҳиятига кўра стратегик аҳамиятга эга бўлади.

Ахборот-таҳлилий маълумотноманинг асосини фактологик маълумотлар ташкил этади. Яъни муайян муаммо ёки масалаларга тегишли бўлган фактлар. Лекин бу фактлар мантиқий тузилиш ёки ижтимоий жараёнлар тенденцияларини ўзида акс эттирган таҳлилий хулосалар билан биргаликда тақдим этилмаса, ҳеч қандай мазмун-моҳиятга эга бўлмайди. Бунга эса, табиийки, бевосита таҳлилий (аналитик) фаолият орқали эришилади. Таҳлилий фаолият натижасида “истеъмолчи”га ҳар томонлама ўрганилган, ишончли манбалардан олинган, таҳлил қилинган ва масаланинг аниқ ечимига қаратилган маълумот берилади. Ахборот-таҳлилий маълумотномани тайёрлашда маълумотларни йиғиш, уларни тизимлаштириш ва илмий таҳлил қилиш сарфланадиган вақтнинг учдан икки қисмини эгаллайди. Бу фаолиятда, энг аввало, маълумотларнинг ишончли манбаларни танлаш, уларни таҳлил қилиб, илмий-амалий сўзлар билан ифодалаш муҳим аҳамиятга эга.

Ахборот-таҳлилий маълумотномани тайёрлаш жараёнига ўзига хос бўлган талаблар қўйилади. Бунинг ёрқин мисолини бизнинг амалиётимизда тайёрланган ахборот-таҳлилий маълумотномаларда кўришимиз мумкин. Хусусан, депутат Қ. Жўраевнинг [19] депутатлик ва сенаторлик фаолиятининг кафолатлари бузилиши ҳуқуқбузарликларини расмийлаштириш бўйича миллий ва хорижий амалиётни ўрганиб, аниқ таклифларни тайёрлаш бўйича сўровига ахборот-таҳлилий маълумотномани тайёрлаш учун Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти томонидан 4 кун ёки 32 соатлик муддат қўйилди. Ушбу масала учун

ажратилган вақтнинг ўртача 12 соати (37 фоизи) дастлабки маълумотларни йиғиш ва тизимлаштиришга сарфланди. Якунда йиғилган маълумотлар 120 бет ҳажмни ташкил этиб, мамлакатимиз ва хорижий давлатларда 1991 йилдан 2018 йилгача бўлган муддатдаги маълумотлар тўпланди. Булар умумий тўпланган маълумотларнинг қайта ишланган 4-5 фоизини ташкил этади. Бу маълумотлар жаҳон Интернет ахборот тармоғи орқали Олий Мажлис палаталарининг архивларидан олинган. Бу ҳажмдаги маълумотларни қисқа муддатда бошқача усул билан ўзлаштириш имкони мавжуд эмас. Тадқиқотни ўтказиш ва 13 бетли ахборот-таҳлилий маълумотномани тайёрлаш учун ўртача 15-16 соат (48 фоиз) бевосита сарфланди. Тайёрланган ахборот-таҳлилий маълумотномани якуний босқичда таҳрир қилиш учун 3 соат (9 фоиз), раҳбарият билан келишиш ва расмийлаштириш учун эса 2 соат (6 фоиз) вақт сарфланди. Агар биз мазкур жараён боришини график орқали таҳлил қиладиган бўлсак, у 1-графикга мувофиқ кўринишга эга бўлади.

Мазкур ахборот-таҳлилий маълумотнома юқори баҳоланиб, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 сентябрдаги ЎРҚ-566-сонли қонунининг қабул қилинишига туртки берган бўлса-да, фикримизча, уни тайёрлашга сарфланган вақтни мақбул деб бўлмайди.

1-график



Юқорида келтирилган 1-графикга юзланадиган бўлсак, маълумотларни излаш

ва таҳлил ўтказишга кетган вақт деярли бир хил. Юқори малакага эга бўлган раҳбар мазкур диаграммани кўриб, хулоса қилиши мумкинки, маълумотларни излаш учун сарфланган вақт ходимнинг шахсий маълумотлар базаси мавжуд эмаслигидан далолат беради. Мазкур ахборот-таҳлилий маълумотномани тайёрлаган ходим эса ушбу йўналишдаги тадқиқот-таҳлил ишлари билан шуғулланмаган. Бундан ташқари, вазифани бажариш учун ажратилган вақтнинг камлиги ва унда мазкур масала бўйича дастлабки маълумотларнинг мавжуд эмаслиги уларни излаш учун кўпроқ вақт сарфланишига сабаб бўлди.

Ахборот-таҳлилий маълумотномани тайёрлаш жараёнида маълумотларни қидириш ва таҳлил қилиш учун сарфланган вақтнинг ўзаро нисбати 1:4 кўринишида бўлсагина, сарфланган вақт тузилишини мақбул десак бўлади. Ушбу мақбул ўзаро нисбат ходимнинг муайян масалага йўналтирилган вазифани бажариши учун лозим бўлган дастлабки маълумотлар базаси мавжуд бўлган тақдирдагина бўлиши мумкин. Шундай ҳолатлар ҳам бўладик, муайян даврда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва йўналишларидан келиб чиқиб, муайян масала юзасидан маълумотлар ижтимоий тармоқлардан тортиб бошқа оммавий ахборот воситаларигача ёритилади. Шунда ходим аниқ бир масала юзасидан дастлабки маълумотларга эга бўлади.

Шундан келиб чиқиб, қонун билан тартибга солиниши лозим бўлган масала юзасидан маълумотларни йиғиш имконияти яратилади. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сон фармонида ҳокимнинг маҳаллий ҳокимият вакиллик органининг раҳбари сифатидаги мақомини унда ижро этувчи ҳокимият раҳбари мақомини сақлаган ва халқ

депутатлари Кенгашларининг котибияти-ни тузган ҳолда қайта кўриб чиқиш орқали маҳаллий давлат ҳокимияти тизимини ташкил этишда ҳокимиятлар бўлиниши тамойилининг амалий рўёбга чиқарили-шини таъминлаш вазифаси қўйилган эди.

Мазкур масала юзасидан хорижий ва маҳаллий экспертлар, шунингдек, фуқаролар томонидан маълумотлар, таҳлиллар, ўрганишлар ижтимоий тармоқларда ҳамда газета ва журналларда чоп этила бошлади. Улар томонидан қилинган таҳлиллар ва чоп этилган мақолаларда масалани самарали ҳал этиш учун зарур бўлган маълумотларнинг мавжудлиги сабабли ушбу вазифа юзасидан маълумотларни излашга кам вақт сарфланди. Шу боис бу масала юзасидан ахборот-таҳлилий маълумотномани тайёрлаш учун сарфланган вақт 2-графикага мувофиқ кўриниш олди.

2-график



Тадқиқот натижаси сифатида кўринадик, ахборот-таҳлилий маълумотномаларни тайёрлашда юзага келадиган асосий муаммо – маълумотларни излаш, техник масалаларни ҳал қилиш учун кўп вақт сарфланиши сабабли таҳлилий жараён сифати қониқарли даражада бўлмайди. Бу муаммони қандай ҳал қилиш мумкин? Бунинг учун, энг аввало, идоралараро маълумотлар алмашинуви жараёнига энг замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш, дунёнинг энг машҳур университетларининг электрон кутубхона-

ларига тезкор уланиш имкониятини яратиш лозим. Бугунги кунда Олий Мажлис палаталарининг кутубхоналари етарли даражада китоб фонди ва хорижий олимларнинг илмий ишлари билан тўлдирилмаганлиги ахборот-таҳлилий фаолият билан шуғулланувчи шахсларнинг асосий вақти жаҳон Интернет ахборот тармоғида расмийлик даражаси аниқ бўлмаган маълумотлардан фойдаланишига сабаб бўлмоқда. Ахборот-таҳлилий маълумотномани тайёрлашда таҳлилий жараёнга урғу берилиши стратегик характерга эга бўлган ахборотларни самарали қайта ишлаш ва у асосида масала юзасидан амалиётга жорий қилинадиган аниқ механизмга эга таклифларнинг ишлаб чиқишига хизмат қилади.

Ахборот-таҳлилий маълумотномаларнинг ўз вақтида тайёрланиши унинг қонун ижодкорлиги ёки парламент назорати жараёнидаги амалий фойдасини белгилаб беради. Стратегик ахборотнинг бир тури сифатида ахборот-таҳлилий маълумотномалар илмий ишлардан фарқли ўлароқ вақт ўтиши билан ўзининг муҳимлигини йўқотади. Бизнинг фикримизча, мамлакатимизда шиддат билан амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ислохотлар натижаси ўлароқ, ахборот-таҳлилий маълумотномаларнинг муҳимлиги даражаси шартли равишда ўртача 10 фоизга қисқаради. Математик статистика нуқтаи назардан олиб қарасак, ахборот-таҳлилий маълумотноманинг муҳимлиги даражаси 6 ой давомида 60 фоизга, яъни 3/4 қисмга пасаяди.

Ахборот-таҳлилий маълумотномаларнинг тўлиқлиги ва ишончилиги, биринчи навбатда, турли маълумотлар манбалари орқали шаклландиган эмпирик маълумотлар базасини қўллашга боғлиқ. Мазкур маълумотлар базасига давлат статистика органлари материаллари, маҳаллий вакиллик ва ижро органлари ҳужжатлари, муайян масалалар бўйича миллий ва хорижий

экспертларнинг турли даврий ва монография нашрларда чоп этиладиган фикр-мулоҳазалари, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган маълумотлар, социологик (ижтимоий) тадқиқотлар киради. Ахборот-таҳлилий маълумотномани тайёрлашда қўлланиладиган ахборот манбаларининг кўплиги нафақат муайян масала бўйича ахборот майдонини кенгайтиради, балки иш доирасида таҳлил қилинаётган кўрсаткич ва фактларни қайта текшириш имкониятини яратади. Бошқача айтганда, ахборот манбалари қанчалик кўп ва кенг бўлса, таҳлилий ҳужжатда ёритилаётган масалалар бўйича маълумотларни қайта текшириш шунчалик осон бўлади. Чунки турли хил ахборот манбаларидан фойдаланилганда, таҳлилий ҳужжатнинг хулосалари кенгроқ эмпирик асосни ўзида акс эттиради, унда кўриб чиқиладиган масалалар чуқур ва ҳар томонлама ёритилади, жиддий камчилик ва хатога йўл қўйиш эҳтимоли камаяди. Лекин ҳаддан ташқари ахборот манбаларининг сон жиҳатдан кўпайиб кетиши ахборот-таҳлилий маълумотномани тайёрлаётган субъектда маълумот юки ортиб кетиши, натижада эса таҳлилий ҳужжатнинг самарадорлигига таъсир кўрсатиши мумкин.

Ахборот-таҳлилий маълумотномани тайёрлаш жараёнидаги асосий қоидалардан яна бири унда омма учун тақдим қилинадиган ва уни қайта текшириш имконияти юқори бўлган очиқ маълумотлардан фойдаланишдир. Тайёрланган таҳлилий ҳужжат бўйича депутатлар ва сенаторларда саволлар туғилганда, субъект ўз ишида фойдаланган маълумотларни (мисол учун, рақамларни) асослаб беришга тайёр бўлиши керак. Шунинг учун ахборот-таҳлилий маълумотномаларда ҳавола (сноска) апаратига қатъий талаб қўйилади. Шундай ҳолатлар бўладиги, таҳлилий ҳужжатда максимал даражада катта ҳажмдаги маълумотлар қўлланилиши сабабли ҳаволалар “ортиқча” маълумот ҳисобланиб, ҳужжатда

кўрсатилмайди. Бу эса ахборот-таҳлилий маълумотномада келтирилган фактларнинг ишончлилигига шубҳа уйғотади. Шу боис таҳлилий ҳужжат тайёрланаётганда, ундаги маълумотлар қисқа ва аниқ ёритилиши, белгиланган йўналиш доирасидан четга чиқмаслиги лозим. Чунки депутат ва сенаторлар фаолиятида иш ҳажмининг кўплиги сабабли уларда доимий вақт етишмовчилиги юзага келади. Шу сабабли уларга йўлланиладиган ахборот-таҳлилий маълумотномалар, қоида тариқасида, 2-3 бет бўлиши ва масала бўйича таҳлил қисқа сатрларда ҳар томонлама ёритилиши лозим. Бунда улар бир кўришда ҳужжатнинг мақсади, таъсир қилиш доираси ва кутиладиган натижаларни тушуниб олиши керак.

Агар ахборот-таҳлилий маълумотномалар қисқа ва тушунарли бўлмаганлиги сабабли депутат ва сенаторлар уларни ўқимаса, ҳужжат устида ишланган вақт беҳуда кетиб, иш самарадорлигига эришилмайди. Айнан қисқалик, ҳар томонлама ёритилганлик ва баён қилиш шаклига кўра ахборот-таҳлилий маълумотномалар илмий ишлардан фарқ қилади. Шунинг учун улар содда ва тушунарли адабий тилда ёзилиши лозим. Кўп ҳолларда ортиқча вақт сарфланиши ва катта ҳажмдаги маълумотлардан тийилиш мақсадида таҳлилий ҳужжатлар ўзида фақат тадқиқотларнинг хулосаларини акс эттиради ва шу сабабли “истеъмолчи”га ахборот-таҳлилий ишнинг яхлит алгоритми кўрсатилмайди. Илмий асосланишни сақлаб қолган ҳолда, таҳлилий ҳужжатнинг тушунарлилиги ва қисқалигига фақатгина уни тайёрлаётган субъект ўз олдида қўйилган мақсадни тўлиқ тушунсагина эришиш мумкин. Айнан вазифанинг мақсади таҳлилий ҳужжатнинг бажарилиш муддати, кўлами, баён қилиш шакли ва ёндашув усуллари аниқлаб беради. Бизнинг фикримизга кўра, ахборот-таҳлилий ҳужжатларнинг мақсади қуйидагилар ҳисобланади:

Олий Мажлис палаталари аъзоларини қонунчиликдаги муаммолар билан таъништириш (мисол учун, Қонунчилик муаммолари бўйича обзорлар, қонун ижодкорлиги ва парламент назорати фаолияти, мавзуга оид конференциялар бўйича таҳлилий материаллар орқали);

парламентда овоз бериш жараёнида муайян масалада қарорлар қабул қилишни ахборот-таҳлилий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш (қонун лойиҳалари ёки парламент назорати натижалари бўйича таҳлилий маълумотномалар);

Олий Мажлис палаталарининг қонун ижодкорлиги ва парламент назорати фаолиятининг аниқ йўналишларини белгилашда таҳлилий жиҳатдан иштирок этиши (Олий Мажлис палаталари, фракциялар ва қўмиталарнинг раҳбарияти учун ахборот-таҳлилий маълумотномалар ва ахборот хатларини киритиш орқали).

Максимал даражадаги аниқлиликлари фақатгина таҳлилий ҳужжатнинг матнида аниқ тушунчалардан фойдаланиш орқали эришилиши мумкин. Шунинг учун ишнинг бошида таҳлилий ҳужжатда фойдаланиладиган ҳар бир тушунчанинг аниқ моҳиятини англаб олиш зарур. Аниқ тушунчалар таҳлилчининг аниқ фикрлашига йўл очади, қўйилган вазифага эришиш учун фикрни жамлашга ундайди, икки хил маънода тушуниладиган масалаларда хато қилишдан сақлайди. Мисол учун, “яқин келажақ”, “тез орада” деган тушунчалар депутат ва сенаторлар томонидан турлича талқин қилиниши, натижада мутлақо турли хулосалар қилиниши учун мантиқий асос бўлиши мумкин.

Олий Мажлисининг ахборот-таҳлилий тузилмаси бўлмиш Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг асосий мақсади қонун лойиҳалари бўйича илмий экспертиза ўтказиш эмас, балки улар қабул қилинишининг ижтимоий шароитлари ва оқибатларини таҳлил қилиб беришдир. Шунинг учун ах-

борот-таҳлилий материаллар ижтимоий воқеликнинг сабабий боғланишлари ва қабул қилинаётган қонун лойиҳаларининг таҳлилининг ўзида акс эттиради. Муайян воқеликнинг у ёки бу сабабларини кўрсата туриб, кўриб чиқиш учун парламентга киритилган қонунга оид муайян қарорнинг қабул қилинишига таъсир ўтказиш мумкин. Шу сабабли парламент аъзолари томонидан ахборот-таҳлилий маълумотлар синчковлик билан ўқирилиши керак.

Мисол учун, қонунлар узоқ вақтга мўлжалланган қоидалар йиғиндисини ўзида акс этса, уларни қабул қилишга ундаган таҳлилий ҳужжатлар муайян ижтимоий муносабатда ривожланиш тенденцияларини аниқлашга асосланган прогнозларни ёритади. Таҳлил қилувчилар кўриб чиқилаётган воқеликнинг характери, йўналишлари, барқарорлиги ва ривожланиш суръатини аниқлаб олиши лозим. Фақатгина шу параметрларни аниқлаб олгандан сўнг ижтимоий воқеликнинг келажаги, қабул қилинаётган қонуннинг самарадорлиги ва давомийлигини прогноз қилиш мумкин.

Ахборот-таҳлилий ҳужжатлар бўйича ишнинг якуни бу хулосадир. Хулоса ахборот-таҳлилий материалга якуний тугалланганлик берилишини таъминлайди. Хулосаларнинг моҳияти ёрдамида таҳлилий ҳужжатнинг қиймати ва самараси аниқланади. Айнан хулосаларнинг мавжудлиги таҳлилий материални ахборот хатидан фарқлайди. Баъзида катта ҳажмдаги ва кенг қамровли маълумотларга уларда якуний хулосалар мавжуд бўлмагани сабабли талаб юқори бўлмайди. Таҳлилчи ўз хулосасида қўлланилаётган маълумотнинг ишончлиликлари даражасини баҳолаши ва кутилаётган воқеалар ривожини аниқлаши лозим. Якуний хулосаларда тадқиқотнинг энг муҳим жиҳатлари қисқа ва аниқ баён қилиниши, лекин бунда баённинг қисқалиги масала юзасидан нотўғри тасаввур уйғотиши керак эмас.

Хулосанинг тузилиши, ўз навбатида, субъектдан профессионалликни талаб этади.

Хулосалар

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, Олий Мажлис палаталари фаолияти учун ахборот-таҳлилий ҳужжатларни тайёрлаш қуйидаги босқичларда амалга оширилади:

таҳлилий ҳужжатда ёритиладиган масала бўйича вазифани тўғри аниқлаб олиш (топшириқ олиш);

таҳлилий ҳужжатда кўтарилаётган масала (муаммо) билан танишиб чиқиш (масала тарихи);

таҳлилий ҳужжатда қўлланиладиган тушунча ва атамаларни аниқлаштириш (маълумотларни таснифлаш ва тизимлаштириш);

зарур маълумотларни йиғиш (шахсий маълумотлар базаси);

таҳлил учун зарур бўлган иккиламчи ахборотни излаш, саралаш ва қайта текшириш (қўшимча маълумотларни излаш);

йиғилган маълумотларни таҳлил қилиш (гипотезаларни шакллантириш, сабабий боғланишларни ўрганиш, тенденция ва прогнозларни аниқлаш);

таҳлилнинг асосий мазмунини баён қилиш (матн устида ишлаш);

якуний хулосаларни шакллантириш (таҳлилий ишни якунлаш);

таҳлилий ҳужжат матнини (таҳлил қилувчининг) раҳбарият билан келишиш (қўшимча таҳрир қилиш);

ҳужжатни расмийлаштириш ва уни тегишли манзилга йўллаш (вазифани бажариш).

Биз илгари сурган мазкур тузилиш шартли характерга эга. Чунки юқорида санаб ўтилган босқичлар ҳар доим ҳам бундай қатъий кетма-кетликка эга бўлмайди. Лекин ахборот-таҳлилий марказларнинг ҳар бир ходими фаолиятида мазкур қатъий кетма-кетликка амал қилиниши тайёрланаётган таҳлилий ҳужжатнинг сифатига ижобий таъсир ўтказмай қолмайди. Ахборот-таҳлилий ҳужжатларни тайёрлаш технологияси қонун ижодкорлиги ва парламент фаолияти бўйича новаторлик ғояларини илгари сурмаслиги мумкин. Лекин у парламент фаолиятида “ақл марказлари”нинг таҳлилий фаолияти самардорлигини жонлантириш учун имкон яратади.

REFERENCES

1. Parlament faoliyatini ilmiy va axborot-tahliliy ta'minlashning dolzarb masalalari [Current issues of scientific and information-analytical support of parliamentary activities]. Responsible editor F. Otaxonov. Baktaria press, 2021.
2. Nazimov M.K., Saydullaev Sh.A. Qonunchilik texnikasi. Qo'llanma [Legislative technique. Study guide]. Tashkent, Tashkent State Law Institute, 2008, pp. 87, 89.
3. Gerasimenko N.A. Antikrizisnoe upravlenie: informacionno-analiticheskie sistemy podderzhki prinjatija reshenij [Anti-crisis management: informational and analytical systems to support the adoption of solutions]. Problemy teorii i praktiki upravlenija – Problems of theory and practice of management, 2007.
4. Krivobokova A. Internet-biznes-analitika-informacionnaja tehnologija novogo veka [Internet-business-analytics-information technology of the new century]. Prognoz finansovyh riskov – Forecast of financial risks. Available at: <http://bre.ru/risk/11785.html/>.

5. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi [Address of the President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev to the Oliy Majlis]. 24.01.2020. Tashkent. Available at: <https://president.uz/uz/lists/view/3324/>.
6. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisi Qonunchilik palatasining birinchi yig'ilishidagi nutqi [Speech by President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev at the First Session of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis]. 20.01.2020. Tashkent. Available at: <https://president.uz/uz/lists/view/3303/>.
7. Kogalovskij M. R. i dr. Glossarij po informacionnomu obshhestvu. Pod obshh. red. Ju.E. Hohlova [Glossary of information society]. Institute of Development of Information Society, Moscow, 2009, 160 p.
8. Rustamov P.A. Nauchno-informacionnoe obespechenie zakonotvorcheskoj dejatel'nosti v Respublike Uzbekistan. Dissertacija kandidata jurid. nauk [Scientific and informational support of legislative activity in the Republic of Uzbekistan. Dissertation of the candidate jurid. sciences]. Tashkent, 2001, p. 96.
9. Informacija. Bol'shoj Jenciklopedicheskij slovar', 2000. 2-e izd., pererab. i dop. [Information. Big Encyclopedic Dictionary]. 2000. 2nd ed., Revised. and add. Great Russian Encyclopedia, Moscow, 2000, 1434 p.
10. Frantzich S.E. Computerized Information Technology in the U.S. House of Representatives. Legislative Studies Quarterly, vol. IV, no. 2, May, 1979, pp. 255-280.
11. Annual report Congressional Research Service Fiscal Year 2016. Washington, Library of Congress, 2017, p. 1. Available at: www.loc.gov/.
12. Loewenberg G., Patterson S.C. Comparing Legislatures, Boston, Little, Brown and Company, 1979.
13. Cabinet Legislation Bureau. Available at: www.clb.go.jp/.
14. Demidov A.A., Zaharov Ju.N. Informacionno-analiticheskie sistemy podderzhki prinjatija reshenij v organah gosudarstvennoj vlasti i mestnogo samoupravlenija osnovy proektirovanija i vnedrenija. Uchebnoe posobie [Information and analytical systems of decision-making support in state and local authorities. Basics of design and implementation. Tutorial]. St. Petersburg, 2012.
15. Golicyna O.L. Informacionnye tehnologii [Information Technology]. Moscow, Forum, 2015, p. 34.
16. Golenishhev Je.P., Klimenko I.V. Informacionnoe obespechenie sistem upravlenija [Information support of control systems]. Rostov-on-Don, Feniks, 2010, p. 27.
17. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik muammolari va parlament tadqiqotlari instituti hodimlari to'g'risidagi qonun hujjatlari [Page on the staff of the Institute of Legislative Problems and Parliamentary Research under the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan]. Available at: <https://lpri.uz/our-team/>.
18. O'zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Qonunchilik palatasining deputatlari to'g'risidagi qonun hujjatlari [Page on deputies of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan]. Available at: <https://parliament.gov.uz/uz/about/structure/-deputy/?abs=%D0%96/>.

YURISPRUDENSIYA

HUQUQIY ILMIY-AMALIY JURNALI

2021/4

ISSN 2181193



9 772181 193800

БОШ МУҲАРРИР:

Нодирбек Салаев

Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор

БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРИ:

Исломбек Рустамбеков

Ўқув ишлари бўйича проректор

Масъул муҳаррир: Х. Салоева

Муҳаррирлар: С. Абулқосимова, Ш. Жаҳонов,
Ф. Муҳаммадиева, Е. Ярмолик

Техник муҳаррирлар: У. Сапаев, Д. Ражапов

Таҳририят манзили:

100047. Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

Тел.: (0371) 233-66-36, 233-41-09.

Факс: (0371) 233-37-48.

Веб-сайт: www.tsul.uz

E-mail: lawjournal@tsul.uz

E-mail: iztdyu@mail.ru

Журнал 14.12.2021 йилда типографияга
топширилди. Қоғоз бичими: А4.
Шартли 14,88 б.т. Адади: 100. Буюртма: № 69.

ТДЮУ типографиясида чоп этилди.